

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

А. Қодиров, А. Турсунов, У. Турғунов

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

ТОШКЕНТ—1997

Иқтисодиёт назарияси: Ўқув қўлланмаси. А. Қодиров, А. Турсунов, У. Тургунов; Тошкент давлат техника университети. Тошкент, 1997.

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасвир этилган «Иқтисодиёт назарияси» фаши ўқув дастурига мувофиқ тайёрланган ўзбек тилидаги ўқув қўлланмасининг қайта ишланган экинчи нaшри бўлиб, унда иқтисодий ривожланишнинг умумий асослари, макрониктисодиёт, микроиктисодиёт ва жаҳон хўжалигини ривожланиши билан боғлиқ мавзулар содда ва раъон тилда баён этилиб, тизма ҳамда ҳарижий таъриба, шунингдек иқтисодиётимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқ ўзгаришлар мисолида ишлаб чиқилган.

Ушбу ўқув қўлланма олий ва ўрта махсус ўқув юрти талаба ва ўқитувчилари, шунингдек бизнес ва тadbirkорлик курслари тингловчиларига, «Иқтисодиёт назарияси»ни ўрганшга қизиқувчиларга мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир: Иқтисод фаълари доктори
проф. ҚОДИРОВ А. Қ.

Тақризчилар: Иқтисод фаълари доктори
профессор РЎЗИЕВ Ж. Т.
Иқтисод фаълари доктори
профессор ОҚНАЗАРОВ Ф. А.

К И Р И М

Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш асосида ривожлантириш иқтисодий билимларни ўрганишга янгича ёндошувларни талаб этади ва унинг аҳамиятини оширади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда иқтисодий таълим ва бозор иқтисодиёти асосларини ўрганишга жуда катта эътибор берилмоқда. Бунинг ёрқин далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида иқтисодий таълим ва бозор иқтисодиёти асослари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашининг ташкил этилишини кўрсатиб ўтиш kifоя.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимизни асосий таълимлари қаторида юқори малакали мутахассислари алоҳида аҳамият касб этади. Ўз навбатида талабаларни янгича иқтисодий фикрловчи, билимдон ва ишбилармон мутахассис бўлиб егишишларининг муҳим шарти бўлиб, барча иқтисодий фаолларнинг пойдевори — иқтисодиёт назариясини ҳозирги давр талаблари даражасида билиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқорида қайд қилинган вазифаларни ижобий ҳал этиш кўп жиҳатдан ушбу йўналишдаги адабиётларга боғлиқдир. Ушбу дарсликда «Иқтисодиёт назарияси» сиёсий мафкурадан ҳоли ҳолда баён қилиб беришга ҳаракат қилинди. Унда иқтисодий таълимнинг юзага келиши, ривожланиши, бозор хўжалигининг ҳаракат қилиш механизми, бозор шароитида давлатнинг иқтисодий ўрни ва бозорни тартибга солиш усуллари, корхоналарда хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, пул-кредит тизимининг ишлаши, иқтисодий ўсиш ва унинг омиллари, халқаро бозор ва молня тизимининг ҳаракат қилиш назарий жиҳатлари ва амалиётинга оид маълумотлар, жаҳон хўжалигининг иқтисодий йўналишлари, Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатлари назариялари тўғрисида фикрлар баён қилинган. Шунингдек, ўқув қўлланмада ёритилган ҳар қайси мавзуда Ўзбекистон иқтисодига оид материаллар ва маълумотлар берилган.

I бўлим. ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1-б 6. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲЛИЛ УСЛУБЛАРИ

1. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши

Иқтисодиёт фани энг қадимги фанлардан бири бўлиб, у инсоннинг, кишилиқ жамиятининг вужудга келиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Инсоният ўз ҳаётида кузатишлар олиб бориши натижасида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва у билан бевосита боғлиқ бўлган халқ фаровонлигининг ошиши, ҳали улар билиб улгурмаган иқтисодий тараққиёт қонунларига боғлиқлигини англаган. Бу эса уларни ушбу қонунларни ўрганишга ва жамият тараққиёти йўлида улардан фойдаланишга ҳаракат қилишларига сабаб бўлган.

Ушбу йўналишда биринчи қадамларни Қотон, Аристотель, Платон, Ксенофонт каби қадимги дунё олимлари қўйганлар. Улар биринчи бор иқтисодий тушунчаларни ўрганганлар ва улар ўртасида боғлиқлик мавжудлигини исботлашга ҳаракат қилганлар.

Аристотель қулдорларни ер-мулкларида хўжаликни ташкил этишни тавсиялаб биринчи марта «иқтисод» сўзини ишлатган. Бу сўз юнонча «ойкос» — уй, хўжалик, «номос» — ўрганиш, қонун сўзларидан олинган.

Аmmo шунга алоҳида эътибор бериш керакки, қадимги дунё олимлари, биринчидан, иқтисодий билимларнинг алоҳида элементларини ҳали бўлинмаган фан доирасида шакллантиришга ҳаракат қилганлар, иккинчидан эса, иқтисодиёт назариясини ўқитиш ва ўрганиш, синфларга, миллатга ва доимий манфаатларга хизмат қилишдан қатъий назар, у умуминсоний манфаатларга хизмат қилишини кўрсатганлар.

Ундан кейинги даврда, товар-пул муносабатларининг ривожланиши, бозор тизимининг шаклланиши, ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларни илмий таҳлил қилиш, умумлаштириш асосида уларнинг қонуниятларини очиш ва асослаш заруриятини тақозо эта бошлаган.

Иқтисодиёт фани мустақил илмий фан сифатида XVI—XVII асрларда шаклланган. Уша вақтда асосан савдо кенг ривожланган эди.

Ана шу даврда иқтисодиёт назарияси ривожланишининг биринчи назарий мактаби — «меркантилизм» вужудга келган. Фаранг Монкретъен, англизлардан У. Стаффорд, Т. Мен, А. Серра ушбу мактабга мансуб иқтисодчи олимлардир. Уларнинг илмий изланишларини муомала соҳаси, савдо капитали ташкил этган. Улар бойлиқнинг кўпайиш манбаини ташқи савдода кўрганлар. Шунинг учун уларнинг протекционизм сиёсатини илмий асослашлари тасодифий ҳол эмас эди.

✓ Ундан ташқари улар фаннинг номини «иқтисоддан» «сиёсий иқтисод»га ўзгартирганлар. Буни Антуан де Монкретъен 1615 йилда «Сиёсий иқтисоднинг трактади» асарида амалга оширган. Хўжалик ишларига давлатни фаол аралashi тарафдори бўлган меркантилистлар фаннинг асосий вазифасини давлат сиёсатини асослашда кўрганлар. Шунинг учун Монкретъен «иқтисод» сўзига «сиёсий» сўзини қўшган. Юнон тилида у «давлатни бошқариш санъати» деган маънони англатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, моддий неъматларни ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиш қонуниятларини ўрганиш иқтисодий назарияни ўрганиш объектига айланган даврдан бошлаб ҳақиқий илмий таснифга эга бўлган. Биринчи марта буни физиократлар (юнонча сўздан олинган бўлиб табиат ҳукмронлиги маъносини англатади), хусусан Ф. Кэне (1694—1774), А. Гюрго (1727—1781) ва У. Петти (1623—1687) каби иқтисодчи олимлар амалга оширишга ҳаракат қилганлар.

Улар биринчи марта иқтисодий тизимнинг элементларини, яъни товар, пул, иш ҳақи, фойда, яхлит такрор ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш орқали, иқтисодий тараққиёт қонуниятларини тадқиқ қилишга уринганлар. Хусусан, Ф. Кэне биринчи марта такрор ишлаб чиқариш схемасини ишлаган, бу борадаги унинг фикрларидан В. Леонтьев (АҚШ иқтисодчиси, Нобель мукофотининг совриндори) ўзи яратган тармоқоро балансида фойдаланган.

Иқтисодиёт назариясини шакллантиришдаги яна бир мактаб — классик сиёсий иқтисоддир. Ушбу мактабнинг бош ютуғи — меҳнат қиймат назариясига асос солинишида бўлган. А. Смит (1723—1790), Д. Рикардо (1772—1823) товарнинг қийматини ишлаб чиқаришга сарф этилган меҳнат сарфлари билан ўлчанишини асослади, ундан ташқари биринчи марта ижтимоий хўжалиқнинг мураккаб тизими сифатида бозорнинг ролни очиб берди.

У бозорга образли қилиб «ҳамма иқтисодий агентларнинг ҳаракатини «кўзга кўринмас қўл» бошқариб туради» деб таъкидлаган. Унинг фикрича бозор муносабатларини ҳар бир агент мустақил иш тутиб ўз манфаатини рўёбга чиқара бориб, пировард натижада «кўзга кўринмас қўл» воситасида, ўзи кўзламаган ҳол-

да мақсад сари йўналтиради. У ўз манфаатларини кўзлаб кўпинча жамият манфаатларига ўзи онгли тарзда интилганига нисбатан анча кўпроқ самарали тарзда хизмат қилади¹.

Шундай қилиб, А. Смитнинг фикрича, миллат бойлиги ортининг асосий шarti — инсонга иқтисодий фаолиятида мустақиллик беришдан иборатдир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида иқтисодий назария фанининг ривожланишига сезиларли даражада ҳисса қўшган иқтисодчи олим К. Марксдир. У яратган назария асосини меҳнат қиймат назарияси ташкил этган. У ўзи асарларида иқтисодий фанининг принципал муаммоларига — хусусан — фанининг мавзуси, капитализмнинг ишлаб чиқариш муносабатлари тизими, бир формациядан иккинчисига ўтиш каби муаммоларига оригинал таъкид берган. Шунинг учун ҳозирда иқтисодиёт дарсликларига Маркснинг иқтисодий таълимотига махсус бўлим ёки боб ажратилиши тасодифий ҳол эмас².

Иқтисод фанининг тарғиботчиси, швед иқтисодчиси К. Эклунд «марксистик таълимот турли авлод ҳамма мутахассислари учун пайҳом манбаи ва йўл кўрсатувчи сифатида катта аҳамиятга эгадир»³, деб таъкидлайди.

Шунга алоҳида эътибор бериш жонзки, марксистик таълимотнинг асосини иқтисодий жараёнларни тадқиқ этишга объектив (инсон продаси ва онгига боғлиқ бўлмаган) ёндашув ташкил этади. Кўп йиллар давомида совет иқтисодий фанида фақат у ҳақиқий илмий деб ҳисобланиб келинган.

Аммо иқтисодий ҳаёт объектив шароитлари ва субъектив интилишлар уйғунлигидан иборатдир. Иқтисодиёт назарияси объектив ва субъектив ёндашувни худди шу йўсинда ўрганиши зарур: У субъектив омилларни, хусусан манфаатларни, психологияни, инсонларни кутишини ва бошқаларни инкор этишга ҳақли эмас, иккинчи тарафдан уларни эътиборга олмай туриб давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш борасидаги ўрнини, тадбиркорлик фаолиятининг мақсади ва ўзига хос тарафларини, бозорни ҳаракат қилиш механизмини тушуниб бўлмайди.

Иқтисодиётда субъектив омилнинг қанчалик муҳимлигини тушуниш иқтисодиёт назариясини йўналиши — маржинализм (чекланган таҳлил) билан боғлиқдир. Улар индивидни иқтисодий ҳулқнинг субъектив тарафини ўз тадқиқотларини асоси қилиб олганлар. Бундан ташқари иқтисодий таҳлилда оғирлик нуқтаси ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва сарфларидан пировард натижа-

¹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М., 1962, 332 бет.

² Самуэлсон П. Экономика. М., 1992, 714—718 бет.

³ Эклунд К. Эффективная экономика — шведская модель. М., 1991, 86—87 бет.

ларга ўтказилди, фанга чегаравийлик қондаси киритилди ва у математик таҳлил усулларидан кенг фойдаланишга имкон берди. Ушбу йўналишда иқтисодий фанда бир қатор мактаблар шаклланди, уларни бир қисми ҳозирда эътироф этилиб тан олинган. Жумладан, австрия мактаби намоёндалари К. Менгер (1888—1926), Э. Бем—Беварклардир (1851—1914). Ушбу мактаб ўзининг неъматларини чегаравий фойдалилиги назарияси билан таниқлидир. Унга мувофиқ неъматларнинг қиммати унинг чегараланганлиги ва ноёблиги билан аниқланади.

АҚШда Дж. Кларк (1847—1938) ишлаб чиқариш омиллари-нинг унумдорлиги камайиши ва чегаравий унумдорлик назария-сини яратди. Унга мувофиқ, ишлаб чиқариш омиллари-нинг кет-ма-кетлик билан кўпайтириш унинг унумдорлигини камайтиради.

Шу даврда инглиз иқтисодий фанида А. Маршалл (1842—1924) томонидан асос солинган кембридж мактабини алоҳида кўрсатиш мумкин. У меҳнат, қиймат, чегаравий фойдалилик ва чегаравий унумдорлик назарияларини қўшишга ҳаракат қилган. Бунинг натижасида эса талаб ва таклиф назарияси яратилди. Бу борада А. Маршалл ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва пировард фойдалилик шубҳасиз битта умумий бўлган талаб ва таклиф қо-нунини таркибий қисмларидир»⁴, деган фикрни билдиради.

XX асрнинг 30-йилларида иқтисодиёт фани назарияси ўзининг ривожига янги босқичга ўтди. Унинг пойдеворида инглиз иқти-содчиси М. Кейнс (1883—1946) асос солди. У тартибга солинув-чи капитализм назариясини асослаб берди ва бу йўналишда бир қатор амалий тадбирларни ишлаб чиқдики, улардан АҚШ пре-зиденти Ф. Рузвельт ўз вақтида фойдаланган. Кейнс даромад, инвестиция ва истеъмол функцияларининг динамикаси ҳамда мультипликацион самара тўғрисидаги ҳоjarларни ривожлантирди.

Иқтисодий ўсишнинг кейнсча модели Р. Харрод, А. Хансен ва бошқалар томонидан ривожлантирилди.

— Аеримизнинг 60-йилларидан бошлаб, — иқтисодий кейнсча бошқариш йўриқлари ўзгарган шароитларга бир мунча мос кел-май қолади ва бунинг натижасида маржинализмда, иқтисодий муаммоларни таҳлилига янги ёндашувлар вужудга келади, яъни П. Самуэльсон (тутилган йили 1915), Дж. Хикс (1904 й.) томо-нидан яратилган неоклассик синтез назарияси яратилди. Унинг моҳияти шундан иборатки, иқтисодиётнинг ҳолатига қараб, ё дав-лат томонидан тартибга солишни кейнсча йўриқларидан ёки бо-зор механизмнинг ўзини ҳаракат қилишига имкон бериш так-лиф этилади.

Неоклассик синтез мактабини ўзига хос тарафи — иқтисодий ўсиш муаммолари бўйича бир қатор ишларни яратиши, матема-

⁴ Маршалл А. Принципы политической экономии. Том 3. М., 1984, 226 б.

тик тадқиқот усуллари ишлаб чиқиши, солиқ назарияси ва амалиётини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш асосида тадқиқот мавзусини кенгайтиришидадир.

70-йилларда иқтисодий аҳволнинг ўзгариши, яъни ишлаб чиқаришнинг умумий таназзули шароитида бир вақтнинг ўзида ишсизлик ва инфляция даражасининг ўсиши иқтисодиётни тартибга солишнинг янги йўриқларини излашга сабаб бўлди. Ушбу шароитда иқтисодиёт назариясида янги оқим — неолиберализм шаклланади. Ушбу назария тарафдорлари иқтисодиётга давлатнинг аралашувидан воз кечишни илгари сурдилар. Бунда улар биринчидан, бозор тизими иқтисодий ўсишга энг қулай шароит яратади, иккинчидан эса иқтисодий фаолият субъектларининг мустақиллиги устивор аҳамиятга эга деган фикрдан келиб чиқадилар.

Неолиберализмга одатда Чикаго (Милтон, Фридман), Лондон (Ф. Хейк), Фрайбур (В. Ойкен ва Л. Эрхард) мактаблари, шунингдек таклиф иқтисодиёти ва рационал кутиш назариялари тарафдорлари киритилади.

Ҳамма неолибералистлар ичида энг таниқлиси монетаристлардир. Уларнинг бош намоёндаси америкалик иқтисодчи М. Фридман иқтисодий эркинлик ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқди. Унинг фикрича, бозор тизимидан иқтисодий эркинликни ажратиб бўлмайди. Шунинг учун у буйруқбозлик тизимига нисбатан бозор тизими ҳаётга кўпроқ даражада мосланувчан деб ҳисоблайди.

Ҳозирги замон иқтисодиёт фанининг йирик намоёндаларидан бири бўлиб Гельбrait ҳисобланади. У иқтисодиётни тартибга солишнинг иқтисодий масалаларини сезиларли даражада тараққий эттирибгина қолмасдан, инсоният ривожланишининг улкан муаммолари масаласида ҳам аҳамиятга молик фикрларни илгари сурди.

Иқтисодий тафаккурнинг шаклланиш тарихи ана шундан иборат. Лекин, объектив иқтисодий жараёнларни ўрганиш жараёни давом этмоқда. Илмий концепциялар бир-бирини алмаштириб бормоқда. Ҳозирда замонавий ҳисобланган илмий қарашлар, 10—20 йилдан сўнг иқтисодий таҳлилнинг классификациясига айланади.

Юқорида қайд қилинганлар ғарб иқтисодий тафаккурининг шаклланиши ва тараққиётига тегишлидир. Шарқда эса иқтисодий тафаккурнинг шаклланиши «осиёча ишлаб чиқариш усули» таъсири остида шаклланган. Унинг бош, ўзига хос тарафи ижтимоий-иқтисодий ривожланишда давлатнинг ўзига хос ўрин эгаллашидадир. Агарда ғарб иқтисодчилари «иқтисодий инсонга» ўзларининг эътиборларини қаратган бўлсалар ва иқтисодий тизимнинг марказида инсон ўзининг хоҳиши ва эҳтиёжлари билан туриши

лозим, деб ҳисоблаган бўлсалар, шарқ олимлари эса давлат — инсон муносабатларини тадқиқ этишга устиворликни берганлар.

Марказий Осиёда IX—XI асрларда Ал-Фаробий (870—950), Ибн Сино (980—1037), Беруний (973—1050) каби энциклопедист олимлар машҳур бўлганлар. Фаробий моддий неъматларни ҳар бир инсоннинг аҳволи ва ишлаб чиқаришда қатнашганлик даражасига қараб адолатли тақсимланишини ёқлаб чиққан.

Беруний ишлаб чиқаришда ҳар хил меҳнат турларининг ролини тадқиқ этган. Олтин ва кумушни умумий эквивалент сифатида шаклланиш қонуниятларини илмий асослаган. XIV асрда Темур ва теурийлар даврида барча фанлар, хусусан иқтисодий тафаккур ҳам тараққий этган; бу жараён аввало, олим, адиб, давлат арбоби Алишер Навоий номи билан боғлиқ.

Алишер Навоий ўз асарларида меҳнатни жамият бойлигини манбаи сифатида таърифлаган, солиқларга ортиқча аҳамият беришга қарши чиққан, савдонинг ривожланиши, давлат молияси ва баҳоларни тартибга солиш тарафдори бўлган. Давлат арбоби сифатида Навоий меҳнатнинг ҳар бир турини келтирган фойдалийлиги билан боғлаб иш ҳақини тартибга солиш сиёсатини олиб борган. У иқтисодий ривожланишнинг ҳар қандай зиддиятини ҳукмдорлик қилаётган ҳукмдорнинг адолатли сиёсат олиб бориши билан ҳал этиш мумкин деб ҳисоблаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодиёт фанида, турфа мактаб, назариялар, йўналишларнинг кўплигига қарамасдан уларни инсонга иқтисодиётда ўз ўрнини топиш, иқтисодий фикрлаш тарзини таркиб топтириш мақсади бирлаштиради.

2. Иқтисодиёт назарияси мавзуси ва унинг асосий вазифалари

Иқтисодий фан тарихига ўзига хос саёҳат қилиб, унинг мактаблари ва йўналишлари билан танишганимиздан сўнг унинг мавзусига ёки нимани ўрганишига таъриф беришимиз мумкин. Аммо бу ишни қилишдан олдин қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим.

Биринчидан, иқтисодиёт — жамиятнинг ҳаёти учун зарур бўлган моддий неъматлар ва хизматлар билан таъминловчи хўжалик тармоқларининг йиғиндисидир. Ижтимоий меҳнат тақсимотиниң, яъни меҳнатни турларга бўлиниши натижасида у алоҳида тармоқлар (саноат, қишлоқ хўжалиги) тармоқларо комплекслар (машинасозлик, агросаноат ва бошқалар) ва инфраструктурага (транспорт, алоқа, сув билан таъминлаш тизими ва бошқалар) бўлиниб кетган.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг вужудга келиши ва ривожланиши инсонларнинг эҳтиёжлари билан боғлиқдир. Маълум эҳтиёжларнинг қондирилиши янада юқорироқ эҳтиёжларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Эҳтиёжларнинг ўсиши чексиздир. Шундай қилиб иқтисодиётни даврий ҳаракатида бир томондан, ишлаб чиқаришнинг эришган даражаси, иккинчи тарафдан миқдор ва сифат нуқтан-назаридан ўсган жамият эҳтиёжлари ўртасида зиддият юзага келади. Ушбу зиддият иқтисодиётни ривожланишнинг ўзига хос ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Агар биз тош даврини олиб инсонларнинг эҳтиёжлари ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасини олиб ҳозирда эҳтиёжларни ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасини солиштирсاق, юқорида айтилганларнинг қанчалик тўғри эканлигига амин бўлишимиз мумкин.

Учинчидан, жамият ҳаётида асосий соҳа иқтисодий соҳадир, чунки унинг ривожланиш даражасига инсон ҳаётининг бошқа соҳаларини мавжуд бўлиши ва ривожланиши боғлиқ бўлади.

Иқтисодий фаолият билан жамиятнинг оддий аъзолари эмас, балки иқтисодий агентлар, хусусан иқтисодиётни барча соҳаларида банд бўлган ходимлар, банкирлар, менеджерлар, акция ва облигация, ер участкалари эгалари, корхоналар - директорлари, тадбиркорлар ва бошқалар шуғулланадилар. Улар ҳар донм ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг уч муаммосини ҳал этишга ҳаракат қиладилар. Булар қуйидагилардир.

а) Нима ва қанча ишлаб чиқариш керак? б) Қандай ишлаб чиқариш керак? в) Ким учун ишлаб чиқариш керак?

Иқтисодий агентлар фаолиятларининг натижаси - неъматлардан, яъни товар ва хизматлардан иборатдир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ишлаб чиқариш ва у билан боғлиқ ҳаётнинг фаровонлик даражаси кўзга кўринмас, қандайдир ижтимоий омилларга, иқтисодий тараққиёт қонунларига бўйсинади. Турли-туман иқтисодий жараёнларнинг моҳиятини тадқиқ қиладиган, уларни ҳаракатга келтирувчи миқдорини аниқлашга қодир бўлган фан — иқтисодиёт назариясидир.

Иқтисодиёт назарияси фаннинг мавзуси тўғрисида гапирганда иқтисодий жараёнларни тадқиқ қилишга у ёки бу ёндашувга қараб унинг таърифи фарқ қилишига эътибор бериш керак.

Хусусан, К. Маркс нуқтан назаридан сиёсий иқтисод жамиятни ривожланишини ҳар хил босқичларида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида таркиб топадиган инсонлар ўртасидаги муносабатларни ўрганади.

Ғарбда кенг тарқалган «Экономикс» дарслигида у биринчидан, чекланган ресурслар дунёсида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида инсонларни ўзини тутишини тадқиқ этади, иккинчидан инсонни моддий эҳтиёжларини максимал қондириш мақсадида чекланган ресурслардан самарали фойдаланишни ўрганади, деб қайд

қилинган. Бизнинг фикримизча, иқтисодиёт назарияси инсонни чексиз эҳтиёжларини максимал қондириш учун, чекланган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш йўлларини танлаш шароитида кишилик жамиятининг ривожланиш қонун ва қонуниятларини ўрганеди. Шунингдек иқтисодиёт назарияси иқтисодий тизимларнинг эволюцияси, миллий бойлик ва жамият фаровонлигини ошириш манбалари ва ҳаракатга келтирувчи кучларини таҳлил этишни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Иқтисодиёт назарияси ҳар қандай бошқа фанлар сингари бир қатор вазифаларни бажаради. Иқтисодиёт назарияси иқтисодий воқеаларни ўрганиш натижасида жамият тараққиёт қонунларини очини, уларни амалий ҳаётга татбиқ қилиш ва уларни методологик нуқтан назардан амалга оширилишини таъминлаши зарур.

Демак, ҳар қандай фан каби, иқтисодиёт назарияси энг аввало билиш вазифасини бажаради. Зеро, иқтисодиёт назарияси рақам ва далилларни шунчаки оддий ва юзаки келтириш билан чегараланиб қолмай, уларни назарий ва илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб, жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини очиб беради.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишга бўлган эҳтиёж ҳамма мамлакатларда иқтисодий назариянинг амалий вазифасини жуда ҳам муҳим қилиб қўйди. Унинг моҳияти шундан иборатки, иқтисодий назария хўжалик юритишнинг энг қулай қондалари ва услубларини ишлаб чиқиши, давлатнинг иқтисодий сиёсатини илмий асослаб беришидадир. Ҳозирда олимлар жамиятнинг узоқ муддатли хўжалик юритиш сиёсатини, яъни, унинг иқтисодий стратегиясини аниқлашда бевосита қатнашмоқдалар.

Иқтисодий назария танқидий вазифасининг моҳияти ҳар хил ишлаб чиқариш усулларининг ютуқлари ва камчиликларини аниқлашдан иборат.

Иқтисодий назария бошқа конкрет иқтисодий фанлар учун методологик манба ҳисобланади. Буларга тармоқлар иқтисоди, фанлари (саноат иқтисоди, қурилиш иқтисоди) ва махсус иқтисодий фанлари (меҳнат иқтисоди, молия, статистика ва бошқалар) киреди.


1-расмда иқтисодий жараёнларни таҳлил этишнинг икки даражаси (яъни микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт) ўз аксини топган. Макроиқтисодиёт турли соҳалар, тармоқлар мажмуидан иборат яхлит иқтисодиётдир. Микроиқтисодиёт эса айрим корхона, хўжалик ёки оила доирасидаги иқтисодиётдир. Иқтисодий жараёнларни ана шу икки даражада ўрганиш мумкин. Ҳар хил иқтисодий муаммоларни макроиқтисодий даражада тадқиқ этиш қуйидаги катталикларни таҳлил қилишни ўз ичига қамраб олади: маҳсулотни умумий ҳажми, баҳоларнинг умумий ҳажми, ба-

ҳолларнинг умумий даражаси, даромаднинг умумий ҳажми, бандликнинг умумий даражаси ва бошқалар.

Микроиқтисодий даражадаги таҳлилда эса конкрет маҳсулотнинг баҳоси, корхона маҳсулотининг таннархи, корхона фойдаси каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

3. Иқтисодиёт назариясида қўлланиладиган тадқиқот услублари

Иқтисодий воқелик жуда катта миқдордаги фактлардан иборат; уларни ўрганишда, яъни тизимга келтириш тушунтириш ва умумлаштиришда у иқтисодиёт назарияси тадқиқот услублари мажмуидан фойдаланади.



1 — расм. Иқтисодий назарияси, иқтисодий воқелик, иқтисодий сиёсат ва бошқа иқтисодий фанлар ўртасидаги нисбат.

«Тадқиқот услублари мажмуи» деганда илмий билишни ташкил этиш қоидалари шакллари ва усуллари тушунилади. Иқтисодчилар ҳамма табиий ва ижтимоий фанларга умумий бўлган тадқиқот услубларини қўллайдилар. Аммо бу услубларнинг қай даражада қўлланилиши фанга, унинг мавзусига боғлиқ бўлади.

Маълумки ҳаётни илмий билиш уни тўғридан-тўғри сезиш, идрок қилишдан шуниси билан фарқ қиладики, у ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ этиш усулларида фойдаланган ҳолда жараёнларни чуқур ўрганади, уларнинг ўзаро боғлиқлигини очиқ беради ва иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатига келтирувчи кучлар ва уларнинг сабабларини аниқлаб беради. Шу билан бирга агар тадқиқотчи чуқур илмий билимларга эга бўлишни ҳоҳласа унда диалектик услубга асосланиши зарурдир.

Материалистик диалектика услуби, унинг амалий қондаси ҳаётнинг ички объектив диалектикасининг ривожланишини акс этти-

риш бўлиб, у миқдор ўзгаришининг жамланиб бориши, сифат ўзгаришларига олиб келадиган иқтисодий ҳаётдаги ҳодиса ва жараёнларни ўзаро бир-бирига боғлиқда узлуксиз ривожланишда ўрганишни талаб этади.

Илмий билишнинг шакл ва усулларига статистик кузатиш, олинган маълумотларни анализ ва синтез қилиш, индукция ва дедукция системали ёндошиш экспериментлар ўтказиш, мантиқий ва математик шаклларга моделлар яратиш кабилар киради.

Тадқиқот вақтида тез-тез қўлланиб турувчи услублардан бири — абстракция усулидир. Унинг моҳияти шундан иборатки, у кўпинча сохта тасаввур бериб юзага чиқувчи иқтисодий ҳодисаларнинг туб моҳияти ва йўналишини очиш учун турли-туман мураккаб ҳодисалар орасидан энг асосийсини соф ҳолда ажратиб олиб, илмий текширишни қийинлаштирувчи, иккинчи даражали ҳодисаларни йўқ деб фараз қилишдир. Илмий абстракция услуби ёрдамида иқтисодий ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниб олиш ва бу моҳиятни янада чуқурроқ ифода этувчи тушунча ва қонунларни шакллантириш мумкин.

Дедуктив усул гипотезани (фараз ёки таҳлил) илгари суриш, кейин уни фактлар билан солиштиришни, индуктив усул эса биринчи фактларни таҳлил этиш ва ундан сўнг унга асосланиб гипотезани илгари суришни назарда тутати.

Тарихий ва мантиқий усул ёрдамида иқтисодий ҳодисаларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, ўзгариши асосида текширишни назарда тутати. Анализ ва синтез усули энг умумий маънода, бутунни таркибий қисмларга фикран ёки амалий жиҳатдан ажратиш ва қисмлардан бутунни қайта бирлаштириш тушуннади.

Математик ва статистик усуллардан фойдаланиш иқтисодий ҳодисаларнинг миқдор жиҳатидан ўзгаришларни кўриш ва уни сифат ўзгаришларига айланиб ўтишни очиш имконини беради. Ана шу усуллар ёрдамида фақат иқтисодий жараёнларни тушунтиришдагина эмас, шу билан бирга иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳўш, иқтисодий жараёнлар қандай кетма-кетликда таҳлил қилинади ва унинг натижалари ҳаётда қандай ишлатилади (2-расм). Бошида иқтисодий муаммога тегишли фактлар тўпланади, (1-босқич) тўпланган фактлар эса ўрганилаётган иқтисодий муаммодан келиб чиққан ҳолда сараланади. сўнгга эса улар таҳлил қилинади ва хулоса чиқарилади. 3-босқичда чиқарилган хулосаларга асосланган ҳолда қонда ва қонунлар ишлаб чиқилади. Сўнг эса улар иқтисодий сиёсатни асослашга манба бўлиб хизмат қилади (4-босқич). Юқорида келтирилганлар фақат назарий мушоҳада эмас. Ўз вақтида Кейнс яратган назарияни АҚШ президенти Р. Рузвельт ўз иқтисодий сиёсатига асос қилиб олган эди. Моне-

таристлар томонидан асосланган иқтисодий қондалар «Рейган-ка» «течеризм» каби сиёсатларни асосини ташкил этган.

4. Иқтисодий қонунлар ва категориялар

Юқорида зикр этилган услублардан фойдаланиш иқтисодий тушунчалар — категорияларни аниқлашга имкон беради.

Иқтисодий категориялар — жамиятнинг иқтисодий ҳаёт шароитини умумлаштириб аке эттирувчи мантиқий, тушунчалар бўлиб, улар реал иқтисодий воқеанинг инъикоси ифодасидир. Назарий категориялар нзмий фикрлаш маҳсулидир. Масалан, кундаллик ҳаётда бозор деганда кўпчилик йнғилиб савдо қиладиган жой тушунилади. Иқтисодиёт назариясида эса бозор деганда жой эмас, пул ёрдамида айирбошлаш, яъни кишилар ўртасидаги олди-сотди муносабатлари англанади, тушунилади. Иқтисодий категориялар уч гуруҳга бўлинади:


1. Умумий иқтисодий категориялар — иқтисодий ҳаётнинг ҳамма босқичларига ҳос бўлган масалан ишлаб чиқариш, мулк, меҳнат жараёни иш вақти, меҳнат тақсимоти, эҳтисж каби тушунчалар.

2. Формацион махсус категориялар — иқтисодий тараққиётнинг муайян тарихий босқичига ҳос бўлган, масалан, эксплуатация, рента, ортқда аҳли қаншоқланиш монополия каби тушунчалар.

3. Даврий оралиқ категориялар — умум инсоний характердаги, лекин бир неча иқтисодий тизимлар шароитида амал қилувчи, узок тарихий даврда сақланувчи, масалан, товар пул, талаб, таклиф, маркстинг, парх, инфляция ва ҳоказо тушунчалар. Тадқиқ этишни чуқурлаштириш иқтисодий жараёнлар, иқтисодий қонунлар томонидан бошқарилишини англашга олиб келади.

Иқтисодий қонунлар — иқтисодий муносабатлар тизимидаги ишлаб чиқариш, тақсимот айирбошлаш ва истеъмол соҳаларида ўзаро ички боғлиқликда ва алоқадорликда юзага келиб турадиган узвий иқтисодий заруратни тақозо этувчи сабаб — оқибат, алоқа боғланишларидир. Иқтисодий қонунлар маълум иқтисодий жараён ва айрим ҳодисаларнинг муқарраллигини аке эттириб, объектив характерга эга, яъни одамларнинг ояги ва идорасига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракат қилдилар. лекин кишилик жамияти юзага келиши билан вужудга келганлар. Иқтисодий қонунлар уч гуруҳга бўлинади:

1. Умумиқтисодий қонунлар жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида иқтисодиётнинг аниқ иқтимоий шаклидан қатъий назар амал қилувчи қонунлардир. Булар жумласига меҳнат тақсимоти, жамғариш, меҳнат ушумдорлигининг ўсиб бориши, эҳтисж-



2 — расм. Иқтисодий жараёнларни ўрганиш ва уни натижаларини даёғдақўлланиши.

ларнинг юксалиши, меҳнат турларининг ўрин алмашинуви каби қонунлар киради.

2. Формацион махсус қонунлар фақат муайян ижтимоий-иқтисодий тизим доирасида амал қилувчи, шу тизимнинг ўзига хос хусусиятларини ифода этувчи қонунлардир. Масалан, феодализм ва капитализмга, шунингдек социализм деб аталган тузумга хос бўлган қонунлар.

3. Даврий оралиқ қонунлар иқтисодий муносабатларнинг, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг муайян даражасини вужудга келтирган хусусиятларини ифода этади ва бу хусусиятлар бир неча ишлаб чиқариш усулига хос бўлиб, уларни бирлаштириб боғлаб туради. Масалан: қиймат қонуни иқтисодий ўсиш ва бошқалар. Барча иқтисодий қонунлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ, бир-бирига таъсир этган ҳаракат бўлиб маълум ишлаб чиқариш муносабатларининг моҳиятини ва тараққиётини тўлароқ ифодалайди.

Категориялар ва қонунлар тизими иқтисодиётга хос бўлган барча, бир-бирини тақозо этувчи қонунлар ва категориялар мажмуасидир. Иқтисодий назария иқтисодий фаолиятни қаерда, қандай ижтимоий шаклда, қандай миқёсда ва қайси муддат билан юз беришидан қатъий назар, унга хос бўлган алоқа боланишларни ва қонун-қоидаларни ўрганadi.

Иқтисодий қонунларнинг моҳиятини тўғри тушуниш асосий макроиқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган, иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва асослашга имкон беради. Хуш. жамиятнинг ривожланиши ва тараққиётини таъминловчи вазифалар қайсилар?

Булар қуйидагилардан иборат:

1. Ишлаб чиқаришнинг даврийлигига сабаб вужудга келадиган кескин секинлашишларни олдини олиш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш.

2. Мўътадил инфляциянинг мавжудлигини назарда тутувчи баҳоларнинг барқарор даражасини таъминлаш.

3. Меҳнат қилишга лаёқатли ва меҳнат қилишни ҳоҳловчиларни барчасини ишлашини таъминловчи, юқори бандлик даражасига эришиш.

4. Иқтисодий самарадорликка, яъни энг кам ҳаражатлар билан энг кўп натижаларга эришишни таъминлаш.

5. Даромадларни адолатли тақсимлашга эришиш. Жамиятда бирор битта ижтимоий гуруҳ бошқаларининг ҳисобига даромад олмаслиги зарур; бундай ижтимоий барқарорликка жамиятда камбағал ва қашшоқлар йўқ бўлган тақдирдагина эришилади.

6. Юқорида қайд қилинган вазифаларни ҳал этилиши натижа-си ўлароқ — яшашнинг юқори даражасига эришиш.

2-б о б. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

1. Иқтисодий ривожланиш, унинг шарт-шароитлари ва зиддиятлари

Одамнинг яшамоғи учун зарур бўлган тирикчилик воситалари, хусусан озиқ-овқат кишим-кечак, уй-жой, ишлаб чиқариш воситалари бўлиши зарур. Улар табиатда истеъмол учун тайёр ҳолда бўлмаганлиги сабабли уларни одамлар ишлаб чиқариши лозим.

Демак, ишлаб чиқариш табиат буюмларини кишилар истеъмолини қондиришга мослаштириш жараёнидир. Масалан, инсонларни мебелдаги эҳтиёжларини қондириш учун инсон табиат буюми бўлмиш дарахтни кесади, ундан хом ашё сифатида фойдаланиб мебель тайёрлайди (ишлаб чиқаради).

Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, биринчидан ишлаб чиқариш жараёнида неъматлар яратишни мақсад қилиб меҳнат қилдилар; иккинчидан кишиларнинг меҳнат фаолияти яқка ажралган ҳолда эмас, балки биргалликда, ҳамкорликда юз беради.

Одамлар меҳнат фаолиятлари доирасини доимо кенгайтириб, ишлаб чиқариш жараёнини тўхтовсиз мукамаллаштириб борадилар. Нима учун? Чунки иқтисодий ривожланишнинг ҳамма муаммолари эҳтиёжларни қондириш учун ресурсларни сарф қилиши билан боғлиқдир. Бу муаммоларни ҳал этиш исботга муҳтож бўлмаган икки иқтисодий аксиомага асосланади:

1. Жамият эҳтиёжларининг чексизлиги.

2. Товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга зарур жамият ресурсларининг чекланганлиги.)

Амалиётда бу зиддият танлаш орқали ҳал этилади. «Моддий эҳтиёжлар» деганда истеъмолчиларнинг товар ва хизматларни сотиб олиш улардан фойдаланиш ҳоҳиши тушунилади. ~~Моддий эҳтиёжларнинг инсон эҳтиёжлари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига бўлса бўлади. Инсон эҳтиёжлари истеъмол буюмлари ва хизматларда қондирилади. Ишлаб чиқариш эҳтиёжи эса меҳнат қуроллари ва хом ашёда қондирилади.~~

Эҳтиёжларни қондирувчи воситалар «неъматлар» дейилади. Иқтисодиёт фанини ҳар қандай неъматлар эмас, балки энг аввало иқтисодий деб аталган неъматлар қизиқтиради: уларнинг миқдори эса эҳтиёжларга нисбатан чеклангандир. Ноиқтисодий неъматга дарёнинг сувини нисол қилиб кўрсатиш мумкин. Агарда бу сув тозаланиб инсонлар ундан фойдалансалар у иқтисодий неъматларни яратиш учун зарур ресурсдир.

«Иқтисодий ресурслар» деганда товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган табиий инсоний ва одамлар ишлаб

чиқарган ресурслар тушунилади. Унга ишлаб чиқариш иморатлари, асбоб-ускуналар, машиналар, ҳар хил турдаги меҳнат, ер ости қазилмалари ва ер киради.

Ресурсларнинг ҳаммасини икки турга бўлиш мумкин; чунончи:

1. Моддий ресурслар — ер, хом ашё материаллари, капитал;
2. Инсоний ресурслар — меҳнат ва тадбиркорлик лаёқати (қаранг 1-расм).


Иқтисодий нуқтаи-назардан ер тушунчасига ишлаб чиқариш жараёнида қўллаб бўладиган табиий ресурслар яъни экинладиган ерлар, ўрмонлар, минерал ва нефть қазиб олинadиган ерлар, сув ресурслари киради.

«Капитал ёки инвестицион ресурслар» деганда ишлаб чиқариш воситалари тушунилади (асбоб-ускуналар машиналар, транспорт ва бошқалар).

Инсонларни меҳнат қила олиш қобилияти «иш кучи» дейилади. «Тадбиркорлик лаёқати» деганда бошқа ресурсларни самарали ишлата олиш қобилиятига эга бўлган инсоний ресурс тушунилади. Ҳамма иқтисодий ресурслар ёки ишлаб чиқариш омиллари ноёб ва чекланган ҳажмда бўлади. Бу ноёблик нисбий характерга эгадир, яъни ресурсларлар мавжуд иқтисодий ривожланиш даражасида ҳамма эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган ҳажмдан кам бўлади ёки инсонларнинг жами моддий эҳтиёжлари ҳамма мавжуд ресурсларни ишлаб чиқариш имкониятларидан ошқидир. Шу сабаб абсолют мўл-кўлчиликка эришиб бўлмайди. Бизнинг эҳтиёжлар чексиз; ресурслар эса ноёб ва чегараланган бўлгани учун биз ҳамма эҳтиёжларни тўлиқ қондира олмаймиз.

Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, ресурсларнинг чекланганлиги, бундан келиб чиққан ҳолда истеъмол учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг чекланганлиги иқтисодиёт учун фундаментал аҳамиятга эгадир. Бу чекланганлик иқтисодий маънодадир. Атроф муҳитда, ер остида, жаҳон океанида, космосда чекланмаган ҳолда ресурслар мавжуд. Аммо, бизнинг илмий билимлар даражамиз, техника ва технологиянинг ривожланиши, ишлаб чиқариш унумдорлиги даражасига кўра, ҳар бир алоҳида даврда да биз реал чекланган ҳажмдаги ресурсларга эга бўламиз; бунинг натижасида эса чекланган миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Бундан эса самарадорлик муаммоси келиб чиқади.

Самарадорлик муаммоси иқтисодий назарияда асосий муаммо бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий назария жамиятнинг чекланмаган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари тадқиқ этади. Самарадорлик ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ресурслар миқдори бирлиги ва бу жараёндан олинadиган маҳсулот ҳажмини характерлайди, яъни «харажат ва ишлаб чиқариш» муаммо-



1 — расм. Иқтисодий ресурслар ва унинг тузилиши.

сини қамраб олади. Ҳаражатлар ўзгармаган ҳолда маҳсулот ҳажмининг ўсиши самарадорликнинг ўсишидан далолат беради ва аксинча.

Жамият чегараланган ресурслардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади, яъни чегараланган ресурслардан максимал товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Бунинг учун эса у тўлиқ ишлаб чиқариш ҳажми ва тўлиқ бандликни таъминламоғи зарурдир. «Тўлиқ бандлик» деганда ишлаб чиқариш учун яроқли бўлган барча ресурслардан фойдаланишни тушунамиз. Иқтисодийёт ишлашни ҳоҳловчи ва бунга қодирларни иш билан таъминлаши, экиладиган ҳамма ерлар ва ишлаб чиқариш воситаларини ишлатиши зарурдир.

«Ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажми» деганда ресурсларни самарали тақсимлаш тушунилади, яъни қўлланилаётган ресурслардан шундай фойдаланиш керакки, бунда маҳсулотнинг ҳажми ортиб боради. Ресурсларнинг чегараланганлиги жамият олдига иқтисодий нуқтани назардан энг мақбул миқдорда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш муаммосини кўндаланг қилиб қўяди. Жамият қайси маҳсулотларни қандай миқдорда ишлаб чиқариши, демак қайси тармоқлар қандай суръатларда ривожланиши зарурлигини аниқлаб олиши зарурдир.

Ўзла

Ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари

Ишлаб чиқариш жараёни энг аввало меҳнат жараёнидир. Одам меҳнат — бу инсонларнинг фойдали фаолияти бўлиб, у ўз эҳтиёжларини қондириш мақсаднда табиат неъматларига таъсир кўрсатиб ўз эҳтиёжига мувофиқлаштиради.

Бунда ушбу масалани қуйидаги икки жиҳатига эътибор бериш зарур.

а) одам онган равишда меҳнат қилади; ўзи учун зарур бўлган тирикчилик воситаларини ишлаб чиқаради ва такрор ишлаб чиқаради; унинг ҳайвонлардан фарқи ҳам ана шунда; у ўзи билан табиат ўртасидаги моддий алмашув воситасини тартибга солиб, назорат қилиб туради.

б) меҳнат жараёнида одам фақатгина табиатнинг ўзгаршига таъсир қилибгина қолмасдан ўзининг билим доirasини кенгайтиради, тажрибасини, малакасини оширади ва ўз ҳам ўзгариб боради, у инсон онгининг ўсиши ва тараққий қилишининг асосий омилли бўлиб майдонга чиқади.

Меҳнат жараёнида инсон ўз таъсирини ўтказадиган табиат парчалари меҳнат омиллари ҳисобланади. Масалан, мавзунинг бошида келтирилган мисолимизда дарахт меҳнат ашёсини ташкил этади.

Инсон меҳнатининг умумий ашёси табиат билан ер ҳисобланади. Кишилар ўзларига керак бўладиган ҳамма нарсаларни ана шуларнинг ичидан танлаб олади ва уларни хом ашё, ярим фабрикат сифатида қайта ишлаб фойдаланадилар.

Фан-техника инқилобининг тараққий этиши билан янги меҳнат ашёларини ҳосил қилиш имконияти яратилди; лекин шунда ҳам ер табиат кишилик жамиятнинг биринчи асоси бўлиб қолаверди. Демак, буюк иқтисодчи у. Петтининг «Меҳнат бойлигининг отаси ва фаол принциpidир, ер эса унинг онаси»⁵ деган ибораси ўз қийматини тўла сақлаб қолади.

Инсон ниманики ёрдамида меҳнат ашёсига ўз таъсирини ўтказса, шу нарсалар меҳнат воситалари ҳисобланади. Унга биринчи навбатда меҳнат қуруллари кирилади. Улар қуйидагилардан иборат: ҳар хил машина ва механизмлар, асбоб-ускуналар, қурилмалар ва ҳакозо.

Меҳнат қурулларининг такомиллашиб бориши, табиатга инсоннинг ҳокимлик даражасининг ўлчови ишлаб чиқариш тараққиётининг кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Анча кенг маънода меҳнат жараёнида тўғридан-тўғри иштирок этмасида, лекин ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш иншоотлари, турли ахборот воситалари, алоқа каналлари ҳам меҳнат воситалари ҳисобланади.

Меҳнат воситалари (MV) ва меҳнат ашёси (MA) биргаликда ишлаб чиқариш воситаларини (IV) ташкил этади.

$$IV = MV + MA$$

Демак, ишлаб чиқариш жараёнининг рўй бериши учун иш кучи ва ишлаб чиқариш воситалари бўлиши шарт. Шундан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришнинг омилари деганда: а) иш кучи; б) ишлаб чиқариш воситалари тушуниладп.

Ишлаб чиқариш жараёни амалга ошиши учун иш кучи билан ишлаб чиқариш воситалари қўшилиши, истеъмол қилиниши зарур.

Иш кучи ишлаб чиқаришнинг шахсий омили ҳисобланиб жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучи ва унинг асосий бирдан-бир яратувчи элементидир. Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришнинг моддий омилини ташкил этади.

Ишлаб чиқаришнинг иккала омили фан-техника инқилоби таъсири натижасида такомиллашиб боради. Ишлаб чиқариш воситалари ва инсон меҳнати бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади.

Иш кучи ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракатга келтиради; бунинг натижасида меҳнат жараёни рўй беради. Фақат инсонгина ишлаб чиқариш воситаларини яратади ва улардан фойдаланиши

⁵ Петти У. Экономические и статические работы. М., 1990, 55 бет

усулларини аниқлайди, худди ана шу жамият ишлаб чиқарувчи кучлари тизимида шахсий ва моддий омилларнинг ўзаро боғлиқда умумий йўналишини ташкил этади.

Шу билан бирга муайян даврда иш кучига эга бўлиши керак бўлган хусусиятлар қўлланилаётган ишлаб чиқариш воситалари ва ўзлаштирилган технологияларнинг ҳолати билан белгиланади. Мана шу ички зиддиятлар бирлиги орқали ишлаб чиқариш омилларининг бир-бирига мос келишининг моҳияти намоён бўлади. Ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро мос келиши табиатан турғун эмас, балки ўзгарувчандир.

Янги техника ва технология ҳеч қачон ўз-ўзидан дунёга келмайди, уларни одамлар ижод қилади. Бироқ, илғор меҳнат воситалари ва технологиялари ишлаб чиқаришда кенг тарқатилгандан, сўнг, ишчи кучининг умумий ҳолатини янги талаблар даражасига кўтариш керак бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, ишлаб чиқариш жараёни унинг омилларининг оддий йиғиндиси эмас, чунки улар ўзаро таъсир қилувчи мураккаб тизимни ҳосил қилади. Ҳар қандай бир бутун тизим эса, унинг элементларининг оддий йиғиндисидан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Ишлаб чиқаришнинг самарали бўлишига технология ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш таъсир этади.

Технология ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги ўзаро таъсирни ифода этган ҳолда, фан ютуқларига асосланиб меҳнат ашёларига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Инсонлар ашёларнинг илгари маълум бўлмаган хусусиятларини ўрганиб, прогрессивроқ бўлган технологияни жорий қилиш натижасида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш сирларини биллиб оладилар, бу эса иш кучига, ишчининг маънавиятини оширишга янгидан-янги талаблар қўяди. Ушбу жараён эса ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни доимо такомиллаштириб боришни тақозо этади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан унинг омиллари қиёфаси, феълли ва ўзаро таъсири ҳам ўзгариб боради.

Ҳозирги ишлаб чиқариш жараёнида энергия ва ахборотнинг аҳамияти ошиб боради. Шубҳасизки, қудратли энергия манбаларини ўзлаштирмасдан туриб иш куч, меҳнат буюмлари ва воситаларининг ўзаро таъсирини самарали бўлишига эришиш мумкин эмас. Ҳозирги ишлаб чиқаришни энергия билан таъминлаш биринчи даражали масаладир.

Фан-техника инқилоби ишлаб чиқариш жараёнининг зарурий омили сифатида ахборотни олдинга сурмоқда. Унинг маҳсулот сифатини яхшилаш, ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилишда роли беқиёсдир.

Моддий ишлаб чиқариш, моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилишлар, шунингдек, моддий хизмат

кўрсатувчи, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказишни таъминловчи транспорт ва савдони, коммунал хўжалик, маиший хизмат кўрсатиш, кийим-кечакни таъмирлаш қилиш ва тикиш, кир ювиш ва шунга ўхшаш тармоқ ва корхоналарни ўз ичига олади.

Номоддий ишлаб чиқариш тармоқларида алоҳида номоддий неъматлар, яъни маънавий қадриятлар, шунингдек номоддий хизматлар кўрсатилади. Булар: соғлиқни сақлаш, мазриф соҳасидаги хизматлар, илмий маслаҳатлар бериш ва шу кабилар.

3. Ижтимоий ишлаб чиқариш, унинг тузилиши

Агар биз инсон фаровонлигини кенг маънода олиб қарайдиган бўлсак, унда ҳаёт даражаси ва сифат тушунчаси инсоннинг ҳамма турдаги — моддий, маънавий, ижтимоий эҳтиёжларини ўз ичига олади. Шубҳасиз, биринчидан, одамларнинг моддий, яъни озиқ-овқат, кийим бош. турар жой ва бошқа неъматларга эҳтиёжлари қондирилиши зарур. Инсоннинг маданийлиги даражаси унинг билми олиш, санъат ва фан билан шуғулланиши ахлоқий такомиллаштириш моддий — эҳтиёжларининг қондирилиши даражасига боғлиқ бўлади. Биз биламизки, маҳсулот ёки барча неъматлар ишлаб чиқариш жараёнининг натижасидир. /

Ҳозирги вақтда маҳсулотнинг миллионлаб ва ўн миллионлаб турлари мавжуд ва бу турлар тез кўпайиб бормоқда. Бироқ турли-туман бўлишига қарамай, маҳсулотлар кишиларнинг қайси эҳтиёжларини: жамиятнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондирувчи — ишлаб чиқариш воситаларига бўлган ҳамда одамларнинг шахсий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи — истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжларнинг қондирилишига қараб икки турга бўлинади. Шунга мувофиқ, ишлаб чиқариш ҳам икки бўлинмага бўлинади:

1. Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш;

2. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш. Инсоннинг эҳтиёжлари қондириш учун маҳсулот ашёвий шаклга кириши, моддий неъмат бўлиши шарт эмас. Номоддий хусусиятга эга бўлган хизмат кўрсатиш ҳам истеъмол қийматидир. Бу таълим, медицина, маданий, маиший хизмат кўрсатишдир. Одамларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари илмий хизмат, ахборот, транспорт ва бошқа хизматлар билан қондирилади. Хизмат ҳажми ва сифат — жамият иқтисодий тараққиёт ва аҳволи турмуш даражасининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир.


Инсонларнинг эҳтиёжларини қондирувчи маҳсулотлар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари ва тармоқларида ишлаб чиқарилади. «Ижтимоий ишлаб чиқариш» деганда бутун жамият ёки макроиқтисодиёт миқёсида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёни тушунилади.

Хўш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тузилиши қандай? Ижтимоий ишлаб чиқариш иккита бир-бири билан боғлиқ соҳадан иборат.

Булар:

а) моддий ишлаб чиқариш

б) номоддий ишлаб чиқариш (2 расм)



2 — расм. Ижтимоий ишлаб чиқариш тушунчаси.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг амалга ошириши натижасида жами ижтимоий маҳсулот яратилади. Унинг таркибига иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида яратиладиган турли-туман моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар киради.


Хўш, яратилган неъматларнинг кейинги тақдири қандай? Инглиз классик иқтисодчилари ижтимоий бойликнинг ҳаракатини очганлар. Ушбу ҳаракат ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш, истеъмол кетма-кетлигида рўй беришини кўрсатганлар.

Ишлаб чиқариш маҳсулот юзага келадиган ва уни ҳаракатга келтирадиган бошланғич даврдир.

Ишлаб чиқариш жараёнида инсон ўз истеъмолини қондириш мақсадида табиат кучини ҳаракатга келтиради. Тақсимот вужудга келтирилган моддий неъматларда ҳар бир инсоннинг улушини аниқлайди. У аввало тақсимлашга мўлжалланган моддий неъматларнинг ҳажмига боғлиқ бўлади.

Тақсимлаш натижасида теккан маҳсулотни қўпинчалик шахсий истеъмолга сарф этиб бўлмайди, чунки инсонлар бошқа неъматларга муҳтож бўладилар. Унда айрибошлаш рўй беради.

Тақсимот — ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик феълига боғлиқ бўлади. Айрибошлаш жараёнида бир хил маҳсулотлар ик-



3 — расм. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тuzилиши.

X) Аҳолига ва ишлаб чиқариш соҳасига хизмат кўрсатувчи қисми.

кинчи хил маҳсулотларга айрибошланади. У бир томондан ишлаб чиқариш билан тақсимлаш, иккинчи томондан эса истеъмол ўртасидаги алоқани юзага келтиради. У тақсимлаш сингари ишлаб чиқаришнинг ўзида ҳам юзага келиб маҳсулот харакатида алоҳида мустақил вазифани ҳам ўтай олади.

Келинг, энди юқорида қайд қилинганларни ёки ижтимоий ишлаб чиқариш тушунчасини Ўзбекистон мисолида кўриб чиқишга харакат қилайлик.

Ўзбекистон республикаси ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тузилиши 3-расмда акс эттирилган.

Демак, ҳақиқатан иқтисодиёт шу икки соҳа ва уни ташкил этувчи тармоқдан иборат; бу эса ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувни натижасидир. Ўзбекистонда ҳар йили яратиладиган жами

1-жа д в а л

Халқ хўжалиги тармоқлари бўйича ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш тузилиши*. (1995 й.)

	Жамига Фоиъ ҳисобида	
	1995 йил	
Ялпи ички маҳсулот	100	
Тармоқларнинг қўшган қиймати	86,5	
Ундан:		
Саноат	16,4	
Қурилиш	7,8	
Қишлоқ хўжалиги	28,5	
Хизмат кўрсатиш соҳаси	33,8	
Ундан		
Савдо	5,6	
Транспорт ва алоқа	8,4	
бошқа тармоқлар	19,8	
Соф солиқлар, импорт солиғини қўшиб	13,5	

* Основные показатели социально-экономического развития Р. У. за 1995 г. Стат. сборник. Ташкент 1996 г.

ижтимоий маҳсулотда ҳар бир тармоқнинг ўз улуши бор. Хусусан, Ўзбекистонда 1995 йилда ялпи ички маҳсулотда тармоқ ва соҳаларнинг улуши 1-жадвалда кўрсатилган.

Ушбу жадвалга назар ташласак, 1995 йилда Ўзбекистон Республикасида яратилган ижтимоий маҳсулотда (100% саноатнинг улуши 16,4% қурилиш ва қишлоқ хўжалигининг улуши яратилган 7,8% ва 28,5% ташкил этган. Хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши эса 33,8% ни ташкил этган.

Ушбу саволни ўрганишда шунга алоҳида эътибор бериш керакки, моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши номоддий соҳа-

нинг тараққиёти учун замин яратади, бунда моддий ишлаб чиқаришдаги ходимлар ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўсишида асосий ўринни эгаллайди. Ҳозирда тараққий этган мамлакатларда ишлаб чиқариш унумдорлиги юқори бўлганлиги учун улар номоддий соҳани ривожлантириш имкониятларига эгадирлар. Шунинг учун ушбу мамлакатларда ижтимоий ишлаб чиқаришда ишлаган ходимларнинг 50—70% номоддий соҳада фаолият кўрсатадилар. Ҳозирда ижтимоий ишлаб чиқаришни икки соҳаси ўртасида ўзаро боғлиқлик ва таъсири кучайиб бормоқда. Номоддий неъматларни яратиш (айниқса янги илмий ва техник кашфиётлар, халқ таълими ва маданият) моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатмоқда.

4. Иқтисодий кўрсаткичлар

Бу масалани тушуниш учун фараз қиламизки, бир талабанинг бир йиллик фаолиятига баҳо беришимиз зарур бўлсин. Биз бирданга бу талаба фаолиятини ижобий ёки салбий дея олмаймиз. Чунки бундай дейишга асос зарур. Шунинг учун биз унинг фаолиятини кўрсаткичлар асосида: хусусан, дарсларга қатнашиши, фанларни ўзлаштириши, институт ижтимоий ҳаётида қатнашиши асосида баҳо берамиз.

Макродаражада ҳар бир мамлакат тўла бандлик ва тўла ишлаб чиқариш ҳажмига эришган шароитда иқтисодий ўсишга эришишни мақсад қилиб қўяди. Аммо бунга қай даражада эришганлигини аниқлаш учун маълум кўрсаткичларни аниқлаш, асослаш ва охирида ҳосиллаш зарур бўлади.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий кўрсаткич рўй бераётган иқтисодий жараёнларда мавжуд ўзгаришларни ўзида акс эттиради.

Иқтисодий кўрсаткичлар тизими эса бир-бири билан ўзаро боғланган яхлит тизим бўлиб, иқтисодий жараёнларни бир бутунлигича тавсифлади. Хўш иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш, таҳлил этишдан кўзланган мақсад ёки унинг аҳамияти нимадан иборат?

Иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш ва уни таҳлил этиш асосида мамлакат (алоҳида тармоқ, корхона) ўзининг иқтисодий ривожланишдаги аҳволига баҳо беради; натижада мамлакат (алоҳида тармоқ, корхона) иқтисодий ривожланишида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликларни аниқлашга ёрдам беради ва ўз навбатида мамлакатни истиқболини белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

2-жадвалда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими берилган. Бунда 1995 йилдаги кўрсаткичлар 1994 йилга солиштирилган. Агар биз

ушбу кўрсаткичларни таҳлил этадиган бўлсак ва ҳозир бозор ти-
зимига ўтиш даври эканлигини инобатга олсак, унда ижтимоий
ишлаб чиқаришда барқарорликка эришилганлиги ва буннинг нати-
жасида иқтисодий ўсишга замин яратилганлигини кўришимиз
мумкин.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи.
(жорий баҳоларда, млрд сўм)

	1995 й.	1995 й. 1994 й.га % ҳисобид
Иқтисодий индикаторлар		
Ялпи ички маҳсулот	298,5	99,8
Яратилган миллий даромад	247,2	98,4
Саноат маҳсулотининг ҳажми	238,1	100,2
Истеъмол буюмлари	77,4	101,5
Саноат корхоналарининг улгуржи баҳолари индекси	X	934,2
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	123,6	102,3
Молиялаштиришни ҳамма манбалари ҳисобидан капитал сарфлар	82,2	X
Жами экспорт (млн. АҚШ долл.)	3109,1	115,6
Жами импорт —"—	2822,7	110,9
Ижтимоий индикаторлар		
Аҳолининг пул даромадлари	145,6	326,6
Аҳолининг пул сарфлари ва жамғармалари	129,9	332,6
1 январга ишсизларнинг сони, минг киши	31,0	105,4
Шу жумладан расмий рўйхатга олинган ишсизлар минг киши.	25,4	116,5
Ҳаракатга киритилган уйлар, корхона ва ташкилотлар (ҳамма мулк шакллари) минг м ²	4932,8	92,4

*) Основные показатели социально-экономического развития РУ за 1995 г.
Стат. сборник, Ташкент 1996 г.

Иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилинаётган иқтисодиёт
даражасига қараб, икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Макронқтисодий кўрсаткичлар.
2. Микронқтисодий кўрсаткичлар.

Ҳар хил иқтисодий муаммоларни макронқтисодий даражада
тадқиқ этиш, ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, мил-

лий даромад, жами экспорт ва импорт, баҳоларнинг ўзгариши индекси, аҳолининг пул даромадлари, аҳолининг ўртача ойлик иш ҳақи ва бошқа кўрсаткичларни ҳисоблашни тақозо этади. Агар санаб ўтилган кўрсаткичларга эътибор берсангиз уларнинг ҳар бирини олдида «жамии», «ялпи», «миллий» каби сўзлар қўшилган. Бунда икки нарсага алоҳида эътибор бериш лозим:

— ушбу кўрсаткичларни микродаражада ҳам ҳисоблаш мумкин, аммо бу ҳолда юқорида қайд қилинган жамловчи сўзларнинг ўрнига корхона, фирма ёки ташкилот сўзи қўйилади, масалан корхонанинг ялпи (товар) маҳсулоти, фирманинг соф даромади, экспорти ва ҳ. к.

— макроиқтисодий кўрсаткичлар кўпинча микродаражадаги корхона кўрсаткичларни жамлаш орқали ҳисобланади. Иқтисодий кўрсаткичлар алоҳида ва умумлаштирувчи кўрсаткичларга бўлиниши мумкин. Хусусан ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш жараёнида ушбу икки турдаги кўрсаткичлар гуруҳидан фойдаланилади. Хусусий кўрсаткичлар алоҳида турдаги ресурсларни, хусусан — асосий фондлар (меҳнат қуроллари), хом ашё материаллар, иш кучидан фойдаланиш даражасини кўрсатади. Хусусан, асосий фондлардан фойдаланиш даражасини аниқлашда фонд самарадорлиги кўрсаткичидан фойдаланилади. У қуйидаги ифода орқали ҳисобланади.

$$F_s = \frac{M}{AF_Q}$$

Бунда: F_s — фонд самарадорлиги

M — ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми

AF_Q — асосий фондлар қиймати

Масалан, агар $M_x = 100$ минг сўм ва $AF_Q = 60$ минг сўм бўлса,

унда $F_s = \frac{100}{60} = 1,6$ сўмга тенг бўлади.

Демак корхонада мавжуд асосий фондларнинг 1 сўмига 1,6 сўм маҳсулот ишлаб чиқарилган. Хусусий кўрсаткичлардан яна бири иш кучидан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатувчи ишлаб чиқариш унумдорлиги кўрсаткичидир. У қуйидагича ҳисобланади:

$$M_v = \frac{M}{M_x};$$

Бунда M_v — ишлаб чиқариш унумдорлиги.

M — яратилган маҳсулот миқдори (сўм ёки натурал миқдор)

M_x — меҳнат харажатлари (кун ёки соат ёки ишчилар сони)

Масалан, корхона бир йилда яратган маҳсулотининг ҳажми 100 минг сўм, ушбу йилда 100 ходим ишлаган. Бунда ишлаб чиқариш унумдорлиги 1000 сўмга тенг бўлади. ($100000:100=1000$)

Маҳсулотнинг материал сифими, меҳнат ашёлари (ёқилғи, хом ашё, энергия ва ҳ. к.) сарфининг ҳиссасини характерлайди, яъни маҳсулот бирлиги ҳисобига кетган харажатларининг ёки фойдали самарасини фойдалайди:

$$M = \frac{M_x}{M}$$

Бу ерда: M_s — материал сифими
 M_x — моддий харажатлар
 M — маҳсулот

Юқорида санаб ўтилган кўрсаткичларни хусусий кўрсаткич дейиш мумкин. Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, умумий иқтисодий кўрсаткичлар жамланган кўринишда ишлаб чиқариш харажатлари ва ресурслардан фойдаланиш даражасини ҳисобга олади. Унга яъни миллий маҳсулот, яъни ички маҳсулот, миллий даромад, бир сўм маҳсулотларга сарфлар, рентабеллик кўрсаткичларининг мисол қилноб кўрсатиш мумкин.

Хусусан, рентабеллик ишлаб чиқаришнинг фойда олиш даражасини кўрсатади. Хўжалик амалиётида унинг икки кўриниши қўлланилади: а) фойданинг таннархга нисбати; б) фойданинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва айланма маблағларига нисбати. Рентабеллик кўрсаткичи фойда ҳисобланади. Масалан:

$$P' = \frac{20 \text{ минг сўм фойда}}{25 \text{ минг сўм таннарх}} \cdot 100 = 80\%$$

Бир сўм маҳсулотга сарфлар M харажатларининг қанчалик самарали эканлигини кўрсатади. У қуйидагича ҳисобланади:

$$MS_1 = \frac{M_x}{M}$$

Бу ерда: MS_1 — маҳсулот миқдори
 M_x — моддий харажатлар миқдори

Масалан: $M = 100$ минг сўм. $M_x = 80$ минг сўм. унда

$$MS = 0,75 \text{ сўм.}$$

Бунда ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулотга 0,75 сўм харажат қилинган. Бунда масалан икки жиҳатига алоҳида эътибор бериш лозимдир:

— юқорида қайд қилинган хусусий ва умумий иқтисодий кўрсаткичлар макро ва микро даражада ҳисобланади;

— хусусий кўрсаткичларнинг ўзгариши умумий кўрсаткичларга таъсир кўрсатади, яъни улар ўртасида боғлиқлик мавжуд; масалан, ишлаб чиқариш унумдорлиги ва фонд самарадорлигини ўсиши пировард натижада яъни миллий маҳсулотнинг кўпайишига ва аҳоли яшаш даражасининг ўсишига олиб келади.

5. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажмини ўлчаш

Микродаражада ишлаб чиқаришнинг натижаси маҳсулот ёки кўрсатилган хизматдир. Ижтимоий маҳсулотни халқ хўжалиги турли соҳалари ва тармоқлари корхоналари маҳсулотининг йиғиндиси сифатида таърифлаш мумкин. Лекин уларнинг иқтисодий фаолияти натижасини тўлиқ ақс эттирмайди. Чунки халқ хўжалигининг алоҳида бўғинларида айрим маҳсулотлар ёки ударнинг бир қисми хом ашё, материал сифатида бир неча тармоқ ва корхоналарда ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Шу сабабли бу ерда такрорий ҳисоблар вужудга келади. Уни элдини олиш мақсадида ялли миллий маҳсулот кўрсаткичи ҳисобланади.

Ҳозирги даврда ялли миллий маҳсулот кўрсаткичи бутун дунёда иқтисодий ўсишнинг асосий ўлчови сифатида қабул этилган. Шунга кўра Ўзбекистонда ялли миллий маҳсулот кўрсаткичинини ҳисоблаш 1988 йилдан бошлаб амалга ошириб келиняпти. Унғача пировард маҳсулот кўрсаткичи ҳисоблаб келинар эди. Пировард маҳсулот айрим жиҳатдан ялли миллий маҳсулотга тўри келади (4-расм).

Масалан пировард маҳсулот ижтимоий маҳсулотдан меҳнат предметларинини чегириб ташлаш йўли билан аниқланади. Ялли миллий маҳсулот ҳам корхона ва аҳоли даромадларидан иборат ва унға амортизация ажратмалари ҳам кирати. Шунингдек, халқ хўжалиги иқтисодий фаолиятининг натижаларинини аниқлашда соф миллий даромад кўрсаткичи ҳам ҳисобланади.

Миллий даромад кўрсаткичи ялли миллий маҳсулотдан истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг қийматига ёки амортизация ажратмаси қийматига фарқ қилади. Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда жами ижтимоий маҳсулот, ялли миллий маҳсулот, миллий даромад ўртасидаги боғлиқликни ва фарқларни қуйидагича ифодалаш мумкин.


$$\text{ЖИМ} = A + \text{ХМК} + \text{АД} + \text{КД}$$

$$\text{ЯММ} = A + \text{АД} + \text{КД}$$

$$\text{МД} = \text{АД} + \text{КД}$$

Демак, ялли миллий маҳсулот — бир йил мобайнида ишлаб чиқарилган пировард товарлар йиғиндисидан иборат. Бунда бир нарсага алоҳида эътибор берилш керакки, алоҳида корхонада яратилган маҳсулотнинг тузилиши ҳам 4-расмда ақс эттирилганидек тўрт қисмдан иборат. Ялли миллий маҳсулотни ҳисоблаганда икки марта ҳисоблашга йўл қўймаслик учун ЯММ га корхона томонидан яратилган пировард ёки қўшилган қиймат киритилиши зарур.

Пировард маҳсулот ёки қўшилган қиймат корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини бозор баҳосидан истеъмол қилинган хом ашё материаллар айирмасига тенг.



4 — расм. Жами ижтимоий маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромад кўрсаткичларининг тузилиши.

ЯММ ҳисобланганда молиявий битимларни чегириб ташлаш керак. Чунки уларнинг ҳаракати натижасида қиймат яратилмайди. Улар қуйидагилардан иборат: а) давлат бюджетидан трансфорт тўловлари (нафақа, ижтимоий суғурта тўловлари ва бошқалар); б) хусусий трансфорт тўловлари (хусусий кишилар юборган нафақа ва ёрдамлар) в) қимматбаҳо қоғозлар билан битимлар (акция бозорида битимлар, қоғоз активларини алмаштиришдан бошқа нарса эмас, лекин улар ишлаб чиқаришнинг ривожланишига билвосита таъсир этади). ЯММ ни қуйидаги икки йўл билан ҳисоблаш мумкин: а) бир йилда ишлаб чиқарилган ҳамма маҳсулот ҳажмини сотиб олишга қилинган харажатларни жамлаш; б) бир йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқаришдан олинган даромадларни қўшиш. Шунга эътибор бериш зарурки, пулни ишлатиш, яъни маҳсулот сотиб олиш ва пулни олиш, яъни маҳсулотни сотиш битта битимнинг икки тарафи ҳисобланади.

Ушбу йилда ҳосил қилинган нарсаларни харид қилиш харажатларининг ҳажми	=	Ушбу йил маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олинган пул даромади
--	---	---

Демак, ЯММ ни икки йўл билан ҳисоблаш мумкин экан, хусусан харажатлар ва даромадлар бўйича.

Харажатлар бўйича ЯММ қуйидагиларни жамлаш орқали ҳисобланади: шахсий истеъмол учун харажатлар, яъни аҳолини истеъмол буюмлари ва хизматларни сотиб олишга қилган харажатлари (I_x); корхоналар, (фирма) яъни инвестициялари, яъни, уларни машиналар, дастгоҳлар сотиб олишга, ҳамма қурилишга, заҳираларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган барча харажатлари (Y_n); давлат томонидан товар ва хизматларни хариди, яъни давлат ва унинг органлари томонидан корхоналар пировард маҳсулоти ва ишлаб чиқариш омиллари харид қилиш билан боғлиқ харажатлар (D_x); соф экспорт, яъни ушбу мамлакат товарлари ва хизматлари учун хорижий харажатларнинг ана шу мамлакат фуқаролари ва ташкилотлари чет эл товар ва хизматлари учун сарфланган харажатлардан ортиқча миқдори (C_o); Демак, харажатлар бўйича ҳисоблаганда ЯММ қийматини қуйидагича ифода-лаш мумкин:

$$YMM = I_x + Y_n + D_x + C_o$$

Даромадлар бўйича ЯММ ёлланма ишчиларнинг иш ҳақини, рента тўловларини, фонзни, даромад солиғини, дивидендлар, корпорацияларни тақсимланган фойдаларини ва даромадлар билан боғлиқ бўлмаган иккита тўлов турини истеъмол қилинган капиталга ажратмалари ҳамда корпорацияларни билвосита солиқлари миқ-

дорини жамлаш орқали ҳисобланади. Ёлланма ишчиларнинг «иш ҳақи» деганда давлат ва тадбиркорлар томонидан ишчиларга меҳнати эвазига тўлайдиган тўлов тушуннади. «Рента тўлови» деганда ижарачи ижарага берганлиги учун оладиган даромади тушунилади. «Фоииз» деганда пулни қарзга берганлиги учун оладиган даромад тушуннади. Дивиденд деганда акциядан олинган даромад тушуннади.

Фойда тушунчаси бир қатор турфа кўринишдаги даромадларни ўзида бирлаштиради. Булар нокооператив секторни даромади ва корпорациялар фойдаси. Корпорация фойдасининг бир қисмини давлат солиқ орқали ўзлаштиради. Фойдадан солиқ тўлагандан кейин қолган қисмидан акционерларга дивиденд тўланади. Дивидентлар тўлангандан кейин фойданинг қолган қисмига «корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси» дейилади.

Агар биз иқтисодиётдаги фойда ва ялпи даромадни аниқ ҳисобламоқчи бўлсак, унда тадбиркорлик секторининг ялпи даромадларда амортизацион ажратмаларни ҳисобга олиш зарурдир. Ушбу амортизацион ажратмалар аслида капитал истеъмоли учун ажратмалар бўлиб ушбу йилда ЯММ ишлаб чиқариш учун истеъмоли қилинган (меҳнат қуроли) сотиб олиш учун ажратмалардир. Унинг харажат сифатида аҳамияти тадбиркорлик секторининг даромадларини бир қисми ресурсларни етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиб бўлмаслиги билан белгиланади. Зеро амортизация ажратмалари шуни билдирадики, ЯММ нинг бир қисми келажакда ишлаб чиқаришда ишлатилган машина ва ускуналарнинг ўрнини қоплаш учун олиб қўйиши лозим. Агар олиб қўйилмаса, корхоналарнинг ишлаб чиқариш заҳиралари аҳволи келажакда талабга жавоб бермай қолади.

Билвосита солиқлар товарларнинг баҳосига устама қилиб белгиланади. Бу эса товарларнинг баҳосини оширади. Масалан, корхона бирон бир маҳсулот ишлаб чиқаради ва 200 сўмдан сотишни мўлжалланган. Аммо давлат маҳсулотларни чакана сотувчига 5% солиқ белгилайди. Унда чакана сотувчи 5% товарни баҳосига қўшиб юборди ва энди маҳсулот 200 эмас, балки 210 сўмдан сотилади. Бунда 10 сўм давлат бюджетига тушади.

Ривожланган мамлакатларда XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб статистикада ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи қўлланила бошланди. Ушбу кўрсаткич ёрдамида миллий иқтисодиётни ривожланиш қонуниятлари ва тенденциялари таҳлил этилади. Бошқа мамлакатлар иқтисодиётлар ривожланиши натижалари билан солиштирилади, иқтисодиётни ишлаб чиқариш структурасига баҳо берилди, иқтисодиётни қанчалик ташқи иқтисодий алоқаларга боғлиқ эканлиги аниқланади.

Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ялпи миллий маҳсулотдан мамлакатнинг ташқи кавитал сарфларидан олган фойда салдоси миқдорига фарқ қилади. Чунки ҳозирги шароитда ута йирик корпорацияларнинг фаолияти кенгайиб бормоқда. Ушбу фаолиятдан олинган фойда салдоси ЯММ миқдорини кўнайтириб юбориши мумкин.

Ўзбекистонда ҳам ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ҳисобланади. Хусусан, 1995 йили Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 298,5 миллиард сўмни ташкил этди.

Ҳар хил йиллардаги ЯММнинг нул бирлигининг қиймати ўзгармаган ҳолдагина таққосланиши мумкин. Бунда баҳолар даражаси индекс шаклида ифода этилади. Баҳо индекси шу даврга маълум товарлар ва хизматлар тўпламининг жами баҳоси билан, база йилдаги тозар ва хизматларини ҳудди шуандай ёки ўхшаш турмуш жами баҳоси ўртасидаги нисбат орқали ҳисобланади. Бошқача даража «база йили» деб ҳисобланади. Шу йил муш баҳолар индекси ҳар доим 100% тенг бўлади.

$$\text{Нархлар} = \frac{\text{Базор саватини бу йилги баҳо}}{\text{База йилдаги базор саватини баҳо}} \times 100$$

Масалан, 1990 йилда базор савати 76, 1982 йилда эса 64 га тенг бўлиб, $\frac{76}{64} \times 100 = 119\%$. Деҳқонлик 1990 йилда 1988 йилга баҳо даражаси 26% ошган бўлади.

Шунга қўшимча бермоқ зарурки, амалиётда номинал ва реал ялпи маҳсулот фидолигини, номинал ЯММ жорий баҳоларда ҳисобланган бўлади ва баҳо даражаси ўзгариш даражасига нисбат тўғрисидаги баҳо индекси реал ЯММ инфляцияни (аҳолининг ўзини) ёки дефляцияни ялпи баҳоларини ҳисоблашга қаратиб тўғрилانган бўлади, у қўйинча ифода орқали ҳисобланади:

$$\text{Реал ЯММ} = \frac{\text{Номинал ЯММ}}{\text{Баҳо индекси}}$$

Масалан, 1995 йилда мамлакатнинг ялпи миллий маҳсулот ҳажми 3516 млрд. сўмни ташкил этган. Энди 1995 йил кўрсаткичининг 1990 йил кўрсаткичи билан солиштириш зарур. Ушбу йилда номинал ЯММ 468 млрд сўмни ташкил этган ва шу йилга баҳолар даражаси индекс 30% ни ташкил этади. Бинобарин, 1995 йилда реал ялпи маҳсулотнинг ҳажми 117 млрд. сўмни ташкил этган.

Миллий даромад иқтисодий ривожланиш ва ҳаёт турмуш даражасини кўрсатувчи асосий мезонлардан биридир. Агарда биз ЯММ дан амортизация ажратмаларини чегирлаб ташласак, қолган қисми миллий даромадни ташкил этади (4-расм). Ашёвий шакл-

да миллий даромад истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун мўлжалланган ишлаб чиқариш воситаларидан биридир.

Узининг ҳаракатида миллий даромад ишлаб чиқариш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва фойдаланиш босқичларидан ўтади. Миллий даромад ишлаб чиқариш соҳасида яратилади. Унинг ўсишининг асосий омили ишлаб чиқариш унумдорлигини ўсиши ташкил этади. Миллий даромаднинг бирламчи тақсимланиши иш ҳақи, фойда, ер рентаси шаклида амалга оширилади. Миллий даромаднинг қайта тақсимланиши давлат бюджетни орқали амалга оширилади. Яъни олинган даромаддан ҳар бир иқтисодий агент солиқ тўлайди, у эса давлат бюджетининг таркиб топишини асоси бўлиб ҳисобланади.

«Миллий даромаднинг пировард ишлатилиши» деганда унинг бир қисми жамғарма фондига, иккинчи қисми эса истеъмол фондига бўлиниши тушунилади. Жамғарма фонди ишлаб чиқаришни янгилаш, такомиллаштиришга эҳтиёт фондларини шакллантиришга сарфланади. Албатта, жамғарма ва истеъмол фондлари ўртасида маълум даражада нисбат бўлиши кўрак. Бу нисбат аввало давлатнинг ташқи давлатлар билан муносабатларига қараб ҳамда вазиятга қараб белгиланган ички мақсадларни амалга оширишни назарга олиб аниқланади. Ҳеч қачон жамғарма ва истеъмол фондлари баробар нисбатда бўлмайди. Жамғариш фонди иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқаришни таъминлайди. Чунки аҳолининг ва улар истеъмол даражаларининг ўсиб бориши ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб боришини талаб этди. Лекин шу билан бирга истеъмол фонди ўсишига ҳам катта аҳамият бериш керак, чунки иш ҳақининг ўсиб бориши таъминланса меҳнатқашларнинг моддий қизиқиши ошади, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсади ва жамият аъзоларининг турмуш шароитлари яхшилана боради. Яъни миллий маҳсулот ва миллий даромаднинг ортвиши натижасида давлатнинг миллий бойлиги кўпайиб боради.

3-боб. ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ ВА МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАР

1. Иқтисодий тизим турлари

Исоқлар ўз муаммоларини табиат кучларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилишлари мумкин эди. Бунинг учун эса жамият иқтисодий жараёнларини бошқариш унда юзага келадиган иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун муассасавий структуралар ва мувофиқлаштирувчи механизмларни топши, уларнинг ҳаракат қилиши учун шароит яратиши ва пировард натижада ундан фойдаланиш зарурдир. Иккинчи томондан муассасавий структуралар ва

мувофиқлаштирувчи механизмлар бир-бирдан фарқ қилиши мумкин бинобарин иқтисодий тизимлар турлича бўлиши мумкин.

Иқтисодий тизим — жамият олдида турувчи иқтисодий муаммоларни ҳал этиш усулари, механизмлари ва воситалари йиғиндисиدير. Улар ўзаро боғлиқ, бир-бирларини тақозо этади ва ўзаро алоқадорликда бўлади ва биргалликда ҳаракат қилади. Унинг таркибига ишлаб чиқарувчи кучлар киради. Чунки табиат ресурслари инсон хизматига жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари орқали қўйилади. Шунга алоҳида эътибор зарурки, ишлаб чиқарувчи кучлар ўз таркиби ва вазифалари нуқтан назаридан ҳамма иқтисодий тизимларда бир хилда бўлади ва ривожланиш даражаси жиҳатидан эса фарқ қилади.

Инсон ишлаб чиқариш жараёнида фақат табиат билан муносабатга киришибгина қолмайди, шу билан бирга бир-бири билан муносабатга киришади, бундай муносабатлар иқтисодий муносабатлар дейилади.

Ишлаб чиқаришда одамлар ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар икки турга:

а) ташкилий иқтисодий; б) мулккий муносабатлар ва унга мувофиқ келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларга бўлинади.

Ташкилий иқтисодий муносабатлар деб, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишда вужудга келадиган муносабатларга айтамыз. Масалан меҳнат тақсироти (ҳар хил меҳнат турларини алоҳидалашуви), меҳнат кооперацияси (кўп шахсларни бир бутун келишилган ишлаб чиқариш жараёнида қатнашгани), ишлаб чиқаришнинг йириклашуви, унинг интеграцияси (корхона, тармоқ, мамлакатларни хўжалик нуқтан-назаридан бирлашуви). Ушбу шакллар ҳар хил иқтисодий тизимларда мавжуд бўлади, ҳамма мамлакатлар иқтисодиётининг элементи ҳисобланади. Демак, ташкилий иқтисодий муносабатлар ҳар хил ишлаб чиқариш усулларида умумий мазмунга эга бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик тури билан аниқланадиган ва ишлаб чиқариш жараёнида инсонлар ўртасида юзага келадиган муносабатлардир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ишлаб чиқариш тақсирот, айирбошлаш ва истеъмол муносабатларининг ижтимоий иқтисодий мазмуни ва йўналтирилганлиги мулкчилик шаклига боғлиқ бўлади. Ҳар доим ва ҳамма ерда бундай ривожланиш мулк эгалари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Демак, хулоса қилиб шунини айтиш керакки, иқтисодий тизимлар ҳаммасига хос умумий элемент бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ташкилий иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Мулккий муносабатлар ва унга мувофиқ келадиган ижтимоий иқтисодий муносабатлар, ҳар бир тарихий давр учун иқтисодий тизимнинг

махсус элементи ҳисобланади. Хўш, иқтисодий тизимларнинг қандай шакллари фарқланади?

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки иқтисодий тизимлар ҳар хил мезонларга асосланиб турлича фарқланади.

Хусусан, Маркс таълимотида иқтисодий тизимлар формация деб қаралиб мулкӣ ва синфӣ мезонлар асосида унинг беш тури яъни ибтидоӣ, қулдорлик, феодализм, капитализм, коммунизм фарқланади.

АҚШ олим У. Ростой асос солган «ривожланиш босқичлари» назариясида жамиятнинг икки, яъни анъанавӣ ва индустриал типли ажратилди. Шунга асосланиб иқтисодий ривожланиш, анъанавӣ жамият, ўткинчи жамият, индустриал жамиятга ўтиш, индустриал жамият, оммавий истеъмол жамияти, янги турмуш сифати бор жамият босқичлари ажратилади. Ушбу назария, тизимларни фарқлашда ишлаб чиқариш кучларининг даражасини мезон қилиб олади.

М. Маконнел, С. Брю «ҳозирги ривожланган мамлакатларда мавжуд иқтисодий тизим асосан ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик шакл ва иқтисодий фаолиятни бошқариш ва мувофиқлаштириш усули билан фарқланади»,⁶ деб ҳисоблайдилар. Шунга асосланиб улар иқтисодий тизимларнинг соф капитализм, буйруқбозлик, аралаш ва анъанавӣ шакллари фарқлайдилар. Бозор иқтисодиётни ёки соф капитализм иқтисодий тизимида ресурсларга хусусий мулкчилик мавжуд бўлади. Тартибга солиб турувчи механизм бўлиб бозор майдонга чиқади. Ҳамма мавжуд асосий иқтисодий муаммолар (нимани ва қандай ҳажмда ишлаб чиқариш зарур?, маҳсулотларни қандай ишлаб чиқариш керак? ишлаб чиқаришган маҳсулот қандай тақсимланиши зарур?) бозор, баҳо талаб ва таклиф, рақобат, фойда ва зарар белгилайди.

Бунда рақобатнинг мавжудлиги ҳар бир маҳсулот ва ресурсларни қўп сонли сотувчи ва харидорларни мавжудлигини билдиради, бинобарин бунинг натижасида иқтисодий ҳокимият ёйилган бўлади. Агарда бозор ўз механизми билан иқтисодпётни тартибга солса унда давлатнинг роли хусусий мулкни ҳимоя этиш ва зарур ҳуқуқий асосини шакллантириш орқали эркин бозорларнинг ҳаракат қилишини таъминлашдан иборат бўлади. Бундай иқтисодиёт 18—19 асарларда мавжуд бўлган.

Маъмурий буйруқбозлик тизимида иқтисодий муаммоларни ҳал этиш бўйича давлат қарор қабул қилади. Ишлаб чиқариш воситаларига давлат мулки ўрнатилган бўлади. Иқтисодий фаолият эса марказлаштирилган режалштириш воситасида бошқарилади. Унда бозор инкор этилади, унинг вазифасини марказлаш-

⁶ Маконнелл К., Брю С. «Экономикс». М. Менеджер. Реферат, 1992, 30—31 б.

тирилган директив режалаштириш амалга оширади. Корхоналар давлатники ҳисобланади ва улар ўз фаолиятини юқоридан белгиланадиган режа орқали олиб борадилар; бунинг учун зарур бўлган ресурслар эса давлат томонидан тақсимланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳам давлат томонидан тақсимланади.

Асримизнинг 90-йилларига қадар «социалистик» дсб аталмиш мамлакатлар маъмурий буйруқбозлик иқтисодий тизимига асосланган эди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти аралаш иқтисодиёт дейилади. Агар биз реал воқеликни олиб қарасак иқтисодий тизимлар икки қарама-қарши иқтисодий тизимлар (соф капитализм ва маъмурий буйруқбозлик) ўртасида жойлашган (аралаш иқтисодиёт) дейилади. У асосан ресурсларга, турли хил мулкчиликка асосланади, иқтисодий фаолият эса қисман бозор, қисман давлат орқали тартибга солинади. Бундай иқтисодиёт ҳозирда ҳамма ривожланган мамлакатларда мавжуд.

Швеция иқтисодиёти моделини олсак, унда иқтисодий барқарорлик ва даромадларни қайта тақсимлашда давлат фаол қатнашади. Ушбу тизимнинг асосини ижтимоий сиёсат ташкил этади. Уни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида юқори солиқлар белгиланган. Солиқлар ялпи миллий маҳсулотнинг 50% ни ташкил этади. Бунинг натижасида бу мамлакат аҳолисининг яшаш даражаси ва иқтисодий ўсиш суръатлари ҳам юқоридир.

Америка иқтисодиётида давлат «иқтисодий ўйин» тартибларини; маориф соҳасини ривожлантиришда, бизнесни тартибга солишда муҳим ўрин тутаети. Аммо иқтисодий фаолиятга тегишли бўлган кўпчилик қарорлар бозордаги аҳвол, унда баҳонинг шаклланишидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

Аралаш иқтисодиётнинг устуни тарафи шундан иборатки, у ресурслардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий эркинлигини таъминлайди. Кўнгина суст ривожланган мамлакатларда анъанавий иқтисодий тизим мавжуд. Унда ишлаб чиқариш техникаси, айирбошлаш, даромадларни тақсимлаш авлоддан авлодга ўтиб борадиган анъаналарга асосланади. Техника прогресси ва янгиликларни татиқ этиш чеклангандир, чунки улар анъаналар билан тўқнашиб ижтимоий қурилманинг барқарорлигига хавф солади. Диний ва маданий қадриятлар нисбатан бирламчи бўлиб ҳисобланади. Жамият олдида турувчи муаммолар ўша анъаналар ва урф-одатлар асосида ҳал этилади.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг ҳамма тарафдан эътироф этилган йўли мавжуд эмас. Шунинг учун ҳар бир давлат ўзининг ривожланиш даражаси хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ресурсларни самарали ишлатиш усулларини топишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг унда таркиб топтирилган маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ҳос муносабатларга ўтиш борасида иқтисодий ислоҳотлар ўтказилмоқда. «Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тарқиётнинг сифат жиҳатидан янги йўллارни ишлаб чиқди, тартибга солинган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган»⁷. Аммо бу йўналишда биз кўр-кўрона бошқа мамлакатларга ҳос бозор моделини танлашдан воз кечдик. Ўзбекистонга ҳос бўлган, тарихий, иқтисодий, сиёсий, миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда республикамизга мос келадиган бозор модели танлаб олинган, уни қуриш йўллари белгиланиб олинган ва улар ҳаётга тадбиқ этилмоқда. (Ўшбу масалани биз 7-бобда батафсил кўриб чиқамиз). Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг негизини мулкчилик ташкил этади. Ундай бўлса ишлаб чиқариш муносабатлари тизимида мулкчилик қандай ўрин тутадир?

2. Иқтисодий муносабатлар тизимида мулкчиликнинг ўрни

Иқтисодий назария ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик турлари ва шакллари фарқлайди. Унинг икки асосий — хусусий ва ижтимоий турлар доирасида турли-туман, бир-биридан фарқ қилувчи мулкчилик шакллари мавжуддир. Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар феълини белгилабгина қолмай, балки шу билан бирга ишлаб чиқаришдан маҳсулотни, айирбошлаш ва истеъмол қилиш шаклларини ҳам белгилайди. Бу ўзаро алоқалар ва шакллари йиғиндиси эса жамият ишлаб чиқариш муносабатлари тизимини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий омиллари ва натижаларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлганлиги учун у мулкчи муносабатлар сифатида таърифланади. Кимки, бироқ мамлакат хўжалигининг ҳаётини ўрганмоқчи бўлса, доимо «иқтисодий ҳокимият кимга тегишли, яъни кишиларнинг яшашларининг моддий шароити қандай таъминланади ва ким хўжайинлик қилади?» деган саволга тўқнаш келади. Биз бундай ҳокимиятнинг моҳияти ишлаб чиқариш воситаларига ва ишлаб чиқаришнинг натижасига бўлган мулкчилик муносабатида деб қараймиз. Мулкчилик муносабати жамиятнинг асосий негизи ҳисобланади. Шунинг учун ҳар қандай мамлакат мулкчилик тўғрисида юридик қонунлар ишлаб чиқади.

Юридик маънода мулкчилик мулкка эгаллик муносабатини ифода этади. Шунинг учун, моддий бойликнинг турли субъектлар, яъни алоҳида кишилар, ижтимоий гуруҳлар, синфлар ва давлат

⁷ Каримов И. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзингача ҳос йўли. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 22 бет.

\mathbb{R}
 \mathbb{R}^n
 \mathbb{M}_n

\mathbb{C}

\mathbb{R}

\mathbb{R}^n
 \mathbb{M}_n
 \mathbb{C}^n
 \mathbb{M}_n
 \mathbb{C}^n
 \mathbb{M}_n

си — яъни, Ижара ҳақи мулк эъёсини сарф демак ва қарбондан ва ижарага олиб фойдаланиш натижасида олинган даромаднинг бир қисмидан иборат. Концессия тузилаётганда, аъвалдан, вақтинчалик хўжайинга тўлаши керак бўлган тўлов ёки оқибатдан улуш белгилан қўйилади. Кўриниб турибдики, мулкчилик муносабати бузув хўжалик жараянининг фаолиятини, яъни ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашинув ва истеъмол соҳаларини қамраб олган.

Мулкчиликнинг шакллари, уларнинг узари ҳаракати ва зиддияtlари

Ким мулк субъекти эканлигидан келиб чиққан ҳолда, мулк турларга ва шакллarga бўлинади. Мулк объекти вақтинчалик ёки аъвалдан яратилган маданий ва маънавий бойликлардир (ер оқибат шакллари, иршоотлар, маданий буюмлар ва бoшқалар). Таълим шакллари ушбу турга фарқланади:

- умумий;
- хусусий;
- аралаш.

Умумий мулк жамоатга бирлашган ҳамма аъвалдан келиб чиқариш объектларига ва ишлаб чиқариш натижаларига тенг муносабатда оқибатлигини билдиради. Умумий мулк ўз шаклларига эга, хусусан давлат мулки, жамоат мулки, маҳалла мулки ва ҳ. к.

Хусусий мулк айрим кишининг ишлаб чиқариш объектларига ва ишлаб чиқариш натижаларига ўзиникидек мулк бўлиб қолганини аъвалдан билдиради. Унинг икки шакли мавжуд: ишловдa аъвал — хусусий мулк, тўруқдa мулк. Биринчи шаклда мулк яъвал ҳолда айрим шахс томонидан ўзлаштирилади. Иккинчи шаклда аъвал — умумий мулк эгалари шерикчилик аъвалдан мулк турларга бирлашган шароитда фаолият кўрсатадилар. Ушбу шаклда яъвал яъвал тартибда ўзлаштирилади.

Аралаш мулк юқоридa кўрсатилган мулк турлари бирлашган натижасида таркиб тонали. Юқоридa келтирилган мулк турлари хилларга ажратилиши узаридаги тафовутга кўра аъвалдан қилинган ҳолда кўриб чиқилди. Лекин аъвалда жамиятининг аъвалдан мулкчилик мулкнинг турли хиллари ва шакллари қўшилиши. Ҳозирги дунёда бир хил хусусий ёки вақтинчалик мулк шакли аъвал ҳолда мавжуд бўлган бирон бир давлатнинг аъвалдан бўлмайдиган, шуни аъвалдан ҳам ҳозирги вақтда давлатларда аъвалдан бoшқаларнинг ушбу «аралаш иқтисодий» деб аташга ҳақли. Ушбу мулкнинг аъвалдан учалда хиллиги кўриш мумкин.

Қоғир, яъвалдан юқоридa қайд қилинган мулк турлари аъвалдан бирлашган натижасида батафенароқ кўриб чиқайлик. Шунинг аъвалдан аъвалдан таълимдаш

керакки, мулкчилик муносабати бутун иқтисодий тизимнинг, иш-соининг жамиятдаги мавқеи, ижтимоий ва маънавий қадриятларини белгилайди. Шунинг учун мулкчиликнинг назарий ва амалий муаммолари жамият моҳиятини тушунишда, уни янгилаш йўналишини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги даврда халқ хўжалигининг турли тармоқлари ва соҳаларда ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқаришнинг умумлашуви даражаси турлича. Ишлаб чиқариш шароитидаги фарқ иқтисодийнинг турли соҳаларида техника даражасининг табаратанганлиги, мулкчилик муносабатларини мураккаблаштириши табиий. Иқтисодий жараёни таъсирида мулкчиликнинг янги шакллари юзага келиб, мураккаб қурилма касб этган ҳолда такомиллашиб бормоқда. Унинг айрим шакллари аввалдан мавжуд бўлса, айримлари энди шаклланимоқда.

Мулкнинг жамоа шаклининг асосий белгиси — ишлаб чиқариш воситалари натижасига жамоа-гурух томонидан эгаллик қилинишидан иборат. Ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш меҳнат жамоаси томонидан амалга оширилади. Этан даврда юртимизда жамоа мулкнинг фақатгина бир шакли колхоз кооператив мулкигина мавжуд бўлди. Лекин бу колхоз кооператив мулк ҳам яхши ривожланмади. Чунки у деярлик давлатнинг назорати ва бошқаруви остида бўлди ва давлатлаштирилиб борилди. Амалда, ривожланган мамлакатлардан кўринадики, колхоз — кооператив мулк жамоа мулкнинг ягона кўриниши эмас.

Ўзбекистонда қабул қилинган мулкчилик тўғрисидаги қонунда ишлаб чиқариш воситаларига жамоа эгаллик қилишнинг кооператив, ижара, акционерлик, кооператив мулк шакллари мавжуд бўлиши кўрсатилган.

Шунга кўра эндиликда Ўзбекистонда қишлоқ хўжаликда, қурилишда, транспорт, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида коллектив мулкнинг турли шакллари кўринишида бўлган жамоа корхоналари юзага келиб ривожланиб бормоқда.

Жамоа мулк давлат мулк кўринишида ҳам, шунингдек мустақил ассоциациялашган шаклда ҳам ҳаракат қилиши мумкин.

Жамоа мулкнинг давлат шакли, асосан, бир қанча мустақил корхоналарни ишлаб чиқариш, алоқалар йўлга қўйишдаги транспорт, алоқа, ободонлаштириш хизматларини ҳал этишда ривожлантириш мақсадга мувофиқроқ бўлади. Албатта, бу ўз ишларига маҳаллий туман ва ҳудудлардаги ҳамма корхона, ташкилотларга аҳолини жалб этиш зарур; чунки шунинг хизматлари орқали улар ўртасида маълум мулк муносабатлар юзага келади. Маҳаллий давлат ташкилотларининг бундай мулкнинг субъекти сифатида иш юритиши айрим ҳолларда, масалан, солиқлар ундиришда, жарималар солишда маҳаллий бюджетни тўлдиринишда ке-

ракли тадбирлар кўриш имконини беради. Шунингдек, жамоа мулки давлат шаклидан ташқарида ҳам муваффақиятли ривожланиши мумкин; бунда мулк кўринишлари, иқтисодий мазмунга ва шаклланиш манбаига қараб турлича бўлиши мумкин. Айримлари жамғарувчиларнинг қўшган ҳиссалари ҳисобига бошқалар жамоа томонидан мулкни сотиб олиш йўли билан ташкил этилиши мумкин. Албатта, бунда ишлаб чиқариш натижалари жамоа аъзоларининг қўшган ҳиссасига кўра тақсимланади. Давлат корхонасини меҳнат жамоаси томонидан сотиб олиш орқали унинг эгасига айланиши мумкин. Бунинг учун меҳнат жамоасининг хоҳиши ва мулкчининг, яъни давлатнинг маҳаллий ёки юқори ташкилот кенгашларининг розилиги бўлиши керак. Сотилган иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик ҳал этувчи омил бўлиши лозим. Агар корхонада самарадорлик паст ёки зарар кўриб ишлаётган бўлса ва уни яхшилаш учун ҳеч қандай маблағ бўлмаса, ёпишдан кўра, уни меҳнат жамоасига сотиб олиш учун таъкиф қилиш афзал. Меҳнат жамоаси корхонани сотиб олгандан сўнг, ўзининг хўжалик фаолияти учун ўзи тўлиқ жавобгар ва мустақил бўлиб, давлатга ўрилатилган тартибга мувофиқ солиқ тўлаб туради.

Кооператив мулк ишлаб чиқариш ёки бошқа бирон фаолиятини амалга ошириш учун ўзларининг маблағлари ва меҳнатларини бирлаштирган аъзоларининг умумий мулкидир.

Кооператив мулк ўзларининг хўжалик мақсадларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа анжомларидан иборат. Амалда 3 хил фаолиятдаги яъни ишлаб чиқарувчи, матлубот ва аралаш (ишлаб чиқариш — матлубот ёки матлубот ишлаб чиқарувчи кооперативларни) кўриш мумкин.

Кооператив таркибда жамоа, оилавий, алоҳида пудрат шунингдек ижара асосида иш юритувчи алоҳида цех, устахона, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, дўконларни ташкил этиш мумкин. Ишлаб чиқариш кооперативлари ҳар қайси аъзосининг меҳнат фаолиятига асосланган бўлса, матлубот кооперациясида унинг аъзоларининг меҳнат қилиши шарт эмас.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик кооперативлари ва ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш кооперативларини бир-биридан фарқлаш мумкин. Уларнинг ҳар қайсиси ишлаб чиқаришда ўзининг алоҳида хусусиятларига эга. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда жамоа хўжаликлари (колхозлар) кооператив мулкчининг асосий кўринишидир. Жамоа хўжалик кооператив мулкларнинг юзага келиши ва ривожланиш умумхалқ мулки билан боғлангандир. Жамоа хўжаликларни умумхалқ мулки бўлган ерда хўжалик юритади, шунингдек мелiorация, ирригация ва бошқа ишлаб чиқариш инфраструктура иншоотлари ҳам умумхалқ мулкидир.

Ўтган даврларда жамоа хўжаликларининг моддий техника асосларини ривожлантириш бошқарувининг маъмурий — буйруқ-бозлик тизими шароитида олиб борилиши, уларда ишлаб чиқариш натижаларига бўлган қизиқиш ва масъулиятни сусайтириб юборди. Етиштирилган соф маҳсулотнинг кўп қисмини маъмурий йўл билан тортиб олинishi жамоа хўжаликларининг кооперативлик моҳиятини буткул барбод қилди. Шу билан бирга жамоа хўжаликларининг ўз низомига асосан, демократик асосда ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқини чеклаб, юқори ташкилотлар томонидан буйруқ ва кўрсатмалар асосида бошқарилди.

Матлубот кооперацияси тизими таркибида истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи, аҳолига хизматлар кўрсатувчи турли кооперативлар ташкил этилиши мумкин.

Кооперативлар мустақил ҳолда ҳам ёки бирон ташкилот ёки корхона қошида ташкил этилиши мумкин. Кооператив фаолиятида хоҳлаётган киши асосий ишдан бўш вақтида ёки бутунлай шартнома асосида ишга ёлланиб ёки кооператив ташкилотнинг аъзоси бўлиб иштирок этиши мумкин. Кооператив мулки, унинг аъзоларининг қўшган пул ва материал ҳиссалари ишлаб чиқарилган маҳсулотдан тушган даромад, акция ва қимматбаҳо қозғоларини сотишдан тушган даромад, банкдан олинган кредит ҳисобига шаклланиши мумкин. Ўтган йиллардаги тажриба, кооперативлар жуда қисқа муддатда тез натижа беришлигини, кишиларнинг, товарларга бўлган турлича талабига тез мослашишини кўрсатди.

Хусусий мулк — турли йўллар билан, масалан, ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиб ёки ижарага олиб, мустақил хўжалигини барпо этиш ёки давлатнинг корхона, фирма дўкон, ошхона ва шунга ўхшаганларни олиб хусусий корхона ташкил этиш орқали юзага келади. Ерга мулкчилик, ерни хусусийлаштириш муаммоси жуда кўп мунозараларга сабаб бўлаётган масалалардан биридир. Ерга хусусий мулкчилик тарафдорлари, «ерга ўзлари хоҳлаган экинни экиб, хоҳлаган кишиларга келишилган ҳолда сотиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак» деган фикрни билдирдилар. Лекин, масаланинг бошқа томони ҳам борки, масалан, Ўзбекистон шароитида жуда кўп туманларда аҳолининг зич жойлашганлиги туфайли, деҳқончилик ер майдонлари, ҳамма ҳоҳловчиларга хусусий мулк қилиб беришга камлик қилади. Агар бўлиб бериладиган бўлса, аҳолининг маълум қисми ерсиз қолади. Бу деган сўз ишсиз, яшаш учун даромад манбаисиз қолади. Бу эса ўз-ўзидан ноҳуш ижтимоий-сиёсий оқибатлар келтириб чиқаради. Ўзбекистонда қабул қилинган «Мулкчилик тўғрисидаги» қонунда мамлакатимизда қўйидаги мулк шакллари мавжуд бўлиши кўрсатилган: фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулки; коллектив (ширкат) мулки, шу жумладан онлавий, маҳалла,

кооператив мулк, ижарага олинган корхона мулки, акциядорлар жамияти, давлат корхонаси коллективининг, жамоа ташкилотлари ва диний ташкилотлар концерн (консорциум)ларининг мулки, турли хўжалик бирлашмалари ва уюшмалари мулки, юридик шахс ҳисобланган бошқа жамоалар мулки; Республика, Қорақал-

1-жадвал

Мулк шакллари бўйича корхоналарнинг сони*

	1 январь 1995 й.	1 январь 1996 й.
	жами фонд ҳисобида	жами фонд ҳисобида
Жами	109	100
Давлат мулки	28,7	17,7
Давлатга қарашли бўлмаган мулк.	71,3	82,3
Шу жумладан:		
хусусий мулк	56,7	36,6
коллектив мулк	43,7	44,3
ундан:		
деҳқон, фермер хўжалиги	20,4	20,1
кооператив (матбуот кооперациясини қўшиб)	2,5	2,5
аренда корхоналар	0,8	1,3
колхозлар	2,4	1,7
ҳиссадорлик жамиятлари	3,2	6,7
ижтимоий ташкилотлар	0,8	0,9
қўшма ташкилотлар мулки	0,9	1,0
Аралаш мулк шакли билан	—	0,4

* Основные показатели социально-экономического развития РУ за 1996 г. Статсборник. Ташкент 1996 й.

логистон Республикаси, мамъурий territorial тузилмалар (коммунал) мулкидан иборат давлат мулки.

Аралаш мулки — қўшма корхоналар, ажнабий фуқаролар, ташкилотлар ва давлат, шунингдек ажнабий юридик шахслар мулки шаклида юзага келади.

Ўзбекистон Республикасида мулкнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқлидир.

Бозор иқтисодиёти мулкчилик шакллариининг хилма-хил бўлишини талаб қилади; турли мулк бўлган товарларнинг эгалари бозор муносабатига киришади. Мулкнинг моҳияти, шакллариини тушунмасдан бозор иқтисодиётининг моҳиятини, мазмунини тушуниш мумкин эмас. Мулкчилик бозор муносабатларининг бирламчи асоси бўлиб ҳисобланади. Зеро, хусусий мулкнинг вужудга келиши ишлаб чиқарувчиларни алоҳидалашуви натижасида бир хил турдаги товарни махсус айирбошлаш учун ишлаб чиқаришга олиб келган.

Шунинг учун Ўзбекистон республикасида «мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бу- туни тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади»⁴.

Ушбу йўналишда, яъни давлат мулкни унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида республикамизда бир қа- тор ишлар амалга оширилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамизда хусусийлаштириш жараёнининг муҳим хусусий- ятларидан бири — хусусийлаштиришга дастурий ёндошувни таъ- минлаш ва уни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат.

4. Турли мулк шакллари шароитида манфаатлар тизими

Мулк муаммоси фақат иқтисодий фаолнят мавжуд бўлган жойда вужудга келади ва унинг иштирокчилари ўртасида ва дав- лат ўртасида мулкни муносабатларни вужудга келтиради.

Мулкни муносабатларни тавсифлаш иқтисодий фаолнят ким- нинг манфаатини кўзлаб олиб борилаяпти? деган саволга жавоб беради. Агарда у шахсий манфаатни кўзлаб олиб борилаёт- ган бўлса, унда хусусий шахсий ўзлаштириш (хусусий мулк) муносабатлар тизими, агарда ўзлаштириш жамоа манфаатини кўзлаб олиб борилса, унда жамоа мулк тўғрисида гапириш мум- кин бўлади. Агарда у ёки бу ижтимоий гуруҳ манфаатлари устив- вор ҳисобланса, унда биз ижтимоий ўзлаштириш шакли билан ўқушни келамиз.

Хўш, иқтисодий манфаатлар нима? Иқтисодий манфаатлар — бу жамият ижтимоий гуруҳ, жамоа ва алоҳида шахси мавжуд ва усунчи эҳтиёжларини қондиришни зарурлигини шартловчи ва иқтисодий муносабатлар билан аниқловчи муҳим ва барқарор алоқалар. Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, иқтисодий муносабатлар аввало манфаатлар сифатида намоён бўлади. Манфаатлар умумхалқ, (давлат) жамоа ва шахсий учта турга бўлинади. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, мулкни муносабат- лар иқтисодий ҳаётнинг фақатгина ижтимоий тарафинигина эмас, балки уни ташкил этиш шакллари ҳам тавсифлайди. Бозор иқ- тисодиёти, жамиятни иқтисодий ҳаёти иштирокчилари бир-бирла- рини алоҳидалашган, тенг мулк эгалари сифатида тан олганла- ридagina вужудга келади. Ўзлаштиришнинг у ёки бу шаклининг мавжуд бўлиши тасодиф эмас, у ишлаб чиқаришнинг моддий ба- сисини ривожланиш даражаси билан шартланган бўлади.

Ҳозирги шароитда шахсининг хусусий манфаатлари, жамоа ва ижтимоий гуруҳларининг манфаатларини уйғунлаштириш меха- низмини ишлаб чиқишга ҳаракат қилишмоқда. Бундай механизм- ларни таркиб топтириш миллий бонлиқни ўзлаштиришнинг ижти-

⁴ Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш ўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 43 бет.

моний шакллари вужудга келайтганлигидан далолат беради. Аммо, шу билан бирга ижтимоий ўзлаштиришнинг шундай механизмини топиш зарурки, хусусий, жумладан шахсий манфаатлар чеклаб қўйилмаслиги керак. Зеро, хусусий манфаатлар иқтисодий фаолиятнинг асосий рағбатлантирувчи кучи ҳисобланади ва у бойликнинг ортиб боришини таъминлайди.

4-БОБ. ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

1. Товар ишлаб чиқариш. Товар ва унинг хоссалари

Авалло бу мавзунини ўрганганимиз биз товар-пул муносабатлари нима? деган саволга жавоб беришдан бошлаймиз. Товар-пул муносабатлари — бозор иқтисодиётининг моҳиятини ташкил этувчи муносабатлар: товар ишлаб чиқариш, товарларни айирбошлаш ва пул муомаласига хос муносабатларнинг яқинлигидир.

«Бозор» — бу товар-пул муносабатлари амалга ошадиган айирбошлаш эканлиги сабабли, у товар ишлаб чиқариш ва муомаласи ривож топгандагина амал қилади. Шу билан, бозор товар ишлаб чиқариши мавжуд бўлишининг шакли ҳисобланади ва пул муомаласи ривож топгандагина амал қилади. Бу бир-бирига боғлиқ жараён ҳисобланади.

Хўш, товар ишлаб чиқариш инсон вужудга келган вақтдан мавжудми? Йўқ, албатта. Қишлоқ жамиятининг ривожланишида товар ишлаб чиқаришдан олдин натурал ишлаб чиқариш мавжуд бўлган.

Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодий тизимнинг ҳар хил шакллари ва моделлари мавжуд, аммо узоқ тарихий давр мобайнида хўжалик юртишининг умумий шакли — натурал ва товар хўжалиги сақланиб келмоқда.

Натурал ишлаб чиқариш тарихан ибтидоий жамоа тузумида мавжуд бўлган, аммо у ҳозирда ҳам примитив типдаги анъанавий иқтисодий тизимларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Натурал хўжаликда маҳсулотлар бозорда сотиш учун эмас, балки хўжаликнинг ўзида унинг ходимлари ва яратувчилари истеъмоли учун ишлаб чиқарилган.

Натурал ишлаб чиқаришда иқтисодиётни ташкил этишнинг асосий муаммолари жуда содда йўсинда ҳал этилган. Нима яратиш, қандай яратиш ва маҳсулот кимга мўлжалланганлигини хўжалик ходимлари фақат хўжалик ичидаги истеъмолини ҳисоб олган ҳолда аниқлаганлар.

Натурал ишлаб чиқариш алоҳидалашган хўжаликлардан иборат бўлган. Бу эса натурал ишлаб чиқаришга биқинқлик, чегараланганлик хос эканлигини кўрсатади ва иқтисодий жараёнларни

Бир доирага қатъий қилиб қўйган, ташқи алоқаларга йўлини очишга йўл қўймаган. Натурал хўжаликда, хом ашёни топишдан тортиб, маҳсулотни тайёр ҳолга келтиришгача бўлган ишларни алоҳида хўжаликларнинг ўзи бажарган. Ишлаб чиқариш қўл меҳнатига асосланган. Бу эса натурал хўжаликка бир қанча асрлар давомида универсал қўл меҳнати хос бўлганлигини кўрсатади.

Натурал ишлаб чиқаришда истеъмол ҳажми билан ишлаб чиқариш ҳажми бирмунча мувофиқ келган; бу эса ўз навбатида уларни бир-бири билан боғлаш муаммосини осонлаштирган. Чунки натурал хўжаликка ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида иқтисодий алоқалар хос бўлган, улар «ишлаб чиқариш — тақсимот — истеъмол» кетма-кетлиги бўйича рўй берган.

Ишлаб чиқаришнинг натурал шакли, ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг шундай даражасига хосдирки, бунда ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади — ниҳоятда чегараланган ҳамда ҳажми катта бўлмаган ва таркиби жиҳатдан деярли бир хил бўлган эҳтиёжларни қондиришга бўйсундирилган, бу эса унга ишлаб чиқаришнинг анъанавийлиги ва тарқоқлиги ҳамда ривожланиш суръатларининг пастлиги хос эканлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиб бориши натижасида натурал ишлаб чиқаришга нисбатан ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўсишига мукамалроқ ишлаб чиқариш воситаларини қўллашга шароит яратадиган товар хўжалиги вужудга келган, унинг куртаклари ибтидоий жамоа тузумини емирилиши даврида вужудга келган. Товар ишлаб чиқариш шундай хўжалик тизмидирки, бунда маҳсулот якка, алоҳида ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилади ва уларнинг ҳар бири, бирон хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашади, натижада ижтимоий талабни қондирмоқ учун маҳсулотни бозорда сотиш ва сотиб олиш зарур бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаш зарурки, товар ишлаб чиқариш умуқиқтисодий ҳодиса бўлиб, давлатларнинг ҳаммасида мавжуддир ва ҳозирда ғоят ривожланган шаклга эга. Хўш товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши сабаблари нимадан иборат? Товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва мавжуд бўлишининг ижтимоий иқтисодий асослари — ижтимоий меҳнат тақсими, ишлаб чиқарувчиларнинг алоҳидалашуви, уларнинг иқтисодий мустақиллигидир. У ёки бу жамиятда товар ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, тутган ўрни, ривожланганлик даражаси ва амал қилиш чегараси шу жамиятнинг мулкый муносабатларига ва ишлаб чиқариш ихтисослашувининг теранлик даражасига боғлиқ бўлади.

Умуман олганда, товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши натижасида бозорнинг шаклланиши, инсонларни олдида турувчи

«ноёб» чекланган ресурслар — ҳар хил неъматларга бўлган «чексиз эҳтиёжларнинг» диалемасини ҳал этиш учун чексиз уринишлар натижасидир. Зеро, инсоннинг чексиз эҳтиёжларига нисбатан иқтисодий ресурслар ва инсонларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари чекланганлиги сабабли, инсон битта маҳсулотни унуман ишлаб чиқариши, битта соҳада самарали фаолият кўрсатиши мумкин, аммо унинг эҳтиёжи кўп маҳсулотлар билан ўлчанади. Бинобарин, ресурслар чекланганлиги ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида тармоқлар ҳамда инсон фаолият турига ихтисослашувига сабаб бўлган. Ҳозирги иқтисодиёт, меҳнат тақсимотининг ўсиши, ихтисослашувнинг чуқурлашуви маҳсули бўлиб ҳисобланади. Ресурсларнинг чекланганлиги инсонларни ибтидоий жамоа турмушидаёқ меҳнат тақсимоти — бажарилаётган ишларнинг унуми ва самарасини оширишнинг воситаси эканлигини тушунишга олиб келган. Шу сабабли биринчи меҳнат тақсимоти рўй берган ва унда чорвачиликдан деҳқончилик ажралиб чиққан. Кейинги меҳнат тақсимоглари, яъни ҳунармандчилик ва савдо соҳасининг вужудга келиши ҳам ресурсларнинг чекланганлиги ва ишлаб чиқариш имкониятлари чегараланганлигини енгилш учун қилинган ҳаракат оқибатидир.

Меҳнат тақсимоти натижасида иш куни самарадорлиги ошадди. Бунга мисол қилиб, Н. Смитнинг тўғноғичлар тўғрисидаги мисолини келтиришимиз мумкин. У ёзадик, тўғноғич ясаш меҳнатини тахминан 18 та мустақил операцияларга бўлиш мумкин. «Бир ишчи симни тортади, иккинчиси уни тўғрилайди, учинчиси қирқади, тўртинчиси учини ўткирлаштиради, бешинчиси тўғноғич қалпоқчасини ўрнатиш учун бошқа учини йўнади. Қалпоқчани ясашнинг ўзи иккита ёки учта мустақил операцияларни талаб қилади»⁹. Смитнинг айтишича, ўнта ишчиси бўлган мануфактура кунига 48000 дан кўпроқ тўғноғич ясайди (ҳар кишига 4800 та тўғри келади), ваҳоланки, якка ходим бир кунда 20 та ҳам тўғноғич қилаолмайди.

Ихтисослашув натижасида яъни бир маҳсулотлар ортиқча ишлаб чиқарилади, бошқалари умуман ёки кам ишлаб чиқарилади; бу эса маҳсулотни айирбошлаш масаласини келтириб чиқаради. Маълумки, айирбошлаш муносабатлари бозорда юз беради. Демак, бозорнинг вужудга келишида яна бир муҳим бўғин — бу меҳнат тақсимоти даражасининг ўсиши натижасида товар ва хизматларни айирбошлашнинг шаклланишидир.

Тарихан ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик шаклига асосланган товар ишлаб чиқариш ҳўжалигининг 3 хил кўриниши мавжуд:

⁹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т. 1. М., Л., 1935, 10 стр.

а) оддий товар хўжалиги, бунда мулк эгаси (хўпарманд, деҳқон) товар ишлаб чиқаришда ўз меҳнатиغا асосланган бўлиб оддий меҳнат қуролларидан фойдаланади;

б) ёлланма меҳнатга асосланган товар хўжалиги; бунда ишлаб чиқаришга нисбатан мураккаб бўлган техника қўлланилади ва одамнинг иш кучи ҳам сотилади;

в) аралаш ёки умумий мулкка асосланган товар ишлаб чиқарилиши; иқтисодиётга товар ишлаб чиқарувчи бўлиб монополиястик бирлашмалар, давлат корхоналари, ўрта ва майда хусусий корхоналар майда ишлаб чиқарувчилар майдонга чиқадилар.

Товар бозорнинг асосий унсурларидан бири ҳисобланади. Товар нисон меҳнати натижасида бозорда айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот. У нисоннинг маънавий, жисмоний, ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиради. Тарихий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, ҳар бир товарда бундай хусусиятлар кўпроқ очилади. Масалан, нефть нисонга жуда қадим замонлардан маълум, аммо у узоқ давр мобайнида фақат ёритиш учун, ёқилғи ҳамда қурилиш материалли сифатида ишлаб келинган. Ҳозирги даврда эса ундан 2000 дан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Товар икки хоссага эга: а) истеъмол қиймати; б) қиймати. Товарнинг истеъмол қиймати маҳсулотларнинг фойдали томонидан, кишиларнинг бирон бир истеъмолни қондира олинш қобилиятидан иборат ва ҳар қандай жамият бойлигининг моддий мазмунини ташкил этади. Товар ҳар доим меҳнат маҳсулидир; аммо товар бўлиши учун бозорда айирбошланиши лозим. Демак, у алмашув қийматиغا эга. Товарнинг алмашув қиймати нима?

Бир товарнинг иккинчи товарга бирор бир нисбатда айирбошланишига унинг алмашув қиймати дейилади. Масалан: фараз қиламиз, бозорда уч хил товар бир-бирига тенглаштирилмоқда: 20 кг гўшт, 2 жуфт оёқ кийим ва 10 метр мато. Хўш, бу нисолда нимани кўряемиз? Биринчидан, айирбошлашда бир-биридан фарқ қилувчи маҳсулотлар қатнашмоқда; демек, истеъмол қиймати асосида товарлар бир-бирига тенг эмас, иккинчидан, товарлар ҳар хил ўлчовларда: кг, метрда ўлчанмоқда.

Унда бозордаги маҳсулотларнинг ҳаммасига умумий бўлган хусусият нима? Биринчи марта ушбу саволга Англия классик сиёсий иқтисодчилари қайси тармоқда ишлаб чиқарилганидан қатъий назар, товар одамнинг меҳнати натижасида вужудга келади деб жавоб берганлар. Алмашув нисбатларнинг тенглигини товарни буюмий хоссаларидан, яъни «буюм-буюм» муносабатларидан топшиш мумкин эмас. Демак, айирбошлашдаги товарлар бир хил қийматга эга бўлганликлари учун улар тенгдирлар. Бинобарин, товарларга хос бўлган иккинчи хосса — унинг қийматидир. Товарда гавдаланган ижтимоий меҳнат, товарнинг қийматини

ташкил этади; чунки товар ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун ишлаб чиқарилади.

Алмашинув қиймати, қийматнинг намоён бўлувчи шаклидир. Қийматга асосланиб товарлар ҳисобланади ва бир-бирига айирбошланади.

Бозорда «буюм-буюм» муносабатлари билан бир қаторда «инсон-инсон» муносабатларини кўриш мумкин. Чунки бозорда икки инсон: сотувчи ва харидор муносабатга кирганлари учун товарлар сотилади ва сотиб олинади. Шунинг учун қиймат товар эгалари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни акс эттиради.

Демак, товар икки хоссага: истеъмол қиймати ва қийматга эга. Товар истеъмол қиймати ва қийматнинг бирлигидан иборат, ammo бу birlik зиддиятлиқдир, бир вақтнинг ўзида икки ёқлама шаклига, яъни ашёвий (натурал) ва қиймат шаклига эга.

Товар ишлаб чиқарувчилар қўлида қиймат сифатида, сотиб олувчилар қўлидалигида эса истеъмол қиймати сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам товар сотилмаса, у қиймат сифатида ҳам, истеъмол қиймати сифатида ҳам тан олинмаган бўлади. Ушбу зиддият товарларнинг кераклигича сифатли ва арзон ишлаб чиқарилиши орқали ечилади.

Товарнинг икки хоссаси борлигига сабаб, унда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама характерга эгалигидадир.

Саноат, қишлоқ хўжалиги ёки бошқа ишлаб чиқаришга алоқаси бўлган ҳар бир инсон сарф қилинаётган меҳнатини маълум нафли аниқ шаклда, масалан: слесарь, тракторчи, тикувчи меҳнати кўринишида (сарфланаётганини кўради). Ҳозирги саноат ишлаб чиқаришида ўн минглаб касблар ва мутахассисликлар мавжуд. Ҳар бир алоҳида олинган товарда нафли меҳнат мужасамлангандир. Масалан: костюмда йигирувчилар, тўқимачилар, тикувчилар (ҳаммаси бўлиб 250 га яқин мутахассисликлар); нонда — нонвой, тракторчи, комбайнчи, ҳайдовчи, тегирмончи ва бошқалар иштирок этадилар. Агар ҳар бир аниқ истеъмол қийматида, масалан, костюмда маълум нафли аниқ меҳнат гавдаланса, унинг қийматида иш кучи сарфи сифатида умуман сарф қилинган инсон меҳнати гавдаланади. Нафли (аниқ) меҳнат турлари бир-биридан фарқ қилади. Масалан: тикувчининг меҳнати нонвойнинг меҳнатидан фарқ қилади, чунки биринчиси костюм яратади, иккинчиси эса нон. Инсон меҳнатининг умуман сарфланиши нуқтаи-назаридан, яъни инсонни жисмоний, маънавий, руҳий энергиясини сарф этишимиз нуқтаи-назаридан тикувчи ва нонвой меҳнати бир хилдир. Демак, товарда гавдаланган меҳнат икки ёқлама характерга эга. Биринчиси — аниқ меҳнат. Қанчалик у хилма-хил бўлса, шунчалик жамиятнинг бойлиги кўп бўлади. Иккинчиси, умуман инсоннинг меҳнати ва ақлий энергиясининг сарфи абстракт меҳнатдир. Аниқ меҳнат товарнинг истеъмол қий-

матини, абстракт меҳнат товарнинг қийматини яратади. Шунинг таъкидламоқ жоизки, ишлаб чиқарувчининг меҳнатини икки ёқлама характерга эга эканлиги товар ҳўжалигига хос бўлган асосий зиддият, яъни хусусий ва ижтимоий меҳнат ўртасида зиддият билан шартлангандир. Бир тарафдан, товар ишлаб чиқарувчининг меҳнати унинг иқтисодий алоҳидалашганлиги сабабли, унинг шахсий иши (жумладан алоҳида меҳнат жамоаси иши) ҳисобланади. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар бири нимадир қандай ва кимга ишлаб чиқаришни ўзи ҳал этади. Бунда хусусий меҳнат намоён бўлади. Иккинчи тарафдан, ҳар бири алоҳида товар ишлаб чиқарувчининг меҳнати у яратган товарга эҳтиёжи бўлган бошқа инсонлар учун керакли ҳисобланади ва шу нуқтаназардан у ижтимоий характерга эга ва товарнинг қийматини яратади. Товарнинг икки хоссаси ва унда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама характери 1-ичи расмда кўрсатилган.

Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи учун унинг меҳнатининг ижтимоий меҳнат таркибига қўшилиши энг мураккаб ва ҳаётий муаммо бўлиб ҳисобланади. Чунки унинг меҳнати, жами ижтимоий меҳнат таркибида ифодаланади. Товар сотиш учун жами меҳнатнинг таркиби доимо ўзгариб турадиган ижтимоий эҳтиёжлар таркибига қараб ўзгариши ва бозорлар талабига мослашган ҳолда ишлаб чиқариш керак бўлади. Масаланинг ана шундай ечими товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиб боришини таъминлайди. Натижада умуман бозор иқтисодиёти илгарилаб боради.



1-расм. Товарнинг икки хоссаси ва меҳнатнинг икки ёқлама характери ўртасидаги боғлиқлик.

2. Пулнинг вужудга келиши, моҳияти ва вазибалари

Товар қиймати ишлаб чиқаришда вужудга келади, аммо фақат бозорда бир товарни иккинчисига тенглаштириш орқали аниқланади.

Товарларнинг қийматини ўзида акс эттиришга материал сифатида хизмат қиладиган товар эквивалент товар дейилади. Масалан, X ва Y товарлар айирбошланаяпти, яъни $X=Y$. Бунда Y товар, X товарни қийматини ўзида ифодалаяпти. Бунда Y товар эквивалент — товар ҳисобланади. Аммо пулни вужудга келишидан олдин эквивалент — товар узоқ тарихий ривожланиш жараёни

нини босиб ўтган. Ушбу жараёни К. Маркс қиймат шакллари ривожланиши жараёнини таҳлил қилиш орқали ёритиб берган.

Демак, алмашув ҳозирги замон шаклига етиб келгунча бир қанча босқичларни босиб ўтган. Қийматнинг энг элементар шакли, бу оддий ёки тасодифий шакли бўлиб, у бир товар қиймати-нинг бошқа товарда гавдаланишидир. Қийматнинг оддий шакли айирбошлаш энди вужудга келадиган вақтга мувофиқ келади; бу вақтда у ҳали тасодифий характерга эга бўлган. Масалан, 10 метр мато = 2 қоп ғалла. Бунда товар — эквивалент ролини галла ўйнапти.

Меҳнат тақсимоти ва товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши алмашинадиган товарлар сонини кўпайтиради, қийматнинг тўла ёки кенгайтирилган шакли келиб чиқади, алмашиш жамиятда доимий тус олди. Энди товар қиймати бир неча товарларнинг қийматлари билан ифодаланиши мумкин бўлади, яъни 2 қўй = 2 қоп ғалла ёки 25 метр читга ёки 3 болтага каби. Қийматнинг кенгайтирилган шакли аста-секин қийматнинг умумий шаклига айланади. Ҳамма товарлар ўз қийматларини бир товарда акс эттира бошлайдилар.

$$\left. \begin{array}{l} \text{Масалан: } 8 \text{ қоп ғалла ёки} \\ 10 \text{ метр чит ёки} \\ 1 \text{ болта ёки} \\ 2 \text{ грамм олтин} \\ \text{ва ҳоказо} \end{array} \right\} = 1 \text{ қўй}$$

Бунда товар — эквивалент ролини битта қўй ўйнамоқда. Шу йўсинда умумий эквивалент келиб чиққан ва бу ролни ўйновчи товарнинг асосий вазифаси одамларнинг шахсий эҳтиёжини эмас, ижтпмоний алмашув эҳтиёжини қондиришдан иборат бўлиб қолди.

Ҳар хил халқларда ва тарихнинг турли босқичларида эквивалент вазифасини турли товарлар бажарган. Масалан, Мўғил халқларида чой, Абиссинияда туз. Қадимги Русияда бир қанча асрлар давомида эквивалент ролини мўйна, X—XI асрларда эса мол ўйнаган. Ишлаб чиқаришнинг янада тараққий этиши, товар алмашувининг ривожланиб савдо-сотиқ ишларининг миллий доирадан чиқиб кетиши, катта халқаро бозорларнинг пайдо бўлиши ягона умумий эквивалент заруриятини келтириб чиқарган. Шу йўсинда қийматнинг пул шакли келиб чиқади. Умумий эквивалент вазифасини олтин бажара бошлаган. Олтин пулга айланди. Бу ҳолни қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$\left. \begin{array}{l} 8 \text{ қоп ғалла} \\ \text{ёки} \\ 15 \text{ метр чит} \\ \text{ёки} \\ 1 \text{ та қўй} \\ \text{ёки шунга ўхшашлар} \end{array} \right\} = 5 \text{ грамм олтин}$$

Пул ролини тарихда бошқа металллар ҳам (мис, темир, кумуш) ўйнаган. Масалан, Мовароуннаҳр давлатининг тарихидан маълумки, 14 асда муомалада кумуш ва мис тангалар ишлатилар эди. Лекин олтин ўзининг хусусиятларига, чунончи бўлинувчанлиги, яхши сақланиши, ўзида кўпроқ ижтимоий меҳнатни мужасамлаштиришга кўра пул ролини ўйнашга энг қулай бўлиб чиқди.

Шундай қилиб пул — ўзига хос товар, умумий эквивалент дир. Пулнинг вужудга келишининг асосий сабаби, товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, меҳнат тақсимотининг чуқурлашувидир, бунинг натижасида ортиқча маҳсулотни айирбошлаш зарурияти вужудга келган. Пул эса айирбошлашнинг энг қулай воситаси бўлганлиги сабабли инсонлар томонидан қабул қилинган.

Пулнинг моҳияти: қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғариш, тўлов воситаси, жаҳон пули вазифаларида яққол намоён бўлади.

1. **Пул** — қиймат ўлчовидир. Пул турли товарларнинг қийматини ўлчаб, миқдорини таққослаб беради. Товарлар қийматининг пулда ифодаланиши товарнинг баҳосидир. Товарнинг баҳоси маълум миқдордаги пул товарида (олтинда) ифодаланиб, унинг массаси оғирлиги билан ўлчанади. Олтинни маълум миқдордаги вазни (масалан 1 грамм) унинг массасини ўлчаш бирлиги қилиб қабул қилинади. Бу бирлик, пул бирлиги сифатида унинг массасини ўлчаш учун ишлатилган ҳолда, давлат томонидан пул бирлиги сифатида белгиланади. Товарларнинг баҳолари пул бирлигининг аниқ миқдорига ёки олтиннинг аниқ миқдордаги белгиларида ифодаланади. Масалан: АҚШда 1971 йилгача доллар баҳолар масштаби бўлган ҳолда, у олтинга марказий банклар ва чет эл ҳукуматлари учун расмий паритет бўйича алмаштирилиши мумкин бўлган. Баҳолар масштаби бошида оғирлик масштабига тенг бўлган. Кейинчалик баҳо масштаби оғирлик масштабига нисбатан алоҳидалашган, танга пулларни бузиш ҳоллари, оборотга ажнабий пулларни киритилиши бунга сабаб бўлган. Пул бирлиги (доллар, фунт стерлинг, франк) олдинги бирликларнинг номини сақлаб қолган, ammo сезиларли даражада кам миқдорда қиммат баҳо материалларни ўз ичига олган. Ҳозирги шароитда валютанинг олтин миқдори расман бекор қилинган.

2. **Пул** — муомала воситаси. Товар — пул муомаласи жараёнида пул нақд бўлиши керак, чунки унинг ёрдамида товарлар олди-сотди қилинади. Товарларнинг пулга айланиши товар ишлаб чиқарувчининг товарини тайёрлашга сарфланган меҳнати жамиятга керакли деб эътироф этилганлигини билдиради. Шунинг учун пулга товар айирбошлаш бозор иқтисодиётининг муҳим томони ҳисобланади.

3. **Пул** — жамғариш воситаси. Турли вазият тақозоси муомала жараёнининг узилиб қолишига олиб келиши мумкин. Бунинг на-

тижасида пул муомаллада бўлмай туриб қолади. Бундай ҳолда пул бойлик тўплаш воситаси вазифасини бажара бошлайди. Масалан: сиз бир йилда 10 минг сўм жамғардингиз. Демак, сиз шу ҳажмда топган пулингизни муомаллада ишлатмадингиз ва жамғардингиз.

4. **Пул — тўлов воситаси.** Тўлов муддати кечиктирилиб сотилган товарларнинг ҳақи тўланаётган вақтда пул тўлов воситасини бажаради. Харидорлар товарнинг пулини тўлов муддати келгандан кейингина тўлайдилар. Натижада пул маълум вақтдан кейингина оборотга тушади. Пул тўлов воситаси вазифасини товар муомаласи соҳасидан ташқарида ҳам бажаради. Хусусан, иш ҳақи тўлашда ҳар хил молиявий мажбуриятлар (займлар бўйича, солиқ, ижара ҳақи) тўланади.

5. **Жаҳон пули.** Халқаро меҳнат тақсими ривожланиши билан товарлар муомаласи бир мамлакат доирасидан ташқарига чиқа бошлайди, яъни жаҳон пулига айланади. Жаҳон пули вазифасини олтин, у билан бир қаторда миллий резерв валюталар ҳам бажаради.

Шундай қилиб, товар хўжалиги ва пулни вужудга келиши жараёни ҳамда уларнинг моҳиятини кўриб чиқиш, товар ва пул муносабатлари яхлит бир бутун тушунча бўлиб, товар хўжалигининг вужудга келиши муқаррар равишда пулнинг вужудга келишига олиб келиб улар параллел ривожланиб борган ва ҳозирда маъжуд бозор иқтисодиётининг асосини худди шу товар — пул муносабатлари ташкил этади.

Шундай экан, товар — пул муносабатлари маълум иқтисодий қонуналарга асосланади. Улар қиймат қонуни, пул муомаласи қонуни ва талаб — таклиф қонунаридир.

3. Қиймат қонуни

Қиймат деб маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф этилган меҳнат миқдори тушунилади. Меҳнат сарфлари жонли (иш кучи сарфлари) ва буюмлашган (ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё ва ҳ. к.) турларга ажратилади. Бинобарин «товарнинг қиймати» деганда, уни ишлаб чиқаришга кетган харажатлари тушунилади. Масалан: пойафзал ишлаб чиқарувчи оёқ-кийим ишлаб чиқаради дейлик, унда унга сарфланган хом ашё, меҳнат воситалари, унинг ўзини меҳнат сарфлари миқдори ушбу маҳсулотнинг қийматини ташкил этади.

Агарда биз бешта оёқ-кийим ишлаб чиқарувчинини олсак, улар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг индивидуал қиймати ҳар хил бўлади. Нима учун? Чунки уларнинг моҳирлиги, ишлаб чиқариш унумдорлиги ва интенсивлиги, қўлланиладиган дастгоҳлари ва технология даражаси ҳар хилдир.

Энди агар биз «товарлар индивидуал меҳнат сарфлари (қиймати) билан айирбошланади» десак, унда юқоридаги кўрсатилган даража паст бўлган ишлаб чиқарувчи қулай мавқеда бўлади. Агар шундай бўладиган бўлса, унда ишлаб чиқариш ривожланмайди, зеро бунга ҳеч қандай рағбат мавжуд бўлмайди. Чунки бизнинг мисолимизда «ҳаракат қилган» ишлаб чиқарувчи «ҳаракат қилмаган»га нисбатан кўпроқ фойда олади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар доим ҳаракат қилишига, янгиликларга интилишига, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришга нима ундайди? Бу саволга қиймат қонунини жавоб беради.

Қиймат қонунига биноан товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш, уларнинг қиймати асосида амалга оширилади. Бу қийматнинг миқдори ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан ўлчанади.

«Ижтимоий» деган ибора аввало шунини билдирадики, товар қийматининг миқдори у ёки бу ишлаб чиқаришнинг ўзинча алоҳида қилган меҳнат сарфлари билан эмас, балки ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари (ИЗМС) билан ўлчанади, яъни ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари ишлаб чиқаришнинг мавжуд ижтимоий нормал шароитда ва шу жамиятда меҳнат маҳоратининг ва интенсивлигининг ўртача даражасида, бирон истеъмол қийматини ишлаб тайёрлаш учун талаб қилинадиган иш вақти меҳнат сарфларидир. У қандай аниқланади?

Ижтимоий ишлаб чиқариш шароити одатда ўртача, нормал шароит бўлиб, бунда ўртача маҳоратга ва жадалликка эга бўлган ишчи зарур эталон соатга тенг бўлган қиймат яратади. Агарда, амалдаги ишлаб чиқаришнинг шароити ижтимоий нормалдаги шароитга мос келмасдан яхшироқ ва ёмонроқ бўлса ва ишчининг маҳорати ҳамда ишлаш интенсивлиги ўртача даражадан юқорироқ ёки пастроқ бўлса, ишчининг бир астрономик соат мобайнида яратган қиймати жамиятда қарор топган ўртача эталон соат қийматидан ортиқроқ ёки камроқ бўлади. Бунинг натижасида алоҳида ишлаб чиқарувчилар маҳсулотининг индивидуал қиймати ижтимоий зарурий қийматдан фарқ қилади. Буни тушуниш учун қуйидаги жадвалга назар ташлаймиз:

Ишлаб чиқарувчилар	Маҳсулотнинг индивидуал ҳажми (бир жуфт сўмда)	Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми (жуфт сўмда)	Индивидуал қийматнинг ижтимоий қийматдан фарқи. (сўм)
1	20	6000	+10
2	25	5000	+5
3	40	3000	-10
4	50	4000	-20

Агар биз бир жуфт оёқ кийим ишлаб чиқаришда ижтимоий-зарурий меҳнат сарфлари миқдори 30 сўмга тенг деб оладиган бўлсак, унда ушбу меъёрдан индивидуал меҳнат сарфлари биричи ва иккинчи корхонада мос ҳолда 10 ва 5 сўмга кам бўлади ва ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга ҳаракат қилади; 3 ва 4 ишлаб чиқарувчида аксинча юқорини, улар ишлаб чиқаришни ривожлантиришлари зарур бўлади, акс ҳолда улар синади. Демак, қиймат қонунига биноан ишлаб чиқарувчиларнинг индивидуал меҳнат сарфлари ижтимоий зарурий меҳнат сарфларидан ортиқ бўлса, яъни товари қимматга тушса кам фойда олади, зарар кўради, ҳатто синаб хонавайрон бўлади.

Агарда хусусий меҳнат сарфлари ижтимоий меҳнат сарфларидан кам бўлса, ишлаб чиқарувчи қулай иқтисодий мавқега эга бўлади ва иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, мустақкамланиб боради.

Шундай қилиб, қиймат қонуни товар ишлаб чиқарувчиларнинг хусусий меҳнат сарфларини ижтимоий зарурий меҳнат сарфларига келтиришга ундайди. Масалан: бир турдаги ёки ўхшаш товар ишлаб чиқарувчилар ҳар бири алоҳида хусусий меҳнат кучи сарфлайди. Товарнинг қиймати эса жамият учун ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан белгиланади.

Бозор иқтисодиётининг энг асосий талаби ишлаб чиқарувчи кам меҳнат сарфлаб, кўп ва сифатли мол ишлаб чиқаргандагина, яъни кишиларнинг талаб ва эҳтиёжини тўлароқ қондиргандагина фойда кўриб ишлаши мумкин, акс ҳолда у синади. Демак, қиймат қонуни ижтимоий меҳнатни ҳисобга олиш ва тартибга солиш ва вақтни тежашни рағбатлантириш вазифаларини бажаради.

Қиймат қонунининг амал қилиши охир-оқибат ишлаб чиқарувчиларнинг табақалашувига олиб келади.

Табақалашувнинг кечини фақат сарф-харажатлардаги фарққа эмас, шунингдек бозор талабини ҳисобга олишга, унга мослаша билишга ҳам боғлиқдир. Шунга кўра қиймат қонуни товар ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнат унумдорлигини ўстириб боришга ёки бошқа хил товар ишлаб чиқаришга ўтишга рағбатлантиради.

Бозор ҳолатини ҳисобга олиб харидорбоп товарни ўз вақтида кам меҳнат сарфлаб яратишга эришганларгина бойиб ривожланиб боради, бунга ўқуви етишмаган эса занфлашади.

Демак, қиймат қонунинг яна бир вазифаси — товар ишлаб чиқарувчиларни табақалаштиришдир.

Бозордаги товар баҳоси асосида қиймат ётади. Шунга кўра қиймат қонуни баҳолар қонуни сифатида кўринади. Лекин, қиймат қонунининг вазифаси баҳо қиймат билан тенг бўлганда ҳам, фарқ қилганда ҳам амалга ошаверади.

Чунки, эг юқори унумдорликка эришган товар ишлаб чиқарувчилар, бир мунча вақт юқори даромад олиб туришлари мумкин, лекин бу билан уларнинг аҳволи бутунлай кафолатланган деб бўлмайди. Агар улар техник ва ташкилий янгиликларни, кўпроқ самара берадиган ишлаб чиқариш йўлларини мунтазам қидриб топиб ишлаб чиқаришга қўллаб турмасалар, бир мунча вақтдан кейин ўз устунликларидан ажралиб қолишлари мумкин.

Шунга кўра, қиймат қонуни товар ишлаб чиқарувчиларни меҳнат сарфини камайтириш ёки камайтирмасликни танлаб олиш эркинлигидан маҳрум қилади. Улар доимо иқтисодий тазйиқ остида бўладилар ва доим иш вақтининг тежаш имкониятларини ахтариш билан шугулланишга мажбурдирлар. Қиймат қонунига асосланган; ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва тартибга солишнинг товар — бозор механизми иқтисодий тараққиётда муҳим роль ўйнайди. Бу механизмда иқтисодий алоқалар бир доирада чекланиб қолишига йўл қўйилмайди, у турли-туман кўринишни олиб, чуқурлашиб боради, бу эса ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қудратли рағбат тугдиради. Тарих тажрибаси — қиймат қонуни яратадиган рағбатлар ва тазйиқ гоят самарали эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, товар ишлаб чиқариш хўжалик юритишнинг шакли сифатида қиймат қонунига бўйсунди. Унинг моҳияти қуйидаги белгиларда намоён бўлади:

а) товар қиймати ижтимоий-зарурий иш вақти билан вужудга келтирилади;

б) товарларни айирбошлаш уларнинг қиймати асосида амалга оширилади.

Ушбу гоя XIX аср охирида чегаравий фойдалилик назарияси тарафдорлари томонидан танқид этилган. Уларнинг фикрича, товар қиймати ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан эмас, балки фойдали самара даражаси билан аниқланади. Қиймат назариясини фойдалилик асосида қуришга биринчи ҳаракатлар муваффақиятсизликка учраган. Бунинг асосий сабаби жами фойдалилик тушунчаси ишлатилган. Иқтисодий адабиётларда «Смит парадокси» деган нарсга маълум. Унга мувофиқ, агар қиймат неъматнинг фойдалилиги билан аниқланса, унда нима учун юқори фойдалилик даражасига эга неъматлар (сув, ҳаво) ҳеч нарсга турмайди, шу вақтнинг ўзида фойдалилиги кам ва амалий жиҳатдан фойдасиз буюмлар жуда юқори қийматга эга. Смит ушбу масала ечимини топа олмаган, бунинг натижасида қиймат назариясини ривожлантирган.

Чегаравий фойдалилик назариясида жами фойдалилик, яъни бирор бир неъмат ҳамма заҳирасининг чегаравий фойдалилик билан алмаштирилди. Ушбу назария баҳоларни ҳаракати механизми асосида истеъмолчиларни танлаши ётади, инсон неъматни

сотиб олиши ёки олмаслиги унинг фодайлилик даражасига боғлиқдир деган фикрга асосланади. У ёки бу неъматга зарурият кескинлиги бир хилда эмас: бир бурда ноннинг фойдалилиги бир сават нонниқидан юқори, бир стакан сувни фойдалилиги ер шаридаги ҳамма сув заҳираларидан юқори.

Унинг устига янги бирликларни истеъмол қилган сари фойдалилик даражасини ўсиш суръатлари пасаяди, фойдалиликда товарнинг ҳар бир бирлигини истеъмол қилган сари унинг қўшимча фойдалилиги камаяди; бунда камаювчи фойдалилик қонуни намоён бўлади. Демак, неъматнинг муҳимлиги чегаравий фойдалилик билан аниқланади.

Бундай олиб қараса, қиймат қонуни ва чегаравий фойдалилик назарияси бир-бирига қарама-қаршидай туюлади. Аммо кейинчалик бу икки концепция А. Маршалнинг иборали таърифига биноан «қайчини икки тиги» эканлиги маълум бўлди. Уларни иккиси ҳам ҳар хил тарафдан товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши баҳоларнинг шаклланиши ва харажат муаммоларини ҳал этади. Чунончи, қиймат қонуни таклиф томонидан ўзига хос таклиф қонунининг, чегаравий фойдалилик назарияси эса талабни акс эттириб, ўзига хос талаб қонуни сифатида майдонга чиқади. Талаб ва таклиф қонунининг ўзини биз 6-бобда батафсил кўриб чиқамиз.

4. Пул муомаласи қонуни. Пул қадри

Пул муомаласи барқарорлигига пул муомаласи қонуни асосида эришилади. Товар муомаласини таъминлаш учун зарур бўлган пул миқдори қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

— муайян даврда сотилиши лозим бўлган товарлар баҳосининг суммасига: чунки товарлар қанча кўп бўлса, уларни сотиш учун пул бирлиги шунча кўп талаб қилинади;

— ҳар бир пул бирлиги айланиш тезлигига эга, чунки айти бир пул суммаси кўпроқ ёки озроқ миқдорлари айрибошлашга хизмат қилиш мумкин;

— пулдан тўлов воситаси сифатида фойдаланишга боғлиқ, чунки кўпинча сотиладиган товарлар насияга сотилади ва сотиш давомида бошқа вақтда уларнинг ҳақи тўланади; шунга яраша пул бирликлари миқдори камаяди. Ундан ташқари, бу даврда илгари кредитга сотилган товарлар ҳақини тўлаш вақти бошланади ва бу эса пулга эҳтиёжни кўпайтиради.

Юқорида зикр этилганларни инобатга олган ҳолда муомала учун зарур бўлган пул миқдорининг ифодаси қуйидаги тусга киради:

$$П_m = \frac{T_6 - X_k + X_r - K_r}{O_r}$$

Бунда: P_m — муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул бирлигининг миқдори;

T_b — реализация қилиниши лозим бўлган товарлар баҳосининг суммаси;

X_k — сотиш давридан бошқа вақтда тўланадиган товарлар баҳосининг суммаси;

X_t — ҳақини тўлаш муддати келган товарлар баҳосининг суммаси;

K_t — бир-бирини қоплайдиган тўловлар суммаси;

O_t — пул обороти тезлиги.

Пул муомаласининг барқарорлиги ишлаб чиқаришнинг такрорланиб туришини, иқтисодий ўсишнинг бир меъёрда боришини билдиради. Унинг барқарорлигини таъминлаш учун энг аввало бозорга етарли миқдорда ва сифатли товарлар чиқарилиши керак.

Баҳолар пул миқдорига қараб ўзгариб туриши зарур. Товар тақчиллиги шароитида баҳони ўзгартириб, пул муомаласи барқарорлигига эришиб бўлмайди; чунки бу йўл билан товарлар ҳажмини ўзгартириб бўлмайди.

Пул барқарорлигини таъминлаш, пулнинг қадрли бўлишини таъминлашдир. Пулнинг қадри унинг товар ва хизматларини харид этиш, чет эл валюталарига алмаша олиш қобилиятидир.

Пул қадри мамлакат ичида ва чет элда товар ва хизматлар билан таъминланади; у мамлакат ўз қарзини тўлашга қодирлигига ва мамлакатнинг олтин ва бошқа қимматбаҳо буюмлари захирасига ҳам боғлиқ. Улар пул қадрини бевосита таъминлайди, яъни уларни четга сотиш ва шу асосда четдан товар келтириш билан мамлакат ичида пул қадри мустаҳкамланади. Пул қанчалик қадрли бўлса, бошқа валютага нисбатан унинг курси шу қадар юқори бўлади. Демак, пул қадри давлат иқтисодий аҳволининг умумлашган кўрсаткичидир. Бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда пулнинг ҳар хил гуруҳлари қўлланилади. Улар пул агрегатлари дейилади ва муомаладаги пул массасининг альтернатив ўлчовлари бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирда қуйидаги пул агрегатлари фарқланади.

M_1 — унга нақд пуллар (металл ва қоғоз пуллар), чекли қўйилмалар, гоҳида кредит карточкалар киради;

M_2 — унга M_1 + муддатсиз жамғарма ҳисобларидаги қўйилмалардан майда муддатли қўйилмалар киради;

M_3 — унга M_2 + муддатли йирик қўйилмалар киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, пул муомаласи масаласига иқтисодиёт назариясида кўп аҳамият берилади. Бу бежиз эмас, чунки пул-товар хўжалигининг ажралмас элементи дур. У иқтисодиётнинг аҳволига сезиларли даражада доим таъсир кўрсатади. Пул тизими иқтисодиёт механизмидаги «модда алмашуви»ни

таъминлайди, унинг ёрдамида катта массадаги товарларнинг ҳаракати амалга ошади ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишини рағбатлантиради. Иқтисодчи олим А. Маршалл шундай деб ёзади: «Пулни машинани раво ҳаракат қилишни таъминловчи ёғ билан тенглаштириш мумкин. Пул уларнинг ўзи учун зарур эмас; шунинг учун пулга эғалик қилиш, қулай шаклда умумий харид кучини бошқаришга имкон беради»¹⁰.

Ҳозирда пул ва пул сифатининг назарий муаммолари иқтисодий тафаккурни бир-бири билан қурашувчи мактаблар ва йўналишларни ўзаро мунозара майдонига айлангандир. Ушбу масалаларни биз давлатнинг пул сифатига тегишли мавзуда батафсил кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

5-б о б. БОЗОР ИҚТИСОДИЕТИ МОҲИЯТИ ВА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ

1. Бозор тушунчаси, унинг моҳияти ва ҳаракат қилиш шартлари

Бозор деганда биз кенг доирадаги товар алмашинини, иқтисодий жиҳатдан бир-бирдан алоҳида бўлган товар ишлаб чиқарувчилар билан товар харидорлари ўртасидаги алмашув муносабатларининг доимо янгиланиб турадиган кенг тармоқли тизимни акс эттирувчи бутун товар олди-сотди актлари мажмуасини тушунамиз.

Бозор товар сотувчи, товар сотиб олувчининг иқтисодий манфаатлари рўёбга чиқадиган асосий майдон бўлиб хизмат қилади. Товар ишлаб чиқарувчи товарни сотар экан, ўзининг бировард иқтисодий манфаатини рўёбга чиқаради. Харидор эса товарни сотиб олиш билан фақат ўз манфаатларини рўёбга чиқариш учун потенциал имкониятларнигина яратади; шунинг учун ҳам у товарни танлашда, айниқса эҳтиёткор, унинг сифатини ва нархини баҳолашда талабчан бўлади.

Расман олганда харидор ва сотувчи бир-бирининг қаршисида тенг ҳуқуқли, юридик жиҳатдан эркин, бир-биринга боғлиқ бўлмаган шахслар сифатида майдонга чиқади. Лекин, сотувчи ўз бировард манфаатларини рўёбга чиқариш учун товарни албатта сотиши керак. У ўз ҳаракатларида ана шу зарурият билангина чекланган.

Харидор эса бунчалик қатъий заруриятга муҳтож эмас; у фақат товарни танлашдагина эмас, умуман товарни сотиб олиш ёки олмаслик масаласида ҳам эркиндир.

Шундай қилиб, товар ишлаб чиқарувчи харидорга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлиб чиқади. Унинг устидан харидорнинг эҳ-

¹⁰ Marshall A. Money Credit and Commerce L. 1923.

МОНГО
ДЭМЖ
УНИВЕР
СИТИ

НЭГЭ

1

МОНГО
ДЭМЖ
УНИВЕР
СИТИ

МОНГО

1

МОНГО

МОНГО

1

МОНГО

МОНГО

МОНГО

МОНГО

МОНГО

МОНГО

1

1

1

1

1

1

1

1

1

1

1

1

1

1

1

1

1

1

1

1

1

1

1

МОНГО

МОНГО

МОНГО

МОНГО

МОНГО

МОНГО

МОНГО

МОНГО

МОНГО

МОНГО

МОНГО

МОНГО

МОНГО

14



ларнинг маифаатлари асосида ҳаракат қилади. Товар хариддорларни керакли товарлар билан таъминлайди. Бозорда товар ишлаб чиқарувчига пул берадилар.

Бозор ҳудудлик юртишда, меҳнат қилишда ва маҳсулот ишлаб чиқаришда юқори маъсулиятини ва жавобгарлигини талаб қилади. Ундан ташқари, бозорнинг муҳим талаби шуки, товар ишлаб чиқарувчи кам меҳнат сарфлаб товар ишлаб чиқаришдан ҳақ олиши зарур; ақс ҳолда у синади. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчисининг зўравонлигига барҳам бериб ишлаб чиқаришни истеъмолчисининг маифаатларига бўйсундира олади. Маҳсулотларга талабни тўғри ҳисобга олиш, бозордаги ўзгаришларга қараб тез ҳаракат қилиш имконини беради. Иқтисодий таъминотдан бошқариш шароитида амалга ошириш мумкин бўлган нарсаларга, яъни ишлаб чиқаришни истеъмолчи, инсон маифаатига хизмат қилдиришга эришилади.

Бозор товар ҳўжалиги вўжудга келиши билан таркиб топиб юқори меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви уни ривожлантира олади. Капитализмгача бўлган даврда оддий бозор вўжудга келиши унда кундалик истеъмол буюмлари сотилар эди. Капитализм ривожланиб борган сари товар муомаласи соҳаси кенгайиб кетди ва бозор иқтисодий алоқаларнинг асосий шакли бўлиб қолди. Бозорлар тизими вўжудга келади ва ривожланиб боради. Бозор вазифаларини аниқ бажариши учун бир қатор шарт-шароитлар мавжуд бўлиши зарур. Бозор мавжуд бўлишининг битта шарт ва асосий шarti эркин тадбиркорликдир. У ишлаб чиқарувчиларнинг мустақил равишда товар ва хизматларини ишлаб чиқариши ташкил этиши ва уларни ўз хоҳишларига биноан солади (ақли эканликларини кўрсатди).

Бозор вазифачи ва хариддор тапшиши имкониятининг мавжуд бўлиши, иштирокида вўжудга келадиган муносабатлар ихтиёрликнинг мавжуд бўлиши лозим. Иқтисодий мустақилликнинг асосий шарт-шароитларининг мулкка эга бўлиши ҳуқуқи, уларни ишлаб чиқариши натижаларини эркин тасарруф қилиш ҳуқуқини ҳам қамраб олади.

Бозорнинг мавжуд бўлиши учун иқтисодий таъминотда мулкнинг турли шакллари ва тенг шароитда ҳаракат қилиши лозим. Бозор мулкдорларнинг эркин эътибори ва ишлаб чиқарувчиларнинг бозорда эркин рақобат қилиши тақозо этади. Ҳар бир товарга ишлаб чиқарувчиларнинг 8—15 тагача бўлиши керак. Бозорда ривожланган го-бу, муносабатлар тизими, бозор инфраструктураси, шартноамалларнинг шериклар ўртасида ҳар хил битимлар мавжуд бўлиши зарур.

Бозор иқтисодий институт бўлиб, у одамлардан маълум ахборотларни ривож этишни талаб этади. Бозорда бўйсунушига қаршилик қилганга ўрганган маъмурий одам эмас, балки иқти-

содий омилкорлик билан ҳарикат қилувчи тadbиркор о. кат қилиши керак.

Бозор муносабатлари билан иқтисодийнинг тўлиқ қамрини иши ёса ҳар хил бозор турларини биргаликда ҳарикат қилиши назарда тулади (шу. товар, ишчи кучи бозорлари ва ҳол).

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, бозор унсурлари мавжудлиб, улар орқали бозорнинг ҳарикат қилиши механизми ишлаб ўзларга қўйилганлар кирати: акционер компаниялар, банк ва ш. маркетнинг ҳар хил биржалар, аралаш корхоналар ва к. фирмалар, шу билан биргаликда ва бошқалар. Юқорида айтилганлар мавжуд бўлишидагина, ҳақиқий бозорли ва ўз вазифаларини бажариши мумкин.

2. Бозорнинг асосий вазифалари ва турлари

Бозор бажарилган иқтисодий вазифалар қўйилганлардан ират; ишлаб чиқариши билан истеъмолчи товар айирбошланиши оли бир-биринга болаш; истеъмол бўлишлари ва хизматни ақд етказиб бериши орқали халқ фаровонлигини ошириши, ишнинг такрор яратилишини таъминлаш; ишлаб чиқариши воситларини корхона ва ташкилотларга етказиб бериши орқали иқтисодийнинг моддий асосини такроран яратиши ва ривожлантири баҳоларини ўзгариши орқали талаб ва таклифни бир-бир мослаштирили; шуни товар билан таъминлаш орқали мулк маласининг барқарорлигига эришиши, ишлаб чиқаришини жаъазоларининг талаб ва эҳтижлари даражасига қараб ўзла эришини; товарларни ишлаб чиқаришига кетган сарф-харажатларни бақадар ўринли эканлиги, уларнинг жамият томонидан олинишини аниқлаши ва харажатларни насантиришига у халқлар ва давлатлар ўртасидаги боғлиқлик ва тенг ҳуқуқ, иқтисодий алоқаларни кенгайтириши ва мустаҳкамлаш.

Ушбу вазифаларни бажариши орқали бозор юқори маданий хўжалик тараққий этишини таъминлайди ва иқтисодий ривожланишида маълум нисбатларнинг зарурлигини ўз аниқловчи восита сифатида майдонга чиқди.

Бозор бой таркибга эга бўлган мураккаб қурилма. Шунга ра, у жуда хилма-хил кўринишлар ва турлардан иборат.

Ишлаб чиқариши воситалари бозори. Ишлаб чиқариши воситларини айирбошланиш борасида маҳсулотни етказиб берувчи хоналар билан харид қилувчи корхоналар ўртасида бевосита қалар тизими юзага келади.

Буйруқбозлик иқтисодий шароитида ишлаб чиқариши воситларини билан бардо қилиши асосан юқори ташкилотнинг раъқўра тақсимот асосида моддий техника таъминоти ташкилот томонидан нақд пулсиз корхоналарнинг банкдаги маҳсу

1900

1901

1902

1903

1904

1905

1906

1907

1908

рақамлари орқали ҳисоб-китоб юритиши йўли билан амалга оширилади. Бундай йўсунда шунини ташкил этиш товар муомаласига энд бўлган ҳолда ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатни инкор этар, тармоқлар ва корхоналарнинг зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари билан етарли даражада таъминланмаслигига олиб келар эди. Бозор муносабатларини таркиб топтириш ишлаб чиқариш воситаларини барча истеъмолчи корхоналарга, корхона эгаларига ва аҳолига эркин нархларда сотиш имкониятларини яратишнинг тақозо этади. Ушбу алоқалар тўғридан-тўғри шартномавий алоқалар шаклида улгуржи баҳолар орқали улгуржи савдо шаклида бўлиши мумкин. Иқтисодий бошқаришнинг бозор усулига асосланган мамлакатларда улгуржи савдо товар биржалар орқали амалга оширилади. Товар биржалари уни ташкил этувчиларнинг пул-қўйиши орқали акционер жамияти сингари ташкил этилади. Товар биржалари 2 турга бўлинади: а) очиқ биржа — бунда биржа аъзолари билан бир қаторда бошқалар ҳам савдо қила олади; б) ёпиқ биржа — бунда фақат биржанинг аъзолари савдо битимлари тузадилар.

Биржани кенгаш ва унинг президенти бошқаради. Тендер биржасининг даромади биржа муомаласи иштирокчиларни тўлайдиган хизмат ҳақидан ташкил топади.

Истеъмол буюмлари ва хизматлари бозори — аҳоли истеъмолчи учун зарур бўлган товар ва хизматларини айирбошлашдан иборат. Амалда истеъмол молларини бозори савдо шаҳобчаларидан иборат бўлади. Унга давлат, кооператив, тижорат савдоси, деҳқон бозори, чайқов бозори киради. Бунда сотувчилар — товар ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг ваколатини олган корхона, ташкилот ёки ишлаб чиқарувчилар бўлса, харидор кенг истеъмолчилардан иборат бўлади. Шунингдек, ушбу бозорда аҳолига ҳар хил хизматлар (маиший техникавий ва бошқа) ҳам кўрсатилади. Бозор иқтисодиёти учун пул бозори шарт бўлиб ҳисобланади. Чунки бозор иқтисодиёти аввало айирбошлаш, товар-пул муомаласидир. Пулларнинг бозорда айирбошлашиши уларнинг қадр-қиймати (курси) асосида амалга оширилади ва у ўзгарувчан хусусиятга эгадир. Курс даражаси давлатнинг иқтисодий вожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Иқтисодий самарадорлик юқори бўлса, уни акс эттирувчи пулнинг ҳам қадри кучли бўлиб, курси юқори бўлади. Пул бозорида ўзгариб турувчи пул курси тўғрисидаги маълумот теалиги муҳим бўлиб, уни ўз вақтида билиш ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Қимматбаҳо қоғозлар бозори — акция, облигация, вексель, чек, сертификатни олди-сотди қилиш бўлиб, фонд биржалари акционерлар ва бошқалардан иборат. Асссий кўриниш: акция ва облигацияларнинг савдосидир. Акциялар акционерлик жамиятлари томонидан чиқарилади. Акционерлик жамияти — ту,

корхоналар, ташкилотлар, банк компаниялар ва алоҳида шахслар пул маблағларини шерикчилик асосида бирлаштириб соҳибкорлик учун тузилган жамият. Қимматбаҳо қоғозлар бозори — акционерлик компанияларни меъёрида ишлашининг энг муҳим шарти, жамият пул ресурсларини жамлашнинг муҳим воситасидир. Қимматбаҳо қоғозлар бозори миллий ва жаҳон бозоридан иборат. Нью-Йорк фонд биржаси амалда халқаро қимматли қоғозлар бозоридир. Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши корхоналарнинг молиявий ресурс (маблағ)лар ва аҳолининг жамғармаларини ишлаб чиқариш соҳаларига сафарбар этиш ва улардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Меҳнат бозорида иш кучи сотилади ва сотиб олинади. Бу айирбошлаш меҳнат биржаларида амалга оширилади. У бозор иқтисодиётининг муҳим элементи бўлиб ишсизликни мунтазам равишда ҳисобга олиб боради. Турғунлик даврида ишчилар иш жойини эркин танлаши, ўз имкониятини тўлиқ ишга солишдан маҳрум эдилар. Ишчиларнинг эркин ҳаракати чекланган эди. Қозирда бунда ишсизлик мавжуд эканлиги расман тан олинishi муносабати билан меҳнат биржалари қайта ташкил этилди, уларда иқтисодчилар, социологлар, врачлар ёрдамида ишсизларга нафақалар тўлаш, янги касбларга тайёрлаш бўйича ишлари йўлга қўйилмоқда.

Худудий чегара ва бозор миқёси нуқтани назаридан қўйдаги бозорлар фарқланади: — маҳаллий (шаҳар, вилоят, минтақа кўламида) — миллий (ички) — жаҳон (ташқи).

Миллий бозор шаҳар, туман, вилоят доирасидаги бозорлар бўлиб, унинг айниқса истеъмол бозорини ривожлантиришдаги ўрни каттадир. Бу бозордаги моллар ҳажми ва турлари аввало, маҳаллий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун, бундаги моллар асосан озиқ-овқат саноат моллари хўжалик ва уй-жой қурилиш буюмларидан иборат бўлади. Агар биринчи навбатда зарур турдаги молларни ишлаб чиқариш самарали қилиб ташкил этилган бўлса, маҳаллий бозор ривожини учун шароит яратилган бўлади.

Миллий бозор анча йирик бўлиб, бу давлат ҳудудлари билан чегараланган бўлади. Бу маҳаллий бозорга нисбатан кенг ва мустақиллик даражаси юқори бўлган бозордир.

Жаҳон ва ташқи бозор давлатлар ўртасида маҳсулотларни айирбошлашда юзага келадиган иқтисодий ҳолатдир. Бу ҳилдаги савдо маҳаллий ва миллий бозорлардан талаблар, ташкилий томонлари, ҳуқуқий амалиётлари билан сезиларли даражада фарқ қилади. Бу бозорда эркин алмаштириладиган валюта ва олтин пул воситачилигини усуллари билан ҳисоб-китоб қилинади.

Жаҳон бозорида моллар стандарт юқори даражада бўлган "файл"и унда қатнашиш учун товарларнинг сифати юқори, талаб

100
100
100

100
100
100

эса замонавий бўлиши зарурдир. Бундай талаб ташқи бозорга чиқиш, унда тенг ўрин эгаллаш ишлаб чиқаришнинг юқори даражада бўлишдан келиб чиқади. Бунинг учун эса, ишлаб чиқаришнинг юқори самара берадиган қилиб ташкил этиш зарур. Бозор муносабатларининг шакллантириш ва ривожлантириш бозорларининг турларининг бирдай авж олишининг назарда тутати.

3. Бозор иқтисодийтини ташкил этиш муаммолари

Иқтисодиёт бу товарларнинг донмий ҳаракатидан иборатдир. Улар бозорларда янги технологиялар, ахборот ва билимлар воситасида ишлаб чиқариш соҳасида ҳаракат қилади. Бундай ҳаракат тартибсиз, стихияли ҳаракатдан хилма эмасди. Зеро, шундай мураккаб иқтисодий тузумда маълум тартиблар мавжуд ва ҳамма жараёнлар ягона қонуниятларга асосланади.

Иқтисодиёт ўзига хос мувофиқлаштирувчи механизмга эга бўлган тизим сифатида ҳаракат қилади ва у ўзига мисалчилаб товар ишлаб чиқарувчиларини бўйсундиради. Бу эса иқтисодиётнинг ичида рўй бераётган ҳамма жараёнларга ички тақомиллаштириш хослигидан далолат беради.

Ривожланиш даражасидан қатъий назар, ҳар қандай жамият олдида турувчи муаммоларини ҳал этиш учун ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклини таплаши зарур.

Иқтисодиётни ташкил этишнинг бозор шакли жуда самарали бўлиб чиқди. Нима учун? Асосийси шундан иборатки, у жамиятда мавжуд муаммоларини энг кам харажатлар билан ҳал этишни талаб этади. Бозор тизимида унинг субъектлари (фирма, уй хўжалиги, давлат) ўзаро ҳаракат қилади ва улар бир-бирисиз алоқида ҳаракат қила олмайди; ишлаб чиқарувчилар баҳо тилида сўзлашади ва унинг ёрдамида миллат учун зарур бўлган иқтисодий муаммолар ҳал этилади.

Бозор тизимида, баҳо ва рақобат мувофиқлаштирувчи ва ташкил этувчи механизм ҳисобланади. Бозор тизими бир вақтнинг ўзида икки вазифани: а) истеъмолчиларни, ишлаб чиқарувчиларни ва ресурсларни етказиб берувчиларга қабул қилинган қарорларни уларнинг ҳар бирига билдириш; б) ушбу қарорларни бирига мослаш, бу эса ишлаб чиқариш мақсадларини мувофиқлаштиришни таъминлаб беради. Бозор тизимини қандай ҳақ қилишнинг тушуниш учун, унинг олдида турган бир қатор муаммоларни мавжудлигининг эътироф этганимиз ҳолда, ҳар қандай тизим, шу жумладан бозор тизими ўз ҳаракати довомида шу муаммоларга тўқнаш келади ва уларнинг ечимларини топнишга мажбур бўлади.

Бу муаммолар қуйидагилардан иборат:

Қандай товар ва хизматлар тўпلامининг жамият эҳтиёжлари уларни тўлиқ қондириш учун ишлаб чиқармоқ зарур, мав-


жуд ресурсларнинг қандай қисмини ишлаб чиқариш жараёнига тортмоқ зарур? Қисқача айтганда имани ва қандай ҳажмда ишлаб чиқариш зарур?

2. Қайси корхоналар ишлаб чиқаришда қатнашмоқлари ва ишлаб чиқаришларини қай йўсинда ташкил этишлари лозим. Маҳсулотларни қандай ишлаб чиқариш керак?

3. Ишлаб чиқарилган маҳсулот қандай қилиб алоҳида истеъмолчилар ўртасида тақсимланиши керак? Маҳсулотни ким олиши керак?

4. Истеъмол талабларини технологиядаги ўзгаришларга мувофиқ тизим керакли ўзгаришларни амалга ошира оладими?

Бу муаммо ҳаџисларнинг чекинлиги ва ресурсларнинг чеklangанидан келиб чиқади. Ресурсларнинг cheklangани сабабли иқтисодиџет cheklangan ҳажмда товар ва хизматларни



1-расм. Ресурслар ва даромадларнинг доиравий ҳаракат модели.

ишлаб чиқаришни таъминлаб бера олмайди. Шунинг учун иқтисодиџет ҳар доим таълаш олдига туради, яъни иқтисодиџет бир маҳсулотни ишлаб чиқаришдан воз кечади, бунда маҳсулотни бошқа товардан кўпроқ ишлаб чиқариш. Ресурслар cheklangани сабабли иқтисодиџетда бир вақтни ўзида иккала ёки зарур бўлган ҳажмда товарларни ишлаб чиқаришига имкон бермайди.

Бозор тизими тўқнаш келадиган муаммоларни тушуниш учун аввало бозор тизимида ресурслар ва даромадларнинг доиравий айланishi моделини кўриб чиқамиз, у 1-расмда акс эттирилган. Уй хўжалиги бевосита ёки билвосита (мулкка кир

савдо-саноат корпорациялари орқали) иқтисодий ресурсларга эгаллик қилади ва улар корхоналарга етказиб беради. Бизнинг моделда корхона оддий ташкилий тасвир деб олинган. Дарвоқе, уй хўжалиги бу битта ёки ундан ортиқ шахслардан иборат иқтисодий бирликдир.

Корхоналар ресурсларни талаб этади, уй хўжалиги эса таклиф этади. Ресурсларга бўлган талаб ва таклиф баҳони шакллантиради. Корхонанинг ресурсларни сотиб олишга сарфлари харажатларни ташкил этади, бир вақтнинг ўзида, уй хўжалигини (пул) даромадлар оқимини ташкил этади.

Диagramманинг пастки қисмига қараймиз, уй хўжалиги пул даромадларини товар ва хизматларни сотиб олишга сарф этади ва у талабни акс эттиради. Шу вақтни ўзида корхоналар ресурслардан фойдаланиб, товар ва хизматларни ишлаб чиқаради ва таклиф этади. Бунинг натижасида баҳо таркиб топади.

Корхона нуқтан назаридан уй хўжалигини истеъмол сарфлари уларни асосий даромадларини ташкил этади. Ушбу модел — иқтисодий фаолият ва қарорларни қабул қилиш мураккаб ва бир-бири билан чирмашиб кетган жараён эканлигини кўрсатади. Демак, монетар иқтисодий тизимда уй хўжалиги ресурслар эгаси сифатида уларни корхоналарга сотади, ундан олинган пул даромадларига истеъмол сифатида товар ва хизматларни сотиб олади. Товарларни ишлаб чиқариш учун корхоналар ресурсларни солиб олишлари керак, уларнинг тайёр маҳсулоти эса уй хўжалигига уларни истеъмол сарфлари ўрнига сотилади, корхона нуқтан назаридан эса, уларни олаётган тушумларини ўрнига. Пировард натижада эса аниқ иқтисодий ресурслар соат миқдори қарама-қарши, пул даромадлари ва истеъмол харажатлари эса соат милли бўйича ҳаракат қилади. Ушбу оқимлар бир вақтда узлуксиз ҳаракат қилади.

— 4. Фойда ва ишлаб чиқариш харажатлари

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий рағбатлантирувчи кучи, мақсади фойда бўлганлиги учун, фойда келтирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади; фойда келтирмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмайди. Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг фойда кўриши ёки кўрмаслиги:

а) корхона ўз маҳсулотидан олган умумий даромадига;

б) унинг ишлаб чиқариш учун сарф қилган умумий харажатларига боғлиқ бўлади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш омилларига қилган жами харажатлари умумий харажатлар дейилади (С—У). Улар доимий харажатларга (С), ва ўзгарувчан харажатларга (У) бўлинади.

Умумий харажатларнинг миқдори бозорда юзага келган ишлаб чиқариш омилларининг нархига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқа-

рилган маҳсулотларини сотишдан тушган пул корхонанинг жамъ даромадини ташкил этиб, унинг миқдорини сотилаётган маҳсулот нархлари белгилаб беради. Умумий даромад (ялпи) харажатлар ўртасидаги фарқ фойдани ташкил этади.

Демак, тадбиркор ишлаб чиқарган маҳсулотини сотишдан тушган умумий даромади, унга ишлаб чиқариш харажатларини қоплашни (К) ва фойда (Р) олишни таъминлаб бера оладиган ҳажмда бўлиши лозим, шундагина у маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиши мумкин. Ундан ташқари харажат қанчалик кам бўлса, фойданинг миқдори шунчалик катта бўлади.

Демак, бозор тизимида юқори фойда келтирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бунинг натижасида ресурслар фойда олувчи корхона ва тармоқларга юборилади, зарар кўрувчилар эса улардан маҳрум этиладилар.

Аммо тадбиркор фойда олиши учун ўз маҳсулотини сотиши керак. Бозор тизимида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг тури ва ҳажми истеъмол талабига жавоб беради.

Истеъмолчилар ўз даромадларидан келиб чиққан ҳолда товар ва хизматларини сотиб оладилар. Бу билан улар бозор орқали ишлаб чиқарувчиларга ўз талабларини қўядилар. Ўз навбатида ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда тадбиркор маҳсулот ишлаб чиқаради ва сотишга ҳаракат қилади.

Бозорда маҳсулотнинг сотилиши, ишлаб чиқарувчи ўзига фойдани таъминлаганидан далолат беради. У эса бу тармоқнинг кенгайиши ва маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга олиб келади ва аксинча истеъмол талаби камайса, маҳсулот сотилмаса, тармоқ зарар кўради ва ишлаб чиқаришни қисқартиришга мажбур бўлади. Рақобатли бозор иқтисодиётида истеъмолчиларнинг мустақиллиги мавжуд.

Зарар кўриш хавфи ва фойда олиш учун ҳаракат корхоналарни ва ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчиларни ўз фаолиятларини истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда қуришга мажбур этади, яъни улар ўзлари хоҳлаган нарсаларни ишлаб чиқара оладилар. Талаб масаласидаги истеъмолчиларнинг қарори, корхоналарнинг эркинлигини чеклайди. Корхоналар ишлаб чиқариш учун танланган маҳсулотларини истеъмолчи танлаганлари билан мувофиқлаштириб олишлари зарур бўлади. Ишнинг бундай ташкил этилиши натижасида жамият иқтисодий самарадорликка, ижтимоий эҳтиёжларни максимал қондиришга эришади.

5. Бозор тизими шароитида ишлаб чиқаришни ташкил этиш

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласи қандай ҳал этилишини тушуниш учун аввало қай йў-

синда ресурслар тармоқлар ўртасида тақсимланишини кўриб чиқиш лозим бўлади.

Бозор тизимида маҳсулотларга юқори даражада талаб бўлган, фойда олаётган тармоқлар ва маҳсулотларга талаб бўлмаган, зарар кўрадиган тармоқлар бўлади.

Бозор тизимида зарар кўрадиган тармоқлар ишлаб чиқариш ресурсларидан маҳрум бўлади, улар фаолият кўрсатмайдилар. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иккинчи масаласи, қайси корхоналар ҳар бир тармоқда ишлаб чиқаришни амалга оширишлари ва қандай техника ҳамда технологияларни қўллашлари лозим?

Бозор иқтисодиётида юқори самара берадиган технологияни қўллашни хоҳлайдиган ва бунга қодир бўлган фирмалар ишлаб чиқаришни амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

«Иқтисодий самарадорлик» деганда маълум маҳсулот ҳажмининг энг кам харажатлар билан ишлаб чиқариш тушунилади. Бунда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳамда ишлатилган ресурслар қиймат шаклида (пул бирлигида) ифодаланади.

Иқтисодий самарадорлик қуйидагиларга: а) маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи ишлаб чиқариш омилларига; б) ресурсларга белгиланган баҳоларга боғлиқ бўлади.

Фараз қиламиз: қиймати 20 доллар X маҳсулотни ишлаб чиқариш имконини берувчи икки турдаги технология мавжуд. Биринчи турдаги технологияни қўллаганда ишлаб чиқариш харажатлари 12 долларга, иккинчисида эса 15 долларга тенг. Бунда биринчи турдаги технология танланади. Чунки корхоналар катта ҳажмда фойдани таъминлаб берувчи самарали технологияни қўллашга ҳаракат қилади. Шунинг ҳам таъкидламоқ зарурки, ушбу технологияларнинг ҳар бирини ва ресурсларга бўлган баҳонинг ўзгариши корхонани қўллаётган технологиядан воз кечишига олиб келади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимлаш муаммоси бозор тизими иккиёқлама ўрин тутати. Ҳар қандай маҳсулот, умуман олганда истеъмолчилар ўртасида уларнинг даромадлари тўлаш қобилиятидан келиб чиққан ҳолда тақсимланади. Масалан, маҳсулот 10 доллар туради; уни тўлай олган маҳсулотни олади ва аксинча.

Истеъмолчиларнинг тўлай олиш қобилиятини аввало унинг даромад миқдори аниқлайди. Ўз навбатида пул даромади уларни ресурслар бозорга етказиб берадиган моддий ва жонли меҳнат ресурсларининг миқдори ва унинг баҳоларига белгиланган ҳолда боғлиқ бўлади.

Демак, уй хўжалиги ижтимоий маҳсулотни бир қисми эвазига таклиф этувчи даромадларнинг шаклланишида, ресурсларга белгиланган баҳо асосий ўрин тутати.

Истеъмолчи ўзининг даромадлари доирасида маҳсулотларни сотиб олади, ammo харид қилиш жараёнида у маҳсулотларнинг сифатини бир-бирига солиштирадп; сифатли, ammo баҳоси пастроқ бўлган маҳсулотларни сотиб олади. Демак, маҳсулотларга баҳо истеъмолчиларнинг харажатлар таркибини шакллантиришда асосий ўрин тутати. Шунн таъкидлаш лозимки, ижтимоий маҳсулотни тақсимловчи бозор механизмига ахлоқий принциплар хос эмас.

Бир хил инсонлар оилаларида мерос олиши, оғир меҳнати ва тежамкорлиги орқасидаги ёки алдаш йўли билан катта даромадлар оладилар; уларга ижтимоий маҳсулотни катта қисми қарайди. Бир хил инсонлар эса паст малакага эга бўладилар, ишларига яраша кам даромад оладилар, уларнинг ижтимоий маҳсулотдаги улушлари кам бўлади.

Жамиятнинг ривожланиши натижасида истеъмолчиларнинг талаби, ишлаб чиқариш технологиялари, етказиб берилаётган ресурсларнинг таркиби ўзгаради. Бозор тизими ушбу ўзгаришларга мувофиқ ресурсларни тақсимлашга тузатиш кирита олади ва ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлай олади. Чунки рақобатга асосланган бозор тизими тадбиркорларга истеъмолчиларни дидларидаги ўзгаришлари тўғрисидаги хабарни етказати, иқтисодиёт эса унга мувофиқ ресурсларни тақсимлаш жараёнига тузатишлар киритади. Бу эса пуллар ёрдамида амалга оширилади. Фараз қиламизки, иккита маҳсулот мавжуд. Истеъмолчиларнинг дидлари айрим сабабларга кўра ўзгаради.

Иқтисодиёт бозор орқали корхоналарга бу ўзгаришлар тўғрисидаги хабарни етказати. Қандай? Бозордаги талабни унга мувофиқ баҳоларнинг ўзгариши орқали. Дейлик, биринчи турдаги маҳсулотга талаб ошди, натижада унинг баҳоси кўтарилди. Иккинчи маҳсулотга эса талаб пасайди; натижада унга бўлган баҳо пасайди. Ушбу давргача маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг ҳар иккаласи зарурий фойдани олар эдилар. Бозордаги ўзгаришлар натижасида биринчи тармоқнинг олаётган фойдаси ортади, иккинчи тармоқ эса маҳсулотига баҳонинг пасайиши натижасида зарар кўради. Шахсий манфаат (фойда олиш) янги рақобатчиларни биринчи тармоққа кириб боришга мажбур этади. Иккинчи тармоқни эса фирмалар ташлаб кетишга ҳаракат қиладилар. Ammo бу ўзгаришлар маълум давргача давом этади. Биринчи турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш, унга бўлган талабни камайиши ва тармоқ олаётган фойданинг зарурий фойда даражасигача пасайиши қадар ошиб боради. Иккинчи турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш эса, унга бўлган талабнинг пасайиши натижасида унинг баҳосининг кўтарилиши ва тармоқ зарурий фойдани олгунга қадар қисқариб боради. Шунга яраша ресурслар фойдаси паст бўлган тармоқдан у баланд бўлган тар-

моққа ўтиб туради. Ишлаб чиқаришни тўғрилаш истеъмолчиларнинг дидларидаги ўзгаришлардан келиб чиқади. Бизнинг мисолимизда жамият биринчи турдаги товарни талаб этаяпти, унинг талаби уни ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали қондирилаяпти. Бизнинг фикримизча, ресурсларни етказиб берувчилар ҳам ушбу тўғрилашларни қабул қиладилар деган тахминга асосланди. Энди бизнинг мисолимиздаги икки тармоқдаги ўзгаришлар натижасида моддий ва инсоний ресурсларни тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш зарурлиги тўғрисидаги хабарни бозор тизими ресурсларни етказиб берувчиларга етказди. Қандай? Биринчи тармоқнинг маҳсулотига талабнинг ортиши натижасида унинг фойдасининг ортиши биринчидан шў тармоқни кенгайтириш учун рағбат уйғотади, иккинчидан эса, унинг ривожланишига керак бўлган ресурсларни сотиб олиш учун зарур бўлган маблағ билан таъминлайди. Бизнинг мисолимиздаги биринчи тармоқ маҳсулотига баҳо юқори бўлгани учун ресурсларга юқорироқ баҳони тўлашга имкон беради, бу билан бошқа соҳалардан ресурсларни жалб қилади. Биринчи тармоқни кўпроқ ресурсларни ишлата олиш тўғрисидаги хабар ресурслар бозорига яна шу турдаги ресурсларга талабни кўтарилиши шаклида етказилади.

Иккинчи тармоқда эса бу жараённинг акси рўй беради. Кўрилган зарар тармоқнинг қисқаришига олиб келади; натижада тармоқнинг ресурсларга бўлган талаби пасаяди. Иш кучи ва бошқа ресурслар тармоқни қисқариши натижасида бўшайди ва кенгаювчи тармоққа ўтишлари мумкин бўлиб қолади.

Биринчи тармоқ ресурсларни бошқа тармоққа нисбатан юқорироқ баҳода сотиб олиш имконига эга бўлади. Баҳорлардаги фарқ ресурсларни етказиб берувчиларни ресурсларни тармоқлар ўртасида қайта тақсимлашга рағбат уйғотади. Бизнинг мисолимизда ресурслар биринчи тармоқ фойдасига қайта тақсимланади, яъни кўпроқ шу тармоққа ресурслар етказиб берилади. Истеъмолчиларнинг дидларидаги ўзгаришлар ҳусусида ишлаб чиқарувчиларга хабар бериш ва уларни шу ўзгаришларга мослашиш баҳо орқали амалга оширилади.

Бундан ташқари бозор тизими технологиялардаги ва ҳар хил ресурсларнинг таклифи таркибига мослаша олиш лаёқатига эгадир.

Бозор тизимининг ҳаракат қилишини, тараққий этишини тушуниш учун бир-бири билан боғлиқ ўзгаришлар, яъни техника тараққиёти ва капитал жамғариш масалаларини кўриб чиқмоқ зарурдир. Бозор тизими техника тараққиётининг ривожланиши, унинг ютуқларини ҳаётга тадбиқ этиши рағбатлантириб туради. Тадбиркор ҳар донм рақобатнинг мавжудлиги сабабли корхонасини юқори самарага эга бўлган техника ва технология билан жиҳозлашга, шунга яраша юқори малакага эга бўлган ишчилар ёл-

лашга, меҳнатни илмий асосда ташкил этишга ҳаракат қилади. Мақсад — юқори фойда олиш, рақобатда ютиб чиқиш.

Аммо техника тараққиёти оқибатида ишлаб чиқариш воситаларининг миқдори ошиб боради. Қандай қилиб бозор тизими иқтисодийни ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайди? Бунга капитал жамғариш орқали эришилади. Техника тараққиёти харажатни талаб этади, иккинчи тарафдан худди шу харажатлар тадбиркорларга фойда келтиради, уни капитални жамғарилиши оқибатида кўпайишига олиб келади. Бошқачароқ айтганда капитал донмо ҳаракатда бўлади.

Бундай ҳаракатнинг нфодаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\begin{array}{l}
 UK \\
 П-T \quad UB \dots Ur - T' - P' - \\
 UK \\
 П'-T'' \quad UB \dots Ur - T'' - P'' \text{ ва хоказо}
 \end{array}$$

яъни олинган фойданинг бир қисми ишлаб чиқаришни кенгайтириш. техника билан жиҳозларга сарф этилади.

Рақобат ҳам катта аҳамиятни касб этади; чунки унда ўзининг иқтисодий мавқенини мустаҳкамлаб борган тадбиркор ютиб чиқиши мумкин. Ҳозирги шароитда рақобатлаша оладиган қобилиятга эга бўлган капитални ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. Масалан, АҚШ бозорида мустаҳкам шароитга эга бўлиш учун ҳозирда бир неча ўн миллион долларга эга бўлиш лозим.

Демак, жамғариш ишлаб чиқаришни тараққий этишини иқтисодий қонуни бўлиб ҳисобланади. Бу қонун ишлаб чиқаришни бутун бозор тизимини узлуксиз тараққий қилишини таъминлаб беради.

Бозор иқтисодиётида рақобат назорат механизми бўлиб ҳисобланади. У ишлаб чиқарувчиларни, ишлаб чиқаришни барча омилларни муттасил такомиллаштириб боришга, шу йўл билан барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, талаб билан таклиф ўртасида мувозанат ўрнатишга мажбур этади. У жамиятнинг моддий, молиявий ва инсон ресурсларини, минтақали тармоқлар ва корхоналар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлашни таъминлайди; ишлаб чиқаришни жами талаб тузилишига мувофиқ бўлган тузилишни шакллантиради.

Бозор иқтисодиётида назорат қилиш механизми сифати рақобат шахсий ва ижтимоий манфаатларни мувофиқлаштиради: корхона ва ресурсларни етказиб берувчиларни жамиятни чегараланган ресурслардан самарали қилиб фойдаланишга рағбатлантиради.

6. Бозор тизимига баҳо

«Бозор тизими юқоридаги муаммоларнинг энг мақбул ечими топлади», — дейиш мумкин эмас. Аммо ҳозирги шароитда бу саволларга яхшироқ жавоб топган, бозор тизимидир, демак, унинг ижобий тарафлари мавжуд. Иккинчи тарафдан «Бозор механизмларини идеаллаштириш катта янглишиш бўлар эди. Бозор системасини фақат ижобий томонинигина эмас, балки унинг салбий томонини ҳам кўра билиш керак»¹².

Бозор тизимининг асосий устунлиги — унинг доимо ишлаб чиқаришни самарадорлигини ошишини рағбатлантиришдир. Иқтисодиёт истеъмолчи талаб этадиган маҳсулотни энг самарали технология қўллаш ёрдамида ишлаб чиқаради. Бозор тизими автоматик равишда баҳо ва рақобат орқали ўзини-ўзи тартибга солади.

Бозорнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат: ресурсларнинг самарали тақсимланиши, яъни бозор ресурсларни жамият учун зарур бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга йўналтиради, шароитларнинг ўзгаришларига юқори даражада мослашувчанлиги (масалан, 70 йиллар мобайнида электроэнергия ва нефть баҳосининг кўтарилишига бозор уларни тежайдиган технологияларни яратиш, унинг бошқа манбаларини очиш билан жавоб берган); истеъмолчи ва тадбиркорнинг қарор қабул қилишда эркинлиги; фан ва техника тараққиёти натижаларидан энг мақбул равишда фойдаланиш (юқори фойда олиш мақсадида янги техника ва технологияларни қўллайдилар); турли туман бўлган истеъмолчи таъминлашдаги товарлар ва хизматлар сифатини оширишдаги номуносибликларни тўғрилашга лаёқатлилиги, бозор механизми орқали бозор ўзини-ўзи тартибга солиши.

Бозор тизимининг салбий тарафлари қуйидагилардан иборат: такрор ҳосил бўлмайдиган ресурсларни сақлаб қолишга таъсир кўрсата олмайди, яъни табиий бойликлар аёвсиз ишлатилади; атроф муҳитни муҳофаза қилиш механизмига эга эмас; бутун инсониятга тегишли бўлган ресурслардан фойдаланишни тартибга сололмайди; бозор шароитида маҳсулотни ишлаб чиқариш тўғрисида қабул қилинган қарорнинг салбий оқибатларини писанд қилолмайди; монополизмни олдини ололмайди; умумжамяат манфаати учун зарур бўлган кўпчилик фойдаланадиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини (йўллар, сув иншоотлари, жамоат транспорт ва бошқалар) қуришни рағбатлантирмайди; меҳнат қилиш ва даромадни олиш ҳуқуқини кафолатламайди; даромадларни қайта тақсимлашни таъминламайди, ўзининг моддий аҳволини ўзгартириш учун алоҳида шахснинг ўзи қарор

¹² Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, Ўзбекистон, 1992. 44-бет.

қилиши керак. Иқтисодчи П. Самуэльсоннинг таъбири билан айтганда — бозор тизими мавжуд тенгсизликни такрор ишлаб чиқаради; фанда улкан тадқиқотлар ўтказишни таъминламайди; бозор ижтимоий зарур товарларни ишлаб чиқаришга эмас, пули бор одамнинг талабни қондириш учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлади; бозор беқарор инфляция жараёнларини бошидан кечириб турувчи ўзига хос ривожланишга мойил бўлади.

Бозорнинг салбий тарафларини олдини олиши оқибатларини юмшатиш мақсадида давлат иқтисодиётни тартибга солишга арашадди. «Демак, бозорга айниқса унинг шаклланиш босқинчида узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрисизланиши, кўпинча корхоналарнинг сизилиши, ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатидан кескин табақалашуви, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар ва жиноятларнинг ўсиши ҳосилдир. Бозорнинг бу иллатларини биланш, уларга тайёр туриш, уларни бартараф этиш юзасидан тўғри чиммлар топа билиши керак»¹³.

6-б-б. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ МУВОФИҚЛИГИ НАЗАРИЯСИ

Бозор — товар ишлаб чиқариш, яъни цивилизация маҳсули ва ривож топган умум инсоний бойликдир. Иқтисодий категория сифатида бозор — истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчилар, сотувчи ва харидорлар ўртасидаги муносабатлар мажмуидир. Лекин бу муносабатлар мажмуи маълум қонун-қонуниятлар асосида юзага келади. «Бизнинг вазифамиз уларни яхши тушуниб етишдан ва ўз халқимиз манфаатлари йўлида моҳирона қўллашдан иборатдир»¹⁴ — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов.

Бозор иқтисодиётининг объектив қонунларидан бири — талаб ва таклиф қонунидир. У бозор муносабатларининг моҳиятини ҳамда бозорда бўладиган ўзгаришларининг сабаб-оқибатларини ўзида акс эттиради.


1. Талаб тушунчаси ва талаб қонуни

Талаб моллар ва хизматларга бўлган эҳтиёжнинг пули ва бошқа тўлов воситалари билан таъминланган қисmidир. Талаб бозордан нимани ва қанча миқдорда сотиб олишни аниқлаб беради. Масалан, 1000 сўми бор одам шу пулнинг ҳаммасига ўз эҳ-

¹³ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 44-бет.

¹⁴ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 48-бет.

тиёжини қондиришни мумкин бўлган турли хил моллар сотиб олиши учун бозорга борди. У ўз пулининг 300 сўмига куйлак ва 700 сўмига бир шим олди. Лекин у туфли ва ички кийимлар ҳам олиши керак эди. Аммо, унинг бу эҳтиёжларини таъминлашга пули қолмади. Шунинг учун ҳам у қолган эҳтиёжларини талаб қила олмайди. Бозорда харидорлар мол сотиб олиб, ўз эҳтиёжларини қондиришни хоҳлайдилар. Аммо харидорнинг муайян товарага бўлган талаби кўпгина, жумладан, аҳолининг пул даромади ва унинг ўсишига, бозор ҳажмига ва моллар баҳосига, истеъмолчига берилган имтиёзга, истеъмолчилар табиатига ҳамда бир мол ўрнига ишлатилиши мумкин бўлган бошқа молларнинг мавжуд — мавжудмаслиги каби бошқа омилларга боғлиқдир. Бу омиллар ичида талабни аниқлаб берувчи асосий омил — моллар баҳосидир. Чунки харидор ўзидаги пул миқдорига қараб, молни сотиб олишни мумкин бўлган энг юқори — талаб нархини айтади. Харидор ушбу нархдан юқори кўтарилмайди, чунки унинг бошқа пули йўқ. Бундан кўринадики, бошқа ҳамма омиллар ўзгармаган ҳолда ушбу молнинг бозор баҳоси билан талаб миқдори ўртасида муайян нисбат мавжуддир. Бу нисбат талаб эгри чизиги дейилади ва уни қуйидагича фойдаланиш мумкин:



OP — мол бирлигининг баҳоси;

OQ — молга бўлган талаб миқдори.

Талаб эгри чизигидан кўринадики, мол бирлигининг баҳоси — 5 бўлганда, талаб — 10 birlik, баҳо — 3 бўлганда, талаб — 30, баҳо — 1 бўлганда, талаб — 70 га кўтарилган. Демак, баҳо пасайган сари у молга бўлган талаб миқдори ортиб боради ва аксинча. Савдо-сотиқ ишларидаги муаммоларни таҳлил қилишда талаб эгри чизигидан фойдаланиш мумкин. Чунки, талаб эгри чизиги

баҳо билан талаб ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд эканини ифодалайди. Бунини талаб қонуни дейилади. Бу қонуннинг асосини нима ташкил қилишини тушуниш учун қуйидагиларни кўриб чиқамиз:

1. Харидор донмо молни паст баҳода сотиб олишга, сотувчи эса юқорироқ баҳода сотишга ҳаракат қиладилар. Баҳо юқори бўлса, у кам сотиб олинади ва демак, бунда баҳо истеъмолчилар учун тўсиққа айланади.

2. Агар молнинг баҳоси пасайиб борса истеъмолчилар молни кўпроқ ва қайта-қайта сотиб оладилар. Бундаёқ ҳолатда истеъмолчининг сотиб олаётган маҳсулотидан қониқиш камайиб боради. Бу фойдалилик чегарасининг камайиб бориш қонуни дейилади. Молнинг фойдалилик чегарасининг камайиб бориши истеъмолчи томонидан арзон баҳода сотиб олган моллар миқдорининг кўпайиши ва у мол бирлигини етарли даражада қадрламаслиги натижасидир. Шунинг учун молнинг фойдалилик чегараси — харидор учун харид қилишнинг фойдалилик чегарасидир. Чунки харидор харид қилиши-қилмаслик ҳақида ўйланиб қолади.

Молнинг фойдалилик чегарасининг баҳодаги ифодаси, истеъмолчи бирон-бир молдан қанча кўп сотиб олган бўлса, у шу хилдаги молдан яна қўшимча равишда сотиб олиш учун пастроқ баҳолашидир. Демак, бунда чегаравий талаб баҳоси пасаяди. Шунинг учун ҳам истеъмолчи сўнгги харид қилган молнинг фойдалилик чегараси унинг баҳосига тенглашмаганига қадар ушбу молни харид қилаверади.

3. Истеъмолчиларнинг турли хил молларни харид қилиши ва хизматлардан фойдаланишини баҳо ёрдамида чегаралаб қўювчи шахсий бюджети мавжуддир. Ўз бюджети чегарасида истеъмолчи арзон баҳода харид қилишга интилади. Бу унинг даромадлари (бюджети)нинг самарали бўлишига олиб келади. Аммо истеъмолчи харид қилмоқчи бўлган мол баҳоси юқори бўлганда у шу молнинг ўрнини босувчи, аммо баҳоси арзонроқ, яъни унинг ўрнини боса оладиган молни харид қилади. Бундай ҳолда ўриндошлик самараси юзага келади. Даромад (бюджети) самараси ва ўриндошлик самараси каби тушунчаларнинг мавжудлиги истеъмолчиларни молларни арзон баҳоларда кўпроқ сотиб олишга ундайди. Аммо сотиб олинмаган моллар миқдорига, яъни талаб ҳажмига, баҳо билан боғлиқ бўлмаган бошқа омиллар ҳам мавжуддир. Бундай омиллар бўлиб, истеъмолчиларнинг дидлари ва уларнинг ўзгариб туриши, харидор сови, истеъмолчиларнинг даромадлари, келажакда баҳолар ва даромадларнинг ўзгариши, ўриндош молларнинг кўпайиши кабилар ҳисобланади. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, ҳар қандай мол баҳосининг ўсиши уларга бўлган талабга бир хилда таъсир кўрсатмайди. Масалан, сўт баҳосининг ўсиши унга бўлган талабни камайтириши мумкин, ле-


жин нон баҳосининг ўсиши, нонга бўлган талабни камайтира олмаслиги мумкин.

Умуман, талабни баҳонинг ўзгаришига қараб ўзгариб туришини эгилувчанлик деб аталувчи тушунча ёрдамида билиш осонроқдир.


Эгилувчанлик — бир ўзгарувчи миқдор (талаб)нинг бошқа ўзгарувчи миқдор (баҳо) ўзгаришига жавобан ўзгаришидир. Бундай ўзгаришнинг ўлчови бўлиб талабни эгилувчанлиги коэффициентини K_c хизмат қилади. У қуйидаги ифода орқали ҳисобланиши мумкин:

$$K_c = \frac{\text{талаб ҳажмини ўсиши (фоизда)}}{\text{баҳоларнинг пасайиши (фоизда)}}$$

Баҳоси ҳар қанча ўзгарган ҳолда, у мол миқдорига бўлган талабнинг ўзгармай доимий қолишини график усулда тасвирласак, бунда талаб эгри чизиғи тик бўлади ва талаб баҳога нисбатан мутлақо ноэгилувчандир.



Агар молларга бўлган талаб баҳосининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаса, у ҳолда талаб эгри чизнғи ётиқ чизиқдан иборат бўлиб, талаб мутлақо эгилувчан бўлади.



2. Таклиф тушунчаси ва таклиф қонуни

Истеъмолчилар молни сотиб олишлари учун аввало бу молларни ишлаб чиқариш керак. Молларни ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказиб бериш эса ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларининг сотилиши ўзгаришига, энг аввало нархларининг ўзгариб туришига қандай муносабатда бўлишлари билан боғлиқдир. Бу эса таклиф қонуни асосида амалга ошади.

Таклиф — ишлаб чиқарувчиларнинг бозорда сотиш хоҳиши бўлган моллар ва хизматлар миқдоридир. Таклиф — ишлаб чиқарувчиларнинг бозорда сотишга хоҳиши бўлган моллардан қанча ва қандай турларда ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади. Моллар таклифига техника тараққиёти, ишлаб чиқарувчининг монопол ҳукмронлиги, моллар баҳосида бўладиган ўзгариш кабилар таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам таклифни кўтарилиб (ёки пасайиб) борувчи ўқ тарзида ифодалаш мумкин.

Моллар таклифига таъсир қилувчи юқорида айтилган омиллардан энг асосийси бўлиб, муайян молни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар у молнинг баҳоси ҳисобланади. Таклиф баҳо билан қандай боғланганлигини кўриб чиқамиз.

Бизга маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчилар ўз молларини юқорироқ баҳода, яъни қимматроқ сотишга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам сотувчилар ўз молларига имкон чегарасидаги энг қўйи баҳони белгилайдилар. Бундан наст баҳо эса бу моллар ишлаб чиқаришни самарасиз қилиб қўяди. Умуман, таклиф қилинаётган молларнинг бозор баҳоси билан уларнинг миқдори ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд бўлиб, баҳонинг ўсиши билан таклиф ҳажми ортади ва баҳонинг пасайиши билан таклиф ҳажми камаяди. Баҳо билан таклиф ўртасидаги бундай боғлиқликни таклиф қонуни дейилади. Таклиф қилинаётган молларнинг бозор баҳоси билан бу моллар миқдори ўртасидаги муносабат таклиф эгри чизиги дейилади. Уни қўйидагича ифодалаш мумкин.


Таклиф ҳажмига баҳодан ташқари бир неча омиллар таъсир кўрсатади: ресурсларга баҳоларнинг ўзгариши (минерал ўгинларга баҳоларнинг пасайиши бундай таклифни оширади), технологияларнинг ўзгариши (маккажўхори зараркувандасига қарши кучли воситанинг ишлаб чиқарилши маккажўхори таклифини оширади), солиқларда ва дотациялардаги ўзгаришлар (сигареталарга бўлган акциз солигининг ошиши унинг таклифини қисқартиради), бошқа товарлар баҳоларининг ўзгариши (қўй ва чўчқа гўшти баҳоларининг пасайиши мол гўшти таклифини оширади) ва бошқалар.

Таклиф ҳажми даражасининг баҳо ошишига жавобан ўзгариши таклифнинг эгилувчанлиги билан характерланади. Бундай

Ўзгаришларнинг ўлчови бўлиб таклифнинг эгиловчанлик коэффициентини K_T (%) хизмат қилади ва у қудаги ифода орқали ҳисобланади:

$$K_T = \frac{\text{таклиф ҳажми (фоизда)}}{\text{баҳоларни ошиши (фоизда)}};$$

Агарда биз кўриб чиққан қонунларни таққосласак; талаб ва таклиф баҳосининг кўтарилиши ва пасайишига таъсир этувчи икки қарама-қарши куч эканлигига амин бўламиз. Ўз навбатида баҳо



P — мол баҳоси; Q — мол миқдори; S — бозордаги таклиф.

ҳам бозор омиллариини зиддиятли ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Сотувчи ва харидорнинг иқтисодий аҳволи бозор конъюнктурасига, бозорнинг жорий ҳолатига боғлиқ бўлади. Айрим товарлар ва уларнинг гуруҳлари бўйича ҳамда бутун товар ҳажми бўйича талаб ва таклифнинг муайян нисбатида бозор конъюктураси ўз ифодасини топади. У қуйидаги омиллар таъсири остида ўзгаради: товарларни ишлаб чиқариш кўлами ва уларнинг заҳиралари, баҳолар динамикаси, пул даромадлар, савдо ва рекламани ташкил этиш, талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати. Бунда айрим маҳсулот, улар гуруҳи ва бутун товар массаси бўйича талаб ва таклиф


Ўртасидаги нисбат муҳим рол ўйнайди. Чунки унга товар эгасининг тақдири боғлиқ бўлади.

3. Бозор мувозанатининг юзага келиши ва уни иқтисодиётга таъсири

Талаб ва таклиф ўртасидаги ўзаро нисбатларнинг типик кўриниши:

- а) товарларнинг таклифи талабдан юқори;
- б) товарларга талаб таклифдан юқори;
- в) талаб билан таклиф тенг. Яъни бунда бозорда таклиф талаб ўртасида мувозанатга эришилади. Қандай қилиб, бозор мувозанатига эришиш, умуман сотиш муаммосини яхшироқ тадқиқ этиш ва тушуниш учун талаб ва таклиф эгри чизиқларидан фойдаланилади. Уларнинг кесилиш нуқтаси мувозанат ҳолатини характерлайди; талаб ва таклифни бир-бирига мувофиқ қилувчи баҳо даражасини кўрсатади. Бунни қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз:

Ўшрт таклифи тн	1 кг баҳоси /сўм/	Ўшртга бўлган талаб тн	Ортиқча кам тн
13	5	2	+10
10	4	4	+6
7	3	7	тенг
4	2	11	-7
1	1	16	-15



3-расм. Бозор мувозанати.

Ушбу жадвалда гўштга бозор таклифи ва талаби сонларда кўрсатилган. Бир килограмм гўштнинг баҳоси 5 ва 4 сўм бўлганда талаб ва таклиф бир-бирига мувофиқ келмайди. Бунинг натижасида талаб орқада қолиб, 10 ва 6 тн. гўшт сотилмай қоляпти. Гўшт баҳоси 2 ва 1 сўм бўлганда ҳам талаб ва таклиф бир-бирига мувофиқ келмайди; бунинг натижасида таклиф орқада қолиб 7 ва 15 тн. гўшт етмайди. Бир кг гўшт 3 сўм турганда, талаб ва таклиф ўртасида мувозанатга эришилмоқда. Буни аниқроқ тушуниш учун жадвалдаги рақамлардан фойдаланилган ҳолда талабни график орқали аниқроқ кўришимиз мумкин (3-расм). Графикдан талаб эгри чизиғи (AA₁), таклиф эгри чизиғи (BB₁) гўштни бир кг баҳоси 3 сўм ва ҳажми 7 тн. бўлганда, С нуқтада кесилляпти. Бу баҳо мувозанат баҳоси дейилади. Бозор баҳоси — товарларнинг таклиф ва унга талаб мувофиқлиги асосида вужудга келувчи баҳодир. Баҳолар товар-пул муомаласининг шакли ва реализация қилинадиган маҳсулот турига мувофиқ фарқланади. Аммо баҳонинг ҳар хил тури бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва ягона тизимни ташкил этади. Булардан:

а) фирмалар ўз маҳсулотларини катта ҳажмда бошқа фирмаларга ёки воситачиларга ва улгуржи савдо ташкилотларига сотадилар. Улгуржи баҳо корхоналарга ишлаб чиқариш харажатларини қоплашни ва зарур фойдани олишни таъминлаб беришни зарур;

б) товарлар аҳолига чакана баҳолар ёрдамида сотилади. Бу баҳоларга давлат савдоси, истеъмолчи кооперацияси, колхоз бозори, комиссия савдо баҳолари киради. Чакана баҳо даражаси аҳолининг реал даромадларига боғлиқ бўлади;

в) харид баҳолари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлат томонидан сотиб олишга ишлатилади;

г) дунё баҳолари халқаро савдо муносабатларида қўлланилади. Баҳолар товар ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ўзининг вазифалари орқали таъмир этади. Баҳолар ёрдамида асосий муаммо — нима ишлаб чиқариш ҳал этилади, яъни баҳо, таклиф ва талабни қондирилиши, маҳсулотларни сотишда, ахборот билан таъминлаш вазифасини бажаради. Яъни товарнинг таклифи, баҳолар тўғрисида, аҳолининг тўлов қобилияти, ишлаб чиқариш ресурсларининг етиши ва ошиб кетиш борасида ахборот беради, қилинган харажатлар ва олинган товарлар, баҳо ёрдамида ҳисоб-китоб қилинади. Фойда, товар баҳоси билан ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар ўртасидаги фарққа тенг бўлади. Муайян баҳо шароитида кўпроқ фойда олиш учун харажатларни камайтириш зарур. Шу сабабли, корхоналар тежамли иш тутиб харажатни пасайтиришга ҳаракат қилади. Бунинг учун ишлаб чиқарувчилар ресурслардан рационал фойдаланиши, илғор техника ва технологияни, меҳнатни илмий ташкил қилишни ишлаб чиқаришга жорий

қилишга мажбур бўлдилар. Ўз навбатида баҳо таклиф ва талабга таъсир кўрсатади. Иқтисодий назария баҳо билан талаб ҳамда баҳо билан таклиф ўртасидаги боғлиқликни ифода этувчи талаб ва таклиф қонунини очган. Бу қонун орқали баҳо ва даромадларни тартибга солиш мумкин. Талаб ва таклиф, нисбатан мустақил ва айни вақтда ўзида бир-бирини тақозо этувчи жуфт категориялардир. Зеро талаб фақат таклифда қондирилиши мумкин, таклиф эса — талабда, талаб орқали рўёбга чиқиши мумкин.

Талаб ва таклиф қонунига кўра, бозорда талаб ва таклиф нафақат миқдори, балки ўзининг таркиби жиҳатидан ҳам бир-бирига мос келиши керак ва шундагина бозор мувозанатига эришилади. Талаб ва таклиф бозор мувозанатларининг моҳиятини, бозорнинг ўзидаги ўзгаришларнинг сабаб ва оқибатларини билдиради. Аммо талаб ва таклиф қонуни, ишлаб чиқаришни тартибга солишчи куч бирлигини билдирадигани, унга кўра бозордаги ўзгариш дарҳол ишлаб чиқаришга етказилиши керак. Бозордаги талаб ва таклифнинг нисбатига қараб ишлаб чиқаришнинг суръатлари ва таркиби ташкил топади. Бу эса товар ишлаб чиқаришга сарф этилган ҳамма меҳнат — ижтимоий нормал ва зарур эканлигини кўрсатади. Бундай мувозанат иқтисодиётни ривожлантиришда катта самарадорликка эришилганлигидан далолат беради.

Таклифнинг талабдан орқада қолиши натижасида баҳо ўсади, у ижтимоий зарур меҳнат сарфидан ажралиб қолади. Таклифнинг талабдан мунтазам суръатда орқада қолиши натижасида бозорнинг деформациялашуви, ишлаб чиқарувчи ўз ҳукмини ўтказишга олиб келади. Бозор мувозанати бузилса, жамият уни тиклаш чораларини кўради. У талаб ва таклифни шакллантирувчи омилларга таъсир этиб, улар мувозанатини таъминлаши мумкин. Бозор мувозанатини таъминлаш йўллари қўйидагилар: ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали бозорни товарлар билан тўлдириш ҳамда етарли товарлар заҳирасини барпо этиш, талаб ва унумдорлигини иш ҳақиغا нисбатан тезроқ ўсиши ва аҳолининг таклифга қараб, баҳоларни пасайтириш ёки кўтариш, меҳнат даромадларини, товар ва хизматларнинг кўпайишига қараб орттириш, экспорт ёки импортни камайтиришдир.

Биз юқоридаги мисолларда бозор муайян бир маҳсулотга тегишли талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга қандай эришганлигини кўриб чиқдик. Бундай мувозанат — жузъий мувозанатдир. Жузъий мувозанатдан ташқари умумий мувозанат тушунчаси ҳам мавжуддир.

Умумий мувозанат деганда, муайян давр оралиғида (масалан 3 ой, 6 ой, 12 ой ва ҳоказо) харид қилинадиган товарлар баҳоларининг нисбати ўзгармай туриши тушунилади. Масалан, 100 сўм-

га 1 кг ёғ, 1кг макарон ва 0,5 кг гуруч харид қилиш мумкин бўлса ва маълум вақт ўтгандан кейин ҳам 100 сўмга шу моллардан (1:1:0,5) нисбатда, мувозанатга эришганликни билдиради.

Бизнинг Ўзбекистон — мустақиллигимизнинг биринчи кунлари — даноқ бой имкониятларимизнинг ҳаммасидан, жумладан захираларимиздан фойдаланиб, республикамизни арзон-гаров хом ашё базасидан дунёдаги иқтисодий жиҳатдан илғор давлатлар билан бўйлашадиган, иқтисодий замонавий талабларга жавоб берадиган мамлакатга айлантириш учун қарор қилди. Бозор мувозанатини юзага келтиришнинг асосий йўли бўлмиш — иқтисодиётни барқарорлаштиришга бош вазифалардан бири сифатида қаради. Шунинг учун ҳам И. А. Қаримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи мажлисидаги (1995 йил 23 февраль) маърузасида «Иқтисодиётимизни барқарорлаштиришни, пул қадрсизланиши — инфляцияни камайтиришни, товар ва хизматлар бозорида рақобат ташкил қилишни, ички миллий маҳсулот ҳажмининг ошиб боришини таъминлаш, тўлов балансини мустаҳкамлаш ва бошқаришни қўллаб-қувватлаш, ташкилий янгиланишларни чуқурлаштириш — булар, албатта, мураккаб, аммо бажариш мумкин бўлган вазифалардир», — деб таъкидлади.

Мамлакатимизда умумий мувозанатни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу вазифаларни амалга оширишнинг барча йўл-йўриқлари ишлаб чиқилган бўлиб, улардан **биринчиси**, давлат ишлаб чиқариш ташкилотларини бюджет томонидан қўллаб-қувватлашни кескин камайтириш бўлса, — **иккинчиси** солиқ сиёсатини тўғри йўлга қўйиш... ва унинг рағбатлантирувчи аҳамиятини оширишдир: — **учинчиси**, ресурсларни тақсимлаш механизми сифатида эркин бозор нархларини тартибга солиш ва уларнинг аҳамиятини ошириш; — **тўртинчиси**, давлатнинг тақсимотчилик фаолиятини чеклаш, давлат буюртмаси тизимини ундан яхшироқ бўлган, яъни давлатнинг зарур эҳтиёжларини қоплайдиган ва харидор ўртасида келишилган нарх асосида қондиришга қаратилган давлат харид тизими билан алмаштиришдир. **Бешинчиси** барча ўзгаришларнинг натижаси ва белгиси — миллий валютаимизни сўммимизни мустаҳкамлаш, уни босқичма-босқич жаҳоннинг кучли валюталари билан конвертациялашга, яъни эркин алмашувига эришишдир¹⁵.

¹⁵ Қаримов И. А. Ўзбекистоннинг сибсий-ижтимоий ва иқтисодий ис-тиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995, 42—43 б.

1. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларнинг
зарурлиги ва унинг асосий шарт-шароитлари

XX асрнинг сўнги йиллари жаҳон тарихида янги бир давр бўлиб киради. Чунки, 1990 йилдан бошлаб собиқ социалистик тузумнинг асосчиси бўлган СССР давлатида социалистик тузум емирила бошлади. Бунинг натижасида СССР давлати ўрнига янги ўн бешта мустақил давлат юзага келди. Бу давр махсус хусусиятга эга. Бу хусусият ўзига хос белгилари билан бир томондан аввало мустақилликка эришган давлатларнинг, шу жумладан дунёдаги барча мустақил давлатларнинг ҳар томонлама сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий ва бошқа томонлардан ҳамкорлик қилишлари орқали яқинлашуви, ҳалқаро жаҳон қонун-қоидаларига риоя қилиш ва унга ўтиш билан, иккинчи томондан тоталитар социалистик тузумнинг емирилиши билан боғлиқдир. Собиқ СССР негизида мустақил давлатларнинг ташкил топиши, на фақат улар ўртасида, балки жаҳондаги барча давлатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ҳамда уни ривожлантириш муаммоларини жаҳон миқёсида ҳал этилишини тақозо қилади. Собиқ тоталитар социалистик тузум шароитида узоқ йиллар давомида олинган тажриба ҳар бир иқтисодий минтақанинг асосий шароитларини, уларнинг объектив фарқларини эътиборга олмай юритилган ижтимоий ва иқтисодий сиёсат ҳамда хўжалик юритиш механизмлари инқирозга учраши муқаррар эканлигини кўрсатиб берди. Шуларнинг эътиборга олган ҳолда республика янги иқтисодий ислохот жараёнида сиёсий, иқтисодий мустақиллигини кучайтириш борасида иқтисодиёт тараққиётида онгли, тушунган ва ўз иқтисодий ҳолатини эътиборга олган туб ўзгартиришлар киритиши лозим. Бу вазифаларнинг аҳамияти республикамиз мустақилликни эълон қилиб, ўзининг маънавий қадриятларини ва ақлий салоҳиятини қайта тиклаш даврига қадам қўйган ҳозирги вақтда яна ҳам ортиб бормоқда. Чунки, Ўзбекистон республикаси очиқ бозор иқтисодиётига ва кучли ижтимоий ҳимоя тизмига эга бўлган ҳуқуқий, демократик ва дунёвий жамият барпо этаётган бу даврда ҳалқ жамиятда кечаётган ўзгаришларни тўғри баҳолай олиши, бу ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этмоғи учун одамларнинг тафаккурини, одат тусига кириб қолган қондаларни ўзгартириш ниҳоятда муҳимдир. Шуларни эътиборга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ўз йўлини белгилаб олиш муҳим ва шарт эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш янги хўжалик юритиш тизминини жорий этиш бўлиб, инсонлар учун мутлақо янги ҳаёт фалсафаси-

дир. Республикамиз бозор муносабатларига ўтишининг ва ички ҳамда ташқи сиёсатни шакллантиришнинг назарий асослари, шунингдек амалий дастури Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» каби рисолаларида, «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» деб аталган китобларида баътафсил баён қилиб берилган.

Хусусан, «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида республикада ва бошқа мамлакатларда иқтисодиётни ислох қилиш борасида тўпланган амалий ва назарий тажрибаларга асосланиб, янги иқтисодий муносабатларга ўтиш концепцияси баён қилинган. Бу концепцияга кўра президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Энг муҳими — ижтимоий ларзаларсиз, қатъият ва изчиллик билан бозор муносабатларига ўтиш, жамияти куч-қувват ва бойликлардан самарали фойдаланишни, халқ хўжалигининг барқарор ривожланишини, республиканинг турмуш даражаси юксак бўлган, иқтисодий тараққий этган мамлакатлар қаторига чиқиб олишни таъминлайдиган қудратли иқтисодий негизни вужудга келтираётган давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этиш керак»¹⁶. Лекин Республикамизда бу муаммоларни ҳал этиш собиқ иттифоқдан қолган оғир, мураккаб иқтисодий қийинчиликлар билан боғлиқдир.

Собиқ Иттифоқ даврида ва айниқса кейинги 10 йиллар ичида иқтисодий зиддиятлар кескинлашди. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш механизмлари эса мавжуд зиддиятларни бартараф эта олмади. Натижада ишлаб чиқариш жараёнига бўлган харажатлар кўпайди. Молия ресурслари ва молдий танқисчиликлар сезиларли даражада ошиб борди. Аҳолининг социал-иқтисодий аҳволи мушкуллашди. Тўғри, собиқ Иттифоқ давлати ҳам бу мушкул аҳволдан чиқиш учун маълум даражада чора ва тадбирлар қабул қилди. Масалан: 1979 йилда режаташтирилган тизимни такомиллаштиришга, 1987 йилда хўжалик механизмини ислох қилишга уринди. Лекин минг афсуски, бу ҳаракатлар ўйлаган натижаларни бермади. Аксинча, улар ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда мавжуд бўлган иқтисодий қарама-қаршиликларни янада чуқурлаштирди. 1985—1986 йилларда бошланган қайта қуриш сиёсати даврида ҳам иқтисодиётда жуда кучли чекланишлар, бузилишлар руй берди. Бунга сабаб: собиқ Иттифоқ томонидан марказлашган асосда ишлаб чиқилган ва тавсия этилган дастурлар ва ислохотга боғлиқ бўлган чора-тадбирлар иттифоқ аъзолари бўлган республикаларнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг ҳам.

¹⁶ Каримов И. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1993, 9—10 бет.

манфаатларига эид эди. Бунинг натижасида 1991 йили ўз мустақиллигини эълон қилган республикалар, шу жумладан «Ўзбекистон ҳам собиқ Иттифоқдан батамом барбод бўлган иқтисодий, молиявий ва нарх-наво тизимини, ўта издан чиққан бошқарув механизминин ва иқтисодий муносабатларини мерос қилиб олдилар»¹⁷. Буларнинг бари тоталитар тузумнинг оғир оқибатларини тугатиш иқтисодиётга бозор асосида маданийлик бахш этиб фаолиятнинг айрим соҳаларини ўзгартириш йўли билан эмас, балки кенг миқёсда тубдан яхлит иқтисодий ислоҳот ўтказиш орқалигина мумкинлигидан далолат бермоқда,— деб кўрсатди И. А. Каримов.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, мустақилликни қўлга киритган ҳар бир мамлакат бундан кенг миқёсда, тубдан, яхлит иқтисодий ислоҳот ўтказишнинг ўз йўлини ва демак, янги жамият барпо этишнинг ўзига хос ва мос андозасини ишлаб чиқиши керак. Хозирги замон шароитида ижтимоий—тараққиётнинг хилма-хил йўлларини ўрганиш ва миллий иқтисодиётни шакллантиришни белгилаб олишнинг қулай имкониятлари мавжуддир. Лекин, бир неча йиллардан бери Марказий иқтисодий районларга тайёр хом ашё стказиб берувчи иқтисодий регионга айланиб қолган Ўзбекистон Республикасининг юқорида айтилган вазифаларни ҳал қилиши осон эмас эди. Чунки у хом ашё базаси билан бирга, шу арзон хом ашёлардан ишлаб чиқилган тайёр маҳсулотларни қиммат баҳоларда харид қилувчи истеъмол бозорига айланган эди. Ваҳоланки, республика ҳудудида минерал хом ашёнинг 95 тури мавжуд. Республика Марказий Осиёда Ўзбекистонга газ конденсати захираларининг 71 фоизини, нефтнинг 31 фоизини, табиий газнинг 40 фоизини, кўмирнинг 55 фоизи, гидроэнергетика ресурсларининг 14 фоизи, фойдаланаётган гидроэнергетика ресурсларининг 21 фоизи ва Марказий Осиё бўйича етиштирилаётган 2 миллион тонна пахта толасининг 1,5 миллион тоннасини ишлаб чиқариш Ўзбекистон Республикасига тўғри келадди. Ана шундай бойликларга эга бўлишига қарамай Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибидаги давлатлар ичида аҳолисининг турмуш даражаси энг паст бўлган давлат эди. Чунки аҳолининг 70 фоизга яқинининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст эди. Шу даврда Россия ва Украинада бу кўрсаткич 30 фоизнигина ташкил этган. 1990 йилда Ўзбекистоннинг республикалараро савдо оборотида салбий сальдо 3,7 млрд. сўмни ёки миллий маҳсулотнинг 11 фоизини ташкил этган. Республика иқтисодиётининг бундай салбий ҳолатларга эга бўлишининг асосий сабабларидан бири — республика халқ хўжалигининг асосий тар-

¹⁷ Каримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1993, 13-бет.

моқлари деярли тугалланмаган технологик циклга эга бўлган ишлаб чиқаришлардан иборат эди. Бунга сабаб: марказнинг мақсади — Республикадан хом ашё базаси сифатида фойдаланиш ва унинг иқтисодий мавжунга путур етказишдан иборат эканлигидир.

Мустақилликка эришяётган ҳар бир давлат ўзининг мустақиллигини на фақат сиёсий жиҳатдан, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам таъминлаш лозим. Бунда ҳар бир давлат ўз тараққиёт йўлини ички ва ташқи муҳитларни эътиборга олган ҳолда белгилайди. Бу эса иқтисодий тараққиётнинг турли-туман йўллари мавжудлигидан далолат беради. Шу даврга қадар асосий икки: яъни «капиталистик» ва «социалистик» йўналиши маълум деб тан олинган эди. Биринчи йўналишда — капиталистик мулкчилик ва унга асосланган ишлаб чиқаришни ва уни тартибга солиш эркин равишда амалга оширишдан иборат бўлса, иккинчи йўл — марксизм назарияларига асосланиб, унда ижтимоий мулкчилик (яъни давлат, халқ мулки) ғояларини илгари суриш ва мавжуд табиий ҳамда ишлаб чиқариш ресурсларидан марказлаштирилган асосда буйруқбозлик — режалашгириш йўли билан ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ижтимоий адолатни ўрнатиш ва халқ фаровонлигини таъминлашга ҳаракат қилди. Лекин бу иккала йўналиш ҳам республика иқтисодиётини ва аҳолининг социал-иқтисодий шароитларини яхшилашга олмайди. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришяётган давлатлар асосан қуйидаги концепцияларга рия қилишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисобланмоқда:

Асосий эҳтишлар концепцияси. Бу концепция аҳолининг энг кам минимум тиркчилигини амалга ошириш, уларни иш билан таъминлашга асосланди. «**Мақбул ёки тегишли технология**» аҳолини иш билан тўлиқ ва маҳаллий хом ашёлардан унумли фойдаланишни таъминлайдиган технологияни ривожлантиришга қаратилган. «**Ўз кучига жамоа бўлиб таяниш**» концепцияси эса ер ости ва ер усти бойликларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш ва иложи борича бошқа мамлакатларга иқтисодий қарамликни камайтириш, улар ўртасида тенг иқтисодий ҳуқуқлик асосида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. «**Янги ҳалқаро иқтисодий тартиб**» концепцияси мамлакатларни иқтисодий мустақилликка эришиши ва уларда мавжуд бўлган хом ашёлардан халқ манфаати учун унумли фойдаланиш мақсадларини амалга оширишга қаратилди.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тажрибаси шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатлар тартибга солинадиган бозор иқтисодиётини асос қилиб олганлар. Президентимиз И. А. Каримов тартибга соладиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич шартларига кўра, бир-бирларидан мутлақо фарқ қилувчи уч хил ёндашувни кўрсатади: «**Биринчиси:** бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва ривожлантириш, узоқ давом этган эволюцион та-

раққиёт йўлини босиб ўтган, ривожланган мамлакатларда аралаш иқтисодиётни шакллантиришдир. **Иккинчиси:** ривожланган мамлакатларнинг энг оддий ва бозор патриархал — феодал муносабатлар кўринишларига эга бўлган анъанавий иқтисодиётни маданий бозор муносабатларига айлантиришдир. **Учинчиси:** собиқ социалистик мамлакатларнинг яқка ҳокимлик тартибидан, маъмурий буйруқбозлик, бошқарув ва марказлаштирилган раҳбарлик усулидаги режалаштиришдан бозор муносабатларига, демократик жамиятга ўтишдир»¹⁸.

Жаҳон тажрибасига кўра, бозор иқтисодиётига революцион ва эволюцион йўл билан ўтиш мумкин. Лекин, жаҳон мамлакатларининг бозор иқтисодиётига ўтиш борасидаги тажрибалари шуни кўрсатадики, бу икки йўлнинг эволюцион йўли, яъни босқичма-босқич ўтиши мақсадга мувофиқдир.

Революцион йўл билан бозор иқтисодиётига ўтиш — бу мавжуд бўлган иқтисодий муносабатларни бутунлай тугатиш билан боғлиқ. Бу йўл «фалаж қилиб даволаш усули» деб аталади. Эволюцион йўл билан эса бозор иқтисодиётига эски иқтисодий муносабатларни аста-секин, босқичма-босқич янги бозор муносабатларига айлантира бориш орқали ўтилади. Тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтиш андозаларининг ҳам бир неча хиллари мавжуддир. Масалан, Америка, Германия, Жанубий Корея, Туркия, Аргентина, Польша андозалари. Булардан, Америка — андозасида эркин рақобатчилик катта роль ўйнаса, «япон» ёки «француз» андозаларида давлат ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишда катта роль ўйнайди. «Швед» ёки «немис» андозаларида эса ижтимоий йўналиш асосий ўринни эгаллайди. Жанубий-Шарқий Осиёдаги Сингапур, Тайван, Гонконг ва Жанубий Корея андозалари асосан ўз ишлаб чиқаришларини ривожлантириш эвазига ташқаридан молларни келтиришни камайтириш, чеклаш ва экспортни рағбатлантириш сиёсати билан боғланган. Эндигина мустақилликка эришган Ўзбекистон республикаси учун бозор иқтисодиётига ўтган ана шу давлатларнинг ишлаш тажрибаларидан фойдаланиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини танлаб олиш зарур эди. Аммо «Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаш мураккаб, тарихий аҳамиятга молик ва масъулиятли палладир. Ҳозир яшаётган Ўзбекистонликларнинггина эмас, балки уларнинг бир қанча келажак авлодларининг ҳам тақдири ана шу йўл нечоғлик тўғри танлаб олинишига боғлиқдир»¹⁹. Ўзбекистон республикасининг бозор иқтисодиётига ўтишда танлаб олган йўли унинг сиёсий иқтисодий

¹⁸ Каримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзинга хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1993, 22—23 б.

¹⁹ Каримов И. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзинга хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1993, 26-б.

ва социал манфаатларига мос келадиган йўлдир. Бу йўл билан бозор манфаатларига босқичма-босқич ўтиш учун республикамизда деярли ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Аввало, республиканинг жойлашини қулай географик сиёсий мавқега эга; У энг қадимги савдо йўллари билан туташган ва маданияти ривожланган жой бўлган. Ишлаб чиқариш-тарихий, иқтисодий муносабатларнинг мазмунига мос, аънавий ишлаб чиқариш усули ва меҳнатни ташкил этиш ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун демографик ва моддий шароитлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг 43,1 фоизини болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Бу кўрсаткич Белоруссияга нисбатан 19 фоиз, Қозоғистонга нисбатан 9,9 фоиз кўпдир. Яна бир хусусияти, республикада аҳолининг 60 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшайди. Бозор иқтисодиётига ўтишда албатта аҳолининг тафаккурини, миллий-тарихий турмуш тарзини, халқларнинг урф-одатларини эътиборга олиш зарур. Республикада бозор иқтисодиётини шакллантиришда кишиларнинг янгиликларга, қадриятлар тизимини ўзгартиришга олиб келадиган туб ўзгаришларга нисбатан эҳтиёт бўлиш, аҳолини ерга яқинроқ бўлишини таъминлашга эътибор бериш лозим.

Республикада бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур бўлган ишлаб чиқаришни ташкил этишга етарли даражада минерал хом ашё ресурслари мавжуд. Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётини шакллантиришда қишлоқ хўжалиги ҳам катта аҳамиятга эгадир. Республика Марказий Осиёда асосий пахта базаси ҳисобланади. Республикада 1,5 миллион тонна пахта толаси, 5 миллион тоннагача мева-савзавот маҳсулотлари етиштирилади.

Республикада транспортнинг барча турлари етарли даражада ривожланган; фақат темир йўллар узунлиги 6,6 минг километрге тенг.

Марказий Осиёдаги меҳнатга яроқли аҳолининг 40 фоизи Ўзбекистонга тўғри келади. Бу омиллар республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодий тараққиётни шу асосда ривожлантириш учун шарт-шароитлар етарли даражада эканлигини кўрсатади.

2. Демократия — бозор иқтисодиётининг шаклланиш асосидир

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги йўллари ва бозор иқтисодиёти қонуниятларининг назарий методологик асосини яратган Президентимиз И. Қаримов таъкидлашича: иқтисодий негизни барпо этиш ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш янги жамият қуришнинг энг муҳим шартидир. Шунингдек, иқтисодий

Ўзгартиришлар стратегияси мафкурадан бутунлай ҳоли этилиши керак; чунки иқтисодиётни мафкурага, сиёсатга қарам ҳолда олиб борилиши кўп мамлакатларда салбий натижалар берди. Буни собиқ Иттифоқ мисолида ҳам кўрсак бўлади. Шу билан бирга демографик асосда иқтисодий ислоҳотлар олиб борилаётган мамлакатларда унинг акси, яъни иқтисодий ислоҳотларни олиб борилиши учун моддий техника асослари яратилмоқда; чунки иқтисодиёт ҳеч қандай сиёсий куч таъинқлари асосида ривожланиши мумкин эмас. Демократия-бошқарувнинг барча босқичларидаги эркинликдир, деб таъкидлайди президентимиз И. А. Каримов. Шунинг учун ҳам аввало ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришларнинг аниқ мақсадини белгилаб олиш бозор иқтисодиётинга ўтишнинг бош стратегиясини ташкил этади. Бозор иқтисодиёти — умумбашарий ҳодиса бўлиб, жаҳон цивилизацияси ривожланиши йўлидаги муқаррар босқичдир. Фақат бозор иқтисодиёти халқнинг ижобий ва меҳнат қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ташаббускорликка, ишбилармонликка асосланган ҳолда ишлаб чиқаришдан манфаатдорлик даражасини оширган ҳолда иқтисодиёт ривожини таъминлайди. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш кучларидан унумли ва тежамкорлик асосида фойдаланишни таъминлайди. Бозор иқтисодиёти тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришни истеъмолчи манфаатига мослашишини таъминлайди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёт ўзида бозор иқтисодиётини ҳам, ижтимоий иқтисодиётни ҳам ифодалаб, иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлашни адолатли равишда амалга оширади.

Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти иқтисодиётни ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш учун шароитлар яратиб беради. Республикада ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти давлат мустақиллигининг иқтисодий асоси сифатида олинган бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги шароитларига энг кўп даражада мос келади. Бундай кўринишдаги бозор иқтисодиёти корхоналарни ва жисмоний шахсларнинг иш фаолиятларини эркин юргизишлари учун, уларнинг ишбилармонлик, тadbиркорлик фаолиятларини давлат қонунлари, ҳуқуқий кафолатлар асосида, моддий рағбатлантиришлар асосида олиб боришни таъминлашни лозим. Барча турдаги мулкларнинг қонуний ва ҳуқуқий асосда тенглигини, иш юритувчилар эркинлигини, республикадаги миллий анъана, урф-одат ва қадриятларни эътиборга олиши, инсонларнинг фаолиятларини тўлиқ шарт-шароитлар билан таъминлашни лозим.

Бозор иқтисодиётининг республикада шаклланиши, президентимиз И. А. Каримов айтганидек, аввало аҳоли фаровонлигини таъминлашга, иқтисодиётни барқарорлаштиришга, ишга яроқли

барча аҳолини иш билан таъминлаш кабиларга қаратиш керак. Бундай улкан вазифаларни амалга оширишга қаратилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат, иқтисодий воситалар ва рағбатлантиришлар ёрдамида иқтисодиётни билвосита бошқариш, умуммиллий муаммоларни ҳал этиш билан шуғулланиши лозим. Шунингдек, давлат инвестиция сиёсатини, айниқса чет эл инвестициясини танлашда уларнинг маблағларини жалб этишда, иқтисодий омилларни ишлаб чиқариш, улардан фойдаланишни ижтимоий кафолат асосида бошқариш зарурдир.

Бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришда аҳолини, ёшларни, қария ва нафақахўрларни ижтимоий социал ҳимоялаш сиёсатини олиб боришда давлатнинг ўрни каттадир. Бозор иқтисодиётини шакллантиришда унинг механизмларини ишлаб чиқиш лозим. Бу вазифани ҳам давлат бажаради. Бунинг учун энг аввало мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсатини ўтказади. Давлат турли жамоа, хусусий, ҳиссадорлик, кооператив ва бошқа турдаги мулк шаклларида ташкил топаётган хўжалик юритувчи субъектларга ҳар томонлама ёрдам бериш, кўп укладли ишлаб чиқаришни шакллантириш, баҳолар эркинлигини босқичма-босқич таъминлаш, ишлаб чиқариш ва товарларни сотиш жараёнида монополиячиликка қарши кураш кабиларда катта ўрин тутади.

Бозор иқтисодиётини чинакам демократик асосда шакллантириш учун монополиячиликка йўл қўймаслик ва истеъмодчиларга тазйиқ ўтказмасликка эришиш лозим. Корхоналар ва тижорат тузилмаларининг монопол мавқелигига йўл қўймаслик, соғлом рақобат шароитларини юзага келтиради ва ишлаб чиқариш воситаларига, истеъмол буюмларига бўлган нарх-наволарни сезимий равишда кўпайишига йўл қўймайди.

Бозор иқтисодиётини демократик усулда ривожлантириш кичик ишлаб чиқариш корхоналарини қурни билан ҳам боғлиқдир. Бундай корхоналарни тезлик билан турли иқтисодий шароитга эга бўлган регионларда қурниш мумкин ва уларга зарур истеъмол товарларини арзон маҳаллий хом ашёлар ҳамда маҳаллий меҳнат ресурслари асосида етказиб бериш ёки хизмат кўрсатишларни ташкил қилиш мумкин. Бу борада қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлайдиган корхоналарни кичик корхоналар тарзида вужудга келтириш айниқса зарурдир. Бозор иқтисодиётини демократик асосда шакллантириш — бозор иқтисодиётига ўтишнинг бир неча босқичларида амалга оширилди: унда етарли даражада инфраструктуранини ташкил этиш ёки талабга жавоб берадиган банк — кредит тизими ишлаб чиқилди; тижорат ва тармоқ банклари ташкил этилди. Фақат демократик асосда ташкил топган

бозор иқтисодиёти республика мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлайди.

3. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг асосий тамойиллари

1 Бозор иқтисодиётини ва муносабатларини шакллантириш давлат томонидан тартибга солиб турилиши лозим. Чунки бозор иқтисодиётини ташкил этишнинг асосий мақсади инсонларни яшаш учун зарур бўлган неъматлар билан таъминлашдир. Бу мақсадга эришиш учун жуда кўп муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади. Аммо улар ичидан энг асосийлари бўлиб, биринчи муаммо жамиятнинг моддий иш кучи ва молиявий ресурсларни ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида мақсадга мос келадиган ҳолда тақсимлаш, қандай неъматлар ишлаб чиқарилиши кераклигини билиш муаммосидир. Иккинчи муаммо — ҳар бир маҳсулотни ким ва қандай ресурслар билан ишлаб чиқариш, уларни ишлаб чиқаришни қандай йўлга қўйиш кераклиги ҳамда муайян товарни ишлаб чиқаришга қандай корхоналар — ҳунармандлик устахоналари, кичик корхоналар ёки йирик фабрика ва заводлар, концернлар кўпроқ мос келишини ва уларни меҳнатни ташкил этишнинг қандай шакллари афзал эканлигини аниқлашдир. Учинчи муаммо — яратилган жами маҳсулотни қанчаси заҳирага, яъни жамғариш фонзига кетиши, маҳсулотнинг қандай қисми унинг яратувчиларига тегиши ёки истеъмол фондини ташкил этиши ва қанчаси ижтимоий истеъмол фондлари орқали қайта тақсимланиши кераклигини аниқлаш муаммолари, шунингдек алоҳида товар ишлаб чиқарувчилар олдида тайёрланган маҳсулотларни сотиш, яъни кимга, қандай нархда сотиш муаммолари туради. Албатта, бу муаммоларни ҳал этиш жамият ривожланишининг турли босқичларида турли хил даражада ҳал қилинади.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикаси учун бу муаммоларни ҳал этишнинг йўли бозор иқтисодиётини шакллантиришдир.

Президентимиз И. А. Қаримов республикамызда бозор иқтисодиётига ўтиш даври сиёсатининг таянчи ва иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишнинг асоси бўлмиш бешта муҳим ва машҳур тамойилни ишлаб чиқди. Уларнинг асосий мазмунни қуйидагилардан иборат:

биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак; у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисод сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш зарур;

иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотнинг устивор йўналишларини белгилаб бериши ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпарастлар (ретоградлар) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт.

учинчидан, қонунларга риоя этиш устивор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиш лозим;

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб қолди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади;

бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги «Инқилобий сакрашларсиз», яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Бунинг маъноси шундан иборатки, республикада бозор иқтисодиётига ўтиш, бозор муносабатларини ўрнатиш маълум қийинчиликларсиз амалга ошмайди. Аммо бу даврда аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш кучайиши керак. Буни фақат кучли қайта тақсимлаш воситасига асосланган давлатгина амалга ошириши мумкин. Давлат иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фаол қатнашиши, унинг ташаббускори бўлиши ва изчиллик билан амалга оширилиши лозим. Бунинг учун давлат иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларини ишлаб уни татбиқ этиши, назорат қилиш каби вазифаларни бажариш учун махсус идораларга эга бўлиши керак. Шундагина давлат ислоҳот жараёнининг барча босқичларида етакчи ислоҳотчи эканлигини тасдиқлаши мумкин. Давлат ишлаб чиқаришга иқтисодий воситалар билан, иқтисодиётни тушунган ҳолда, белгиланган мақсад сари бошқара боради.

Давлат бозорга ўтишда иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқди, иқтисодий эркинликни қабул қилинган конституция ва қонунлар асосида мустаҳкамлаб борди.

Республикада тартибга солинувчи бозор тизими ўрнатишлар экан давлат асосий ижтимоий-иқтисодий, ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий стратегик йўлини белгилайди ва унга эришиш йўлини яъни тактикасини ҳам ишлаб чиқади. Давлат аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг энг қулай тизимларини ишлаб чиқади ва ҳаётга тадбиқ этади.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш ва уни ҳаракат қилиш тизимларини ҳаётга тадбиқ қилиш учун зарур бўлган бозор инсти-

тутларини ташкил этади. Ишбилармон, тадбиркорлар фаолияти учун кенг шароит яратади.

Давлат — молния, кредит, солиқ, валюта сисёати, нарх-наво воситалари билан иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солиб туради. Монополияларга қарши сисёатни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Давлат бозор муносабатларига мос келадиган тавсиявий режалаштиришни амалга оширади. Чунки у билан умумиқтисодиёт маълум даражада тартибга солинади. Лекин, бу режалаштириш собиқ режалаштириш тизимидан тубдан фарқ қилади.

Республикада бозор иқтисодиётини шакллантириш узоқ бир даврни талаб қилади. Чунки мавжуд собиқ марказлаштирилган, режалаштирилган иқтисодиёт бозор иқтисодиёти бир-бирига ёт хўжалик тизимидир. Ана шу хўжалик тизимлари ўртасида кураш кетади. Албатта, эски тизимни бирданига, яъни револуцион йўл билан йўқотиш мақсадга мувофиқ эмас; уни эволюцион йўл орқали секин-аста, босқичма-босқич, бозор иқтисодиётига ўтиб борган сари янги тизимга алмаштириш керак. Тўғри револуцион йўл билан бозор иқтисодиёти тизимини тадбиқ қилиш мумкин. Бу йўл «фалаж қилиб даволаш» усули ҳисобланади. Бунинг сисёсий, иқтисодий оқибатлари анча оғирдир. Масалан, Югославияда бу қўлланилган «фалаж қилиб даволаш» усулининг қўлланилиши 1991 йилда саноат ишлаб чиқарилишини 20 фоизга, сармоя сарфлашини 17 фоизга камайишига федерациянинг парчаланishiга сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам Президентимиз И. А. Қаримов Республикада ҳақиқатдан вужудга келган иқтисодий вазият, оилалар **аксарият кўпчилигини турмуш даражасининг пастлиги туфайли Ўзбекистон учун бозор иқтисодиётига ўтишда «фалаж қилиб даволаш»** усулининг маъқул эмаслигини кўрсатади. «Бозор иқтисодиёти томон сакрашларсиз, инқилобий ўзгартиришлар йўли билан эмас, балки изчиллик билан босқичма-босқич бориш керак. Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш йўлининг ўзинга хос хусусияти ҳам шунда»²⁰ дир. Бозор иқтисодиётини шакллантиришда иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш зарур. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини жаҳон мамлакатлари иқтисодиёти билан интеграциялашни таъминлаш учун республикада қабул қилинган норма, қонда ва қонунлар мажмуаси жаҳон хўжалиги алоқаларига қўшилишни таъминлаш лозим эди. Чунки бундай қонуқчилик асосларининг яратилиши республикада ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг асосидир. Янги ҳуқуқий тизимнинг асосини Республика Конституцияси ташкил этди. Албатта, қабул қилинаётган қонунлар тизими ҳуқуқий таъминлашни мустаҳкамлаш йўлида мав-

²⁰ Қаримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзинга хос йўли. Т., 1993, 65-б.

жуд иқтисодий-сиёсий шароитларни эътиборга олган ҳолда такомиллашиб бориши зарур.

Ишлаб чиқилган ва қабул қилинган қонунлар таъсирчан бўлиши ва унга барча объект ва субъектлар бўйсунушлари, унга итоат қилишлари лозим. Шунинг учун ҳам «қонуннинг устиворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир²¹» деб таъкидлайди И. А. Каримов. Қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши лозим.

Давлат иқтисодиётни соғломлаштириш муаммоларини ҳал этиш учун бозор иқтисодиёти шароитларини эътиборга олган ҳолда қонунлар чиқарилади ва қарорлар қабул қилади. Бу йўл билан эски иқтисодий муносабатларни, эски қонун ва қарорларни алмаштириш эвазига бозор иқтисодиёти учун ижтимоий-сиёсий шароитлар вужудга келтирилади ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди. Олиб борилаётган ижтимоий-сиёсатнинг асосий йўналиши аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялашдир. Буни ички муҳит тақозо қилади. Чунки Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиш шароити жуда мураккабдир. Энг асосийси, собиқ Иттифоқдан қолган ишлаб чиқариш асосан эски технологияларга асосланган ва деярли эскириб қолган эди. Аҳолининг турмуш даражаси эса паст эди. Энг асосийси, инсонларнинг мафкуравий қарашларини, меҳнатга бўлган муносабатларини ўзгартириш лозим эди. Иқтисодий ҳолоқотларнинг дастлабки босқичида ишлаб чиқилган ва амалга оширилган ижтимоий сиёсат ўз олдига қўйилган барча вазифаларни тўла-тўкие бажарди.

Республикада йўналтирилган мақсадли ижтимоий сиёсат олиб борилаётганда. Унинг асосий йўналишлари биринчидан: ҳар бир фуқаро эркинлигини таъминлаш унинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш; иккинчидан, амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоялаш аниқ мақсадни кўзлаган ва маълум йўналишда бўлиши керак; учинчидан, энг муҳтож табақаларни ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш ижтимоий сиёсатнинг асосий устивор йўналиши бўлиб қолади; тўртинчидан, ижтимоий меҳнатда қатнашаётган аҳолини моддий жиҳатдан қизиқтириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар давлат томонидан яратиб берилади.

Ишлаб чиқаришни дотация, яъни еб кетар йўли билан корхоналарга бериладиган маблағлар ҳисобига эмас, балки корхоналар эркин иқтисодий фаолият юритиш йўли билан даромад олиш ва ўз ходимларини моддий рағбатлантириш шароитларини яратиш, меҳнатга лаёқатли барча аҳолини иш билан таъминлаш керак. Бозор муносабатларига ўтиши маънавий маданиятсиз, аҳолини сиҳат-саломатлигисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Булар давлат-

²¹ Каримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1993, 77 бет.

нинг асосий вазифаси бўлиб қолади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ўтмишдан қолган жамиятнинг фойдали тизимларини ҳаётга тадбиқ этиш ва шу билан бирга ўтмиш жамият тизимларини кўр-кўрона кўчириш мутлақо нотўғри ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ижтимоий хизматларнинг якка поғонали тизимдан фойдаланилади. Биринчидан зарур даражадаги ижтимоий шароитни яратиш давлат маблағлари, яъни бюджетни ҳисобга бўлса, иккинчидан корхоналар ёки шахслар даромадлари ҳисобга амалга оширишдир. Бу хизматларни максимум даражага етказиш мўлжалланган. Президентимиз И. А. Каримов «Самарали ижтимоий сиёсатни иқтисодиётни барқарорлаштириш, таркибий ўзгартиришлар, бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари билан уйғунлаштириб амалга ошириб борган тақдирдагина ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш мумкин»²² деган эди.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий сиёсат қуйидаги шартларга асосланиб олиб борилмоқда:

— мафкуравий қарашлардан қатъий назар ташқи муносабатларда ошкоравий бўлиш;

— тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли, бошқа мамлакатларнинг ички ишига аралашмаслик;

— ўзининг миллий давлат манфаатлари устиворлигида ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш; республика бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига кирмаслиги даркор;

— тўла ишонч, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш асосида икки томонлама, шунингдек, кўп томонлама ташқи алоқалар ўрнатиш ва уларни ривожлантириш;

— умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя ва халқаро тартибларга изчиллик билан ўтишдир. Лекин ташқи давлатлар билан олиб бориладиган иқтисодий фаолит давлат иқтисодиётига, сиёсатига зид бўлмаслиги керак. Қисқа давр ичида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги кўпгина халқаро ташкилотларга аъзо бўлди.

Республика ташқи иқтисодий алоқаси аввало республика экспорт мавқенини ошириш, унга мос келадиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқдир. Жаҳон бозорларида энди хом ашё билан эмас, балки тайёр истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан қатнашиш керак. Булар эса кўпроқ хорижий мамлакатлар сармоялари ва технологиялари асосида қўшма корхоналар тузиб ишлаб чиқаришни ташкил этиш, республикада экспорт саломини иложи борича камайтиришга эришиш би-

²² Каримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1993, 89-бет.

лаш боғлиқ. Бу олиб бориладиган ташқи иқтисодий снёсат — албатта, халқаро талабга жавоб берадиган ташқи савдо, лизинг, консалтинг ва суғурта фирмаларини, ташқи алоқаларини ривожлантириш, транспорт коммуникациялар тизимини яратиш, халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият, банк тизими, ҳисоб-китоб ва статистик ҳисобот учун малакали кадрлар етказишни билан боғлиқдир. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ана шу йўналишларини Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётга кириши учун иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш беради.

4. Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якунлари

Ўзбекистон Республикаси ўзининг шарт-шароитларига мос ҳолдаги иқтисодий ислоҳотлар стратегиясини ва йўлини танлаб олди. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мақсади, марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш, эски хўжалиқ юритиш механизми ўрнига давр талабига мос келган бозор иқтисодиётини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги механизминини ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида республикамизда моддий негиз яратиш манфаатларини кўзлаб қўйидаги стратегик мақсадлар белгиланди. Бу аввало, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, инсонлар яшashi ва меҳнат қилиши учун шароитлар яратиш; кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, инсонларни мулкка бўлган эгалликларини таъминлаш, корхона ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш; давлатнинг улар фаолиятларига аралашувига йўл қўймаслик; мавжуд моддий — пул ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, инсонларда иқтисодий фикрлашнинг янги шаклларини вужудга келтириш, уларнинг мафкураларини ҳозирги давр талабига йўналтиришдан иборат эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг биринчи босқичида **икки** асосий масала: 1) маъмурий буйруқбозлик тизимини тугатиш, иқтисодий кризисдан чиқиш ва иқтисодиётни барқарорлаштириш ва 2) республика шароитларини эътиборга олган ҳолда бозор муносабатларини шакллантиришни амалга ошириш лозим эди. Бу вазифаларни ҳал этишда қўйидаги асосий устивор йўналишлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди: ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини яратиш; бунинг учун мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги конституциясини қабул қилишда кўп укладли иқтисодиёт негизларини вужудга келтиришдир. Кўп укладли иқтисодиёт негизларини вужудга келтириш эса қишлоқ хўжалигида

мулкчиликнинг янги шаклларини ташкил этиш, маҳаллий саноат, умумий хизмат, савдо, умумий овқатланиш шаҳобчалари, уй-жойларни давлат тасарруфидан чиқариш, уларни хусусийлаштириш, акционерлик корхоналарини ташкил этиш каби ишлаб чиқариш билан узвий боғлангандир. Устивор йўналишлардан яна бири молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш ва ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг биринчи босқичда республикада молиявий сиёсатни тўғри амалга ошириш натижасида давлат бюджетни камомадини иложи борича камайтириш, бюджет даромадини тўғри тақсимлашни таъминлаш корхоналар фаолиятини ўзларининг даромадлари орқали амалга оширишга ўтиш, инвестиция ва кредитлардан кенг кўламда фойдаланишга ўтиш, солиқ тизимларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ишларига катта эътибор берилди. Давлат Марказий банки кредит — пул сиёсати соҳасида икки босқичли банк тизимини вужудга келтирди. Пул муомаласи барқарорлигини таъминлаш, миллий пулни муомалага киритиш соҳасида ташкилий ва иқтисодий ишлар амалга оширилди.

Нарх-наво сиёсатида пулнинг қадрсизланишига қарши аввало, баҳо бозорини тартибга солувчи восита эканлигини мустақкамлашга; нарх-навоини аста-секин эркинлаштиришга; зарурий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларини давлат назоратида сақлаб туриш; қишлоқ хўжалиги тараққиётини таъминлаш; бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг асосий омилли — харид нархларини жаҳон нархлари даражасига етказиш; монополияларга қарши сиёсатни амалга ошириш шакллантирилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг биринчи босқичида республикада асосан ёнилғи энергетикаси мажмуини, энг муҳим истеъмол молларини ишлаб чиқарадиган тармоқларни жадал ривожлантириш чет эллардан товарларни келтириш ҳажмининг камайтириш, республикада эса уларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ҳам ашёларини қайта ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор берилди. Бозор иқтисодиётига ўтишда иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий негизини барпо этиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки ўтмиш жамиятда амал қилган иқтисодий қонунлар янги бозор иқтисодиётига кираётган давлат учун ётдир. Улар умум иттифоқ талабига жавоб бера оладиган қонуниятдир. Республикада бозор иқтисодиётига ўтишда олиб бориладиган иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий негизини барпо этиш учун биринчи гада «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонун, ер ости бойликлари тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги, жойларда давлат ҳо-

кимияти тўғрисидаги, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги ва бошқа кўп қонунлар қабул қилинди. Натижада ҳокимиятнинг бирдан-бир тўла ҳуқуқли бўлган ҳокимлик институти яратилди.

Иккинчидан, янги иқтисодий муносабатларга мулкчилик муносабатларга мос бўлган қонунлар, ер тўғрисида, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, ижара тўғрисида, давлат уй-жойларини хусусийлаштириш тўғрисида қонунлар ишлаб чиқилди.

Учинчидан, хўжалик юрITLEPШНИНГ ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги механизмлари: бозор инфраструктурасини вужудга келтириш билан боғлиқ қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, хўжалик юрITLEPШТИНГ субъектларнинг ҳуқуқ ва иқтисодий хўжалиги, хўжалик жамиятлар ва ширкатлар тўғрисида қонунлар ишлаб чиқилди.

Тўртинчидан, республикани халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатида таъминловчи ҳуқуқий норма яратилди. Яъни ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида, Республикани халқаро етакчи ташкилотларига аъзолиги тўғрисида, валютани тартибга солиш тўғрисида, чет эл инвестицияларини жалб этиш, чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қонунлар яратилди.

Бешинчидан инсонлар ишончини таъминловчи, конституцион ва юридик ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, яъни инсон, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқлари, виждон ва дин эркинлиги қонунлари қабул қилинди. Дарҳақиқат Республикамызда қонун устиворлиги тантаная қилишга шарт-шароитлар вужудга келтирилди.

Бозор иқтисодиётини шакллантиришда давлат мулкнинг хусусийлаштириш, уни давлат тасарруфидан чиқариш ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш зарур эди. Ўзбекистон Республикасында бу масала ҳаял этиб бормасда ва ислохотнинг биринчи босқичида ҳамма мулкчилик шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги конституцион қонун асосида белгиланди. Кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда жуда кўп йўналишлар мавжуддир. Масалан, Россия давлатида қисқа муддат ичида давлат мулкларини давлат тасарруфидан чиқариш асосан акциядорлик корхоналарини ташкил этиш ва чеклар бозорини ташкил этиш орқали хусусий мулкдорлик ташкил этилди. Еки чет элларда чек воситалари орқали хусусийлаштириш амалии оширилган. Бу усулда кўп укладли иқтисодиётни ташкил этишнинг қуйидаги салбий томонлари мавжуддир. Аввало, бу усулда жамият аъзоларининг ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги ва яратилган ижтимоий бойликдаги уларнинг улүшини ҳисоблаб бўлмайд. Бу сунъий равишда аҳолининг иқтисодий мавқеларини тенглаштиришдан

иборатдир. Қимматли қоғозлар орқали тенг равишда тақсимланган бойлик уни қадрсизлантиради.

Инсонларнинг мулкка бўлган муносабати ўтмиш давридаги сингарни ўзгармайди. Шунинг учун ҳам республикада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни ҳуқуқий мулк эгаларига қайтариш фақат сотиш билан амалга оширилди. Республикада кўп укладли иқтисодий жорий этиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора тadbирлари тўғрисида 1994 й. 21 январда қабул қилинган ва 1994 йил 16 мартдаги давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнини устивор йўналишлари тўғрисидаги фармонлар хусусийлаштиришни тезлаштиришга ёрдам берди.

Мулкларни хусусийлаштиришда давлат томонидан социал кафолатлар берилмоқда. Давлат томонидан хусусийлаштиришни амалга оширувчи муассасалар тизимини тузилди. Кичик хусусийлаштириш 1994 йилда тугалланди; 1995 йилга келиб савдо-сотиқ ҳажми, умумий оўқатланиш ялли маҳсулотининг 82 фонидан ортикроғи хусусий секторга тўғри келди. Давлат мулкни хусусийлаштириш натижасида 1994 йил охирига келиб 54,0 мингга яқин корхона ва объектлар давлат тасарруфидан чиқарилди. Шунларнинг 18 минг 400 таси хусусий мулкка ўтди, 26 минг 100 таси акциядорлик, 8 минг 700 таси жамоа, 661 таси ижара корхоналарига айлантирилди»²³.

Республикага мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ишида Республикага халқаро ташкилотлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Масалан, ЮНИДО ташкилоти 42 бизнес—инкубатор ташкил этди. Европа ҳамжамияти Комиссияси амалий алоқалар марказини ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнида бозор иқтисодиётини шакллантириш янги аграр муносабатларни шакллантириш билан боғлиқдир. Аграр секторини тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммоларни ислоҳотларнинг дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиётини шакллантириш — энг муҳим масала бўлмиш — ерга мулкчилик масаласи билан боғлиқдир. Аввало ишлаб чиқариш ходимларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий қуроли бўлмиш ерга бўлган муносабатларини ўзгартиришимиз керак. Бунинг учун эркин ишлаб чиқариш, эркин меҳнат қилиш, унинг натижаларидан эркин

²³ Қаримов И. Ўзбекистон — иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995, 59-бет.

фойдаланишни таъминлаш амалга оширилди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқаришни янги тузилмалари вужудга келди. Натижада ўтган уч йил ичида 1137 давлат хўжалигидан 1076 таси акциядорлик, жамоа ва ижарадаги корхона шаклларига айлантирилди. Натижада 1994 йилда деярли 95 фонзга яқин қишлоқ маҳсулотини давлатга қарашли бўлмаган сектор корхоналари ишлаб чиқарди. Аҳолига шахсий томорқа ерлари беришга эътибор берилмоқда; чунки бу қишлоқ аҳолисининг маълум даражада социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга замин яратади. Республикада 700 минг гектар ер шахсий томорқа сифатида тарқатилди. Ундан фойдаланаётган аҳоли сони 9 млн. дан ортиқдир. Шахсий томорқа хўжаликлари 1994 йилда жами сутнинг 76 фонзини, гўштнинг 70,0 фонзини, картошканинг 56,0 фонзини, сабзавотнинг 63,0 фонзини, меванинг 60 фонзини етиштирди.

Деҳқон (фермер) хўжалиklarини ривожлантиришга ҳам моддий эътибор берилмоқда. Фақат 1994 йилнинг ўзида деҳқон (фермер) хўжалиklarини миқдори 1,9 баробар кўпайиб, 25,0 минг хўжаликни ташкил этди. Уларнинг ишлаб чиқариб ҳажми 1993—1994 йиллар ичида 27 баробар кўпайди. Шу жумладан дон етиштириш 3,3 баробар, сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштириш 3,3 баробар, гўшт етиштириш 3,0 баробар, сут етиштириш 2,1 ва тухум етиштириш 1,3 марта ошди. Республикада дон мустақиллигига эришиш учун Президентимиз И. А. Қаримов ташаббуси билан донли экинлар майдони анча кенгайди. Натижада 1994 йилда дон етиштириш 44,0 фонзга ошди. 1995 йилда эса республикада 4,4 миллион тоннадан ортиқ дон етиштирилди. Дон экиладиган майдонлар 1472 гектарга етказилди. Қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш билан бир вақтда хўжалик юрйтиш механизмини такомиллаштириш борасида ҳам катта ишлар олиб ~~борилди.~~ Улар асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид баҳоларини такомиллаштиришга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган давлат буюртмаларини ўзгартириб боришга ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарининг айримларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш ишларини амалга оширишга қаратилган. Бу уччала йўналиш бўйича катта аҳамиятга эга бўлган тадбирлар олиб борилмоқда. Масалан, 1995 йилдан бошлаб пахта ҳосиллининг харид нархлари босқичма-босқич жаҳон нархлари даражасига етказилди; шунингдек, 1995 йилда пахта бўйича давлат буюртмаси 60 фонзгача камайтирилди.

Қишлоқ хўжалигида хўжалик юрйтиш механизмининг такомиллаштиришнинг учинчи йўналишини бўлган қишлоқ хўжалик корхоналарининг айримларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаши борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан рес-

публикамиздаги ҳамма ҳўжаликлар ҳозирги вақтда даромад солиғидан, қўшилган қиймат солиғидан ва бошқа солиқлардан озод қилинганлар. Улар илгари кредит олган бўлсалар, уларни узиш муддати уч йилга узайтирилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг биринчи босқичида бошқаруving маъмурий буйруқбозлик тизими тугатилди. Масалан, нархларни эркинлаштириш, буйруқбозликни ҳамда тўрачиликни тугатиш мақсадида давлат нарх қўмитаси, давлат режа қўмитаси, таъминот қўмитаси каби қўмиталар тугатилди. Республикамизда қабул қилинган банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунга асосан эркин банк тизми ташкил топди. Собиқ давлат банки тугатилиб, марказий ва ички, ташқи ва шу билан бир қаторда янги тижорат ва хусусий банклар тармоғи вужудга келди. Утган тўрт йил ичида республика иқтисодиётни тармоқларнда чуқур таркибий ўзгаришлар рўй берди. Янги бошқариш уюшмалари, концерн, корпорациялар ташкил топди. Бозор иқтисодиёти нархларни эркинлаштириш ва бозор инфраструктурасини ташкил этиш билан узвий боғлиқдир. 1992 йилнинг 10 январидан бошлаб «Нархларни эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга асосан халқ истеъмол моллари ва бажарилган ишлар ҳамда хизматларнинг эркин нархлари ва тарифларига ўтилди. 1994 йилнинг охирига келиб халқ истеъмол товарининг асосий қисмини эркин нархларда сотишга ўтилди. Бозор муносабатларини шакллантиришни тегишли муҳит, яъни бозор инфраструктурасисиз амалга ошириб бўлмайди. Аммо, уни бирданга яратиб ҳам бўлмайди. Бизнеснинг республикамизда бозор инфраструктурасини шакллантиришда давлат буюртмасини ва ишлаб чиқариш корхоналарининг фондлар билан таъминлаш сиёсатини тугатиш катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки у ҳозирги иқтисодий ҳаракатни таъминлай бошлади. Республикада бозор иқтисодиётининг шаклланишини жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилмаган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Собиқ умумиттифоқ ташқи савдо ва иқтисодий тузилмалари барбод бўлган ва Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришган вақтда у ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик йўлида туриб ошира бошлади.

Ўзбекистон республикаси мустақил бир давлат сифатида ўзининг иқтисодий алоқаларини давлат, халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатади. Ҳозирги 150 тадан ортиқ давлат Ўзбекистонни тан олган бўлса, улардан 74 таси билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Кўпгина халқаро ташкилотлар, Бирлашган, миллатлар ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа тиклаш ва тараққиёт банки, Европа Иттифоқ Комиссияси ва бошқаларга аъзо бўлди. Булардан Халқаро валюта фонди республи-

када иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун 74 миллион АҚШ доллари ажратди. Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда Республикамиз Туркия, Эрон ва Покистон томонидан тузилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди.

Ҳозирги даврда Республикада хорижий сармоя иштирокида 1450 тадан ортиқ корхоналар рўйхатдан ўтказилган бўлиб шулардан 110 таси фақат уларнинг маблағлари асосида ишлаб турибди. Республикада 25 та хорижий давлатларга тегишли бўлган фирма, банк ва компанияларнинг 166 та ваколатхонаси мавжуд.

Республикада ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий негизларини яратиб бериш мақсадида «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Эркин савдо-сотиқни амалга ошириш учун 1994 йилнинг ўзида четга лицензия асосида чиқариладиган маҳсулотлар сони 74 тадан 11 тагача камайтирилди. 1994 йилда жами ташқи савдо обороти 5053,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ундан 29197 миллион доллари мустақил давлатлар ҳамдўстлигига тўғри келади. Шу билан бирга республикада четга товар чиқариш ҳам ўсиб бормоқда. Жумладан, 1992 йилда у 870 миллион АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 1994 йилда эса 1,0 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида Ўзбекистон республикасининг 1994 йилдаги товар обороти 1,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Республиканинг МДХ мамлакатлари билан маҳсулот келтириш, чиқариш сальдоси Ўзбекистон фойдасига 142 миллион доллардан кўпроғини ташкил этди. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни барпо этиш ишончли кафолат билан боғлиқдир. Ишончли кафолатнинг таъминланиши эса иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида белгилаб олинган ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг гарови бўлди.

1992—1994 йиллар ичида иш ҳақи 428 баробар, пенсиялар 1230 баробарга оширилди. Республикада ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда қўллаб-қувватлашнинг чора ва тадбирлари ишлаб чиқилди.

Биз ижтимоий ҳимоялашнинг асоссиз тенглаштириш тизимидан воз кечиб шарқда неча миллион йиллар давомида қарор топган маънавий-ахлоқий кадриятларга, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятларига мувофиқ келадиган ўз йўлимизни танлаб олдик,— деб ёзади И. А. Қаримов. Ҳозирда ҳамма нафақалар ва моддий ёрдамлар онла орқали етказиб берилмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг биринчи босқичида республикада халқнинг маънавий руҳий тикланиш ва покланиш муаммоларига жиддий эътибор берилди. Чунки чинакам бозор муносабатлари

юксак ахлоқлилик ва ватанпарварлик, маънавий негизда таркиб топади. Буларсиз уни амалга ошириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам «Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги, қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан мувоффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир»²⁴.

Республика кўп миллатли халқларнинг бой маънавий маданиятига, унинг тарихига ва маънавий меросига асосланмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтиш мумкин эмас эди. Мустақил Ўзбекистон бугунги кунда бозор муносабатларига ўзи танлаган йўлдан—халқнинг маънавий руҳий тикланишини таъминлаган ҳолда ўтди бормоқда. Натигада республикада иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлиги таъминланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бунга 1994 йилда 1993 йилги даражага нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 101 фоизга ташкил қилгани, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида истеъмол маҳсулотларининг ҳиссаси 35,2 фоизга қадар ўсгани, 1994 йили нефть ва газ конденсати қазиб олиш, 40 фоизга, табиий газ ишлаб чиқариш 5 фоизга кўпайганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Иқтисодий-ижтимоий сиёсий барқарорлик-бизнинг эртанги порлоқ кунимизнинг пойдеворидир.

5. Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичнинг вазифалари ва устивор йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг биринчи босқичида ўз халқининг миллий қадриятлари, анъаналари ва маънавиятига мос келадиган дастлабки ютуқларни қўлга киритди. Ҳозирги республика жамиятини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичига изчил суръатда қадам қўйди. Иккинчи босқич — бу қонуниятлар ва бизнинг бош стратегиямиздан мантқан келиб чиқадиган тараққиёт ва янгилашни йўлидан олға томон илгарилаб бориш давридир. Бу янада чуқур таркибий ва ташкилий ўзгаришлар етук бозор муносабатларини ва ишлаб чиқариш воситаларининг ҳуқуқий миқдорлари қатламини шакллантириш давридир. Иккинчи босқичда асосий ва биринчи навбатдаги вазифа давлат мулкни хусусийлаштиришни ниҳоятга етказиш бўлса, иккинчи асосий вазифа ишлаб чиқаришда макроиқтисодиётни, барқарорлиқни таъминлаш, молиявий барқарорликка эришиш ва учинчи вазифа — миллий сўмни мустаҳкамлаш, тўртинчи вазифа иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш ва маҳсулот сифатини жаҳон талабига мос келадиган ҳолда яхшилашдан иборатдир.

²⁴ Каримов И. А. Ўзбекистон — иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995, 139—140 бетлар.

Бозор иқтисодидеги ўтиш даври иккинчи босқичнинг устивор вазифаси бўлиб, давлат мулкни хусусийлаштириш жараёналарини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш ҳисобланади. Рақобатчилик муҳити фақат мулк ўз эгаларига топширилгандагина ва турли мулк шакллариغا асосланган ишлаб чиқарувчилар ўртасида арзон иш кучи, хом ашё, бозор учун, товарлар сифати учун беллашув бўлсагина вужудга келади. Хусусийлаштириш фақат мулкчилик шакллари ўзгартирибгина қолмай, балки тор ихтисослашган тармоқ монополия тузилмаларига ҳам барҳам беради. Бунинг учун ҳамма шароитлар яратилади. Хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш кучаяди.

Хусусийлаштиришни марказдан умум республика даражасидан иқтисодий районларга кўчириш ишлари амалга оширилади. Йирик, ўрта корхоналарни акциядорлик жамиятига айлантириш, очик ҳиссадорлик жамиятлари тузиш хусусийлаштиришнинг асосий йўналиши бўлади. Акциядорлик жамиятига ўтиш очик типда бўлгани учун ҳамма аҳоли, шу жумладан, чет эл фуқаролари ҳам унда қатнашишлари мумкин бўлади. Қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш ишлари давлат инвестициясидан кенг кўламда фойдаланиш орқали амалга оширилади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида олинган даромад янги хусусийлаштирилган корхоналарнинг моддий-техника базаси учун сарфланади. Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида макроиқтисодий барқарорлаштиришга эришиш — ҳозирги даврнинг устивор вазифасидир. Бунинг учун пулнинг қадрсизланишига йўл қўймаслик, ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни таъминлаш лозим. Асосий, етакчи тармоқлар белгиланиб, уларнинг шаклланиши амалга оширилади. Барқарорлаштириш сиёсати — бу макроиқтисодий мувозанатини сақлаб, ишлаб чиқариш даражасининг ўсиши ва ишсизликнинг камайишига эришишдир. Солиқ такомиллаштирилади. У иқтисодийнинг барқарорлигини ва давлат молиявий аҳолини мустаҳкамлашни таъминлайди. Бундай тизим ишлаб чиқариш жараёнини рақобатлантиришни таъминлашни керак. Янги солиқ сиёсати доирасида солиқ тушумлари таркиби тубдан ўзгаради. Ресурслардан, мол-мулклардан олинган солиқлар аҳамияти оширилади. Жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизими жорий этилади. Давлат бюджет даромадларининг асосий қисmini маҳаллий бюджетларга бериб пул кредитлари беришни такомиллаштирилади. Айниқса миллий валюта қадрини оширишга катта эътибор берилади. Чунки «Миллий валюта — миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир». Миллий

валютани мустаҳкамлаш етарли миқдордаги товар ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқдир. Валютанинг барқарорлиги — унинг муомала учун зарур ва етарли миқдорда чиқарилишидир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги, яъни иккинчи босқичида иқтисодиётнинг таркибий тузилишида чуқур ўзгаришларга эришиш ва етакчи тармоқларни ривожлантириш лозим.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишида бўладиган чуқур ўзгаришлар қуйидаги энг асосий вазифаларни ҳал қилишда муҳим-аҳамиятга эгадир:

— четдан маҳсулотларни камроқ келтириш эвазига ички тармоқларнинг ривожлантирилиш асосида республика иқтисодий мустақиллигини кучайтиришда;

— ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига аҳоли истеъмол талабини қондиришда;

— ишлаб чиқаришни бир томонлама ривожланишига барҳам беришда;

— ташқи давлатларга маҳсулот чиқаришни кўпайтириш эвазига иқтисодиётни мустаҳкамлашни таъминлашда;

— меҳнат ресурсларидан унумли ва режалли фойдаланишни таъминлашда;

— тармоқлар ва иқтисодий районлар ўртасидаги нотенгликни тугатишни таъминлашда;

Бозор иқтисодиётининг шаклланишининг иккинчи босқичида кучли ижтимоий кафолатни таъминлаш демократик давлатни қарор топишининг асосий шартидир. Бу вазифаларни ҳал этиш республикада аҳолини иш билан банд этиш, ижтимоий маданий хизмат кўрсатиш муассасаларини ривожлантиришни, ишдан ортиқча бўлган ходимларнинг малакасини қайта ошириш, иккинчи мутахассисликни бериш, вақтинча иш билан таъминланмаган, аммо ишга лаёқатли аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ишларини олиб боришни талаб қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг иккинчи босқичидан кўзланган мақсад республикада кучли ижтимоий кафолатни таъминловчи демократик давлатни қарор топтиришдир.

II бўлим. МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ

1-б о б. БОЗОРНИ БОШҚАРИШ ВА ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1. Бозор ва давлат

Ҳар қандай иқтисодий тизимни бир меъёрда ҳаракат қилишини таъминлашда давлат муҳим ўрин тутади. Давлат азалдан бир қатор вазифаларни бажариб келган. Хусусан пул муомаласини ташкил этиш, солиқларни йиғиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳозирда, давлат бир қатор иқтисодий вазифаларни бажариши зарурлигини ҳеч ким инкор этмайди. Аммо, давлат ва бозор востасида тартибга солиш қандай нисбатларда олиб борилиши керак деган масалага турли назарий қарашлар ва ёндашувлар мавжуд. Миллий хўжаликни бошқаришда давлат монополизми мавжуд бўлиши керак, деган фикрдан тортиб иқтисодиётда фақат чекланмаган хусусий тадбиркорлик мавжуд бўлгандагина самарали бўлиши мумкин, дегангача бўлган фикрлар илгари сурилади.

Бозор иқтисодиётига давлатнинг аралашувига муносабат, уни вужудга келиши ва ривожланиши даврида ҳар хил бўлган. Бозор муносабатлари таркиб топиши даврида (XVII ва XVIII асрлар) меркантилистлар фикри ҳукмрон бўлган. Унинг моҳияти савоат ва савдонини ривожлантириш учун давлат томонидан иқтисодиётнинг тартибга солишни зарурлигида эди.

XVIII аср охирида меркантилизмни ўрнига келган классик мактаб намоянадалари А. Смит, Д. Рикардо ва бошқалар давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишга аралашувига салбий муносабатда бўлганлар. Бу ғояни биринчи марта А. Смит асослаб берган. Унинг фикрича бозор иқтисодиётида асосий тартибга солувчи бозор, ҳисобланади, бундан келиб чиққан ҳолда бозорга тўлиқ мустақиллик берилиши лозим. Давлат эса иқтисодиётга аралашмаслик сиёсатини олиб бориши лозим.

Ҳозирги замон неоклассик концепциялар (монетаризм, рационал кутиш назарияси) ғояларни ўша классик мактаб ғояларидан келиб чиқади.

Хўш, нима учун давлат бозор иқтисодиётини тартибга солишга аралашини зарур?

Жамиятда шундай соҳалар борки унга бозор механизми таъсир эта олмайди. Булар биринчи галда ижтимоий товарлар, яъни жамоа бўлиб, истеъмол қилинадиган товар ва бажариладиган хизматлар (миллий мудофаа, транспорт, таълим тизими). Бу соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этишни давлат ўз зиммасига олади.

Ундан ташқари бозор механизми ҳал эта олмайдиган муаммолар мавжуд. Улар қуйидагилардир: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ишсизлик, инфляция ва бошқалар. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун давлат аралашуви зарур бўлади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида иқтисодий соҳадаги амалиёт натижалари шундай ҳоллар мавжудлигини кўрсатдики, унда бозор механизми ресурсларни самарали ишлатишни таъминлаб бера олмайди. Бундай ҳол вужудга келишининг асосий сабабларидан бири, бу бозорни монополизациясидир. Бу эса бозор механизмини, ўзини-ўзи тартибга солувчи механизмини издан чиқаради.

Хусусан, XX аср бошларида капитализм ўзининг ривожланишида монополизм капитализм босқинчига ўта бошладн. Монополияларни вужудга келиши билан рақобатнинг туси ўзгарди. Тарқоқ капиталистларнинг эркин рақобатлашуви бузилиб, айрим тармоқлар, миллий хўжаликлар доирасида ва бутун жаҳон капиталистик хўжалиги миқёсида амал қилувчи йирик монополиялар ўртасидаги рақобат ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Улар ишлаб чиқаришни тўпланиши ва марказлашуви ҳисобига сстиш бозори, хом ашё манбалари, ресурслар, капитал, иш кучи ва техника имкониятларини тахминий ҳисобини оладилар бунинг учун статистик ахборотдан, тармоқ ва микроиқтисодий моделлар тизимидан кенг фойдаланиш орқали, баҳоларга таъсир эта оладилар. Баҳоларнинг таркиб топиш механизмга бундай аралашув, унинг вазифаларини бажаришга салбий таъсир кўрсатади. Баҳо механизми тизими ўзининг халқ хўжалиги исебатларини автоматик тарзда тартибга солиш хусусиятини йўқота борди. Худди ана шу ҳол 1929—1933 йиллардаги кучли иқтисодий инқирознинг сабабчиси бўлган.

Унда бозорни стихияли тартибга солиш билан иқтисодийetni ўз манфаатларига бўйсундиришга ҳаракат қилувчи монополиялар ўртасидаги зиддият яққол намоён бўлди.

Демак, XX асрнинг 30 йилларига келиб мамлакатларда тақрор ишлаб чиқаришга хос бўлган зиддиятлар кучайди.

Энди иқтисодчилар, давлат ҳукуматлари олдида иқтисодий инқирозларни олдини оладиган, унинг оқибатларини юмшатадиган, инфляция ва ишсизликни бартараф этадиган миллий иқтисодийetni тартибга солиш механизмининг топиш асосий масала бўлиб қолди. Ана шундай механизминг англиялик иқтисодчи

Дж. М. Кейнс асослаб берди. У иқтисодий инқирозлар ва ишсизликни асосий сабаби истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқариш воситаларига истеъмол талабининг етарли эмаслиги деб кўради. Бунга сабаб, унинг фикрича даромадлар ўсган сари фойдали неъматларга сўлган талабнинг ўсиш суръатлари пасайиб боради, яъни инсонларда истеъмол қилишга иштиёқ камаяди ва даромадларини жамғариш ҳаракати кучайиб боради.

Дж. Кейнснинг фикрича, айти вақтнинг ўзида тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талаби ҳам пасайиб боради, чунки фойда қисқариб боради, уни келажакда оладиган даромадларга бўлган ишонч йўқолиб боради. Бундай шароитда у пулни ишлаб чиқаришга қўйишдан юқори фойза ҳисобига қарзга беришни афзал кўради.

Кейнс «оммавий ишсизликни муқаррар деб ҳисобламаган ва трежали» «тартибга солинувчан» капитализмни таркиб топтириш мумкин деб ҳисоблаган. Бунинг учун эса, давлатнинг, умуман иқтисодиётни тартибга солишга аралашини зарур деб ҳисоблаган. Давлат солиқ тизими ва фойза меъёрини белгилаб бериш орқали истеъмол қилиш иштиёқига таъсир этиши керак деб ҳисоблаган. Демак, Дж. Кейнс давлат ўзининг иқтисодий соҳасида ишлаб борадиган сиёсати воситасида, жами талаб ва таклифни бириктиришга мувофиқлаштиришни иқтисодиётни таназзул ҳолатидан чиқариш ва кейинчалик барқарорликни таъминлаш керак, деган фикрни илгари сурди.

АҚШ президенти Ф. Рузвельт ҳукуматининг юритадиган иқтисодий сиёсатини ана шу ғоялар асосида ишлаб чиқди ва мамлакатни иқтисодий таназзулдан чиқара олди. Рузвельт амалда анкларни марказлаштирди, уларда тафтиш ўтказди, олтинни ишлаб чиқаришга олиб чиқишни тақиқлади, баҳолар уетидан давлат азоратини ўрнатди, фермерларга кредит беришни таъминлади ва ҳ. к.

Назарий жиҳатдан Кейнснинг қарашлари иқтисодиёт назариясида янги, макроиқтисодиёт бўлими, вужудга келишига сабаб бўлди. Амалий жиҳатдан эса, иккинчи жаҳон урушидан сўнг Кейнснинг ғоялари (яъни пул-кредит ва молия воситасида жами талабни тартибга солиш) ҳамма ривожланган мамлакатлар иқтисодий сиёсатининг асоси қилиб олинди. Бу эса, ушбу мамлакатлардаги иқтисодиётни даврий тебранишларининг юмшашига олиб келди. Айтиш мумкинки, ушбу назарияни кўпгина мамлакатлар ҳукуматлари ўз иқтисодий сиёсатларининг янги йўналишига асос қилиб олдилар. Давлатлар истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқариш воситалари бозорларини кенгайтириш йўли билан «амарали талабни» кучайтиришни мақсадга мувофиқ деб эътифод этидилар.

Ҳарб мамлакатларида иқтисодиётни давлатлаштириш сиёсати

олиб борилиши натижасида иқтисодиётда давлат сектори вужудга келди. Ҳукуматлар ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва йўриқ режаларни тузишни ташкил этди, катта давлат бозорини вужудга келтириб, ўзининг буюртмаларини бажаришга (улар катта фойда келтирар экди) катта фирмаларни жалб этди.

Давлат фаол хазинабонлик сиёсатини олиб борди, миллий даромадни қайта тақсимлаш йўли билан ташкил этилган давлат бюджети, давлатнинг олиб бораётган сиёсатининг кучли моддий асосини ташкил этди. Капиталистик иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиниши унинг ривожланишига олиб келди.

Аmmo бу жараён узоқ давом этмади. Бюджет маблағлари етмаганлиги сабабли АҚШ, Англия ва бошқа мамлакат ҳукуматлари солиқларни юқори кўтариб юборишлари натижасида, тадбиркорлар ва ходимларнинг даромадларини кўпайтиришга бўлган манфаатдорлиги сўна бошлади.

Бюджет камомадини қоплаш учун ҳукуматлар кредит воситалари, заёмлар ва ортиқча пулни босиб чиқаришга қўл урдилар. Бу эса, стагфляцияга (ишлаб чиқариш суръатларини пасайиши, инфляция оммавий ишсизлик) олиб келди ва 70-йиллар ўртаси ва 80-йиллар бошида жаҳонда кучли иқтисодий инқироз рўй берди.

Ривожланган Ғарб мамлакатларида, эркин тадбиркорликни ва чекланмаган рақобат тарафдорлари бўлган неоконсерваторлар кейинсатликка қарши чиқдилар. Уларнинг намоёниси америкалик иқтисодчи Милтон Фридман иқтисодий эркинлик ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқди. Унинг фикрича бозор тизимидан иқтисодий эркинликни ажратиб бўлмайди, шунинг учун у буйруқбозлик тизимга нисбатан хатга кўпроқ даражада мосланувчан деб қараган. У шундай деб ёзади: «Бутун дунёда яшовчи инсонлар, қандай қилиб ўзларининг мустақил манфаатларини реализация қилиш учун кооперациялашишига муваффақ бўлдилар. Баҳолар шундай механизмки марказдан бошқарувсиз ҳам бу вазифани бажаради».

М. Фридман 1974—1975 йилдаги кризислар сабабли, америка иқтисодиётини барқарорлаштириш концепциясини ишлаб чиқди. У инфляциянинг олдини олиш учун давлат муомаладаги пул ҳажминини қаттиқ назоратга олишлигига асосий эътиборин қаратган. АҚШ, Буюк Британия, Олмония ва бошқа бир қатор мамлакатларда неоконсерваторлар йўриқларига асосан иқтисодий сиёсат асосида «самарали таклиф» — хусусий тадбиркорликни рағбатлантирувчи қонда асос қилиб олинди. Эркин тадбиркорлик фойдали бўлиши учун, фойдадан ва меҳнат даромадларидан олинмайдиган солиқ ставкалари пасайтирилди. Қам самарали деб топилган тармоқда давлатни хўжалик ишларига аралашуви камайтирилди. Давлат корхоналарининг бир қисми хусусийлашти-

рилди. Қўпгина мамлакатларда халқ хўжалигини режалаштириш қисқарди, ижтимоий дастурларни молиялаштириш бир мунча камайтирилди.

Бу қилинган тадбирлар ўз самарасини берди. АҚШ ва бошқа мамлакатларда давлат бюджети камомати, қисқарди, муомаладаги пул миқдори камайди, инфляция суръатлари 3—4 марта пасайди, иқтисодиётнинг ривожланиш суръатлари ўсди.

Ҳозирги шароитда ривожланган мамлакатларда маҳсулотларнинг кўп қисмини ишлаб чиқариш ва сотиш ишлари бозорларни ўзаро бўлиб олган монополиялар томонидан назорат қилинади. Масалан, АҚШ иқтисодиётининг кўпчилиги тармоқларида йирик фирмалар ҳаракат қиладилар. Уларнинг сармоялари млрд. доллар билан ҳисобланади. Шулардан бири «Дженерал моторз», 1987 йил сотиш ҳажми 102 млрд. долларни, активлари 87 млрд. долларни ташкил этиб, унда 813 минг киши ишлайди. Дунёда 22 ёки 24 мамлакатнинг даромадигина бу фирманинг даромадидан кўпроқдир.

Шунга қарамасдан, бозор баҳолар даражаси ва ишлаб чиқаришнинг фойдалилиги даражасига таъсир эта олиш қобилиятини сақлаб қолган. Аммо бозорнинг ўзи давлат томонидан тартибга солинишига муҳтож. Чунки бозорнинг ўзи ҳал эта олмайдиган муаммолар бор, булар муҳтожлик, инфляция, ишсизлик ва ҳоказо. Демак, ривожланган мамлакатларда, яъни бозор иқтисодиётини ҳозирда ўзининг хусусиятига феълига кўра қарама-қарши бўлган икки восита, яъни бозор ва давлатнинг бозор муносабатларига аралашуви тартибга солади. Профессорлар П. Самуэльсон ва Н. Нордхаус (АҚШ) ҳозирги замон макроиқтисодий бошқариш феълини шундай тушунтирдилар. Бозор механизми кўпгина соҳаларда баҳо ва ишлаб чиқаришни аниқлайди, айти вақтда давлат солиқ, харажатлар воситаси ёрдамида бозорни тартибга солади. Иккала томон — бозор ва давлат — муҳимдир. Уларнинг уписи ёки бундан бўлмаган шароитда иқтисодиётни бошқаришга ҳаракат қилиш — бир қўл билан чапак чалишга ҳаракат қилиш билан баробардир.

Демак, ҳозирги шароитда бозор иқтисодиёти икки восита бозор механизми ва давлат томонидан тартибга солинади. Уларни ўртасида мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий миллий хусусиятларини нобатга олувчи маълум нисбат бўлиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг мақсади бозор механизмига аралашини эмас, балки уни нормал ҳаракат қилиши учун шароит яратишдан иборат. Иккинчиси бўлган жойнинг ҳаммасида рақобат таъминланиши керак, давлатни тартибга солиш вазифаси эса зарур бўлганда қўлланиши лозим.

2. Макроиктисодий мувозанат ва уни таъминлаш

Биз 6-бобда алоҳида бозордаги талаб ва таклифнинг мувозанати билан танишиб чиққан эдик. Алоҳида бозорлардаги мувозанат жузъий мувозанат дейилади.

Аммо бозор иқтисодиети, турли бозорлар тизимидан иборат. Улар мувозанатдаги еки ҳуққи эканлигини турли товарлар пархларининг нисбати билан белгиланади. Масалан, бугун 100 сўмга 4 та нон, 2 кг еғ, 1 кг шакар сотиб олиш мумкин деб фараз қиламиз. Агар маълум муддатдан кейин 100 сўмга сотиб олиш мумкин бўлган товар миқдори нисбати сақланиб қолса, демак уша муддатда иқтисодиёт умумий мувозанат ҳолатида бўлди, деб ҳисобланади.

Аммо ҳаётда умумий мувозанат иқтисодиётнинг идеал нормал бир ҳолатидир. Унга иқтисодий параметрларнинг узаро боғлиқлиги, алоқадорлиги ва жамиятда мавжуд воситалар ва эҳтисоқлар ўртасида доимий мувозанат ҳолатини тиклайдиган ўзига хос маҳсус усули хосдир. Бундай жузъий мувозанат алоҳида бозорлардаги талаб ва таклиф ўртасида мувозанатга мос келади.

Умумий мувозанат эса, ўз навбатида ҳамма бозорларни мувозанатлаштирилган ва келишилган ҳолда ҳаракат қилишини ақс эттиради. Бундай бўлиши учун эса иқтисодиётда жами таклиф ва жами талаб ўртасида мувозанат таъминланмоғи лозим. У қай йўсинда таъминланишини кўришдан олдин биз жами талаб ва жами таклиф тушунчаларини кўриб чиқамиз.

Жами таклиф деганда (AS) иқтисодиёт тараққиёти учун зарур бўлган ишлаб чиқариладиған ҳамма товар ва хизматлар тушунилади ёки ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми тушунилади. Жами таклиф модели (A) эгри чизиги билан ифодалангандир.

Жами таклиф (AD) истеъмолчилар, тадбиркорлар ва давлат ҳар қандай мумкин бўлган баҳолар даражасида сотиб олишлари мумкин бўлган маҳсулот ҳажми.


Жами талаб ва жами таклифга, аввало баҳолар даражаси таъсир кўрсатади. Баҳо қанчалик юқори бўлса, ишлаб чиқариш ҳажми шунчалик катта бўлади. Жами таклиф (A) билан баҳолар тўғри пропорционал равишда боғлиқдир. Жами таклиф (AD) баҳо билан тесқари пропорционал боғлиқдир. Жами талабга қуйидаги ғайри баҳо омиллари таъсир кўрсатади: аҳоли даромадлари, инвестицион сарфлардаги ўзгаришлар, экспорт ва импорт даромадлари. Ушбу омиллар таъсири натижасида жами талаб ўзгаради.

Жами таклифга ҳам бир қатор ғайри баҳо омиллар таъсир кўрсатади, булар: ресурслар баҳоларининг ўзгариши, ишлаб чиқаришда унумдорликнинг ўзгариши, ҳуқуқий меъёрдаги ўзгаришлар. Бу эса ҳамма омиллар ишлаб чиқариш харажатлари билан

боғлиқдир. Ушбу омилларнинг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмига ёки жами таклифга таъсир кўрсатади.

Жами талаб ва жами таклиф эгри чизигининг кесишиш нуқтаси бозордаги мувозанатга туғри келади. У ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳажмини ва мос бўлган баҳонинг мувозанат даражасини кўрсатади.

Расмда жами талаб AD ва жами таклиф AS ва умумий иқтисодий мувозанатни кўрсатувчи E нуқта акс эттирилган.



1-расм. Умумий иқтисодий мувозанат.

Ҳар қандай миллий иқтисодиётда миллий маҳсулотнинг аниқ ҳажми бўлади, уни чегаравий миқдор десак ҳам бўлади. Агарда миллий маҳсулотнинг ҳажмига яна шу чегарадан ошиб ойдса, бу ҳол инфляцион жараёнларнинг кучайишига олиб келади. Юқорида қайд қилинган, аниқ миллий маҳсулотнинг чегаравий миқдори асосан миллий иқтисодиётнинг таркиб-топган таркибий тузилиши билан аниқланади. Ушбу таркибий тузилишга ҳар доим мажбурий ишсизликнинг маълум даражаси мос келади.

Агар жорий ишлаб чиқариш чегаравий миқдорда паст бўлса, унда жами талабни рағбатлантириш орқали ишсизлик даражасини сезиларли даражада камайтириш мумкин бўлади. Бунга солиқларни пасайтириш, пул массасини ва давлат сарфларини кўпайтириш йўли билан эришиш мумкин. Агар акси бўлса, унда иқтисодиётда инфляцион жараёнлар кучаяди, товар ва бюджет камомати кўпаяди. Бунда жами талабни қисқартириш йўли билан ишлаб чиқаришнинг чегаравий миқдор даражасига яқинлаштириш зарур бўлади. Бу эса солиқларни ошириш, пул массасини қисқартириш ва давлат сарфларини камайтириш йўли билан амалга оширилади.

Аmmo ушбу воситаларни давлат ҳар доим ҳам самарали ишдата олмайди. Умумий иқтисодий мувозанат ҳолатидан иқтисо-

диёт қанчаллик четлашган бўлса, шунчалик уни ушбу ҳолатга қайтариш қийин бўлади.

Шуни таъкидлаш жонзки агарда ўта қаттиқ барқарорлаштирувчи сиёсат олиб борилса унда иқтисодий агентлар таклифи жуда ҳам камайтириб юборишлари мумкин. Бунинг натижасида аниқланувчи баҳолар ўсади. Натижада ишлаб чиқариш таназзулида юқори даражадаги инфляция мавжуд бўлади. Аксинча жами талаб рағбатлантиришлар натижасида инфляция ўсишини маълум даражада юмшатиши мумкин, агарда инфляциянинг ўсиши бир вақтни ўзида қўлланилган чоралар натижасида жами таклиф ҳажмини ўсишини таъминласа, албатта ушбу таҳлил давлат томонидан иқтисодий мувозанатга эришиш учун амалга ошириладиган сиёсатни тушунишга ёрдам беради.

Умумий иқтисодий мувозанатга, аҳоли, корхоналар ва давлат томонидан режалаштирилган сарфлар билан миллий маҳсулот ўртасидаги боғлиқлик таъсир кўрсатади. Сарфлар, шахсий истеъмолга, инвестицион ва давлат сарфларидан иборат бўлади. Сарфларнинг ортиши умумий харажатларни кўпайтишига олиб келади.

Олинган даромад ҳар доим ҳам истеъмолга тенг бўлмайди. Агар даромадлар даражаси юқори бўлса, уни бир қисми истеъмол қилинади, иккинчи қисми эса жамғарилади. Даромадлар бир хил даражада фақат истеъмолга сарф этилади. Агар даромадлар паст бўлса, олдинги йилларда жамғарилган сармоя истеъмолга сарф этилади. Бизнинг таҳлилимизда, масалан юзага келадиган ҳар бир қўшимча 1000 сўмга қўшимча жамғариш ва истеъмол миқдорини аниқлаш муҳимдир. Уларни қуйидагича ифодалар ёрдамида аниқлаш мумкин.

$$MPS = \frac{S}{D}; \quad MPC = \frac{C}{D};$$

Бунда MPS — жамғаришга чегаравий мойиллик;

MPC — истеъмолга чегаравий мойиллик;

S — жамғаришнинг ортиши;

C — истеъмолнинг ортиши;

D — даромадларнинг ортиши.

Бу тушунчаларни Дж. Кейнс киритган. Жамғаришни ва истеъмолни ортиши даромадларни ошишига боғлиқ бўлади. Масалан бирон бир инсон ўтган ой 1 минг сўм даромад кўрди, ундан ярмисини истеъмолга (500 сўм) ярмиси (500 сўм) жамғаришга сарфлади. Кейинги ойда эса 3 минг даромад кўрса, унда жамғариш ва истеъмол миқдори табиийки ортиб боради. Бунда $MPS + MPC = 1$. Агар иқтисодиётда умумий иқтисодий мувозанат ҳолатига мос келадиган жамғариш кўп бўлса, унда бу вазиятда бу жамғармалар молия тизимида йиғилади ва инвестицияларга сарф


этилади. Яъни шундай вазиятки, инвестициялар жамғаришга тенг бўлади.

Жамғариш, инвестиция ва миллий даромад ўртасида боғлиқлик мавжуд. Инвестицияларга талаб қанчалик катта бўлса, бунда инвесторларни $I=S$ тенгликни таъминлашига шунчалик имкониятлари катта бўлади, миллий даромадни кейинги даврда ўсишига шунчалик рағбати катта бўлади.

Агарда инвестицияларга жамғариш таклифи талабдан ортиқ бўлса, инвестицион бозорларда узилишига олиб келади. Бундай вазиятда бозор иқтисодиёти субъектларни $I=S$ вазиятни юзага келтирувчи чегаралар қуришни рағбатлантириш механизмини ҳаракатга келтиради.

3. Иқтисодиётда давлатнинг тутган ўрни хусусидаги концепциялар

AS — жами таклифнинг эгри чизиғи, у ҳар хил баҳолар даражасида ишлаб чиқариладиган миллий маҳсулот ҳажмига кўрса-



— 2-расм Жами талаб жами таклиф эгри чизиқлари.

тади. У учта бўлақдан иборат: 1) вертикал ёки классик қисми, бунда миллий маҳсулот ҳажми «тўла бандлик» даражасида доимий туради, баҳолар даражаси ўзгариши мумкин; 2) оралиқ қисми, бунда миллий маҳсулот ҳажми ўзгаради, баҳолар даражаси доимий ҳисобланади. АД — жами талабнинг эгри чизиғи шуни кўрсатадики, қанчалик баҳолар даражаси паст бўлса, шунчалик миллий маҳсулот ҳажми кўпроқ сотиб олинади. Макроиқтисодий даражада бозор учун қанчалик ресурслар тўлиқ ишлатилмоқда? Урнатилган ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳажми меҳнат ресурсларининг бандлигини қайси даражасига тўғри келади? Бу ўта муҳим масалалар ҳисобланади.

Классик иқтисодчилар бозор тизими ресурсларни тўлиқ ишлатилишини таъминлайди, деган фикрдан келиб чиққанлар. Ун-

дан сўнг онда-сонда иқтисодиётда вужудга келувчи нисбатларнинг бузилиши бозорни ўзини-ўзи тартибга солувчи механизми ёрдамида автоматик равишда ҳал этилади. Пировард натижада эса, иқтисодиётда тўла бандлик шароитидаги ишлаб чиқариш ҳажмига эришилади. Бундай хулосалар Сэя қонуни ва баҳо, иш ҳақини ўзгарувчанлигига асосланади. Сэя қонунига асосан таклиф ўзининг талабини юзага келтиради, шунинг учун, жами талаб ва жами таклиф бир-бирига тўғри келади, бунинг натижасида эса товарлар керагидан кўпроқ ишлаб чиқарилмайди. Бу қонунни мисолда ҳам тушунтириш мумкин.

Масала, тиқувчи 100 сўмлик маҳсулотни сотса (таклиф) бир вақтнинг ўзида у ўзига зарур бўлган товарлардан 100 сўмлик харид қилиши мумкин (талаб). Бу ерда таклиф ўзининг талабини юзага келтирмақда. Таклиф 100 сўм = талаб 100 сўм.

Классиклар нуқтаи назаридан, бозор иқтисодиётида мавжуд механизм, тўла бандлик шароитида ишлаб чиқариш ҳажмининг таъминлаб беради. Бу жами таклифнинг вертикал қисмига тўғри келади. Жами таклиф миқдорининг ўзгариши баҳоларни ўзгариши натижасида вужудга келади. Жами таклифнинг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмига, тўла бандликка таъсир этмайди. Сабаби, жами таклифнинг жами талабга боғлиқлигидадир (Сэя қонунига мувофиқ). Ҳақиқатдан ҳам шундай. Жами таклифнинг ортиши, яъни неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, бир вақтнинг ўзида даромадларни ортиши, демакки талабнинг ортишидир.

Аммо амалда даромадларни бир қисми жамғаришга кетса, нима бўлади? Классик иқтисодчиларнинг фикрича $100 \text{ сўм} = 100 \text{ сўм}$ талабни юзага келтиради. Энди фараз қилайлик, олинган 100 сўмнинг 40 сўми жамғаришга кетса, унда юқоридаги фикр нотўғри бўлиб чиқади. Унда $60 = 100$ бўлади, бунда жами таклиф ва жами талаб бир-бирига тенг эмас, бунда товарлар керагидан кўпроқ ишлаб чиқарилади.

Аммо бу ҳолни классиклар шундай тушунтирадилар, агар пул фоиз келтирса, унда инсонлар уларни фоиз ҳисобига берадилар. Фоизга берилган пул эса инвестиция, манбаи бўлиб ҳисобланади. Агарда инвестиция ва жамғармаларнинг миқдори тенг бўлса, унда жами таклиф ва жами талаб бир-бирига тенг бўлади. Инвестиция ва жамғармани бир-бирига мое-келтирувчи восита фоиз ставкаси.

Классик моделга мувофиқ иқтисодиётда мувозанатни ушлаб турувчи баҳоларнинг тебраниши фақат товар ва пул бозорида эмас, балки заҳиралар бозорида, аввало меҳнат бозорида амалга ошади. Товар бозорларида баҳоларнинг пасайиши ишлаб чиқаришни қисқаришига, бу эса ишсизликни вужудга келишига олиб келади; агар иш ҳақи даражаси ўзгармаса, иш кучининг таклифи

юқори бўлади. Ишчилар ишсиз қолиш хавфи остида камроқ иш ҳақиға кўнишга мажбур бўладилар. Иш ҳақи ставкаси тадбиркорга ҳамма ишловчиларни иш ҳақи бериб, ёллаш фойдали бўлгунча давом этади. Бу эса иш кучини тўла бандлигига олиб келади.

Бу масаланинг яна бир жиҳати пул таъсирини таҳлил этишдан иборат. Жами таклифнинг муайян даражасида пулнинг муомаладаги миқдорининг ортиши, жами талабнинг ортишига олиб келади. Демак, иқтисодий тизимда мувозанатни таъминлаш барқарор баҳо ва жами талабни асоси бўлган пулнинг таклиф устидан назоратини назарда тутати.

Классик иқтисодчилар, агарда бозор ўзини-ўзи тартибга солувчи механизмга эга бўлса, давлат иқтисодиётга аралашмасдик сиёсатини тутиши керак, деган хулосаларга келганлар.

Классик иқтисодий назария ёрдамида иқтисодий жараёнларни таҳлил этиш ва давратлар юритган иқтисодий сиёсатни XX асрнинг 20-йилларигача асослаш мумкин эди. Аммо 30-йилларда узоқ давом этган турғунлик, оммавий ишсизлик, сурункали инфляцияни юқорида кўриб ўтган классик иқтисодчилар назарияси билан тушунтириш мумкин эмас.

Классик иқтисодчилардан фарқли ўлароқ, кейнсчилар баҳо ва иш ҳақи суст ўзгаради айниқса, қисқа муддатли даврда деган фикрдан келиб чиқадилар. Бунга сабаб, биричидан касаба уюшмалар ва монополияларнинг мавжудлиги ва минимал иш ҳақи тўғрисида қонун ва бошқа омиллар баҳо ва иш ҳақини ўта пасайиб кетишига йўл қўймаслиги, иккинчидан баҳо ва иш ҳақини пасайиб кетиши умумий даромаднинг пасайиши, демак меҳнатга бўлган талабни пасайтириб юбориши мумкин.

Кейнс жами талаб жами таклифни юзага келтиради деган фикрни илгари сурди. Агарда жами талаб етарли бўлмаса, унда ишлаб чиқариш ҳажми тўла бандлик шароитидагига тенг бўлмайди. Баҳоларни ўзгарувчан эмаслиги натижасида иқтисодиёт юқори ишсизлик ва турғунлик ҳолатида бўлади.


График кўринишида Кейнс модели жами таклифнинг горизонтал қисмига тўғри келади (8. 1-рasm). Таклиф ишлаб чиқаришнинг потенциал ҳажмига етганда, у вертикал кўринишга эга бўлади (3-рasm).

Агарда биз таклиф миқдори ишлаб чиқаришнинг амалдаги талаб ҳажми билан аниқланади, деган қоидадан келиб чиқадиган бўлсак, унда жами талабнинг пасайиши (AD_1 дан AD_2 гача) ишлаб чиқаришни ҳажмининг Q_1 дан Q_2 гача пасайишига олиб келади.

Бундай вазиятда жами талаб ва жами таклиф потенциал ишлаб чиқариш даражасидан йироқда, яъни ресурсларнинг тўла бўлмаган бандлик шароитида мувозанатлашади. Бундай аҳвол

узоқ муддат сақланиб туриши мумкин. Бу ҳол ўзидан-ўзи ўзгармайди. Давлатнинг жами талабни рағбатлантиришга қаратилган фаол макроиқтисодий сиёсати билан буни олдини олиш мумкин бўлади.

Юқорида қайд қилинган назарий қарашлар фақат назарий аҳамиятга эга дейиш нотўғри бўлади.



3-расм. Макроиқтисодиётнинг кейинсича талқини.

Ўзбекистонда давлат асосий ислоҳотчи бўлиши керак, деган қоида барча томондан эътироф этилган. Ўзбекистонда юқорида биз кўриб чиққан икки қутбий қарама-қарши ҳолатларнинг оралиқ варианты, яъни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти варианты қабул қилинган. Яъни бизда давлат бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат бозор механизми яратиш ва уш ҳаётда ҳаракат қилишини таъминлаб беради. Кейинги босқичда эса, яъни бозор механизми ишга тушганда, бизнинг иқтисодиётимиз мажбур шароитлардан келиб чиққан ҳолда, бозор механизми ва давлат томонидан бошқарилиб боради.

4. Давлатнинг иқтисодий вазифалари

Аралаш иқтисодиёт шароитида давлат бир қатор иқтисодий вазифаларни бажаради.

Унинг қонунийлик асосларини яратиш вазифаси иқтисодиёт доирасидан чиқиб кетади. Давлат иқтисодий «ўйин тартибларини» ишлаб чиқаради, яъни фирмалар, истеъмолчилар, давлатнинг ўзи иқтисодий соҳадаги ҳаракат қонуनларини ишлаб чиқади. Бу

қонуиларда корхона ва мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи, ҳар хил битимларни тузиш шароитлари, тижорат корхоналариининг ҳаракат қилиши, касаба уюшмалари ва маъмурият ўртасида ўзаро мажбуриятлари ва бошқалар аниқланади. Шунингдек, антимонопол қонуиларининг бажарилишини назорат қилувчи ва тартибга солувчи махсус идораларни тузади.

Макрсиқтисодий барқарорлаштириш вазифасидан фойдаланган ҳолда ҳукумат, саноат циклини, узлуксиз ишсизликнинг, инфляциянинг олдини олишга доир ҳар хил дастурлар ишлаб чиқариш ва уни ҳаётга татбиқ этиш орқали ҳаракат қилади. Иқтисодий иқтироз шароитида давлат ишсизлик бўйича нафақаларни оширади, тадбиркорликнинг кредит олиш учун имкониятларини кенгайтиради, фонд меъёрини пасайтиради ва аксинча, ишлаб чиқаришнинг юксалиш даврида ишсизлик бўйича нафақаларни камайтиради, давлат берадиган кредитларнинг ҳажмини камайтиради, фонд меъёрини оширади.

Тақсимлаш вазифаси давлатнинг марказий иқтисодий вазифаси ҳисобланади. У ресурсларни адолатли тақсимлашга қаратилган бўлади. Бунда ҳукуматни иқтисодий ҳаётни ташкил этишнинг макрсиқтисодий жиҳати намоён бўлади,— нима ишлаб чиқариш? Қандай ишлаб чиқариш? Давлат аграр соҳадаги, саноат соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқмоғи, аниқламоғи, зарурдир, яъни инвестицион ва таркибий сиёсатни ишлаб чиқмоғи ва ҳаётга татбиқ этиши лозим.

Давлатнинг қайта тақсимлаш вазифаси миллий даромадни тенг ва адолатли тақсимлашга олиб келади, деган фикр асоссиз ҳисобланади. Фақат самарали иқтисодиёт шароитидагина жамият бойиб кўпроқ ресурсларни инсон хизматига бериш имкониятларига эга бўлади. Ривожланган мамлакатларда давлат соғлиқни, овқатланиш, даромадларнинг минимал стандартларини белгилайди. Текин бепул ижтимоий дастурлар (ижтимоий таъминот, тиббий ёрдам, озиқ-овқат талонлари ва бошқаларни) ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Хўш, давлатнинг фаолияти натижасида қандай масалалар ва муаммоларни ҳал этмоқ зарур. Булар қуйидагилардан иборат: фан ва техника тараққиётини стратегик тахминлаш, умумий нуқтан назардан фан ва техникани ўсишининг кучайиши, мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий оқибатларга баҳо бериш ва халқ хўжалигининг ривожланишини режалаштириш, жамиятнинг кам таъминланган қатламларини ҳимоялаш, пул-молия тизимининг нормал аҳволда ҳаракат қилишини таъминлаб бериш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани вужудга келтириш, транспорт, алоқа маданият муассасалари, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотнинг моддий техника базасини давлат томонидан ишлаб чиқарилган концепция орқали ривожлантириш.

Бозорни бошқариш асосида қуйидаги усуллар амалга оширилади: иқтисодий, ташкилий, маъмурий-юридик. Бу усуллар 2 та алоҳида гуруҳга бўлинади:

- а) давлатнинг иштирокисиз амалга ошириладиган усуллар;
- б) давлат томонидан амалга ошириладиган усуллар.

Давлатнинг иштирокисиз амалга ошириладиган усуллар турли уюшмалар, концернлар, фирмалар ўртасида бозорнинг баҳоси ва ҳолати ҳақида келишув шартномасига асосан, шунингдек, товар ва фонд биржалари, ярмаркалар, улгуржи савдо марказлари, валюта ким ошди савдолари ахборт тизимининг ҳаракати билан боғлиқ равишда амалга ошади.

Ҳозирги вақтда маркетинг тизими, яъни ЭХМни қўллаб, иқтисодий математика усули асосида бозор талабининг, истеъмол таркибининг узок муддатли ўзгариши ва унга тезда мослашишни фирма ичида тадқиқ этиш тизими бозорни бошқаришда муҳим ўрни эгаллайди. Унинг катта аҳамиятга эга эканлигини қуйидаги мисолларда кўра бўлади. Ҳозирги даврда маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланадиган ҳар бир долларнинг тахминан 1/3 қисми маркетинг тадқиқотларига тўғри келади.

Ҳозирги АҚШ иқтисодиётининг фуқаро тармоқларида ишлайдиганларни 1/4 дан 1/3 гача бўлган қисми маркетинг билан боғлиқ ишларда қатнашадилар. Шунингдек, жаҳон тажрибасида бозор муносабатларини бошқаришда энг асосий ва ишончли восита бу ўзаро аниқ мажбурият ва келишувга асосан тузилган ҳужалик шартномасидир. Ҳозирги кунда жаҳон бозорларидаги товарларнинг 4/5 қисми олдиндан келишилган шартномага асосан етказиб берилмоқда.

Бозор муносабатларига давлат томонидан аралашуви икки йўналишда олиб борилади, бозор механизмининг нормал ҳаракат қилиш учун шароит яратиш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш.

Давлат бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни тартибга солишда маъмурий юридик ва иқтисодий усуллар орқали таъсир ўтказиши.

Маъмурий-юридик тадбирлар маҳсулот айрим турларини ишлаб чиқаришни чеклаб қўйиш хом ашё ва материаллар тақсими-типи назорат қилиш, майда корхоналарни мажбуран бирлаштириш ёки ёпиб қўйиш, меҳнат мажбурияти ва иш ҳақини белгилаб қўйишдан иборат. Ҳозирда деярли ҳамма мамлакатларда маъмурий аралашувдан ҳоли эмас. Масалан, ер ости захираларини истеъмол қилишини тартибга солиш, ортиқча нефтни қазиб олишни тақиқлаш ва бошқалар. Англияда давлат корпорацияларни ўз маҳсулотларининг нарҳини кутаришни тақиқлаб қўйган, агарда улар бу қонуини бузсалар суд олдида жавоб берадилар. Давлат томонидан озик-овқат маҳсулотларининг айрим турлари ва ёқил-

ғига қатъий баҳони белгилашларини ҳам шу услубга қўша бўлади.

Давлатни иқтисодий усуллар орқали бозорни тартибга солиш тадбирлари давлат ихтиёридаги корхоналарни бошқариш, бюджет, солиқ ва кредит-пул сиёсати орқали, ҳамда капитал сарфларни назорат қилиш йўли билан амалга оширилади.

Иқтисодий усуллар шундай қўлланилиши зарурки, бунда улар бозор кучини, ўрнини босмасликларни керак. Масалан, солиқ сиёсатини олиб борганда, у тадбиркорлик, ташаббуснинг даражасини пасайтиришга олиб келмаслигидан эҳтиёт бўлиши зарур. Баҳоларни тартибга солиш эса талаб ва таклиф мувозанатига салбий таъсир кўрсатмаслигини керак.

Иқтисодий услубларни қўллаганда, давлат унинг салбий оқибатларини доимо кузатиб олдинидан уни олдини олишга ҳаракат қилиш керак. Бунинг учун, кўпчилик ривожланган мамлакатларда ҳукуматнинг иш дастури сифатида истиқбол режалари ишлаб чиқарилади.

Умуман, олганда кўпчилик мамлакатларда бозорни тартибга солишда бевосита ва билвосита услублардан фойдаланилади.

Бевосита тартибга солиш услубга мавжуд нисбатларни давлат буюртмаларидан фойдаланиш, ҳар тарафлама сиёсатни олиб бориш, талаб ва таклифга таъсир қилиш киради.

Ҳозирги даврда иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим шакли иқтисодиётни давлат томонидан дастурлаштириш (режалаштириш) кенг тарқалиб бормоқда. Бунда давлат экспорт, импорт маблағлар, малакали ишчиларни тайёрлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш дастурларини ишлаб чиқишдир. Бу дастурлар монополиялаштиришга қарши ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини яратишга қаратилгандир. Агар давлат сектори учун ҳукумат дастурлари мажбурий бўлса, хусусий фирмалар учун асосан тавсия бериш феълида бўлиб, дастурда кўрсатилган йўналишда иш олиб бориладиган фирмаларга маълум молиявий ва солиқ имтиёзлари берилади.

Молия кредит воситалари, солиқлар сиёсатини олиб боришни тартибга солишни билвосита усулларга киради.

Энди юқоридаги вазифаларни бажаришда давлат қандай воситалардан фойдаланади? Уларнинг асосийси қуйидагилардан иборат: фискаль ва пул сиёсати, ижтимоий сиёсат ва даромадларни тартибга солиш сиёсати, ташқи иқтисодий сиёсат.

Давлатни бюджет маблағларини тақсимлаш билан боғлиқ сиёсатига, унинг фискаль сиёсати дейилади.

Бу фаолиятни икки тарафи мавжуд, булардан биринчиси солиқ тизими орқали бюджетни таркиб топтириш, иккинчи тарафи эса уни сарфлаш. Худди шу бюджет давлатни вазифаларини бажаришнинг молиявий асоси бўлиб ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда бюджет шаклида давлат жуда

катта ҳажмда молнийвий ресурсларни жамлайди. Уларни ҳажми АКШда 1,1 триллион долларни, Японияда 4 триллион йенни, Францияда 1 триллион франкдан ошиқроғини ташкил этади.

Иқтисодиётни макроиқтисодий барқарорлаштиришда фискаль сиёсат муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Давлат харажатлар ва солиқларни ўзгартириш йўли билан тадбиркорларни фаолиятини рағбатлантириш мумкин, инфляцияга таъсир кўрсатиши мумкин.

Пул сиёсати ҳам иқтисодиётда барқарорликни таъминлашда муҳим ўрни тутайди. Пул миқдорини тартибга солиш орқали давлат баҳо даражасига, инвестицион жараёнларга ва аҳолини истеъмолига, миллий ишлаб чиқариш ҳажмига ва иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этиши мумкин. Ҳар қандай давлат ижтимоий сиёсат олиб боради. Давлатнинг таълим, тиббиёт ва маданият соҳасидаги фаолияти ҳам ижтимоий сиёсатни таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий сиёсатни муҳим воситаларидан бири ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солинишидир. Давлат савдо ва валютани тартибга солишни амалга оширади, валюталик чегаралаш ва валюта интервенциясига боғлар, лицензиялаш, солиқлардан фойдаланиш орқали чора кўради.

Иқтисодий сиёсатни амалга оширишни воситалари бир-бири билан боғлиқдир. Бунда бир соҳада қабул қилинаётган қарорни бошқа соҳаларга таъсирини албатта инобатга олмоқ зарурдир. Масалан, давлатнинг харажатлар ва солиқлардаги, яъни фискаль сиёсатидаги ўзгариш киритиши шунга мувофиқ пул массасидаги ўзгаришларни талаб этади. Фискаль ва пул сиёсатидаги ўзгаришлар инвестицияларга, бандликга ишлаб чиқариш ҳажмига, соф экспортга таъсир этади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирда маъмурий буйруқбозлик тизимидан, бозор тизимига ўтиш даврида Республикани бозор муносабатларига ўтиш концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг шартларидан бири фақат давлат бош ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқади.

Ўзбекистонда «Бозорга ўтилган сарни иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли жиддий ўзгарди. Давлат, унинг ҳокимият бошқарув тузилмалари тўғридан-тўғри хўжалик фаолиятига аралашкидан четда бўлиши керак. Бозор иқтисодиётининг ўзини-ўзи тартибга солувчи механизмлари тобора катта роль ўйнайди. Давлатда фақат иқтисодий дастур ва рағбатлантириш вазифалари қолди»¹.

Демак, бизнинг ҳам иқтисодиётда бозор муносабатларини таркиб тантирилган сарни, бозор механизми шакллантирилади ва у

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992, 49 бет.

иқтисодий тартибга солиш воситаларидан бири бўлади ва давлат ўзига хос бўлмаган функцияларни бозор механизмга ўтказиб, иқтисодий тартибга солиш ҳаммага маълум дастурлар — молия, кредит, солиқ, валюта сисмати, пархаларни назорат қилиш ҳамда билвосита таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари ёрдамида амалга оширилади» ва иқтисодий тартибга солишни иккинчи восита бўлади.

2-боб. ИЖТИМОЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ДАВРИЙЛИГИ ИНФЛЯЦИЯ ВА ИШСIZЛИК

1. Такрор ишлаб чиқариш ва унинг турлари

Ўзлуксиз давом этиб, такрорланиб ва тикланиб турадиган ишлаб чиқариш жараёни — такрор ишлаб чиқариш дейлади. Эҳтиёжларнинг мавжудлиги ва уларни доимо ўсиб бориши ишлаб чиқаришнинг ўзлуксиз такрорланиб туришига сабаб бўлади.

Бир тарафдан эҳтиёжларни доимо ўсиб бориши уларни ўзлуксиз қондириб борилишини, яъни ишлаб чиқаришнинг доимо такрорланиб туришини, иккинчи тарафдан эса ишлаб чиқараш ҳажмининг ортиб боришини тақозо этади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун аввало ишлаб чиқаришнинг барча омиллари яъни иш кучи ва ишлаб чиқариш воситалари доимо тахт бўлиши зарур.

Ишчилар маълум миқдорда меҳнат қилгач, бундан кейинги меҳнат вазибаларини бажариш учун иш кучини тиклаш лозим. Шу билан бирга, ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнини бошлаш учун зарур ишлаб чиқариш воситаларига ҳам эга бўлиш керак. Ёйилган машина, механизм ва асбоблар, эскирган бино ва иншоотлар янгилари билан алмаштирилиши ёки таъмирланиши зарур. Материаллар ва ёқилган захиралари тикланмаган тақдирда ҳам, такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириб бўлмайди.

— Бунда ишлаб чиқариш жараёнини такрорлаш учун, иш кучи ва ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашгина эмас, уларнинг муайян мутаносибликда бўлишлигини ҳам таъминлаш зарур. Бу ҳар қандай жамиятда ҳам ўзлуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёнининг умумиқтисодий шартидир. Мутаносибликнинг бузилиши ишлаб чиқаришда тўхтаб қолишларга олиб келади, унинг самарадорлигини пасайтириб юборади. Шунга алоҳида эътибор бериш зарурки, табиий ресурсларни ҳамда кишилар яшайдиган муҳитни такрор ҳосил қилиш ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий қисмидир ва барқарор узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг дастлабки шартидир.

Табиат қанчалик бой бўлмасин, унинг захиралари чексиз эмас. Ҳозирги вақтда ҳам, келгусида ҳам ишлаб чиқаришни ўзлуксиз тиклаб бориш учун табиий ресурсларни доимий равишда

такрор ишлаб чиқариш яъни тўпроқ унумдорлигини ва ўрмонларни тиклаб бориш, сув ва ҳаво ҳавзаларини тоза сақлаш зарур. Такрор ҳосил қилиб бўлмайдиган ресурслардан, яъни нефть, газ, металл, руда ва бошқалардан тежамкорлик билан фойдаланиш, фан-техника тараққиёти асосида улар ўрнига бошқа энергия ва хом ашё материалларини ишлатиш ута муҳимдир. Хўш, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг қандай шакллари мавжуд?

Такрор ишлаб чиқариш икки хил бўлади: а) оддий такрор ишлаб чиқариш — ишлаб чиқариш миқдори ўзгармаган ҳолда такрорланади, ишлаб чиқариш омиллари ўзгармаган ҳолда ҳаракат қилади, яратилган қўшимча маҳсулот шахсий истеъмолга сарфланади; б) кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш — ишлаб чиқариш ҳажми навбатдаги ҳар бир ишлаб чиқариш циклида кўпаяди, ишлаб чиқариш омиллари миқдори ортиб боради. Такрор ишлаб чиқариш кенгайтирилган миқёсда содир бўлиши учун ҳар бир даврнинг бошида қўшимча сифатлироқ ресурслар зарурдир, яъни меънат қуроллари, иш кучи, хом ашё ва ҳ. к. Ушбу ресурсларни тадбиркор ишлаб чиқаришга торттиш учун етарли даражада сармоёга эга бўлиши лозим. Хўш, унинг манбаи нима? Унинг асосий манбаи фойдадир. Биз биламизки, бозор иқтисодиётининг афзалликларидан бири техника тараққиётини ва унинг ютуқларини ҳаётга тадбиқ этишни рағбатлантириб туришдадир. Тадбиркор ҳар доим рақобатнинг мавжудлиги сабабли корхонасини юқори самарага эга бўлган техника ва технология билан жиҳозларга, шунга яраша юқори малакага эга бўлган ишчиларга ёллашга, меҳнатни илмий асосда ташкил этишга ҳаракат қилади. Асосий мақсад юқори фойда олиш, рақобатда ютиб чиқиш. Аммо техника тараққиёти оқибатида ишлаб чиқариш воситаларининг миқдори ошиб боради. Техника тараққиёти харажатни талаб этади, иккинчи тарафдан худди шу харажатлар тадбиркорга фойда келтиради, жамғариш оқибатида капиталининг кўпайишига олиб келади. Бошқачароқ айтганда, капитал доимо ҳаракатда бўлади.

Фараз қиламизки, тадбиркор ишлаб чиқаришни ташкил этишга 5 млн. сўм сарф этди ва маҳсулот ишлаб чиқариб, уни сотиш натижасида 8 млн. тушум олди. Фойда бунда 3 млн. ($8-5=3$) ташкил этади. Тадбиркор бундан солиқ ва турли тўловларга 0,6 млн. сарф этади ва унинг соф фойдаси 2,4 млн. сўмни ($3-0,6=2,4$) ташкил этди. Ана шу соф фойдани бир қисmini ишлаб чиқариш эгаси ресурсларни сотиб олишига сарф этади, бир қисmini эса бошқа мақсадларда ишлатиши мумкин. Ушбу жараён узлуксиз давом этади. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорнинг ўз маблағларидан ташқари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва тақомиллаштиришнинг бошқа маблағлари ҳам мав-

жуд. Булар, банк кредити, акцияларни сотишдан олинадиган маблағлар, чет эл инвестициялари ва шу кабилар.

2. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг даврийлиги

Агар биз тараққий этган мамлакатларнинг ХХ асрда ривожланишига назар ташласак, қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: биринчидан, ушбу мамлакатлар, шубҳасиз иқтисодий ўсишга эришганлар, иккинчидан эса бу ўсиш, тараққиёт тўғри чизиқ сингари текис бўлмаган. Бинобарин, у даврий характерга эга бўлган, иқтисодий ўсиш кетидан доимо таназзул келиб турган. Демак, ҳар қандай иқтисодиётнинг ривожланиши даврий характерга эгадир. Иқтисодий адабиётларда иқтисодий даврга (циклга) қуйидагича таърифлар берилганини кўришимиз мумкин: даврий — бу мулккий хўжаликлар ва жаҳон хўжалигининг бир бутун ҳолда ҳаракат қилишининг умумий шакли..., иқтисодий динамиканинг муҳим омили, макроиқтисодий мувозанатнинг аниқловчиларидан бири..., прогрессив ривожланишнинг шакли². «Иқтисодий цикл» иқтисодий ривожланиш даражасининг кетма-кет юксалиши ва тушкунликка тушиш жараёнидир³. Бизнингча иқтисодий давр — бу иқтисодий ривожланишнинг шакли бўлиб, иқтисодиётнинг бир инқироз (тушкунлик)дан, иккинчи инқирозгача бўлган ҳаракат даврини ўз ичига қамраб олади.

Иқтисодий давр (айрим ҳолларда улар тўлқинлар дейлади) узун ва қисқа шакллари фарқланади. Узун тўлқинлар давлар 40—60 йиллик даврини ўз ичига олади. «Узун тўлқинлар» назариясига англиялик Х. Кларк асос солган. У 1847 йилда 1793 ва 1847 йиллардаги инқирозлар ўртасида 54 йиллик фарқга эътибор берди ва бу тасодифий эмас ва у объектив шартлангандир деган хулосага келди.

Даврийлик назариясини ривожлантиришга К. Маркс ўзининг назариясини қўшган. У асосан қисқа тўлқинларни, иқтисодий адабиётларда ортиқча ишлаб чиқариш даврий инқирозларни ўрганишга катта аҳамият берган.

ХХ асрда «узун тўлқинларни» ўрганиш билан Н. Д. Кондратьев, П. Шумпетер, К. Кларк, Б. Боккара, Д. Гордон ва бошқалар шуғулланганлар. Вақти-вақти билан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳаракатида узилиш пайдо бўлади, бу узилиш иқтисодиётда номуносивликларни юзага келтириб туради. Ана шу ҳол иқтисодий инқироз деб аталади. Иқтисодий инқироз даврида айрим товарларни ортиқча ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқаришнинг

² Камаев В. Д. Учебник по основам экономической теории. М., Владос, 1994, 355 стр.

³ Макконнелл Р., Брю С. Л., «Экономикс». Реферат, М., Менеджер, 1992, 72 стр.

қисқариши, баҳоларнинг пасайиши ёки кўтарилиши, ишсизлар сонининг ортиши, иш ҳақининг пасайиши, меҳнаткашлар турмуш даражасининг ёмонлашуви каби ҳолатлар намоян бўлади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш билан сотиш шароитлари ўртасида, ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасида вақти-вақти билан номутаносибликлар содир бўлиб туради. Уларнинг ҳар бири иқтисодиётда муайян давр номутаносибликлари учун хос бўлган жамғариш натижасида юзага келади, лекин пировард натижада ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги такрор ишлаб чиқариш мутаносиблигининг тузилиши билан боғлиқ. Бу ҳол эса бутун миллий иқтисодиётдаги мутаносиблиكنинг бузилишига, инқирозга олиб келади. Товар ишлаб чиқарувчилар бундан 50—60 йил аввалгига қараганда, ҳозирги кунда бозор ҳолатини анча яхши биладилар, чунки товарни сотиш олдиндан тузилган шартномаларга асосан олиб борилмоқда. Бироқ, ҳеч қандай товар ишлаб чиқарувчилар, ҳатто монополистик корпорациялар ҳам ҳозирги кунда ўз ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ фаолиятининг келажagini олдиндан етарлича пухта аниқлай ва белгилай олмайдилар. Асосий номутаносиблиكنинг юзага келиши аввало ана шу билан боғлиқдир.


Товар ва қимматбаҳо қогозлар бозорларидаги нархларнинг доимо ўзгариб туриши ҳам талаб билан таклиф ўртасидаги номутаносибликларни юзага келтириб туради.

Ишлаб чиқаришнинг узоқ вақт давомида кенгайиб бориши аҳолининг тўловга қодир талаби миқёсининг ўсишига олиб келади. Натижада истеъмол буюмлари ва хизматларини ишлаб чиқарувчи тармоқларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурати туғилади, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талабни юзага келтиради. Лекин, талабнинг фақат жорий қажмларинингина эмас, балки унинг эҳтимол кутилган кенгайиб боришини ҳам мўлжалга олиб капитал қўйилмалар сарфланади. Натижада вақт ўтиши билан ишлаб чиқаришнинг эришилган ҳажми тўловга қодир талабга нисбатан ортиқча бўлиб қолиши мумкин. Бунда ортиқча ишлаб чиқариш юзага келади. Иқтисодиётни ривожланишнинг даврий характерига эга эканлиги сабабини К. Маркс худди шундай талқин этади.

Иқтисодий адабиётларда пул массасининг жамғарилиши, сиссий воқеалар, техника соҳасидаги янгилликлар иқтисодий ривожланишнинг даврий характерда эканлигига сабаб бўлади деб кўрсатилади. Аммо шунга қарамасдан иқтисодчиларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришни ва бандлиكنи бевосита аниқловчиси деб умумий сарфлар миқдорини кўрсатадилар. Умумий сарфлар деганда иқтисодиёт бўйича тайёр маҳсулот ва кўрсатилган хизматларга қилинган сарфларнинг умумий миқдори тушунилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона маҳсулотини ишлаб чи-

қарни ва сотишдан фойда олаётгани, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаради. Умумий сарфлар миқдори катта бўлганда корхоналар учун маҳсулотни катта ҳажмда ишлаб чиқариш фойдали ҳисобланмайди. Шу сабабли ишлаб чиқариш, бандлик ва даромаднинг паст даражада бўлиши кузатилади. Жами сарфлар юқори даражаси шунинг кўрсатадики, маҳсулотни ишлаб чиқариш фойда келтирмokban ва шунинг учун ишлаб чиқариш, бандлик ва даромадлар даражаси ҳам юқори бўлади. Иқтисодийда тўла бандликка эришилса маҳсулотни реал ҳажми донмий бўлган ҳолда қўшимча харажатлар баҳоларининг ўсишига олиб келади. Агар биз тарихга бир назар ташласак ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши, одатда табиий офатлар — қўрғоқчилик, тошқинлар, зилзила ёки урушлар ва улар келтирган вайронликлар билан боғлиқ



1. Инқироз. 2. Турғунлик. 3. Жонланиш. 4. Юксалиш.

бўлар эди. Пирик машиналашган ишлаб чиқаришга ўтилгандан кейин иқтисодийни тушқунликка солиб турувчи иқтисодий инқирозлар ижтимоий ишлаб чиқаришда циклик характер касб эта бошлади. Иқтисодий давр (цикли) деганда ишлаб чиқаришнинг бир иқтисодий инқироздан иккинчисига бошлангунга қадар такрорланиб турадиган ҳаракати тушувилади (1-расм). Бу давр (цикл), тағлиқ қўйидаги босқичларни (фазаларни): **инқироз, турғунлик, жонланиш, юксалиш** ва янги инқирознинг бошланишини ўз ичига олади. Ана шу босқичларнинг ҳар бирида ривожланиш жараёнининг навбатдаги фазасига ўтти учун шаронт юзага кела боради.

Инқироз босқичида товарлар аҳозининг сотиб олиш қобилияти билан белгилаувчи талабига нисбатан ортиқча ишлаб чиқарилганлиги ва сотилмай қолаётганлигида яққол ифодаланади, ба-

ҳолар талаб камайганлиги учун пасайиб кетади, фойда миқдори пасаяди, ишлаб чиқариш ҳажми қисқаради. Ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва корхоналарнинг синиши натижасида ишсизлар сони кўпаяди, иш билан банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақи пасаяди. Инқироз даврида кредитга талаб ошади, фойз кўтарилади, банклардаги қўйилмалар оммавий равишда қайтариб олинади. Инқироздан кейин тургунлик босқичи бошланади. Бу босқичда саноат ишлаб чиқаришнинг пасайиши тўхтайтиди, у тургунлик ҳолатида туради. Товарларни бозорда жуда паст баҳоларда соғиш бошланади. Бўш пул капитали ташкил топади, фойз пасаяди. Натижада жонланиш босқичи учун шароит вужудга келади.

Жонланиш босқичида ишлаб чиқариш оёққа туриб олади. Тадбиркорлар корхоналарни кенгайтиришга киришадилар. Ишлаб чиқаришнинг ҳажми аста-секин кризисдан илгариги даражасига етади, баҳолар кўтарилади, фойда миқдори ошади, жонланиш фазасининг ўрнини юксалиш фазаси эгаллайди. Юксалиш фазаси учун ишлаб чиқаришнинг инқирозгача бўлган даражасидан ошиб кетиши, товар баҳоларининг анча кўтарилиши, корхоналарнинг ишга туширилиши, ишсизлар сонининг камайиши, банк ва кредит ишларининг йўлга қўйилиши, кредитга талабнинг ошиши ва фойз меъёрининг кўпайиши характерлидир.

Биринчи ортиқча ишлаб чиқариш инқирози Англияда 1825 йилда бошланган. Шундан буён инқирозларнинг мунтазамлилиги, даврий кўриниши ҳар 10—11 йилда такрорланиб туради. 1857 йилдаги инқироз биринчи жаҳон даврий инқирозига айланди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин капиталистик ишлаб чиқариш йигирма йилдан кўпроқ вақт давомида аҳолининг иш билан бандлиги нисбатан юксак даражада бўлган ҳолда тезроқ ўсиб борди. Бунда, бир томондан, капитал жамғаришнинг умуман қулай шароитлари, иккинчи томондан — инқирозга қарши давлатнинг тартибга солиш чора-тадбири таъсир кўрсатди. Давлат иқтисодий таназул давларида талабни рағбатлантириши кўзда тутувчи инқирозга қарши тадбирларни ҳам, юксалиш фазасида талабни қондиришга қаратилган пулнинг қадрсизланишига қарши (дефляция) чора-тадбирларни ҳам амалга оширади.

Даврийликка қарши сиёсат туфайли айрим мамлакатларда асосий капитални янгилаш урушдан аввалги даврдагига нисбатан анча жадал ва меъёрда кечди.

Ҳозирги кунда алоҳида мамлакатлар иқтисодиётидаги ўзгаришлар энг аввало фан-техника тараққиётининг юксалиши ҳамда ишлаб чиқаришни байналминаллашувининг ўсиши муносабати билан ишлаб чиқарувчи кучларнинг жадал ривожланиши натижасидир. Лекин, айна чоқда ҳам иқтисодиётнинг даврий ва структуравий инқирозлари пулнинг қадрсизланиши жараёни, эко-

логия, валюта — молгия инқирозлари, шунингдек, тармоқ, энергетика, хомашё инқирозлари иқтисодийнинг тушқунликка солиб
рибди.

Ҳозирги даврда саноат структурасидаги ва умуман иқтисодиётдаги ўзгаришлар ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштиришига ҳар томонлама таъсир кўрсатмоқда. Электрон ҳисоблаш техникаси, радиоэлектрон қурилмалар, космик ракеталари каби фан-техника инқилобнинг илгир ютуқлари ишлаб чиқариш тармоқларига биринчи навбатда жорий этилмоқда. Бу тармоқлар иқтисодийнинг бошқа тармоқларига нисбатан бир неча баробар тез ривожланмоқда ва давлатларнинг ҳолатини ақс эттирмоқда. Шу билан бир вақтда қазиб олиш саноати, қора ва рангли металлургия, кemasозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва бир қатор кимё саноати тармоқларининг бозори қисқариб бормоқда. Масалан, 1974—84 йилларда Япония иқтисодий ўртача 4,8 ўсган, электрон ва у билан боғлиқ тармоқлар эса 16% ўсган. Шу даврда нўлат ишлаб чиқариши мутлақо ўсмаган, нефть истеъмоли эса 19% камайган.

АҚШ да 1977—84 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши 2,9% ўсган, компьютерлар, ҳисоблаш техникаси, медицина асбоблари ишлаб чиқариши 14% га ўсган. Кemasозлик, қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариши, қора ва рангли металлургия, қазиб олиш саноати 40% қисқарган. Ривожланган мамлакатларда ялпи капитал маблағларининг 70—80% ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эмас, асосий капитални янгиланишга ва ишлаб чиқаришни реконструкция қилишга сарфланмоқда. Уларда иқтисодий ўсишнинг асосий кўринишларидан бири саноат ва қурилишга нисбатан ноишлаб чиқариши, яъни хизмат кўрсатиш соҳасида ишчи ва хизматчилар сонининг ортишидир. АҚШ да ишчиларнинг ҳар 5 кишидан 3 таси, яъни 60% ноишлаб чиқариш соҳасида банд.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига бўлган талабни ақс эттирувчи иқтисод тузилишидаги бу ўзгаришлар, албатта хўжаликда салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Шунга кура, ҳозирги даврда нисбий ортиқча ишлаб чиқариш ёки нисбий кам ишлаб чиқариш шаклидаги инқирозлардан ташқари структуравий инқирозлар ҳам юзага келадики, бунда айрим соҳа ва тармоқлар ўртача чуқур номуносибликлар вужудга келади.

Структурасий инқироз — хомашё товарларининг кескин етишмаслиги, масалан энергия инқирози билан бошланади. Оқибатда талаб ва таклиф муносиблиги бузилади ва ҳом ашёнинг баҳоси кўтарилиб кетади. Натижада, шу вақтгача яширин кўринишда бўлган иқтисодийнинг муҳим тармоқларидаги ортиқча йиғилиб қолган капиталлари юзага чиқади. Улардаги ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисмида ишлаб чиқариш самарасиз бўлиб қолади, ишлаб

чиқариш тўхтайди, корхоналар ёпилади, ишсизлик кўпаяди. Бундай кўришни циклик инқирозда ҳам юзага келиши мумкин. Лекин структуравий инқирозда унинг келиб чиқиши мутлақо бошқа сабабдан бўлади. Структура инқирозлари циклик характерга эга эмас, лекин узоқ муддат давом этиши билан тавсифланади. Циклик инқироздан фарқли равишда, структура инқирозда, масалан, пўлат қўйиш, кўмир саноати издан чиқиб турганда, тўқимачилик саноати, кemasозлик ёки шунга ўхшаш айрим алоҳида тармоқлар тез ривожланиши, уларнинг фойдаси ортиши, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиши мумкин.

Давлат, албатта, иқтисодиётдаги инқирозларга, тушқунлик кўринишларига бeфapқ муносабатда бўлмайди. Инқирознинг ноҳус оқибатлари олдини олиш, уларни бартараф этиш учун кўпгина мамлакатлар ўз фаолиятларини мувофиқлаштирмоқдалар. Биргаликда миллий программалар ишлаб чиқмоқдалар. Структура сиёсати йўналишлари тадбирларини режалаштирмоқдалар.

Структуравий сиёсат — ижтимоий ишлаб чиқаришни фан, техника ва технологиядаги ўзгаришларга мувофиқ тарзда, умумий ва алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришга қаратилган тадбирлар системасидир.

Иқтисодиётнинг ривожланишидаги сифат ўзгаришлари халқ ҳўжалигида жиддий структуравий ўзгаришлар қилиниши, унинг тароқларида муттасил мутаносиб ҳолда ривожлантириш чора-тадбирларини кўриб боришни талаб қилади. Структура сиёсати инвестиция сиёсати билан ҳамбарчас боғлиқдир.

3. Ишсизлик ва унга қарши чоралар

Ишсизлик ҳозирги вақтда жамиятнинг энг марказий муаммоларидан бири ҳисобланади. Зеро, юқори даражадаги ишсизлик биричидан, ресурслардан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини ва аҳоли даромадларининг пастлигини кўрсатади. Бу эса ижтимоий соҳада, оқлавий муносабатларда вазиятнинг кескинлашуви ва жамият миқёсида норозиликнинг кўпайишига олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, ишсизлик даражаси юқори бўлса, мамлакатда ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ишлаб чиқаришнинг мавжуд имкониятларидан кам бўлади. Оукен қонунига биноан ишсизликнинг унинг табиий даражасидан 1 фоизга кўпайиши ялпи миллий маҳсулотни 2,5 фоизга орқада қолишига олиб келади (1988 йилда ана шу 2,5 фoз АҚШда 115 миллиард долларини ташкил этган). Бинобарин ишсизликни ўсишидан жамият жуда катта иқтисодий талофат кўриши мумкин.

Меҳнатга лаёқатли бўлиб, доимий ишсиз, иш жойига эга бўлмаган ва иш қидираётган киши ишсиз ҳисобланади. Меҳнатга лаёқатли бўлиб, ўқини билан банд бўлган талабалар, пенсионерлар, уй бекалари, тўлиқ бўлмаган иш куни ишлаётганлар ишсиз-

$$\text{I} \text{ шенгелдеги } \text{аракат} = \frac{\text{ингелдеги}}{\text{ингелдеги}} \cdot 100\%$$

дигендеги фондуларга арнаган болса, үзгүчтөгү фондун өлчөмү менен аныкталат.

2. Ингелдеги фондун өлчөмү менен аныкталат.

3. Механизмдин өлчөмү менен аныкталат. Механизмдин өлчөмү менен аныкталат.

1. 16 сүрөттөгү механизмдин өлчөмү менен аныкталат.

2. Механизмдин өлчөмү менен аныкталат. Механизмдин өлчөмү менен аныкталат.

3. Механизмдин өлчөмү менен аныкталат. Механизмдин өлчөмү менен аныкталат.

4. Механизмдин өлчөмү менен аныкталат. Механизмдин өлчөмү менен аныкталат.

5. Механизмдин өлчөмү менен аныкталат. Механизмдин өлчөмү менен аныкталат.

6. Механизмдин өлчөмү менен аныкталат. Механизмдин өлчөмү менен аныкталат.

Ишсизлик даражасининг табиий миқдорда қанча бўлиши мумкин, деган масала устида иқтисодчилар жуда кўп фикр билдирадилар, лекин бир мамлакатда унинг аниқ миқдори белгиланган эмас. Масалан АҚШ да ишсизлар сонининг табиий даражаси 1960 йилларда 4% ташкил этган бўлса, 1990 йилларда эса бу кўрсаткич 4—6% га кўтарилди. Инфляция даражаси юқори бўлган даврдаги ишсизлик даражаси табиий мезёрий ҳолат деб инфляциянинг, ишлаб чиқаришнинг потенциал имконияти билан белгиланганда бўлади. Агар бандлик юқори бўлиб, ишлаб чиқариш ҳам юқори бўлса, сиралсимон инфляция юзага келади.

Ишсизлик даражаси доимо полдан юқори бўлади, чунки ишсизлик ва таркибий ишсизлик у ёки бу кўринишда мавжуд бўлади. Лекин ишсизлиكنинг табиий даражаси инфляциянинг таърифини тўхтатиб туради.

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда табиий ишсизлик даражаси қуйидаги сабабларга кўра олтинчи муаммо.

1. Меҳнатга ўсмирлар, аёлларнинг жалб этилади.

2. Давлатнинг иқтисодий сиёсати, жумладан ишсизларга нафақаларни жорий қилиш, ишсизларга кам маош тўлайдиган ишларга ёллагандан узоқ муддат юқори иш ҳақи тўлайдиган ишга қидириш имконини беради. Ҳозирги вақтда кўпчилик мамлакатларда ишсизларга 16 дан 26 ҳафтагача олаётган энг сўнгги иш ҳақининг 50% миқдорда ишсизлик нафақаси тўланади. Ва солиқлардан озод этилади, натижада улар иш ҳақининг 60—70% миқдорда пул ола бошлайди.

3. Таркибий ишсизлиكنинг кучайиши ишсизлик табиий даражасининг ўсишига олиб келади. Масалан, автомобиллик саноатида ишсизлик.

Амалда ишсизлик табиий даражасининг энг маъмул миқдори йўқ. Ҳали ҳеч ким иқтисодийёт учун маълум ишсизлик ишлаб чиқариш билан шугуллангандан кўра ишсиз бўлган афзал эканлигини исботлашга эришгани йўқ. Акенича, айрим ҳолатлардан кўринадики, япни миллий маҳсулотни юқори даражада ишлаб чиқариш натижасида ишсизлиكنинг табиий даражаси пасаяди. Аммо у маъмул миқдордан юқори бўлиб қолаверади. Чунки ЯММ ишлаб чиқариш ўз имконият даражасига етмаган бўлади. ЯММ ни потенциал даражасига етказиш эса ҳақли табиий иқтисодий фаровонликка олиб келади ва оқибатда инфляция кучайиши мумкин. Ҳозирча биронта иқтисодий ишсизлик табиий даражасини иқтисодийётга зарарсиз ҳолда пасайтириш усулини ишлаб топганича йўқ. Қуйидаги тадбирлар ишсизлик табиий даражасини пасайтиришга таъсир кўрсатиши мумкин:

1. Аҳолини мавжуд иш ўринлари ҳақида хабардор этишни ях-

шилаш;

монидан иш ҳақининг энг қуйи миқдори белгилаб берилмоқда. Айрим озиқ-овқат моллари дотация ажратган ҳолда чакана баҳоси ишбий даражада ушлаб турилибди. Давлат бюджети маблағи ҳисобидан шаҳар ва ноҳияларда меҳнат биржалари ташкил этилмоқда. Меҳнат биржалари, ишсизларни рўйхатга олиш, ишсизлик вақтида маълум миқдорда нафақа билан таъминлаш, қайта касбга ўргатиш ва ишга жойлаштириш пазифалари билан шуғулланмоқдалар.

4. Инфляциянинг келиб чиқиш сабаблари ва унга қарши чоралар

Инфляция давлатнинг аралашувиенг ҳал этиб бўлмайдиган муаммолардан биридир. Маҳсулот ушлаб чиқаришга ишбатарчи пулнинг ортиқчаллиги натижада баҳоларни ўсатиш одатда инфляция дейилади. Макроиқтисодий нуқтан назардан кўриб, инфляция давлат пул бирлигининг қадриетианини, унинг харид қувватини пасайишида намойиш бўлади. Инфляция баҳолар индекси ёрдамида ҳисобланади. Масалан: 1990 йилда четелмол моллари баҳолари индекси дейлик 113,6% га 1991 йилдан эса — 118,3% тенг бўлса, 1991 йил учун инфляция даражаси қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Инфляция суръатлари} = \frac{118,3 - 113,6}{113,6} \cdot 100 = \frac{4700}{118,3} = 3,9\%$$

Ўзини суръатлари бўйича инфляция одатда ушбу турга бўлинади:

1. Мўътадил инфляция, бунда баҳолар секин ўсади (ёкига 10% дан кам), пулнинг қиймати сақланади.

2. Тезкор баҳолар йилига 20% дан 200% гача ўсади, барча шартномалар баҳоларни ўсшига ёки чет эл валютасига болалиқ ҳолда тузилади, пулларга ишонч борица товарлар сотиб олиниди. Пуллар одатдаги фонзда дарага берилмайди.

3. Гиперинфляция, бунда баҳолар 200% дан ортиқ ўсади, яқин муомаладаги пул ҳажми ва баҳолар астрономик суръатда ўсиши ошади, баҳо билан иш ҳақи ўртасида фарқ катастрофик ҳус олади.

Инфляцияни мўътадилдан, тез турис ва уштан сўнг гиперинфляцияга ўтиси муқаррар ҳисобланмайди. Тезкор инфляция саноати ривожланган мамлакатларда ҳам рўй бериб туриди. Аммо ривожланган мамлакатларга мўътадил инфляция ҳос. Давлатни аралашуви инфляцияни инқисодий нуқтан назаридан мушкин бўлган даражада тиийиб уренига инқсон беради. Унинг келиб чиқиши нуқтан назаридан инқисодчилар инфляцияни инқи турини фарқлайдилар, булар «табиб инфляцияси» ва «таклиф инфляцияси». Талаб инфляциясиенг айрим ҳолларда қунидагича ибора билан тушунирилади, «жуда қўи пуллар, жуда оз миқдордаги товарларни овлайдилар», яъни талабни таклифга ишбатарчи ортиқчилиги баҳоларни кўтарилишига олиб келади.

Таклиф инфляциясида баҳоларни ўсиши ҳар бир маҳсулотни бирлигига сарф қилинаётган харажатларни ўсишига, олиб келувчи омишлар билан тушунтирилади. Уни қуйидаги нисбат орқали ҳисобланади.

$$\text{Маҳсулот бирлигига қилинган харажатлар} = \frac{\text{Умумий харажатлар}}{\text{Маҳсулот бирликларини сон}};$$

Маҳсулот бирлигига харажатларни ўсиши, иқтисодиётда мавжуд баҳоларда фирмани фойдаси, таклиф эзмоқчи бўлган маҳсулот ҳажминини камайтиради. Натижада иқтисодий кўламда товар ва хизматларни таклифи камаяди, баҳо кўтарилади. Демак бунда талаб эмас, балки харажатлар баҳонини кўтариб юборади.

Харажатларни ўсиши натижасида юзага келадиган инфляциянинг иккита муҳим манбан мавжуд бўлиб, номинал иш ҳақини ортиси ва хом ашё, энергияга баҳонини кўтарилиши ҳисобланади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми тўланган иш ҳақи ва олинадиган даромадларга мутаносиб бўлса, иқтисодиёт самарали ҳисобланади. Бошқача айтганда, иш ҳақи меҳнат унумдорлиги оширилгандагина кўтарилиши мумкин. Агарда иш ҳақи ҳажми ишлаб чиқариш маҳсулот миқдоридан ошиб кетса, баҳо кўтарилади, инфляция вужудга келади. Бу ҳол иш ҳақини ўсиши инфляциясини (моддий харажатларни ўсиши инфляциясини бир тури) вужудга келтиради.

Моддий харажатларни ўсиши инфляциянинг яна бир тури — таклиф механизминини бузилиши натижасида вужудга келган инфляция ҳисобланади. У кутилмаган, бирданга хом ашё ва энергияларга баҳо кўтарилиши натижасида, ишлаб чиқариш харажатларини ортиси сабабли вужудга келади. Масалан: ривожланган мамлакатларда 1973—1974 ва 1979—1980 йиллардаги четдан олиб келинаётган нефть нархининг кўтарилиши ишлаб чиқариш харажатларини ортисига олиб келган. Инфляция иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади. У бозор механизми иш ҳаракатини бузилишида ўз фойдасини топади. Айниқса гиперинфляция оғир оқибатларга олиб келади. Унда нул бирлиги қадрсизланади, талаб қисқаради, шахсий жамғармалар ҳам камаяди; бойлик тўқ қатламлар ҳисобига қайта тақсимланиши натижасида аҳоли ичда табақаланиш кучаяди. Инфляция даврида банкларда суда капитални учун фойдали ставкалар оширилади, бу эса кредитларга бўлган талабни қисқаришига олиб келади, бунинг натижасида муомала соҳаси ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан устуликка эга бўлади;

Инфляция шароитида иқтисодиётни бошқаришга икки ёқлама ёндошув мавжуд. Булар инфляцияга мослашни сиёсати ва инфляцияга қарши чоралар, яъни инфляцияни баратараф қилишга харакат қилиш.

Инфляцияга мослашни сиёсатнинг моҳияти шундан иборатки, бунда иқтисодиётнинг барча субъектлари пулни соғиб олди қобилиятини пасайишидан зарарларини ҳисобга олиш йўли билан ўз ҳаракатларида инфляцияни ҳисобга оладилар. Бу эса фонд ставкасини ва инвестицияларни бирлашми микдорини индексациялаш воситаси ёрдамида амалга оширилади. Бунда уй ҳўжалиги даромадини кўшимча манбаларини қидириш орқали мослашнинг ҳаракат қиладилар. Ходимлар эса ишга ёлланми ҳақини инфляцияга қараб индексациялашни киритишга ҳарат қиладилар.

Қорхоналар эса қисқа муддатга мўлжалланми маъмуларни амалга оширади, чунки бу уларга сарф этилган капиталларини қисқа муддат ичида қайтиб келишни таъминлайди. Амалёғда инфляцияга қарши мослашни сиёсати қўлланилган, аммо у самарасиз бўлиб чиқди. Чунки баҳоларни тутиб олиш нисбатини қарши унумдорлиги ва халқнинг янаш даражасини пасайиши ҳисобига амалга оширилган.

Баҳо билан иш ҳақи ўртасидаги нисбат устидан назорат қилиш сиёсати қисқа вақт даврида самара берди, узок вақт даврида эса у самара бермайди. Шунинг учун бу сиёсат кенг тарқалмаган.

Инфляцияга қарши чоралардан бири давлатни бозор иқтисодиётинга аралаштириш ва монополияга қарши чораларини қўллашни ташкил этади.

3-5-б. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

1. Иқтисодий ўсишнинг моҳияти

Иқтисодий ўсиш деганда маълум бир давр мобайнида яратилган товар ва хизматлар ҳажмининг ўсиши тушувилади. Бинобарин, иқтисодий ўсишнинг пировард мақсади — мавжуд эҳтиёжларини тўлароқ қондириш халқ фаровонлигини оширишдан иборат.

Эҳтиёжларни қондириш учун зарур ресурсларни ишлаб чиқариш ибтидоий жамоа кишисининг энг оддий қуроллар ёрдамида **озиқ-овқат топишдан то ҳозирги технологияларнинг ҳукмронлигигача** бўлган тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Яқин-яқиниларгача ҳаёлий бўлиб туюлган нарсалар ҳаётга кириб келмоқда. Эндиликда жамият аъзолари маҳсулот тайёрлашни таъминлайдиган гоят мураккаб техник тизимлар, ихчам, тезда қайта ишга солиб юбориладиган автоматлаштирилган комплекслар, модалар тузилишининг ўзини молекуляр, атом ва субатом даражасида ўзгартириб юборадиган энг янги технологиялар билан қуролланган. Тез ҳаракат қилувчи ахборот ҳисоблаш ва бошқариладиган техника киши ақлий имкониятларини қўл марта кенгайтириб юборди.



Иқтисодий ривожланганини кўриш учун қуйидагиларни кўришимиз керак:

1. Меҳнат ресурслари (инини кучи, меҳнат интизом ва ҳоказо).

2. Табиий ресурслари (ер, фойдалани қазилма ресурслари, шароит ва шунга ўхшашлар).

3. Капитал, яъни маблағ (корхона, йўллар, қўшма маблағлар ва шунга ўхшашлар).

4. Технология (фаи, ботиқарув ва шунга ўхшашлар).

Жуда қадим замонлардан бери иқтисодий оқибатларда мамлакатнинг қилоқлик, камбағаллик гирдобидан чиқаришда юқорида келтирилган иқтисодий ўсишнинг: тўрт омилнинг ҳар қайсисига ўзига ургу бериб келганлар. Ҳозирги вақтда тараққий этган мамлакатларнинг ривожланиш тартибини ўрганишда ҳам бу учасалардан иборатки, иқтисодий ривожланиш учун энг мақбул йўл — бу барча омилларни мувофиқлаштириган ҳолда ўсишни экаш. Лекин, шу билан бирга ҳар қайси мамлакат иқтисодий ўсиш омилларининг маълум туридан кўпроқ фойдаланиши мумкинлигига кўра ўз ривожланиш йўлига эга.

Масалан, меҳнат ресурсларидаги унумли фойдаланиши, меҳнатга раёқатликни ошириши учун заориф, соғлиқни сақлашни ривожлантириши зарур. Чунки, соғлом, яхши маълумотга эга бўлган кишининг меҳнатга қобилияти юқорироқ бўлади.

Айрим мамлакатларнинг табиий ресурсларга бойлиги масалани, нефть эканорет қилувчи араб давлатлари бой шароитда яшашни татминлаши мумкин. Лекин айрим камбағал давлатлар бовки, уларда ниқаётган табиий ресурслар ўзларини кўра татминлашига эада ёки етмайди. Аммо индустриализация, шогор давлатга айланиш учун фақат табиий ресурсларнинг ўзи билан ин ётмайди.

Ривожланган давлатларнинг кишилари капитал билан, яъни инчаб ниқарини воситалари билан яхшироқ татминланган. Шунга кўра, уларда меҳнат унумдорлиги кам ривожланган давлатлардагига инсбатан анча юқори. Чунки кишиларнинг ақл, иродаси, кўл кучи ҳамма ерда бир хил, фақат ривожланган давлатлар кишилари инсбатан инча юқори даромаднинг 15—25% ини ажратилишга эришади, кам ривожланган давлатлар 5% инча ажратилишга эришади. Шунинг билан капитал жамғуришининг натижаси иқтисодий ўсишга кўрақ бўлмаслиги мумкин. Буни чет эл мамлакатини ўз мамлакатига жўлиб этини инсбатан ҳам аманга олишнинг ақлини. Аммо, чет эл мамлакатини инсбатан ривожланиш мумкинлиги инча юқори ва инсбатан барқарорлик шартларини ҳал этини мумкин бўлади. Ҳозирги вақтда айрим мамлакатлардаги табиий ресурсларнинг таъки қарини даржада ортыб кетгани, натижада экспортларнинг қоқили ҳам, экспорт инсбатан инча юқори мамлакатларнинг экспортларини қилганда ҳам экспортларнинг инсбатан юқори мамлакатларда ривож

ланаётган давлатлар ўзлари, бошқа давлатларда илгари яратилган технологияларни қайта ихтиро қилиб ўтиришлари шарт эмас. Бунинг керакли қўлланма ва адабиётлардан тез ўрганишлари, ўша давлатга талабаларни юбориб, улар орқали олиб келишлари мумкин. Аммо бу келтирилган илгор технологияни қўллаш ўзидан бўлмайди. Бунда ҳам бир қатор моддий, ижтимоий, иқтисодий қийинчиликлар мавжуд бўлади.

2. Иқтисодий ўсиш турлари

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ўзига мужассамлаштирган иқтисодий ўсиш муаммоларини бугунги кунда жамоатчиликнинг турли-туман қатламлари, намоёндаларини олиб бораётган иқтисодий мунозаралар ва муҳокамаларда марказий ўринини эгаллаб турибди. Чунки иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли ижтимоий-иқтисодий турмушини шароитини яхшилашнинг асосий шартидир.

Маҳсулотнинг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омилларининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий тараққиётнинг (яъни, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг) қайси тури устунлиги: экстенсивми ёки интенсивлигига қараб турлича бўлиши мумкин.

Экстенсив типда — иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади.

Айтайлик маҳсулот ишлаб чиқаришни икки хисса кўпайтириш учун мавжуд корхона билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати миқдори ва сифати бўйича, иш кучининг соми ва малака жиҳатидан таркиби бўйича худди шундай ўзига ҳос «эги-зак» корхона қурилади. Экстенсив ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади. Масалан, юқоридаги мисолда маҳсулот чиқариш икки хисса кўпайтирилганда ходимлар соми, ишлаб чиқариш фондлари ҳам икки хисса ўсади. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш, бир ходимга ҳисоблаганда, яъни меҳнат унумдорлиги аввалгидай қолади.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив типини шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, янада тараққий этган меҳнат воситаларини ва янада тежамлироқ меҳнат буюмларини қўллаш, ишчининг малакасини ошириш йўли билан, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олиннадиган самаранинг пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида,

маҳсулот сифатининг ортишида ўз ифодасини топади. Маҳсулот чиқаришни икки хисса ошириш учун интенсив ўсиш шароитида мавжуд корхонага тенг бўлган яна бир корхона қуришга хожат йўқ. Бу натижага ишлаб турган корхонани реконструкция қилиш ва илғор техника билан қуроллантириш, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкин.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив хусусиятларини ҳисобга олиш билан бирга ишлаб чиқариш самарадорлиги тушунчасини ҳам аниқлаб олиш керак. Самарадорлик — ишлаб чиқариш натижасининг (маҳсулотнинг миқдори) уни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларига nisbatи орқали аниқланади, яъни

$$C = \frac{\text{маҳсулотнинг миқдори}}{\text{харажатлар}}$$

Яъни маҳсулотнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ифодасининг суратида, албатта унинг, сифати ва ижтимоий эҳтиёжларга мос келишини ҳисобга олиб, яъни унинг фойдали самараси ҳисобга олиниб аниқланиши лозим. Демак, унинг ўсиш суръатларини белгилашда ҳам жамият эҳтиёжларини қондириш учун жамиятга ҳақиқатда керак бўлган турдаги ва сифатдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланиш зарур. Масалан, энг замонавий саноат роботларини ёки маъшиий видеомагнитофонларни керакдан ортиқча ишлаб чиқариш мумкин. Лекин, улар тузилиши, ҳажми, техник-иқтисодий кўрсаткичлари ёки баҳоси бўйича аҳолининг реал тўловга қодир талабига мос келмаса, бу буюмлар кераксиз бўлиб қолади, уларни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат, моддий ва молиявий ресурслар эса беҳуда кетади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини характерлаш учун шунингдек жузъий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади. Булар ёрдамида айрим ресурс турларининг қўлланиш самарадорлиги ўлчанади.

Реал ҳаётда экстенсив ва интенсив омиллар соф ҳолда, алоҳида мавжуд бўлмайди, балки муайян комбинацияда, бир-бири билан қўшилган бўлди. Асримизнинг 70—80 йилларида СССР да миллий даромад ўсишининг 20—30% ига интенсив омиллар ҳисобига эришилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, саноати ривожланган мамлакатларда ушбу кўрсаткич 50% дан ортиқни ташкил этган. Айрим адабиётларда⁴ иқтисодий ўсишни унинг суръатлари асосида турларга бўлинади. Хусусан, юқори суръатлар, нуллий суръатлар, салбий суръатлар.

Қайси суръатлар жамият учун фойдали? Биринчи қараганда, бу саволга жавоб оддийдек бўлиб туюлади. Албатта юқори суръатлар. Унда ишлаб чиқаришнинг ҳажми ўсади ва натижада жамият

⁴ Қаранг: Камаев В. Д. Учебник по основам экономической теории. М., 1994, 348—349-бетлар.

ўз эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имкониятига эга бўлади. Аммо фараз қиламизки, мамлакатда эски технологияга асосланган ҳолда совутгич ёки чанг ютгичлар ишлаб чиқарилмоқда ва уларни сифати пастлиги натижасида ушбу товарлар тезда ишдан чиқмоқда, ёки мамлакатда ЯММнинг хажми ўсмоқда, аммо бу ўсиш милитаристик сиёсатни амалга ошириш мақсадида ҳарбий техникани, ишлаб чиқаришни ҳисобига!

Демак, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари шароитида икки нарсага яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва иқтисодиётнинг тузилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Агар булар мамлакатнинг эҳтиёжлари ва имкониятларига мос бўлмаса, аҳолининг яшаш даражаси пасайиб бориши тенденциясига эга бўлиши мумкин.

Иқтисодий ўсишнинг nolлик суръатлари (ишлаб чиқаришнинг хажми ўсмайди, камаймайди яъни ўзгармасдан қолади) нисбатан қисқа вақт мобайнида салбий оқибатларга олиб келмаслиги мумкин, чунки у ишлаб чиқаришнинг материал сифимлилиги даражасини камайтириш, фонд самарадорлиги ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ҳисобига, ҳарбий эҳтиёжлар учун маҳсулот ишлаб чиқариш сарфларини камайтириш ҳисобига амалга ошириши мумкин. Иқтисодий ўсишнинг салбий суръатлари, яъни олинган йилга нисбатан ялпи миллий маҳсулот хажмининг камайиши миллий иқтисодиётда таназул жараёнларининг мавжудлигидан алоқат беради. Кейинчалик миллий иқтисодиёт нормал ривожланишга ўтиб олгандан сўнг иқтисодий ўсишнинг оқилона суръатлари муаммоси юзага чиқади.

Иқтисодий ўсишнинг оқилона суръатлари миллий иқтисодиётда эркин топган макроиқтисодий мувозанатга асосланиши ва бир иқтисодий ўзида уни таъмиқлашни асосий воситаси сифатида майнингга чиқиши лозим. Иқтисодий ўсиш жуда юқори бўлиши мумкин эмас, чунки ривожланишнинг ортиқча юқори суръатлари музрар равишда инфляцияга олиб келади. Умуман олганда, ушбу ўсими иқтисодиёт назариясида ҳали ишлаб чиқилмаган.

3. Иқтисодий ўсиш моделлари


Умумий ҳолда олганда меҳнат, ер ва капитал иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари одатда таклиф омиллари ва талаб омилларига бўлинади. Иқтисодий ўсиш қуйидаги таклиф омиллари билан аниқланади:

- мамлакат табиий ресурсларининг миқдори ва сифати;
- меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати;
- капитал ресурслари;
- технология.

Ўрни алоҳида таъкидлаш жонзки, иқтисодий ўсишга таъсир этувчи таклиф талаб омиллари ўзаро боғлиқ. Бундан ташқари ушбу

омиллар доимо мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қараб доимо ўзгариб туради. Масалан, одатда ишсизлик капитал жамғариш суръатларини, шунингдек, таълимчиларга ажратилган сарфларнинг ўсишини секинлаштиради. Аянича, янгиликлар ва капитал сарфларининг паст суръатлари ишсизликнинг асосий сабаби бўлиши мумкин.

Иқтисодий ўсиш омилларининг (ресурсларини) ўзaro даракати ишлаб чиқариш имкониятларида яққол намоён бўлади. (1-расм).



1-расм. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги.

Фан-техника тараққиёти ҳисобига ресурсларни ҳажмининг ўзгариши ва сифатининг яхшиланиши AB ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигини CD ҳолатига солиштиришга олиб келади. Агарда AB ёки CD эгри чизиклари ишлаб чиқариш қувватларини бир меъёردа ишлатилишини назарда тутиб ҳисобланган бўлса, унга уни ишлаб чиқариш имкониятлари номидан эгри чизиги дейиш мумкин. Реал эгри чизиги эса AB ёки CD эгри чизикларининг ичида ётади чунки амалиётда ресурсларнинг чекланганлиги сабабли уларнинг тўлиқ ишлатиш ҳолати бўлмайди.

Юқорида кўрсатилган ресурсларни бевосита иқтисодий ўсиш ресурслари дейиш мумкин. Уларга билвосита таъсир этувчи кўп сонли ресурслар mavжуд. Хусусан, товар ва хизматларга талаб, иш ҳақининг миқдори ва унинг динамикасига боғлиқ бўлади. Унинг реал миқдори эса тадбиркор ва ишчилав ўртасида жамоа битими тузилаётган даврда, аҳолини жамғаришга мойиллиги, истеъмол бюджетининг структурасига боғлиқ бўлади. Бошқа мисол: капиталдан ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиш кўпроқ тадбиркорлик фаолиятига ўз навбатида у менеджерларнинг савиясига боғлиқ бўлади. Юқорида келтирилганларнинг барчаси иқтисодий ўсишнинг кўп омилли моделини характерлайди. Ундан ташқари,

назария ва амалиётда меҳнат ва капиталдан иборат иқтисодий ўсишнинг икки омилли моделини учратиб мумкин.

Иқтисодий ўсиш муаммоси бўйича олиб борилган измий изла-нишлар иқтисодиётни бошқаришга ишончли асос бўлиб хизмат қила оладиган иқтисодий ўсишнинг универсал моделини яратили-шига олиб келди. Ушбу моделга харажатлар ва товар, хизматлар-ни ишлаб чиқариш натижалари сифатида намоён бўлувчи қиймат ва натурал оқимлар тизими асос қилиб олинган эди. Шунинг ало-ҳида таъкидлаш жоизки, ушбу модел иқтисодий ривожланишнинг ҳамма тарафларини ўзида қамраб олгандир.

Ушбу йўналишда биринчи қадамни иқтисодчи Фр. Кэне ўзи-нинг иқтисодий жадвалида (1758) қўйган эди. У биринчи марта иқтисодий фанда миллий хўжаликни ўзининг балансига эга бўлган тизим сифатида аке эттирди. Фр. Кэне фақат қишлоқ хўжалигида-ги меҳнат унумли ва унда қўшимча маҳсулот яратилади деган фикрга асосланган. Қўшимча маҳсулот деганда — қишлоқ хўжали-гини умумий маҳсулотининг истеъмол қилинган ҳажмдан ортиқча-сини тушунган. Шундай қилиб, маҳсулот оқими қишлоқ хўжалиги-дан иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига ҳаракат қилади ва улар шу маҳсулотни сотиб олганлар. Фр. Кэнининг жадвали амалий аҳа-мият касб этмаган, аммо у бу йўналишда қўйилган биринчи қа-дам эди.

Иқтисодий ўсишнинг универсал моделини яратиш борасидаги кейинги қадам К. Марксга тегишлидир. «Капитал» асарининг II томида у ижтимоий ишлаб чиқариш икки, ишлаб чиқариш во-ситаларини ишлаб чиқариш ва истеъмол буюмларини ишлаб чи-қариш каби бўлишмадан иборат деб ҳисоблаган. К. Маркс улар ўртасидаги қиймат ва натурал оқимларни тадқиқ этди ва улар ўртасидаги мувозанат шартларини келтириб чиқарди. Аммо чуқур илмий таҳлилга қарамасдан К. Маркснинг ушбу назарияси катта амалий аҳамиятга эга бўлмаган. Чунки у иқтисодий тизимни фа-қат икки тармоқдан иборат деб қараган, аммо реал ҳаётда иқти-содиётда юзлаб тармоқ ва ишлаб чиқаришлар ҳаракат қилади.

Амалиётда фойдаланиш мумкин бўлган иқтисодий ўсишнинг универсал модели Русияда XX асрнинг 20-йилларида яратилди. Харажат ишлаб чиқариш моделини яратишда ҳал қилувчи қа-дамни В. Леонтьев қўйган. У миллий иқтисодиётда моддий ва қий-мат оқимларини шахмат жадвали сифатида аке эттира олди. Ушбу универсал моделининг ўзига хос тарафи ушбу оқимлар сонининг чекланганлиги ҳамма нарса ахборотининг ҳажми ва зарур ҳисоб-лаш воситаларини мавжудлигига боғлиқлигидан иборат. Ижти-моий маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш тармоқлараро баланси дунёнинг кўпгина мамлакатларида улар томонидан босиб ўтилган йўлга баҳо бериш ва унинг истиқболини белгилаш имко-нини берди.

Тақдирот Моддий харажатлар	Цшларб цшқарилл цстемли				Пиробард маҳсулот		Жамғарилл маҳсулот
	Саноат	Қишлоқ хўжалиғи	Қуриллш	транспорт савдо	Цстемал	Жамғарилл	
	1	2	3	4			
1. Саноат 2. Қишлоқ хўжалиғи 3. Қуриллш 4. Транспорт савдо	Тармоқлар ўртасида маҳсулот етказиб бериш (I квадрант)				Пиробард маҳсу- лотнинг тармоқ элементлари (II квадрант)		Жамғарилл маҳсулот
Амортизация соф маҳсулот (шўжонинг қой- да ва бошқа)	Тармоқ бўйича аморти- зация ва соф маҳсулот элементлари (III квадрант)						
Жамғарилл маҳсулот							

2-расм. Тармоқаро баланс схемаси.

Тармоқлараро баланс асосида тўғри ва қайта тармоқлараро алоқаларни очиш ғояси ётади. Тармоқлараро баланс (2-расм) схемасидан шуни кўриш мумкинки, айти қайси тармоқлар қандай ҳажмларда ҳар бир тармоқнинг маҳсулотини таркиб топтиради ва қайси миқдорда юборилишини кўриш мумкин. Шунга мос нисбатлар асосида шу тармоқда маҳсулот бирлигини яратиш учун зарур меҳнат ва ресурслар сарфи коэффицентлари аниқланади.

4. Миллий бойлик

Ҳар қандай жамиятнинг барқарор иқтисодий ўсишга эришиб бориши нафақат аҳолини яшаши даражасининг яхшилланишига, шу билан бирга унинг миллий бойлигининг ортишига олиб келади. Хўш миллий бойлик деганада нима тушунилади?

Миллий бойлик — жамият ихтиёридаги меҳнат билан яратилган ва жамғарилган моддий неъматлар йиғиндиси. Миллий бойлик аҳоли турмуши моддий ва маънавий даражасининг негизи, кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришнинг моддий асоси ва натижасидир.

Миллий бойликни ташкил этадиган моддий неъматлар ўзининг ҳосил бўлиши жиҳатига қараб 2 қисмга: а) кишилар меҳнати билан яратилган моддий неъматлар. б) ишлаб чиқариш жараёнига тортилган, табиий бойликларга бўлинади.

Табиий бойликлар — жамият тасарруфидаги ер, сув, ўрмон фойдали қазилмалар ва ҳ. к. з. лардан иборат бўлиб, улар миллий бойликнинг моддий неъматлар қисмини яратишнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Миллий бойликнинг биринчи қисмини ташкил этувчи моддий неъматлар ўзининг ижтимоий ишлаб чиқаришда фойдаланиш жиҳатига кўра 2 қисмга бўлинади.

а) ишлаб чиқариш воситалари.

б) истеъмол буюмлари.

Ишлаб чиқариш воситалари ўз таркибига кўра асосий фондлар ва айланма фондларга бўлинади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг таркибига бино ва иншоотлар, машина ва ускуналар, дастгоҳлар, транспорт воситалари, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа шунга ўхшашлар кирadi.

Шунингдек асосий ноишлаб чиқариш фондлари, яъни ижтимоий соҳада хизмат қилувчи асосий фондлар ҳам кирadi, улар — мактаблар, касалхоналар, маданий-маърифий санъат, спорт ва дам олиш ҳамда шу каби муассасаларга қарашли бинолар, иншоотлар ва ускуналар, ҳамда уй — жойлардан иборатдир. Айланма фондлар қисми меҳнат предметларидан ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги заҳиралардан иборат.

Шунингдек, миллий бойлик таркибига аҳолининг шахсий мулки, уй-рўзғор анжомлари ҳам кирadi.

Ниҳоят бойлик кенг маънода жамият эга бўлган номоддий, маънавий қадриятларни — кишилар тўплаган ишлаб чиқариш тажрибаси, уларнинг билим потенциалини, илмий-техникавий тафаккур ютуқларини, ахборот ресурсларининг маданий бойликларини ҳам ўз ичига олади.

Жамият фан-техника тараққиёти таъсирли остида бўлаётган ҳозирги жараён жамият ҳаётидаги номоддий бойликнинг роли ва аҳамиятининг ортиши билан бирга бормоқда.

Миллий бойлик, унинг таркибий тузилиши ва уни ташкил этган, қисмларининг сифати, ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим омилдир, мамлакат иқтисодий қудратининг энг муҳим кўрсаткичидир. Миллий бойлик ҳосил қилинаётган маҳсулот ҳисобидан тўлдирилиб ва янгиланиб туради. Миллий бойлик ҳажмининг кўпайиши — халқ турмуш даражасини оширишнинг зарур шартидир.

Лекин миллий бойлик кўламини тўхтовсиз ошириб бориш мамлакатнинг асосий мақсади бўлиши керак эмас. Гап шундаки, ундан халқ эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун оқилона фойдаланиш, шу мақсадда унинг таркибини доимо такомиллаштириб бориш зарур. Агар миллий бойликнинг таркиби мақсадга мувофиқ бўлса, эҳтимол унинг ҳажмини тўхтовсиз ошириб боришнинг зарурати ҳам бўлмайди.

Яқин-яқингача кўпгина социалистик йўналишдаги дсб атаб келинган мамлакатларда миллий бойликнинг динамикаси учун асосий ишлаб чиқариш фондларининг салмоғини ошириш типик ҳисобланиб келинган эди. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам миллий бойлигимизнинг таҳминан учдан икки қисмини асосий фондлар ташкил этади. Ундан 70 фоизга яқини ишлаб чиқариш фондлари бўлса, қолган қисми ишлаб чиқариш соҳасининг фондларидаги иборат бўлди. Аҳолининг уй рўзғор буюмлари эса миллий бойликнинг бешдан бир қисмига тўғри келди. Ҳозирги кунда дунёдаги ривожланган мамлакатларда миллий бойликнинг узоқ муддатга фойдаланиладиган асосий фондлар қисмида, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳа ҳиссасининг ортиб бориши кузатишмоқда.

Асосий ва айланма фондлардан иборат бўлган миллий бойликнинг асосий қисми, ишчилар, муҳандис-техник ходимлар ва олимлар билан бирга, мамлакатнинг иқтисодий потенциалини ташкил этади. У муайян давлатнинг жамият ишлаб чиқаришини ва фаровонлигининг у ёки бу даражасини таъминлаш лаёқатини ифодалайди. Иқтисодий потенциалдан ҳар томонлама фойдаланиш унинг доимий равишда ўсиб ва такомиллашиб бориши — иқтисодий тараққиётнинг асосий йўналишларидан биридир.

Ўзбекистонда миллий бойлик ҳажмини кўпайтиришнинг шу хил шартлари табиат ресурсларидан тежамкорлик билан тўғри фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, халқ ўржагининг

турли соҳалари учун малакали ишчи, ходим ва мутахассислар тайёрлаш, билим ва тажрибалар тўплашда пборат бўлиши лозим.

Моддий бойликларни такрор ишлаб чиқаришда жамият ходимларининг ишлаб чиқариш тажрибаси, билими ва малакаси асосий роль ўйнайди. Мавжуд аҳолининг моҳирлик даражаси ҳар бир муайян даврда жами ишлаб чиқаришнинг зарур шартидир, — бинобарин, асосий жамғарилган бойлиқдир.

4-6 о б. ПУЛ-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ ВА БАНКЛАР

1. Пул бозори

Бозор иқтисодиёти мамлакатларида пулнинг ҳар хил гуруҳлари қўлланилади. Улар пул агрегатлари дейилади ва муомаладаги пул массасининг муқобил ўлчовлари бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирда қуйидаги пул агрегатлари мавжуд:

М1 — унга нақд пуллар, (металл ва қоғоз пуллар) чекли қўйилмалар, гоҳида кредит варақчалари киради;

М2 — унга М1 + чексиз жамғарма ҳисобларидаги қўйилмалар — майда муддатли қўйилмалар киради;

М3 — унга М2 + муддатли йирик қўйилмалар киради.


Мамлакатда монетар (пул-кредит) сиёсатини давлат банки олиб боради, унинг объектини пул бозоридаги талаб ва таклиф ташкил этади. Пул таклифи М1, М2, М3 дан ташкил топади. Моҳиятига кўра пул давлат, банклар, жамғарма муассасаларининг қарз мажбуриятлари ҳисобланади. Унга бозорда товар ва хизматлар сотиб олиш мумкинлиги туфайли улар қийматга эгадирлар. Пулни сотиб олиш қобилиятини ушлаб туриш, пул муомаласининг давлат томонидан тартибга солишни самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Пулга талабни шаклланишининг икки асосий сабаби мавжуд. Биринчи сабаби, пул муомала воситаси вазифасидан келиб чиқади, инсонларга ҳар доим товар ва хизматларни сотиб олиш учун пул зарур бўлади. Корхонага эса хом ашёлар, ёқилғи, энергияни сотиб олишга, иш ҳақи тўлаш учун пул зарур бўлади. Булар учун зарур бўлган пул миқдори номинал ЯММ ҳажми билан белгиланади, Муомаладаги товар ва хизматларининг пул қиймати қанчалик катта бўлса, уларни сотиб олиш учун шунчалик пул қўп керак бўлади. Пулга талаб билан номинал ЯММ ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик мавжуд.

Иккинчи сабаби эса, пул жамғариш воситаси вазифасидан келиб чиқади. Инсонлар ўзларининг пулларини ҳар хил шаклларда (акциялар, облигациялар) ушлаб турадилар, бу эса худди ўша М1 пул агрегатини ташкил этади. Демак активлар томонидан пулга талаб мавжуд бўлади. У фоиз ставкасига тескари пропорционал

ўзгаради, чунки нақд пул ва чек қўйилмалари мавжуд бўлади, улар фоиз келтирмайди.

Пул бозори, пул таклифи ва унга бўлган талабни, мувозанат ставкасини аниқлаш учун бир-бирига қўшади.



9.1-расм. Пул бозорида мувозанатнинг тиклавиши.

S — бу пулни таклифини акс эттиради ва вертикал шаклга эга бўлади, чунки пул-кредит ва молиявий муассасалар бирор миқдорда пул ҳажми яратган деб олинади ва номинал фоиз ставка миқдорига боғлиқ бўлади.

D — пулга бўлган талабни акс эттиради.

Пул бозоридаги талаб ва таклифнинг бир-бирига тўғри келиши нқтисодиёт учун ўта муҳим масала ҳисобланади. Айрим сабабларга кўра муомаладаги пул массасининг кўпайиб кетиши инфляцион жараёнларнинг кўпайиб кетишига, жами таклиф истеъмолининг жами талабга бўлган нисбатини ошиб кетиши макроиқтисодий мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Шунинг учун, пул бозорида талаб ва таклифни мувозанатлаб туриш лозим, деб ҳисобланади. Буни асосан давлат ўзининг чиқарган қимматли қоғозларини сотиш ва сотиб олиш натижасида амалга оширади, уни очиқ бозорларда «операциялар» дейилади. Бу масалани биз 4 параграфда батафсил кўриб чиқамиз.

2. Кредит тизими

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида товар ресурсларининг ва пул маблағларининг доиравий айланишида муқаррар равишда вақтинча бўш турадиган маблағлар ҳосил бўлади. Ма-

салан, корхоналарнинг олган фойдалари, амортизация ажратмалари ишдан чиққан ускуналарни амалда янгилаш зарурати бўлгунча ёки капитал таъмирлаш ўтказилгунча, амортизация меъёрларига мувофиқ, аста-секин жамлаб боради. Маҳсулотни сотишдан тушадиган пул маблағи ҳам хом ашё, материаллар сотиб олишга, иш-ҳақи ва мукофатларга бирданига сарфланмайди. Ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондлари ҳам аста-секин жамғарилиб боради. Бунга аҳолининг жамғарма банклардаги жамғармалари ҳам қўшилади.

Жамғарилган пул маблағлари уларнинг эгалари томонидан сарфлангунча вақтинча бўш туради. Ана шу ҳол кредит муносабатларини юзага келтириш учун имконият яратади. Чунки бир корхоналарда маблағ вақтинча бекор турганида, бошқа корхоналарда қўшимча маблағларга эҳтиёж бўлиши мумкин. Корхоналар, ташкилотлар ва аҳолини аксарият қисмининг муайян вақт бўлиб бўлган пул маблағлари банкларда тўпланади ва унга муҳтож бўлган иш юритувчиларга ссудага берилади. Иш юритувчи ссуда олгач, уни қайтаришгина эмас, балки ундан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашга ҳам мажбурдир. Шу тариқа пул шаклидаги капитал алоҳида турдаги товарга айланади. Буни ссуда капитали деб юртамиз. Демак, ссуда капитали маълум муддат мобайнида фойдаланганлиги учун ҳақ фоииз тўлаб қайтариш шарти билан қарзга берилган пул маблағидир. Ссуда жуда кўҳна ҳодисадир. Натурал ишлаб чиқариш ҳукумрон бўлган даврда у асосан моддий маҳсулот тарзида берилган, пул пайдо бўлгач, асосан унинг пул шакли кенг қўлланила бошлаган. Тарихан ссуда берувчилар ва уни олувчилар ҳар хил синф ва ижтимоий тоифаларга мансуб бўлганлар, уларнинг таркиби жамоалар, жамоа аъзолари, қулдорлар, феодаллар, косиблар, деҳқонлар, помешчиклар, савдогарлар, ёлланма ишчилардан иборат бўлган.

Қадимдан ссуда беришни айрим қулдорлар ўзлари судхўрлик кўринишида амалга оширганлар. Капитализм ривожланиши билан ссуда пули ссуда капитали шаклини олди ва капитал сифатида ишлатила бошланди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ўлкамизда корхона ва ташкилотлар, шунингдек фуқаролар ҳам хусусий соҳибкорлик билан шуғулланиш учун банклардан ссуда олиб юритишлари мумкин бўлади.

Бозор шароитида ссуда капиталининг баҳоси қандай белгиланади? Масалан, агар 10000 сўм ссудани йилига 10% ҳақ тўлаш шарти билан берилган бўлса, бир йил мобайнида фойдаланиш баҳоси 1000 сўм бўлади. Аммо 10000 сўмнинг баҳоси 1000 сўм бўла оладими, албатта йўқ, фоииз ўзига хос баҳо бўлиб, товар капиталнинг реал қийматини ифодаламайди. Капиталнинг баҳоси бўлган фоииз капиталнинг қийматида объектив асосга эга бўлмай, ссуда

капиталига бўлган талаб ва таклифнинг нисбати билан белгиланади. Кредит ссуда капиталининг ҳаракати шакли сифатида хизмат қилади. Хўш кредит тизими деганда нима тушинилади? Кредит тизими деганда — пул ресурсларини таркиб топтирувчи, ўзида жамловчи ва маълум муддатда қайтариб бериш ва ҳақ тўлаш шартлари асосида уларни қарзга берувчи молия-кредит муассасаларининг мажмуи тушинилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизимига қуйидагилар кириди:

1. Давлат банки. 2. Банк тизими: тижорат, жамғарма, инвестиция банклари. 3. Махсус кредит муассасалари: сугурта компаниялари, нафақа фондлари, инвестицион компаниялар, молия компаниялари ва ҳоказо.

Кредит тизимига кирувчи махсус кредит муассасалари, банклар ҳисобланмайдилар аммо банклар бажарадиган бир қатор операцияларни амалга оширадилар ва улар билан рақобатлашадилар. Аммо шунга қарамасдан ҳозирда кредит тизимиде банклар, банк тизими муҳим ўрин тутди.

Миллий иқтисодпётда барча банкларни йиғиндисе банк тизмини ташкил этади. Ҳозирда бажараётган вазифасига қараб банкларнинг қуйидаги учта тури мавжуд: а) давлат ёки марказий банк; б) тижорат банклари; в) махсус банклар.

Давлат банки мамлакатнинг асосий банки, ягона эмиссион марказдир. У пул-кредит тизимини марказлаштирган ҳолда бошқарини, давлат кредит сиёсатини, бошқа банклар фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар ўртасида ҳисоб-китобларни ташкил этишни амалга оширади пул муомаласини давлат бюджетини касса йўли билан ижро этишни таъминлайди.

Давлат банки зиммасига бошқа барча банклар фаолиятини асосий йўналишлари бўйича назорат қилиш вазифаси юклатилган. У валюта операцияси соҳасида сиёсат ўтказди, сўмга нисбатан расмий курсларни белгилайди, бошқа мамлакатларнинг марказий банклари билан алоқани амалга оширади, ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа масалаларини ҳам қилади.

Давлат банкнинг характерли хусусияти шундан иборатки, у халқ хўжалиги ва аҳолига кредит бериш, маблағ билан таъминлаш ҳисоб-китоб ва касса хизмати кўрсатишга оид оператив фаолият билан шуғулланмайди. Бундай операцияларни иктисослаштирилган махсус банклар бажаради. Масалан, агросаноат банки ўз эътиборини агросаноат комплексига жамлайди, саноат қурилиш банкларининг фаолият соҳаси саноат қурилиши, моддий техника, моддий техника таъминотидир. Демак, махсус банклар — муайян мижозлар гуруҳига хизмат кўрсатади ёки айрим ҳаракатларга иктисослашди (инвестицион, экспорт, ипотека ва бошқалар). Хусусан инвестицион банклар иқтисодиётининг ҳар хил тармоқларини

молиялаштириш ва узоқ муддатли кредитлар бериш билан шуғулланади. Экспорт банклар асосан ташқи савдо билан боғлиқ бўлган операцияларга ихтисослашади.

Ипотека банклари кўчмас мулкни гаров қилиб олиб узоқ муддатли ссудалар беради.

Тижорат банклари жисмоний ва хусусий шахсларга ҳар хил банк хизмати кўрсатади, хусусан депозитларни жалб этиш, вексель ҳисоби, кредит бериш, қиматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш. Ҳозирги шароитларда йирик тижорат банклари ривожланган мамлакатларда 100 дан ортиқ операцияларни бажарадилар.

Банклар ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принципи асосида доимо юқори даражада фойда олишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун улар ссуда фонзини омонатчи миқозларга тўлаётганидан кўра юқорида қилиб белгилайдилар. Уртадаги фарқ банк фойдаси сифатида юзага чиқади. Бу банкнинг ялпи фойдасини ташкил этади. Ундан банк харажатларини, яъни хизматчиларнинг иш ҳақларини бино, ускуналар, девонхона харажатлари чегириб ташланса, банкнинг соф фойдаси қолади.

Иқтисодийнинг бошқаришнинг маъмурий усуллари шароитида вужудга келган банкларнинг таркибий тузилиши ва уларнинг фаолият шакллари кредит тизимининг ҳужалик самарадорлигини ўстириш, корхоналар иш фаолиятининг пировард натижаларини оширишга бўлган таъсирини кучайтиришнинг ҳозирги кун талабларига жавоб бермай қолди. Ҳозирги вақтда банкларнинг чинакам фаол мавқеи бошқа, иқтисодий қурилмалар ва корхоналар билан биргаликда ресурслардан фойдаланишнинг янги самарали имониятларини қидириб топишдан иборатдир. Корхоналарнинг ҳужалик аҳволини, уларни қайта жиҳозлаш усуллари таҳлил қилиш, капитал қўйиш вариантларини чуқур техник-иқтисодий, текширувдан ўтказиш банк фаолиятининг энг муҳим турларидан биридир.

Ана шуларни инобатга олган ҳолда, банкларнинг иқтисодий тараққиётга таъсирини кучайтириш мақсадида Ўзбекистонда банк тизimini қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда, деярли барча ривожланган мамлакатларда икки даражали банк тизими мавжуд: 1 — даража — давлат (марказий), 2 даража тижорат банклари.

Ўзбекистон республикасида ҳам бозор муносабатларига мос келадиган банк тизими ташкил топмоқда. Унинг ҳуқуқий асосини бизнинг ўлкамизда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» қонунини ташкил этади. Унга биноан Ўзбекистон Республикасида банк тизимига қуйидагилар кирди:

а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унга тобе бўлган муассасалар.

- б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи-иқтисодий фаолият банки.
- в) «Ўзсаноатқурилиш-банк» АТБ (акционерлик тижорат банки)
- г) Республика ҳиссасдорлик — тижорат агросаноат банки.
- д) Халқ банки (Ўзбекистон Республикаси меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредитлар бериш банки, давлат тижорат банки).
- е) Пай, акция асосида, шунингдек чет эл капитали иштирокида тузилган тижорат банклари, уларнинг филиал ва ваколатхоналари.
- ж) Кооператив ва хусусий банклар.

Шунга эътибор бермоқ зарурки тижорат, кооператив ва хусусий банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа банклар билан ўзаро муносабатларининг шартнома асосида тартибга соладилар. Шундай қилиб, Ўзбекистонда ҳам икки даражаги банк тизими мавжуд.

1 даража, бу Ўзбекистон Марказий банки. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вазифалари қуйидагиларда эборат:

- пул муомуласи ва кредит бериш соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш, умуман банк тизимида ягона қондалар ва меъёрларни белгилаш;

- барча банклар ва кредит муассасалари пул кредит ва валюта операцияларига доир қонунлар ва қондаларга риоя этишлари устидан назорат ўрнатиш;

- пулни харид қобилиятини қоплаш;

- Республика пул ва кредит тизимида раҳбарлик қилиш;

- банк фаолияти билан шуғулланиши учун лицензиялар (руҳсатномалар) бериш;

- Республика олтин захираси ва олмос фондини шакллантириш;

- Республикада валюта фондини вужудга келтириш ва бошқалар. Марказий банк давлат мулки ҳисобланади ва Олий мажлисга бўйсунadi. Тижорат банклари ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳиссасдорлик, кооператив ва хусусий бўлиши мумкин. / Ҳозирда Ўзбекистонда кредит муассасаларининг миқдори қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

Ўзбекистонда кредит муассасаларининг сони⁵

	1992	1993	1993:92г
Жами шу жумладан	2319	2547	109,3
Марказий банк ва унинг бўлимлари	208	219	105,3
Халқ банки ва унинг бўлимлари	1815	1887	103,9
Тижорат (кооператив) банклар ва уларнинг бўлимлари	296	441	149,0

⁵ Финансы Республики Узбекистан (1992—1993). Статистический сборник. Ташкент, 1994, стр. 33.

Жадвалдан кўриниб турибдики банклар ва уларнинг бўлимлари сони 1993 йилда 1992 йилга нисбатан 9,3 фоизга ошган. Тижорат (кооператив) банклар бошқа турдаги банкларга нисбатан энг кўп ўсган (49 фоизга), уларнинг кредит муассасалари умумий миқдоридagi улуши агар 1992 йилда 12,8% ташкил этган бўлса, 1993 йилда эса 17,4% ташкил этди. Бу ҳолни биз ижобий дейишимиз мумкин.

3. Банк операциялари

Банклар молия — кредит тизимининг марказий бўғини ҳисоблашиб, у давлат, турли корхоналар, ташкилотлар, муассасалар аҳолининг вақтинча бўш бўлган пул маблағларини ўзида жамлаб, уларга кредитлар бериш, капитал маблағларини молиялаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш, пул белгиларини эмиссиялаш, нақд пулни инкассация қилиш, давлат бюджетининг назоратини амалга ошириш, ҳисоб-китобларини чет эл пулида амалга оширишни ташкил этиш ва бошқа шунга ўхшаш пул муомалаларини бажаради. Банклар ўз вазифаларини иккита ўзаро боғланган пассив ва актив операциялар кўринишида амалга оширади:

а) пассив — банк заҳираларини шакллантириш операциялари бунда депозитлар, яъни мижозларни омонатларини банкка жалб қилиш амалга оширилади.

б) актив — банкда тўпланган ресурсларни жойлаштириш ва фойдаланиш операциялари. Бунда, воқеаларни ҳисобга олиш, ссудалар бериш ва шунга ўхшаш операциялар амалга оширилади. Пассив — актив ҳисоб операцияларини малга оширишдан ташқари банклар савдо-воситачилик фаолияти билан ҳам шуғулланишлар. Бунда улар олтинни сотиб оладилар ҳамда сотадилар, пулни чет эл валютасига алмаштирадилар ёки аксинча, заёмларни тарқатадилар, акция ва облигацияларни сотадилар ва сотиб оладилар. Бажараётган вазифасини ва операциясининг характериға қараб банклар уч турға: а) эмиссия, б) тижорат, в) махсус банкларға бўлинади.

Банк бу тижорат корхонаси бўлиб, унинг мақсади фойда олиш, уни иложи борича кўпайтириш. Аммо банклар ҳар доим фойда билан қарзни ўз вақтида тўлашни таъминлай олмасликлари мумкин. Жуда кўп ссуда берган ёки қарзни ўз вақтида тўлашни таъминламаган банклар айрим ҳолларда тўлаш қобилиятиға эға бўла олмайди. Бу ҳол эса уларнинг синишиға олиб келиши мумкин. Демак, аҳоли, корхоналар ва бошқа муассасалар қўйилмаларини банкдан ҳар қандай вақтда қайтариб олишлари мумкин.

Бу ҳолнинг олдини олиш, ўзларининг хафсизликларини таъминлаш мақсадида, банклар ўша қўйилмаларнинг бир қисмини заҳи-

ра сифатида ажратиб қўядилар. Бу фондлар банк заҳиралари дейилади. Тижорат банки эга бўлиш керак бўлган резерв миқдори ва у томонидан қўйилмалар бўйича берилган мажбуриятлар ўртасидаги нисбатга банк заҳира меъёри дейилади.

$$\text{БЗМ} = (\text{МЗ/БМ}) \times 100$$

БЗМ — банк заҳира меъёри.

МЗ — тижорат банкларининг мажбурий заҳиралари.

БМ — муддатсиз қўйилмалар бўйича тижорат банкининг мажбуриятлари.

Банкнинг асосий ҳужжатларидан бири бу банкнинг баланс ҳисоботидир. У икки қисмдан, яъни актив ва пассив қисмдан иборат бўлади. Актив қисми банк эгаллик қиладиган касса нақдиди (қоғоз пуллар, тангалар) банк депозитлари (омонатлар), қимматбаҳо қоғозлар, банк томонидан берилган ссудаларни ўз ичига олади. Банкнинг баланс ҳисоботининг пассив қисмида, банк олди-га қўйилган барча талаблар (банк эгалари талабларидан ташқари) ўз аксини топади. Пассив қисмида банк депозитлари (қўйилмалар) муҳим ўрин тутади.

Агарда жами активлар миқдори жами пассивлар миқдоридан ортиқ бўлса, унда банк тўлаш қобилиятига эга ҳисобланади ва у банкнинг ўзига тегишли капитал ҳисобланади.

Банклар ўз вазифалари, юқорида қайд қилинганидек, иккита ўзаро боғланган пассив ва актив операциялар кўрнинида амалга оширадилар. Бунда депозитлар, яъни миқдорлари омонатларини банкка жалб қилишни амалга оширадилар. Депозитлар (миқдорлари омонатлари) муддатли ва муддатсиз бўлади. Муддатли қўйилмалар воситасида жорий тўловлар (уларни эгалари томонидан) яъни банк орқали чек ёки кредит варақалари орқали амалга оширилади. Банк бу ҳисоблар бўйича жуда кам ёки умуман фонд тўламайди. Чунки банк бу қўйилмаларни узоқ муддатга кредит бериш орқали жойлаштира олмайди. Муддатли қўйилмалар бўйича юқори фонд ставкаси тўланади, ўз навбатида у банкка қўйилган омонатнинг муддатига боғлиқ бўлади. Чунки қўйилманинг муддати қанчалик узоқ бўлса (2 йил, 5 йил) банк уларни кредитга бериши мумкин бўлади ва улардан кўпроқ фойда олишга эриша олади.

Актив операциялар дейилганда банк томонидан ҳар хил кредитларни бериш ёки банк заҳираларини жойлаштириш тушунилади. Кредит турлари ҳар хил бўлади. Кредитнинг коммерция ва банк кредити шакллари мавжуд бўлиб, улар иштирокчиларнинг тури, кредитлаш объекти, фонд ўлчами ва фойдаланиш соҳасига кўра фарқланади.

Коммерция кредити — ишлаб чиқаришда ва савдода фавқийтабиғий тадбиркорлар ўзаро бир-бирларига, сотилган товарни

тўловини чўзиш кўринишида фойдаланади. Бундай кредитнинг юзага келишининг сабаби баъзи ишбилармонларга маълум миқдорда товарларни реализация қилиш лозим бўлади, бошқасида эса уни сотиб олиш учун нақд пули бўлмайди. Бунда ишлаб чиқарувчи товарларни реализация қилишни жадаллаштиришга эришади.

Товарларни кредитга беришда — вексель, яъни маълум миқдордаги товарни, пулни қарзга олган томонга белгиланган муддатда қатъий тўлаш мажбурияти юклатилган қарздорлик ҳужжати, муомала воситаси бўлади. Векселни қонун билан белгиланган ҳолатда тўлдириб, расмийлаштирилади. Векселни олган тадбиркор уни бировга бераётганлиги ҳақида ёзиб, товар сотиб олиш учун ишлатиши мумкин, олган киши бошқасига тўлаши мумкин, шундай қилиб вексель оддий кредит эмас, коммерция кредити фақат тадбиркорлар ўртасида ишлаб чиқариш ва товар сотишда қўлланиши мумкин, иш ҳақи тўлашда фойдаланиб бўлмайди. Ҳозирги даврда ишлаб чиқаришда хўжалик фаолиятини ривожланган кредит тизимсиз юргизиш мушкул бўлиб қолди. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида иш юритувчи тадбиркорлар кредитдан фойдаланмоқдалар.

Кредит муносабатлари жуда турли-туман бўлиб, кенг таъсир доирасига эгадир. У банклар билан турли мулк шаклидаги корхоналар, бирлашмалар, ассоциациялар, жамоа уюшмалари, жамоа хўжаликлари, ширкатлар, алоҳида хусусий кишилар ўртасидаги, шунингдек, бошқа давлатлар ва уларнинг турли банклари ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади.

Банк кредити ссуда бериш шаклида амалга оширилиб, асосан қисқа ўрта, узоқ муддатли кўринишларда бўлади. Бундай бўлиниш кредит ресурсларининг иқтисодий табиатидан ва уларни шу асосда муддатларга ажратнишдан келиб чиқади. Улардан эҳтиёж турларини белгилаган ҳолда иш муддатларда фойдаланиш мумкин.

Қисқа муддатли кредитлар, одатда айланма маблағларни ҳосил қилиш учун бир йил муддатга берилади.

Ўртача муддатли кредитлар, беш йилгача муддатга берилиб, корхоналарнинг асосий фондларини барпо этишга мўлжалланади.

Узоқ муддатли кредитлар эса янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилишга ва техник жиҳатдан такомиллаштиришга мўлжалланган бўлиб, беш йилдан ортиқ муддатларга берилади. Хўжалик юртишда банк кредитидан ташқари хўжаликлараро пул кредитидан (қарз беришдан) ҳам фойдаланадилар.

Умуман олганда, бозор субъектлари (давлат, корхоналар, алоҳида шахслар) кредит олишлари мумкин. Ундан ташқари кафолатланган кредит учун банк кредит олувчидан гаров талаб этади.

Гаров сифатида кўчмас мулк, акциялар пакети, суғурта полисларига эгаллик ҳуқуқи ва бошқалар бўлиши мумкин. Кафолатланмаган кредит учун эса гаров талаб этилмайди. Ўзбекистонда 1993 йили берилган кредитларни 98,1% қисқа муддатли ва 1,9% узоқ муддатли ссудаларни ташкил этади.

Шуни ҳам такидламоқ зарурки, банклар кредит бериш, бозор субъектларининг жамғармаларини сақлаш билан бир қаторда, пуллари ҳосил қилиш жараёнига хизмат қилади. Ушбу жараённи бир мисолда кўриб чиқамиз. Фараз қиламизки, бирор фирма ўз маҳсулотини сотиб унинг эвазига 400 минг сўм олали ва уни биринчи банкка қўяди. Бунда агар банк заҳира нормаси 20% бўлса, банк 320 минг сўм бошқа фирмага ссуда сифатида бериши мумкин бўлади, яъни ортиқча заҳира (320) — ҳақиқий резерв (400) — мажбурий резерв (80).

1 — банкнинг баланс ҳисоботи қуйидаги шаклни эгаллайди:

Актив, минг сўм		Пассив, минг сўм	
Мажбурий резерв	80	Қўйилмалар	400
Ссуда	320	Жами	400
Жами	400		

Бунда муомаладаги пул ҳажми 400 дан 720 минг сўмга кўпаяди. 320 минг сўм, банк томонидан ажратилган пул миқдорини ташкил этади. Шундан сўнг ссуда олган фирма бошқа фирмдан товарлар сотиб олади, учинчи фирма маҳсулотини сотгандан олган 320 минг сўмини бошқа банкка қўяди ва юқоридаги жараён қайтарилади. Бу жараён, яъни банклар томонидан пул қилиш тўхтамайди, у потенциал кредит суммаси 0 га тенг бўлгунча давом этади. Банкларнинг муомалага қўшган ҳиссасини пул миқдорининг мультипликатори ёрдамида ҳисоблаш мумкин.

$$БМ = \frac{1}{0.4} = 2,5$$

Шундай қилиб бизнинг мисолимизда банкка қўйилган 400 минг сўм муомаладаги пул миқдорини 9,5 млн сўмга кўпайтириши мумкин.

4. Пул-кредит сиёсати

Пул кредит сиёсати деганда, тўла бандлак шароитида жами маҳсулотни ишлаб чиқаришга инфляцияни таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзгартириш тушунилади. Унинг ёрдамида ҳар қандай давлат, мамла-

катда иқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифасини ҳаётга тадбиқ этади.

Ҳозирда ҳамма мамлакатларда пул миқдорини тартибга солишда очиқ бозорда операцияларни, яъни давлат қимматбаҳо қоғозларини таклиф қилиш усулидан кенг фойдаланмоқда. Ушбу операцияларни Марказий банк асосан нуфузи катта банклар гуруҳи билан биргаликда амалга оширади. Бозорда Марказий банк ҳаёти қимматбаҳо қоғозларини сотиш ёки харид қилиш йўли билан пул таклифига таъсир этади, яъни пул бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатини таъминлайди.

Пул бозорида муомулада пул миқдори ортиқчалиги мавжуд, деб фарз қиламиз. Табиийки Марказий банк ортиқча пул массасини камайтириш ёки йўқ қилишга ҳаракат қилади. Бунинг учун, у очиқ бозорда ўзининг қимматли қоғозларини аҳоли ва банкларга таклиф этади, улар эса уни харид қила бошлайдилар. Давлат қимматбаҳо қоғозларининг таклифи ошиб борган сари унга бўлган бозор баҳоси пасаяди, ўз навбатида унга бўлган фоиз (яъни қимматбаҳо қоғозларни сотиб олганларга фоиз шаклида ҳақ тўланади) ошади, бу эса унга бўлган талабни оширади. Банклар ва аҳоли қимматли қоғозларни кўпроқ харид қила бошлайдилар, пировард натижада банкларнинг заҳиралари қисқаради, ўз навбатида бу ҳол пул таклифини банк мультипликаторига тенг нисбатда қисқаришига олиб келади. Бу банк заҳира ва пул таклифининг ортишига олиб келади.

Пул кредит сиёсатини амалга оширишнинг яна бир воситаси, бу ҳисоб китоб ставкаси сиёсатидир. Ҳисоб — китоб ставкасини Марказий банк белгилайди. Агар ушбу ставка паст бўлса, унда тижорат банклари кўпроқ кредит олишга ҳаракат қиладилар. Бунинг натижасида банкларнинг ортиқча банк заҳиралари ортиб боради ва муомаладаги пул массаси миқдорининг ошиб боришига олиб келади. Агарда ҳисоб ставкаси миқдор юқори бўлса, унда банклар камроқ кредит олишга, олганларини эса қайтариб беришга ҳаракат қиладилар, пировард натижада, ортиқча банк заҳиралари қисқаради, бунинг натижасида эса муомаладаги пул миқдори камаяди.

Амалиётда, давлатлар ҳисоб ставкаси сиёсатини очиқ бозордаги операциялар сиёсати билан мувофиқлаштирилган ҳолда олиб боришга ҳаракат қиладилар.

Пул кредит сиёсатининг воситаларидан яна бири бу мажбурий банк заҳира меъёрини (нормасини) ўзгартириш сиёсатидир. Мажбурий банк заҳира меъёрини Марказий банк белгилайди ва уни ўзгартириб туради. Агар марказий банк мажбурий банк заҳирасини камайтирса, ортиқча банк заҳиралари ортади, бу эса пул таклифининг мультипликацион ортишига олиб келади. Масалан, ушбу меъри 20% бўлса, унда банкка қўйилган 400 сўмдан 80 сўм

мажбурий банк меъёрини ташкил этади. Бунда банк фақат 320 сўмни қарзга бериши мумкин бўлади. Энди фараз қиламизки, норма 10% туширилади, унда банк 360 сўмни қарзга бериш имкониятига эга бўлади.

Мажбурий банк заҳира меърини кўтариш ёрдамида давлат пул таклифини камайтиради, зеро бу банкларнинг ортиқча банк заҳираларининг қисқаришига олиб келади. Монетар сиёсатни ўтказишда бу восита бутун банк тизимининг асосларига таъсир этади. Шунинг учун, у кўпчилик мамлакаатларда ўта зарур бўлгандагина қўлланади.

Хўш, пул-кредит сиёсатининг оқибатлари қандай? Давлат томонидан амалга ошириладиган пул-кредит (монетар) сиёсати ЯММ, бандлик ва баҳолар даражасига бевосита таъсир кўрсатади, фараз қиламизки, иқтисодиётда ишлаб чиқариш қисқармоқда ва ишсизлар сони ортиб бормоқда. Бундай шароитда давлат Марказий банк орқали пул таклифини оширишга, биз юқоридики кўриб чиққан воситалар ёрдамида амалга оширишга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида пул таклифи ўсади, фонд ставкаси эса пасаяди. Бу эса инвестицияларга бўлган талабни оширади ва ўз навбатида ЯММ миқдорининг кўпайишига олиб келади. Бу билан давлат маълум даврда ўз мақсадига эришади, ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши тўхтайди, ишсизлар сони камаяди, жамиятнинг даромадлари ошади.

Монетар сиёсатининг оқибатлари тўғрисида гапирилганда қисқа муддатли ва узоқ муддатли оқибатларни фарқлаш зарурдир.

Агар қисқа муддатли даврда давлат пул таклифини ошириш ва бунинг натижасида ЯММ миқдорини ўсишини рағбатлантирган бўлса, бу билан у маълум самарадорликка эришган бўлса, узоқ муддатли даврда эса бу чораларнинг самарадорлиги пасаяди.

Шунинг ҳам такидлаш жоизки, монетар сиёсат асосида яхши иқтисодиётга пул ва кредит сиёсатининг таъсир жараёнларининг ўрғанувчи пул назарияси ётади. Ушбу назарияга яқин хил ёндашувчи иқтисодчилар ўртасида кўп йиллардан бери тофовутлар мавжуд. Булар тақомиллаштирилган кейсанча назария ва замонавий пул миқдори назарияси (монетаризм). Ушбу иккала назария тарафдорлари пул таклифини номинал ЯММ таъсирини инкор этмайдилар, аммо бу таъсирнинг аҳамиятига ҳар хил баҳо берадилар. Кейсанчилар фикрича монетар сиёсат асосига фонд ставкаси даражаси асос қилиб олиниши зарур, монетаристлар фикрича — пул таклифининг даражаси; кейсанчилар бозор иқтисодиётини тартибга солишга давлат аралашуви шарт деб ҳисоблайдилар, монетаристлар эса уни ортиқча деб ҳисоблайдилар.

Кейсанчилар пул таклифини ЯММ таъсирини қўйидаги кетмакетликда амалга ошади дейдилар: пул таклифини ўзгартириш фонд ставкасини ўзгартиришга, у эса ўз навбатида инвестицияларга бўл-

ган талабни ўзгарishi орқали ЯММга таъсир этади. Монетаристлар эса бу борада шундай дейдилар: пул миқдорининг ўзгарishi билан ЯММ ўзгарishi ўртасида яқинроқ алоқа мавжуд: яъни пул миқдорининг ўзгарishi бевосита ЯММ ўзгарishiга олиб келади.

Кейсанчиларнинг асосий тенгламаси қуйидагича:

$$ЯММ = C + I + Q + MX$$

бу ерда, C — аҳоли истеъмол ҳаражатлари, I — инвестиция, Q — давлатни товар ва хизматларни сотиб олиш ҳаражатлари, MX — соф экспорт.

Монетаристлар $M \times V = P \times Q$ тенгламага асосланадилар. Агар $P \times Q$ бўлса унда тенгламани қуйидагича ёзиш мумкин бўлади:

$$M = ЯММ / V$$

M — пул таклифи;

V — пулнинг айланиш тезлиги ёки обороти сони;

P — товар ва хизматларнинг ўртача баҳоси;

Q — сотилган товарлар сони;

Бунда монетаристлар пулнинг айланиш тезлигини барқарор деб ҳисоблайдилар, кейсанчилар эса у барқарор эмас дейдилар.

Ҳозирда мавжуд бўлган монетаристик сиёсатнинг моделлари бу икки ёндошувнинг синтез қилинган вариантдир. Яъни бу ёндошувларни ижобий жиҳатларини қўшиб, ўзида акс эттирган монетаристик сиёсатнинг вариантларидир.

Узоқ муддатли даврда монетаристик ёндашувни кўпроқ ишлатилади. Шу билан бирга қисқа муддатли даврда давлат фонд ставкасига таъсир этишдан воз кечмайди.

Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатининг йўналиши қуйидагича:

— Давлат томонидан пул массасини олдидан билиш уни қаттиқ назорат қилиш;

— Марказий банк томонидан тижорат банкларининг операцияларини пул билан таъминлаш, бунда Марказий банкнинг тижорат банкларига фонд ҳисобида кредит бериши назарда тутилмоқда, бу эса ўз навбатида Марказий банк томонидан, умуман, пул муомласи соҳасини назорат қилишга имкон беради;

— кредит ва бюджет тизимлари ўртасида ўзаро муносабатлар воситасини такомиллаштириш, кредит бериш, бюджет камомали шароитида пул бериб чиқариш ҳисобига эмас давлатнинг қимматбаҳо қозғаларини сотиш ҳисобига қоплаши зарур.

5-б-б. МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ВА УНИ ИҚТИСОДИЕТИ УЧУН АҲАМИЯТИ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

1. Молия муносабатларининг мазмуни ва субъектлари

Молия тарихий характерга эга бўлган иқтисодий категория ҳисобланади. У бозор муносабатлари шароитида давлатнинг вази-

фалари ва эҳтиёжларини ривожланиб бориши таъсири остида вужудга келган. Молия атамаси лотинча сўздан келиб чиққан бўлиб тўлов, даромад маъносини англатади.

• Молия — пул маблағлари фондларини (молиявий кредитларни) тақсимлаш ва улардан фойдаланиш хусусида вужудга келадиган муносабатлар тизимидир. Махсус фондлар орқали ҳаракат қилувчи пул муносабатлари молия муносабатларини ташкил этади.

Молия муносабатлари пул муносабатларининг бир қисми бўлиб давлат бюджети, жамоатчилик фондлари, суғурта фондлари, давлат валюта резервлари, фирмалар, ташкилотлар, тижорат қурилмалари ва шунга ўхшашларнинг пул фондлари ва бошқа махсус фондлар молия тизимининг асосий бўғинларини ташкил этади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида корхонадан тортиб бутун халқ хўжалигигача бўлган турли поғоналарда пул маблағлари ҳосил бўлади. Шу муносабат билан уларнинг юзага келиши ва аynиқса сарфлаш жараёнининг тартибга солиш зарур бўлиб қолди. Ушбу вазифани молия тизими бажаради.

Хўжалиқ фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг яъни такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш учун зарур бўлган пул ресурслари жамғармалари ҳосил қилиш ва улардан фойдаланиш тизими мамлакат молиясини ташкил этади.

Пул жамғармаларининг ҳаракати муносабати билан давлат, корхоналар ва ташкилотлар, ҳудудлар ва алоҳида фуқаролар ўртасида вужудга келувчи жамики иқтисодий муносабатлар молиявий муносабатларни вужудга келтиради. Молия давлатнинг хўжалиқ фаолияти жараёнига таъсир кўрсатишининг асосий дастаги бўлиб хизмат қилиб амалда иқтисодийётни бошқаришнинг ҳамма томонлирига воситачилик қилади. Демак, молиявий муносабатнинг субъектлари давлат, унинг идора ва ташкилотлари, турли хўжалиқ юритиш шаклидаги корхоналар, фирмалар, кооперативлар, бирлашмалар, жамоа уюшмалари, алоҳида аҳоли қатламларидан иборат бўлиб у турли кўринишларга:

- давлат билан корхоналар ўртасидаги муносабатларда;
- корхоналар билан банклар ўртасидаги муносабатларда;
- корхона ичидаги унинг бўлинмалари ҳамда ишчи ходимлари билан ўртада бўладиган хўжалиқ алоқаларида;
- турли бошқарув даражадаги давлат ташкилотлари ўртасида;
- давлат билан турли уюшмалар жамоа ташкилотлари ўртасида;
- давлат билан аҳоли ўртасидаги молиявий муносабатларда юзага келади.

Давлат билан аҳоли ўртасидаги молиявий муносабатлар аввало ижтимоий истеъмол фондларидан турли тўловлар, нафақалар ва имтиёзлар олиш муносабати билан юзага келади. Таълимга, даволашга аҳолига текинга ёки арзонлаштирилган ҳолда бериладиган буюмларга қилинадиган чиқимларни қоплашга ажратиладиган маблағлар ижтимоий истеъмол фондларига киради. Шунингдек, молиявий муносабатлар аҳоли солиқларни ҳамда меҳнаткашларнинг давлатга борадиган турли хил кредитларини, хусусан заём, лотерейлар, вақтинча бўш турган пул маблағларидан омонат банкларига қўйилган қисмини ҳам ўз ичига олади. Давлат, ўз навбатида уй-жой қуриш, қимматбаҳо товарларни сотиб олиш ва ҳоказолар учун аҳолига кредит беради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳамма пул муносабатлари ҳам молиявий муносабатлар бўлавермайди. Молиявий муносабатлар пул муносабатларининг фақат бир қисмини ўз ичига олади. Масалан, шахсий истеъмолга ва айирбошлашга — яъни чакана товар сотувига, транспортга, маиший, коммунал хизматларга, томоша-хоналар ва бошқаларга тўлов учун, шунингдек жамиятнинг айрим аъзолари ўртасидаги олди-сотди муомаласи, пулни тортиқ этиш ва мерос қилди олиш учун хизмат қиладиган пул маблағлари молиявий муносабатларга кирмайди.

Давлат молияси молия тизимининг асосий қисмини ташкил этади, унинг асосий бўғини давлат бюджетидир. Унинг ёрдамида давлат ЯММ ни тақсимлайди ва қайта тақсимлайди.

Молия тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: давлат ҳаракат қилишининг моддий асосларини яратиш; тақсимлаш вазифаси, бунда давлат ялпи миллий маҳсулотнинг бир қисмини пул шаклида ўз қўлида жамлайди ва молия ёрдамида уни қайта тақсимлайди; назорат вазифаси, пул фондларини шакллантириш ва ишлатиш жараёнида намоён бўлади, яъни молия ёрдамида давлат ҳар хил шаклдаги солиқларни ва даромадларни бошқа манъбаларини бюджетга йиғишда улар ўртасида белгиланган нисбатларга роя этилиши устидан назорат ўрнатади. Шунингдек, молия алоҳида хўжалик субъектлари, ва жамият иқтисодий фаолиятининг якунлари хусусида ахборот бериш, аҳолининг моддий жиҳатдан кам таъминланган ночор қисмини ижтимоий ҳимоялаш вазифаларини ҳам бажаради. Турли харажатлар, фойда, иш ҳақи, солиқлар, қарз тўловлари, суғурта ҳақи, субсидия, детация, компенсация, амортизация, акция курси, дивидент, бож, тираж тўловлари ва шунга ўхшашлар молиявий воситалар ҳисобланиб улар асосида молиявий ресурслар, яъни турли пул фондлари шаклланади. Шунингдек маънавий субъектлар ихтиёридаги олтин ёмбларни ва буюмлари, турли қимматбаҳо жавоҳирлар, уларни гаровга қўйишдан тушган пул тушуми, турли объектларни

ижарага беришдан келадиган пуллар ҳам, слинган кредит-қарз, ҳайриятдан тушган маблағлар ҳам молиявий ресурслар бўлиб хизмат қилади.

Молиявий ресурслар марказлашган, яъни умумдавлат ва жамият миқёсида, ҳамда кичик яъни турли фирма, ташкилот, компания, жамоа уюшмалари доирасида бўлиши мумкин.

Марказлашган молиявий ресурслар умумжамят эҳтиёжлари манфаати учун сарфланса, кичик молиявий ресурслар ўша хўжаликларнинг эҳтиёжлари ва фаолиятлари учун сарфланади.

Мамлакат молия тизимида иқтисодий фаолият билан шуғулланувчиларгина эмас, иқтисодий фаолият билан яъни ижтимоий-сиёсий, маданий, маърифат ишлари билан шуғулланувчи, хусусан миллий марказлар, хайрия фондлари, сиёсий партиялар, қэсаба уюшмалари, ижодкорларнинг турли уюшмалари, дўстлик жамиятлари, спортсменлар уюшмалари ва шунга ўхшашлар ҳам киради.

2. Давлат бюджети

Давлат бюджети молия тизимининг энг асосий бўлагидир. Мамлакат иқтисодиётини маълум мақсадда ривожлантириш, турли марказлашган жамғармалари ва аввало, умумдавлат пул маблағлари фондлари — давлат бюджетини тузиш йўли билан таъминлашда яъни давлат бюджети — мамлакат молия тизимининг марказий бўғинидир.

Давлат бюджетининг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдан иборатдир.

Турли мамлакатларда давлат бюджетини тузиш ва ундан фойдаланишнинг бир қанча умумий хусусиятлари бор. Шу билан бирга уларнинг ҳар бирида, шунингдек, бир мамлакат доирасида жамиятнинг ривожлантиришнинг айрим босқичларида молиявий сиёсатнинг асосий қуроли бўлган давлат бюджети таркиби ва сарфлаши мазмуни бир-биридан фарқланади.

Ўзбекистон давлат бюджети республика ҳукуматининг ҳар йили тушадиган даромад ва харажатлар ҳисобидан иборатдир, шунингдек маҳаллий (вилоят, туман) бюджет шакллари ҳам мавжуддир.

Демак, республика молиявий аҳволининг кўзгуси давлат бюджетидир. Аммо 1985 йилдан бошлаб Ўзбекистонда сурункали тақчил давлат бюджети тасдиқланиб келинган.

Нима учун давлат бюджетига тақчиллик рўй бермоқда? Унинг бир қатор сабаблари бор албатта. Гап шундаки, бюджетдаги юқорида кўрсатилган даромад манбалари қисқармоқда. Масалан,

ароқ-вино маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни қисқариши мунесабати билан давлат бюджетига тушаётган акциз солиғи кескин камайди. Чунки иттифоқ ҳукумати мавжуд бўлган даврда Ўзбекистон давлат бюджетига тушадиган оборот солиғи, акциз

Давлат бюджети таркибининг схематик тасвири.

Даромадлар	Харажатлар
<ol style="list-style-type: none"> 1. Акциз солиқлари 2. Қорхона фойдасидан тўланадиган солиқлар. 3. Давлат ижтимоий суғурта маблағлари. 4. Аҳолидан олиннадиган солиқлар 5. Экспорт ва импортдан олиннадиган даромадлар. 6. Бож ва хирождан тушадиган тўловлар 7. Бошқа даромадлар 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Халқ хўжалигини ривожлантиришга 2. Маориф ва фанга 3. Мудофаага 4. Ижтимоий таъминотга 5. Соғлиқни сақлаш ва спортга 6. Давлат бошқарув дивонига 7. Давлат ижтимоий суғуртасига 8. Бошқа харажатлар.

асосан ароқ-вино маҳсулоти ҳисобига қоларди. Тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаши натижасида илгари бюджетга тушадиган фойданинг катта қисми қорхона ва бирлашмаларда қолдириладиган ҳамда иш ҳақи ёки рағбатлантириш воситаси сифатида фойдаланадиган бўлди. Бундан ташқари, давлат бюджетининг ижтимоий маданий ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари анча ошди.

Иқтисоднёт молиявий аҳволининг ночорлигига тақсимотнинг эмас, ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги кўпроқ сабабчидир. Чунки, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, барча соҳалар бўйича сарф-харажатларнинг юқорилиги ишлаб чиқариш натижаларининг салмоғига жиддий, салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга «Қорхона тўғрисида», «Кооперативлар тўғрисида» қонунлар қабул қилиниб, уларга бир қатор имтиёзларнинг аҳолининг пул даромадлари миллий даромад ишлаб чиқаришга нисбатан жадал ўсишига олиб келади. Моддий бойликлар билан таъминланмаган капитал маблағларнинг сарфланиши эса тугамаган қурилиш объектларини кўпайтириб юборади. Қурувчиларга иш ҳақи тўланди. Лекин, битказилмаган қорхоналар ишга туширилмай ётди. Буларнинг ҳаммаси аҳоли даромадлари уларнинг эҳтиёжларини қондиришдан кўпроқ ўсишга олиб келади.

Молиявий тенгликдан чиқишнинг асосий йўлларида бири истеъмол моллари оборотни кескин ошириш ва истеъмол бозоридаги аҳолини тубдан яхшилашдир. Собиқ Иттифоқ шароитидаги ҳудудий ихтисослашувга кўра, Ўзбекистонга турли хил озиқ-овқат ва саноат моллари, мураккаб машиналар техника анжомларининг

деярли барча турлари, яъни халқ истеъмол молларининг ярмидан кўпроғи, ташқаридан, бошқа жумҳуриятлардан, чет эллардан келтирилади. Бундай, хом ашё ишлаб чиқаришга ва истеъмол молларини келтиришга асосланган солиқ сибсат Ўзбекистон иқтисодиётини анча мушкул ва мураккаб аҳволга солиб қўйди. Бунинг устига хом ашё бойликлари пахта, ипак, газ, қоракўл, тери, полиз экинлари, ҳўл мевалар ва бошқаларни Ўзбекистондан четга чиқариш марказий ҳукумат буюртмаси асосида белгиланиб, халқ истеъмоли молларини келтириш эса икки томон ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилди. Давлат буюртмасини бошқариш қонунни, иқтисодий масъулият ўта паст бўлган шароитда эса шартномани бузиш ҳеч гап эмас эди. Бу шароитда ижтимоий меҳнат тақсимотиға мувофиқ, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга эга бўлган марказий ҳудудларнинг иқтисодиётда устунликка эга бўлиши аниқ эди.

Бюджетдаги тақчилликка фақат иқтисодиётни молиявий соғломлаштириш бўйича амалга ошириладиган катта тадбирлар орқали барҳам бериш, яъни етиштирилган хом ашё ва материалларни шу ернинг ўзида тугал қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантиришни йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин.

«Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида «Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш зарур»⁶. Маҳаллий бюджетларга кенг иқтисодий эркинлик бериш районлар, шаҳарлар, вилоятлар мустақиллигини таъминлади. Бюджетларни шаклланиши ва ундан фойдаланиш манфаатдорлиги ошади ва бюджетла фойдаланиш интизоми мустаҳкамланади. Шу билан бирга давлат бюджети интизомига риоя қилиш иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий омилларидан биридир.

Президентимиз И. А. Қаримов ислоҳотларнинг иккинчи босқичида бюджет сибсатининг энг муҳим вазифаси иқтисодиётни бюджет камомадини чеклаш ҳисобига барқарорлаштириш вазифаларини ҳал этиш зарурлигини ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида таъкидлаб ўтди. Яъни ижтимоий фаолиятни ривожлантириш учун зарур бўлган маблағларни ажаратиш ва камомад ўртасида энг қўлай бўлган мутаносиблики ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу зарур бўлган мутаносиблик албатта истеъмол ва иқтисодиётни қайта қуриш харажатларининг катта қисқартириш эвазига бўлиши мутлақо зиддир. Чунки у иқтисодиёт ислоҳотларини чузилиб кетишига олиб келади.

⁶ Қаримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўли. Т., «Ўзбекистон», 1995, 208 бет.

3. Бюджет камчилиги. Бюджетни тартибга солиш концепциялари

Иқтисодиёт назариясида бюджет камчилиги давлат қарзи тушунчалари бор. Агарда давлат бюджетининг харажат қисми даромад қисмидан ошиб кетса, у камчил бюджет ҳисобланади.

Давлат қарзи деганда маълум вақт даврида бюджет камчиликлари йиғиндиси тушунилади. Давлат қарзи икки гуруҳга бўлинади давлат ташқи қарзи (ташқи давлатларга, ташкилот ва алоҳида шахсларга) ва ички қарз (давлатни ўз халқидан қарзи).

Бюджет дефицити билан давлат қарзи бир-биринга боғлиқ, чунки у ёки бу миқдорда давлат бюджетни камчилиги миқдорини қанчалик иқтисодиёт учун хавфлилигини аниқлаш учун аввало давлат қарзини миқдорини таҳлил этмоқ зарурдир. Ҳозирги шароитда деярли ҳамма мамлакатларда давлат қарзларини ортиши кутатилмоқда. Шу муносабат билан ҳозирги даврда бюджетни тартибга солиш масаласи ҳар қандай ҳукуматнинг олдида турувчи марказий муаммолардан биринга айланди.

Давлат бюджетини шакллантириш борасида тўпланган тажриба уни тартибга солишга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқиш борасида учта концепция борлигини кўрсатади.

Биринчи концепцияга—мувофиқ давлат бюджети ҳар йилни баланслантирилиши лозим деган ғояга асосланади. Яқин-яқингача ушбу ёндошув молня сиёсатининг мақсади ҳисобланар эди. Аммо ушбу ёндошувни чуқурроқ ва атрофлича кўриб чиқадиган бўлсак унинг иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган фискаль сиёсатининг самарадорлигини пасайтириб юборишини кўришимиз мумкин. Бунинг мисол орқали тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Фараз қиламизки иқтисодиёт сурункали ишсизлик билан тўқнаш келади, табиийки аҳоли даромадлари бундай вазиятда пасаяди, демакки давлат бюджетига тушувчи солиқлар миқдори пасаяди. Бундай вазиятда давлат бюджетини албатта баланслаштириш учун солиқ ставкасини ошириши ёки давлат сарфларини камайтириш лозим бўлади. Аммо буларни амалга ошириш жами талабни янада пасайишига олиб келади.

Иккинчи концепция — давлат бюджети ҳар йили эмас, балки иқтисодий цикл даврида баланслаштирилиши лозим деган ғояга асосланади.

Бунда таназзулга қарши кураш чораси деб ҳукумат солиқларни пасайтиради, харажатларни оширади ва онган равишда бюджет камчилигини юзага келтиради. Кўтарилиш даврида эса ҳукумат солиқларни кўтаради ва давлат харажатларини камайтиради. Бунинг натижасида юзага келган бюджетни ижобий сальдосини, таназзул вақтидаги камомадни қоплашга ишлатилади. Бунда энг асосий муаммо шундан иборатки иқтисодий фаолиятнинг кўта-

рилиши ва таназзул вақт давомийлиги нуқтаи назаридан фарқ қилади. Масалан таназзул даври 3 йил, кўтарилш даври эса 2 йил бўлиши мумкин, унда 3 йилда онгли равишда юзага келтирилган дефицит миқдорини, 2 йилда бюджетни ижобий сальдо миқдори билан қоплаб бўлмайди.

Учинчи концепция—асосига бюджет эмас, балки иқтисодиёт баланслаштирилиши керак деган қоида молияни асосий вазифаси деб қабул қилинган. Бунда маркоиктисодий барқарорлик даврида бюджет ижобий ва барқарор сальдога эга бўлиши мумкин деган фикр илгари сурилади. Нима учун? Иқтисодий ўсиш шароитида бюджетга солиқлар тушуми автоматик равишда кўпаяди, макрониктисодий барқарорлик эса, буни рағбатлантиради. Демак, бюджет камомати автоматик равишда ўз-ўзидан йўқ бўлади. Ундан ташқари давлатни солиқларни белгилаш ҳуқуқи ва пулларни вужудга келтира олиш шароитида уни бюджет камоматини молиялаштириш имкониятлари амалий жиҳатдан чексиздир.

Ҳукумат ўз мамлакатини шароитларидан келиб чиққан ҳолда бюджет сиёсатини ишлаб чиқади. Бундай сиёсат мамлакатни пул потенциали доирасида ҳукуматни молиявий ишларини аниқ дастурига эга бўлишини, бюджет камомати устидан назорат ўрнатилиши ва уни қоплаш манъбаларини қидиришни, жуда катта самара берадиган иқтисодий дастурларга бюджетдан маблағ ажратишни талаб этади.

Ўзбекистон шароитида бюджет камоматини камайтириш иқтисодиётда мутасоибликни таъминлашни муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги шароитда давлат бюджети камоматини қатъий назоратга олган ҳолда ялпи миллий маҳсулотни 3—5 фоизга қадар камайтиришни олдига вазифа қилиб қўйган. Бунинг учун эса бошқарув харажатларини қисқартириш, дотацияларнинг ҳар хил турларини ва нархларини қоплаш учун маблағ ажратилишини тугатиш, моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга марказлаштирилган тарзда маблағ ажратишни чеклаш, бюджет харажатларини кескин ўсишини чегаралаб қўйиш сиёсати олиб борилмоқда.

4. Молия бозори

Молия бозори деганда, бўш турган пул маблағларини маълум фоиз ҳақ эвазига вақтинча олиб ишлатиш, қимматбаҳо қоғозларни савдосида юзага келадиган бозорлар тушунилиб, таркибан янча мураккабдир. Молиявий бозор ўз ичига валюта бозори, қимматбаҳо қоғозлар (акция, вексель, сертификат) бозори, инвестиция бозори, ссуда капитали бозори ва шунга ўхшашларни олади.

Молия бозори унинг кўринишига қараб икки турга бўлинади:

1. қарз олиш — сотиш бозори; 2. қимматбаҳо қоғозлар бозори;

Қарз олиш — сотиш бозори, кредит пули ёки инвестиция маблағларини олишни ифодалайди. Кредит ва инвестиция маблағлари амалда сотилмайди, балки улар бозорда маълум ҳақ эвазига фойдаланиш учун келишилади ва маълум вақтдан сўнг ўз эгасига қайтарилади. Фойдаланганлик учун тўланадиган фоиз унинг қарзи сифатида юзага чиқади. Қимматбаҳо қоғозлар, яъни акция, валюта, сертификат, векселлар олди-сотди қилинганда сотувчи мулкидан харидор мулкига айланди. Молия бозори маблағларни турли соҳалар ўртасида тақсимлаб иқтисодий ривожланиши, корхоналарнинг бўш турган ва аҳолининг қўлидаги ўлик пулларни муомалага, ҳаракатга тушириш, ташқи иқтисодий алоқаларни валюта билан таъминлаш каби муҳим вазифаларни бажариб, амалётда тижорат банклари, суғурта, инвестиция, валюта, фонд биржалари, акционлар орқали фаолият кўрсатади.

Бозор хўжалиги асосида иқтисодий ривожланган давлатларда қимматбаҳо қоғозларнинг ҳаракатига кўра молия бозори икки босқичга бўлинади: бирламчи ва иккиламчи. Бирламчи бозорда қимматбаҳо қоғозларнинг янги муомалага чиқарилган қисми олди — сотди бўлади. Иккиламчи бозорда эса аввал муомалага чиқарилган қимматбаҳо қоғозларнинг савдоси бўлади. Иқтисодий учун қимматбаҳо қоғозларнинг иккиламчи савдоси муҳим аҳамиятга эга, чунки у молия маблағларини хўжалик субъектлари ўртасида оқиб ўтиши ва тақсимотини амалга оширади. Фирма ва уюшмалар ихтиёрида ўзларини пул маблағларидан ташқари, сотиб олинган бошқа субъектларининг қимматбаҳо қоғозлари бўлади ва у фирманинг резерв капиталини ташкил этади. Агар фирмада молиявий маблағга муҳтожлик юзага келса у ихтиёридаги қимматбаҳо қоғозларнинг бир қисmini иккиламчи бозорда чиқариб сотиш мумкин. Агарда фирма ихтиёридаги қимматбаҳо қоғозларни сотиб олган баҳосида қайта сотса унинг капитали өртмаган ҳисобланади. Корхоналар акционерлик жамоаси (ҳиссадорлик уюшмаси) сифатида фаолият юргизиб ўз акция ва облигацияларини чиқариб сотишлари ва шу орқали эҳтиёжлари учун қўшимча маблағга эга бўлишлари мумкин. Акционерлик жамоаси икки хил кўринишда бўлиши мумкин, яъни очиқ турдаги ва ёпиқ турдаги. Очиқ турдаги акционерлик жамоаси ўз акцияларини банклар, биржалар орқали жамоа аъзоси бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга эркин сотиш мумкин. Ёпиқ турдаги акционерлик жамоаси акциялари эса фақат ўз аъзоларигагина тарқатилади ва сотилади.

Акция қимматбаҳо қоғоз бўлиб, уни сотиб олганга уни чиқарган корхона капиталида ҳиссаси борлигини ва шу ҳиссасига кўра корхона фойдасидан дивиденд олишни кафолатлайди.

Акцияларнинг оддий ва имтиёзли хиллари бўлади. Акция уни

чиқариб сотган жамоа фаолияти тўхтовсиз узлуксиз амалда бўлаверади. Унинг эгасини, агарда олаётган дивиденд миқдори қониқтирмаса ёки пул зарур бўлса иккиламчи бозорда бозор баҳосида сотиши мумкин. Оддий акция эгаси оладиган дивиденти акцияни сотган корхона кўрган фойдасига қараб кўп ёки оз бўлиши мумкин, лекин унга акционерлик жамоа мажлисларида иштирок этиб бирон масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини таъминлайди. Оддий акция эгаларига дивидент корхона олган фойдасидан солиқ тўланганидан кейин қолган қисмидан тўланади. Уни камчилиги шундан иборатки, уни эгаларига дивидент аввал имтиёзли акция эгаларига тўлангандан қолган пулдан тақсимланади. Шунга кўра дивидент миқдори кўп ёки оз бўлиб туриши мумкин. Имтиёзли акция — уни сотиб олган эгасига корхона фойдаси миқдоридан қатъий назар белгиланган фонд ҳисобида дивидент олишни таъминлайди, лекин унга жамоа мажлисларида иштирок этиб овоз бериш ҳуқуқини бермайди. Уни имтиёзи шундан иборатки, тўланадиган фонд корхона фойдасини қай тарзда тақсимланишидан қатъий назар ва оддий акция эгаларига дивиденд тўлашдан олдин тўланади.

Облигация — бу корхона қарздорлик мажбуриятини тасдиқловчи қимматбаҳо ҳужжатдир. Облигацияни корхоналар одатда қўшимча пул маблағга эга бўлиш мақсадида ўз бино иншоотлари ва активдаги маблағини гаровга қўйган ҳолда чиқаради.

Облигация мунтазам равишда белгиланган фонд тўлаш кафолати билан маълум муддатга чиқарилади. Муддати тугагач қарзини қайтарган ҳолда облигацияни қайтиб олинади. Одатда облигациялар 10—30 йил муддатга чиқарилиб, айрим ҳолларда муддатидан аввал қайтариб сотиб олиниши ҳам мумкин.

Қимматбаҳо қоғозларнинг бирламчи савдоси кўпинча молия тармоқлари, банклар, корхоналарнинг ўзлари томонидан амалга оширилса, иккиламчи савдоси фонд биржаларида брокерлар ва дилерлар воситачилигида амалга ошади.

Брокер — бу биржадаги сотувчи ва олувчи ўртасидаги воситачи шахс бўлиб, битимни расмийлаштиради. Брокер воситачилиги эвазига битим миқдоридан комиссия фонд олади.

Дилер — одатда қимматбаҳо қоғозларни сотиб олади ва кейин қайта сотади. Уни оладиган даромади сотиб олиш ва сотиладиган қимматбаҳо қоғоз нархидаги фарқдан иборат бўлади.

Акция ва облигацияларда аке этган қиймат унинг номият баҳосини ифодалайди. Бозорда эса унинг нархи талаб ва таклифга қараб номинал қийматидан фарқ қилади. Уни сотиладиган нархи бозор курсини ифодалайди. Корхона иқтисодий аҳволининг яхшиланиши уни чиқарган акцияси курсининг ўсишига, ёмонлашуви эса пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

1. Солиқ ва солиқлар тизимининг моҳияти

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунига қадар солиқ ва солиқлар тизимини ўрганиш муаммоси бўлмаган эди. Зеро республика солиқ ва солиқлар тизими билан шуғулланган эмас эди. Чунки, солиқлар марказлашган асосда ташкил этилиб, асосан аҳолидан олинadиган даромад солиғи, уй-жой коммунал хизматлар солиғидан иборат эди.

Ташқи савдо орқали олинadиган солиқлар билан фақат марказ шуғулланар эди. Давлат бюджети эса соф даромад ҳисобига шаклланаар эди. Бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамиятнинг қураётган республикамиз учун ҳозирги даврда солиқ ва солиқлар тизими билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш энг асосий масалалардан бири ҳисобланади. Чунки мустақил давлат ўз вазифаларини аниқ бажариши учун, моддий асосига, яъни ўз бюджетига эга бўлмоғи шарт, у эса солиқ тизимининг ҳаракати натижасида шаклланади. Бу ҳол, давлат бюджетини шаклланишини янгича тус олиши билан шартлангандир. Энди бюджетнинг асосий қисми даромадлар ҳисобига эмас, балки солиқлар ҳисобига шаклланади.

Солиқлар — бу турли мулкчилик шаклларига асосланган корхона ва ташкилотлардан ва аҳолидан ундириладиган пул кўринишидаги қийматдир. Солиқлар бу иқтисодий — молиявий категория бўлиб, уларнинг моҳиятини очишда молиявий воқеликларни, муносабатларни чуқур, атрофлича ўрганиш, солиқлар моҳиятини очишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Солиқ — олувчилар билан солиқ тўловчилар ўртасида доимо такрорланиб турадиган иқтисодий воқеликни билдиради. Солиқ иқтисодий-молиявий категориядир. Айрим иқтисодчилар бу иқтисодий-молиявий категорияни одатда меҳнатга чорловчи ёки уни мажбур этувчи қурол деб уқтирадилар. Албатта, бу нотўғри. Солиқни асосий моҳияти, солиқ олувчилар билан солиқ тўловчилар объектив равишда пул муносабатлари ҳаракатининг оширилишидадир. Бу пул муносабатлари ҳаракати бир томонлама солиқ тўловчилардан солиқ олувчилар томон муомалада бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш жонзки, солиқлар пул муносабатларини тўлиқ ўзида ифода этмайди. Балки у асосан, солиқ воқеликларини ҳисобланган даромадлар, қийматни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда пул муносабатларини ифодаловчи асосий механизм ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш солиқ сиёсатига янгича ёндошишни талаб этади. Бу эса ўз навбатида солиқлар тизимини қайта қу-

ришни талаб этади. Солиқлар одатда мажбурий тўловлар кўри-нишида ифодаланади. Лекин бу солиқларни мажбурий тўловлар, деб айтишга ҳам ўрин йўқ. Чунки солиқлар ва уларни тўлаш миқ-дори демократик асосда Олий Кенгаш томонидан қабул қилина-ди ва ҳамма корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли унга риоя қилиш-га, уни бажаришга мажбурдирлар. Республикада мажбурий тўлов-лар фақат солиқлар кўришидагина эмас, балки Республика Ва-зирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ва солиқсиз бюд-жетга ва бошқа махсус ижтимоий фондларга тўланадиган маб-лағлар ҳам мажбурийдир.

Республикада ҳозирги даврда амал қилинадиган қонунларга асосан корхона, ташкилотлардан ва аҳолидан тушадиган тўловлар, солиқли ва солиқсиз тўловларга бўлинади. Нисба учун шундай? Сабаби солиқли тўловлар узоқ муддатга мўлжалланган ва Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган бўлиб уни бажариш мажбурий ва ундан тушган, маблағлар узоқ йилларга мўлжалланган тўғри-дан-тўғри давлат бюджетига тушади.

Солиқсиз тўловлар эса вақтипчалик ёки маълум муддатга Ва-зирлар Маҳкамаси, Мелия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Солиқсиз тўловларнинг бир қисми давлат бюджетига, бир қис-ми эса махсус ижтимоий фондларга тушади ва ундан шу фондлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун фойдаланадилар. Респуб-ликада ҳозирги вақтда солиқ тўловлари турли мулк шаклла-рига асосланган корхона, ташкилотлардан ҳамда аҳолидан улар-нинг шахсий мулкларидан олинаётган солиқ — энг демократик усулда олинаётган солиқлардир.

Иттифоқ даврида давлат мулки умумлашган мулк бўлиб, дав-лат уни эгаси бўлгани учун хоҳлаган даражада фойдаланган бўл-са ҳозирги даврда эса ундан объектив даражада асосланган ҳол-да фойдаланилмоқда. 1994 йилда давлат бюджети асосий дарома-дининг 90% солиқ тўловлари ташкил этади. Барча тўланган солиқ тўловларининг 30% ни қўшилган қиймат солиғи, 24,5% ни корхо-наларнинг даромадлари солиғи, 15,1% ни — акциз солиғи, 3,5% ни — ер солиғи, 2,5% ни — мол-мулк солиғи ва 10% ни аҳолидан олинадиган даромад солиғи ташкил этади. Қолганлари эса четга чиқарилган хом-ашё ва товарлар солиғидан, реклама солиғидан, транспорт солиғидан, ҳисоблаш ва маншйи телникани қайта сотиш солиғидан, курорт зоналарида саноат объекти қуриш, қимматбаҳо қоғозлар сотиш солиқлари ташкил этган. Шунинг учун ҳам солиқ-лар туркумининг такомиллаштириш йўлида илмий асосланган кон-цепция асосида солиқ сиёсатини, унинг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш лозим. Ана шундай сиёсат Республика президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг

ўзига хос йўли» асаридаги иқтисодий сиёсатимизнинг устувор йўналишлари хусусида ишлаб чиқилган беш тамойили асосида, солиқ сиёсатининг беш устувор стратегик йўналиши ҳам ишлаб чиқилган.

Солиқларнинг шаклланиши ва тақсимланишини объектив амалга оширилиши ишлаб чиқариш муносабатларининг тўғри шаклланишини таъминлайди. Шунинг учун солиқлардан фойдаланиш икки хил хусусиятни ўзида ифода этади. Зарурияти бўлган ҳолда солиқлар тўловини камайтириш эвазига ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мумкин ёки уни солиқ тўловларини кўпайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш мумкин. Солиқ миқдори орқали ишлаб чиқариш ёки кўратилаётган ижтимоий хизмат даражаларини талабга монанд қилиб шакллантириш мумкин. Ҳамма солиқ турлари давлат бюджетига тушади ва давлат томонидан уни зарурий йўналишларга қараб тақсимлайди. Ўрни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ижтимоий-маданий тадбирларга, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, давлатни бошқаришга, уни ҳимоя этишга ва бошқа йўналишларга сарфланади.

Солиқларнинг моҳиятини янада чуқур ўрганиш учун уларни тўғри ва эгри солиқларга бўлиб ўрганиш зарур.

Тўғри солиқ корхона ёки меҳнаткашлар даромадидан олинади. Бу солиқлар манбаи корхона ва фуқаролар даромадидир.

Эгри солиқлар тури корхона ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар бўлса-да, у асосан истеъмолчилар ҳисобига тўланади. Бу солиқлар товарларга ёки кўрсатилаётган хизматларга устам ҳақ қўйиш орқали ундирилади. Эгри солиқларга қўйилган қиймат солиғи, четга чиқариладиган товарларга қўйилган солиқ. Эгри солиқлар янги иқтисодий сиёсат (ЯИС) даврида ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳам қўлланилади. Эгри солиқ салмоғи Туркияда 35%, Олмонияда 44%, Ўзбекистонда 60% (1992). Солиқларни ташкил топиши давлат сиёсати билан боғлиқдир. Солиқлар давлат пайдо бўлиши билан юзага келади. Чунки давлат ҳаракати молиявий заҳиралар билан боғлиқдир. Давлат солиқ тизими орқали ўзини маблағ билан таъминлайди.

Солиқлар асосан корхона ва фуқароларни даромадларини қайта тақсимлашнинг иқтисодий воситасидир. Солиқлар тушуми бозор иқтисодиёти даврида ишлаб чиқаришни турли кўринишларда шаклланиши асосида кўпайиб боради.

Солиқлар объекти, деб солиқлар ундириладиган товарлар ёки кўрсатилаётган хизматлар турига айтилади.

Ҳар қандай солиқ манбаи корхона, ташкилотлар ёки аҳолининг даромади ҳисобланади.

Солиқлар миқдори белгиланган солиқ ставкаларига боғлиқдир. Солиқ ставкаси деб солинаётган солиқ миқдорига айтилади ва у

асосан фоизларда (квота) тариқасида белгиланади. Солиқ ставкалари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ёки пасайишига боғлиқ бўлади. Солиқлар ҳам ўз бирлигига эга. Чунки у солиқ объектининг ўлчов бирлигидир. Масалан, даромад солиғи — пул бирлигида, ер солиғи — гектар бирлигида ва ҳоказоларда ўлчанади.

Солиқ тўлаш тизими солиқдан озод этиш ёки имтиёзли солиқларни ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисидаги қонунига асосан — корхона ходимларининг сонидан ногиронлар камидан 50% бўлган, ўрта мактаб ўқувчилари ва ҳунар техника билим юртининг талабалари камидан 75% бўлган, корхона, протез — ортопедия буюмлари ишлаб чиқаришга, тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш, даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш — ишлаб чиқариш, ижтимоий ташкилотлар, уларнинг бўлинмалари, шунингдек, ёшлар жамғармалари ўз устав фаолиятларини амалга оширишга қаратиладиган даромадлари бўйича, олий, ўрта махсус юртлири, ўрта ва ҳунар билим техника юртлири ҳузуридаги ёшлар, касаба уюшма ташкилотлари томонидан тузилган корхоналар ва ўқувчиларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга қаратилган даромадлари, деҳқон бозорларини қурилишига ва ўз моддий — техника базасини кенгайтиришга шлатиш ҳаракатларини қоплашга қаратилган даромадлари, шаҳар йўловчи транспорти (таксидан ташқари), матбуот тарқатиш бўйича аҳолига хизмат кўрсатишдан келадиган даромадлар, йўллардан фойдаланиш, таъмирлаш ва сақлашдан келган даромадлар, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашлари ҳузурида тузилган уруш ва меҳнат фахрийларини қорхоналари, бирлашмалари ва ташкилотлари, уларда ишлаётганларнинг 50 фоизини пенсионерлар ташкил этса, ахлоқ тузатиш — меҳнат муассасаларининг қорхоналари ва қизил ярим ой жамиятининг қорхона ва ташкилот ва муассасалари, бу маблағлардан жамиятнинг устав вазифаларини бажариш учун фойдаланиши шарт билан бўлган қорхоналар солиқдан озод этилади. Шу билан бирга янги тузилган қорхоналар (биржалар, тайёрлов, улгуржи, таъминовчи — сотувчи, воситачи ва савдо — тижорат қорхоналаридан ташқари) тузилган ва рўйхатдан ўтган қорхоналарга биринчи йили 25%, иккинчи йили 50% миқдорда солиқ белгиланади. Ажнабий мулкчилик асосида тузилган қорхоналар ҳам халқаро шартномага мувофиқ, тақсимот тартибига кўра ўзига тегишли даромаддан солиқ тўлашдан бутунлай ёки қисман озод бўлиш ҳуқуқига эга хорижий мамлакат қатнашчисининг солиқнинг бекор қилиш ёки қисман камайтириш Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Солиқлардан вақтинча озод қилиш ҳам мумкин. Бундай шартга корхона оладиган даромад ва валюта тушуми икки йил давомида, яъни патент ёки ихтиролардан, лицензия сотиб олиш натижасида ихтиродан фойдаланишдан ёки патентланган ихтиронини қўллаб янги техника тайёрлаш учун махсус яратилган янги ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги, хусусий корхоналар, хорижий қатнашчининг устав фондидаги улуши 30% дан ортиқ бўлган халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона ва уларнинг филиаллари ва шўъбалари рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб, икки йил давомида солиқ тўламайдилар. Агар ана шу давр ичида улар ўз устав фондларини шакллантирмаса ёки солиқ тўлашдан озод этилган корхона уч йил муддат ичида тугатилган тақдирда солиқ суммаси умумий белгиланган тартибда ва тўла миқдорда унинг бутун фаолият кўрсатган даври учун ундирилади.

Солиқ солиш даражаси соғлиқни сақлаш объектларига, қария ва ногиронлар уйлариغا, мактабгача тарбия муассасаларига, болаларнинг дам олиш уйлари, лагерь, маданият ва спорт объектлари, уй-жой фондиди сақлаш билан, озиқ-овқат, бинокорлик материаллари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг 30 фоизига, алоқа корхоналарига капитал маблағ сарфларининг корхоналар тасарруфида қолдирилган даромадлар қопламайдиган миқдорни пул билан таъминлаш учун берилган кредитни тўлаш мақсадида фойдаланилган даромад суммасига, табиатни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажаришга, янги технологиялар ва маҳсулот турларини ўзлаштиришга қилинаётган харажатларнинг 30%, ўтган йилга нисбатан озиқ-овқат, маҳсулотлари, халқ истеъмоли буюмлари, болалар буюмлари физик ҳажмларини оширганлиги ҳисобига олган даромаднинг 20 фоизига, муҳофаза, авария-қутқарув бўлинмаларининг моддий-техника базасини тайёрлашга қаратилган харажатларнинг 30% гача камайтирилади. Шундай қилиб солиқ тизими давлат бюджетига ундириладиган солиқлар тури мажмуи, уларни йиғиб олиш йўллари ва усулларини ташкил этиш тушунилади.

2. Солиқ ставкаларини турлари, солиқларнинг гуруҳлари ва солиқ декларацияси

Давлат ўз вазифаларини бажариш учун, моддий асосга, яъни ўз бюджетига эга бўлмоғи шарт, у эса солиқ тизимининг ҳаракати натижасида шаклланади.

Давлат солиқ солиш шартларини аниқлайди. Улар қуйидагилардан иборат: а) солиқлар давлат томонидан белгиланиб, иж-

тимой эҳтиёжларини қондирлшга хизмат қилади; б) солиқлар ставкасини давлат бир томонлама тартибда белгилайди, бунда у солиқ тўловчиларнинг ҳам фикрига иложи боришча эътибор бериши керак, солиқларда доимо куч (хоҳиш) элементи ҳукм суради, яъни давлатнинг ҳоҳиши билан солиқлар белгиланди; в) солиқларни ташкил этиш ва ундириш ҳуқуқи, қондалар асосида амалга оширилади. Солиқлар тизимини ўрганишда солиқ олиннадиган ва солиқлар олинмайдиган даромадларга ажратиб ўрганиш лозим.

Солиқ олиннадиган даромадлар маълум, бу корхона ва шахсларнинг ялпи даромадидан олиннадиган солиқдир. Солиқ олиннадиган даромадни, албатта аниқлаш керак. Яъни ялпи даромадга бериладиган энгилликлар ва бошқа имтиёзларни эътиборга олиш керак бўлади. Корхона ва шахслардан солиқ олинганда бериладиган имтиёзлар ўз ичига пенсия, нафақа, заём ва лотерея ютуқлари, омонат кассаларда қўйилган пулларга тўланадиган фоизлар, суғурта қопламалари ва бошқаларни қамраб олади.

Республикада олиннадиган солиқ даражаларни қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- пропорционал ставка,
- прогрессив ёки ўсиб боровчи ставка,
- регрессив ставка.

Пропорционал ставка асосан солиқ объектдан қатъий ягона фоиз ёки сўм ва тийинларда солиқ олинади. Масалан, уй-жой, мол-мулклардан олиннадиган солиқ.

Прогрессив яъни ўсиб боровчи ставка, асосан объектларнинг қиймати ўсиб бориши билан олиннадиган солиқ фоизлари ҳам ошиб боради. Масалан, жисмоний шахслар даромадидан олиннадиган солиқлар 4 апрель 1996 йилдан бошлаб 800 сўмгача бир ойлик маошдан юқорисини ўсиб боровчи ставкаларда яъни ойлик маоши 801—1200 сўмгача 15 фоиз; 1201—2000 сўмгача 25 фоиз ва 2001 сўмдан юқорисига 40 фоиздан даромад солиғи ундирилади.

Регрессив ёки ўсиб боровчи солиқ ставкаси корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш ҳажми даромадини ёки аҳолининг меҳнат қилиш даражаси ва олаётган ойлик маоши қанчалик пасайиб бурса, уларни тўлаётган солиғининг ҳажми шунчалик ўсиб боради.

Солиқларни маълум гуруҳларга бўлиш солиқ тизимини ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрнига қараб амалга оширилади. Солиқларни иқтисодий моҳиятига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Иқтисодий моҳиятига қараб бевосита ва билвосита ёки тўғри ҳамда эгри солиқларга бўлинади. Бундай солиқларни йиғувчи идоралар ҳам тўловчи идоралар ва шахслар ҳам олдиндан билди. Тўғри солиқларга корхона ва ташкилотлар даромади, мол-

мулк солиғи, транспорт воситалари солиғи, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи фонди солиғи, аҳолдан даромад солиғи, қурилиш ва ер солиғи киради. Тўғри солиқлар иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб ишлаб чиқариш ҳажмини ошири, даромадни кўпайиши, моддий харажатларни пасайишига таъсир этади. Тўғри солиқ орқали давлат солиқ тўловчиларнинг иқтисодий аҳолидан донмо хабардор бўлиб туради. Солиқ тузувчи ташкилотларнинг иқтисодий аҳолига қараб тўғри солиқ тушуми шунчалик унумли бўлади.

Тўғри солиқлар моддий харажатларни, мол-мулкларни, меҳнат ва пул ресурсларини тежашни таъминлайди.

Эгри солиқлар асосан бозор муносабатлари моҳиятидан келиб чиққан бўлиб, унга қўшилган қиймат солиғи чекланган товарларга акциз солиғи, четга чиқарилаётган товарларга, хом ашёларга солинадиган солиқлар ва экспорт-импорт солиқлари киради. Эгри солиқларнинг иқтисодий моҳияти шундан иборатки, бу солиқлар гуруҳи товарлар ёки хом ашёлар оборотидан сўнг давлат бюджетига тушади, пулни муомала вазифасини мустақкамлаш, пулнинг қадрсизланишини олдини олишни таъминлайди.

2. Солиқлар келиб тушиш манъбаларига қараб юридик ва жисмоний шахслардан, яъни корхона ва аҳолидан олинadиган даромадларга бўлинади. Корхоналардан олинadиган (юридик, шахс) солиқларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, даромад солиғи, мол-мулк солиғи, ташқарига чиқарилаётган мол-мулклар, хом-ашёлар ва товарларга тўланадиган солиқлар, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи фонди солиғи, транспорт солиғи киради. Жисмоний шахслардан яъни аҳолидан олинadиган солиқларга даромад солиғи, қишлоқ аҳолисидан олинadиган қишлоқ хўжалиғи солиғи, транспорт солиғи ва ер солиғи ҳам киради.

3. Бюджетга тушиш нуқтаназаридан давлат солиқлари ва маҳаллий солиқларга бўлинади. Давлат бюджетига тушган солиқлар қайта тақсимланади. Маҳаллий бюджетига тушган солиқлар ўша иқтисодий минтақа (ноҳия, шаҳар, вилоят) мақсадлари учун фойдаланилади.

Солиқ декларацияси, бу асосан солиқ идоралари томонидан жорий қилинган солиқ фондларини, солиқ тўлаш миқдорини кузатиб боришни таъминловчи ҳужжатдир. Ўзбекистон фуқаролари ҳам маълум бир вақтда (бир йил ичида) фуқаролардан олинadиган солиқлар тўғрисидаги қонунга кўра, солиқ декларациясига асосан солиқ тўлайдилар. Солиқ тўловчилар ўтган йилги даромадлари ва бу йилги харажатларини кўрсатиб, солиқ декларациясини тўлдириб солиқ идораларига топширишлари керак. Шунга асосланиб, солиқ идоралари солиқ тўланадиган йиллик даромаднинг солиқ фойзини ёки суммасини белгилаб берадилар.

3. Давлатнинг солиқ сиёсати

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан сўнг унинг солиқ юритиш сиёсатида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Республикани бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан 14 январь 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Қорхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг солиқлари тўғрисидаги қонунига ўзгартиришлар ва тўлдиришлар» деган ҳужжати асосида эгри солиқлар гуруҳи шаклланди. 1992 йилгача қўлланилган корхона ва ташкилотларнинг асосий солиқларидан бири фойдадан ажратма ўрнига, ялпи даромаддан, даромад солиғи, оборот солиғи, ўрнига қўшилган қиймат солиғи янгидан чекланган товарларга акциз мол-мулк солиқлари киритилди. Бундай ўзгаришларни киритишига сабаб, республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиши ва иқтисодий қонун ва категорияларни ҳамда ҳуқуқий муносабатларнинг таъминлаб берилишидир.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган Ўзбекистон республикаси учун эски солиқ муносабатлари тўғри келмайди. Масалан, иш ҳақини бозор иқтисодиёти жараёнида корхоналарнинг ўзлари белгилайдилар. Иш ҳақини ўсиши фойдадан тушаётган даромадни камайтишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ялпи даромад солиғи ўрнига даромад солиғи киритилди. 1993 йил 10 январдан бошлаб қуйидаги солиқлар бўйича қонун кучга кирди. Қорхоналар даромади солиғи, қўшилган қиймат солиғи, чекланган товарларга акциз солиғи, мол-мулк солиғи, республикадан ташқарига хом-ашё ресурслари ва тайёр маҳсулотлар солиғи, экспорт-импорт солиғи, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи фонди, транспорт солиғи, аҳолидан олинадиган даромад солиғи, қурилиш ва ер солиғи ва бошқалардан иборат.

Давлатнинг солиқ сиёсати ички ва ташқи иқтисодий ижтимоий ва сиёсий аҳволни эътиборга олган ҳолда солиқ муносабатларини ташкил этиш борасида кўраётган чора ва тадбирлар йўналишидан иборатдир.

Солиқ сиёсати иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисмидир. Солиқ сиёсатининг республикада мустаҳкам ва муваффақиятли ишлаши уни илмий-назарий асосда шаклланишга боғлиқдир. Республикада солиқ сиёсати Республика Президентини И. А. Қаримовнинг иқтисодий ривожланишининг беш тамойили, устувор йўналишлари асосида шаклланиб бормоқда.

Солиқ сиёсатининг асосий йўлларида бири корхона ва ташкилотларга нисбатан тўғри солиқ сиёсатини шакллантиришдан иборат. Бу солиқлар корхона ва ташкилотларга хизмат қилишлари керак. Шунинг учун ҳам улар тўлайдиган солиқлар демократик асосда Олий Кенгаш тасдиқлаб берган солиқлар бўлиши лозим.

Иккинчи йўналиш солиқ спёсатига кучли ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш асосида ёндошиш лозим.

Бу солиқлар стратегиясига ва тактикасига боғлиқдир. Стратегия — узоқ муддатга мўлжалланган мақсад бўлиб унга эришиш йўллари солиқлар тактикасини шфодалайди. Масалан 1991 йил 14 февралда «Ўзбекистон фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олиннадиган даромад солиғи тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Утмишда қўлланиб келинган даромад солиғи тўғрисидаги қонуннинг камчиликлари мавжуд эди. Хусусан, солиқ жараёнида аҳолининг йиллик даромади тўлиқ ҳисобга олинмас эди. Амалда шундай ҳоллар бўлар эдики, киши бир неча иш жойида меҳнат қилиб, бир иш жойи бўйича даромад солиғи тўлар эди. Ваҳоланки, кейинги чиқарилган қонун энди аҳолидан умумий даромадидан солиқ солишни таъминлайди.

Худди шунинг учун ҳам кўпроқ ижтимоий адолат йўналишига бўлган ва ҳамма республика фуқароларига нисбатан тенг тарзда қўлланиладиган даромад солиғи ташкил этилди.

Ушбу қонунга асосан доимий истиқомат жойига эга бўлган фуқароларни республикамиз ҳудудида, шунингдек, унинг ташқарисида ҳам пул ёки натурал тарзда олган даромадлари солиқ солиш объекти ҳисобланади. Республикамизда доимий истиқомат жойига эга бўлмаган фуқароларнинг даромадлари Ўзбекистондаги манъабалардан олинган бўлса, бу даромадларга ҳам солиқ солинади. Бу ижтимоий адолат ва иқтисодий тенгликни таъминлайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг иккинчи босқичида Республикамизда солиқ спёсатини янада такомиллаштириш уни жаҳон давлатлари андозаларига жавоб беришни таъминлаш иқтисодиётимизни мустаҳкамлашга, уни барқарорлаштиришга, молниявий аҳволни яхшилашга асос бўлади. Бозор иқтисодиётига мос келадиган солиқ тизимларининг шаклланиши иқтисодий ислоҳотларни тўғри ва юқори савияда олиб боришни таъминлайди.

Солиқлар бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджетининг энг асосий манбан ҳисобланади. Солиқлар тизими давлат иқтисодиётини ривожланиши учун, давлат бюджети учун зарур бўлган маблағларнинг тўпланишини таъминлайди.

Солиқлар тизими доимий равишда аниқ бир мақсадда, иқтисодий тараққиётни кўзлаб такомиллашиб боради. Солиқ тизими миллий маҳсулотнинг маълум қисмини қайта тақсимлашда ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз И. А. Қаримов «Солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси — ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё, табиий, молниявий ва меҳнат ресурсларидан тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўр-

сатишдир»⁷ деган эди. Бозор иқтисодиётига ўтиш борасида олиб борилаётган ислохотнинг иккинчи босқичида, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, корхоналарнинг солиқ тўлаш тизимини такомиллаштириш асосида солиқ тўлашни камайтириш вазифаларини ҳал этишга қаратилгандир. Мақсад корхоналар ўз маблағларига ишлаб чиқаришни кўламини кенгайтириш ва ходимларини ижтимоий ҳимоялашнинг иқтисодий мавқега эга бўлишлари керак. Шунинг учун ҳам даромад солиғидан фойдадан ундириладиган солиққа ўтиш солиқ юкини камайтиргани ҳолда, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш имкониятини яратади.

Товарларга қўшимча қиймат солиғини камайтириш, мол-мулк солиқларнинг вазифасини ошириш аҳолидан ундириладиган солиқларнинг прогрессив тизимларини жорий этиш ҳам катта иқтисодий аҳамиятга эгадир. Табиат бойликларидан самарали ва оқилона фойдаланиш учун, табиатни муҳофаза қилишни таъминлаш учун солиқ тизимидан фойдаланиш масалаларига катта эътибор берилади.

⁷ Қаримов И. Ўзбекистон — иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995, 205 бет.

1-б-б. ТАДБИРҚОРЛИҚ ВА ҚОРХОНАНИНГ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИДАГИ УРНИ

1. Қорхона бозор муносабатларининг субъекти ва объекти сифатида

Уй хўжалиги, фирма ва давлат бозор иқтисодиётининг субъектларидир.

Бозор иқтисодиёти ўз иқтисодий агентлари ҳаракат фаолиятининг самарали шаклини илгари сурди. Фирма — қорхоналарга эгаллик қилувчи ва хўжалик фаолиятини олиб боровчи ташкилотдир. Айрим фирмалар битта, айримлари эса бир нечта қорхоналарга эгаллик қилиши мумкин.

Қорхона бу ижтимоий меҳнат тақсимотининг бирламчи нуқтаси бўлиб, товар ишлаб чиқарувчи сифатида ўз ҳаражатларини қоплаб, такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи сифатида миллий иқтисодиётнинг асосий бўғинидир.

Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор усулига ўтиши қорхонанинг иқтисодий тизимдаги турган ўрни ва аҳамиятини тубдан ўзгартиради. Янги иқтисодий муносабатлар шароитида қорхона юқорининг қарорини бажарувчи, бошқарилувчи объектдан хўжаликдаги тенг ҳуқуқли объектга айланади.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, алоҳида қорхоналарнинг фаолиятига боғлиқ. Миллий иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий — буйруқбозлик тизими алоҳида қорхоналар фаолиятининг натижаларига тегишли аҳамият берилмаган бўлса, бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг, иқтисодий фаолиятига боғлиқ бўлади. Шунингдек, қорхоналарнинг турли ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий шаклларини ривожлантириш, уларга тўлиқ иқтисодий эркинлик бериш, юқори бошқарув ташкилотларини, монополистик таркибларни тугатиш, йнриқ қорхоналар билан бир қаторда, жуда кўп ўрта ва кичик қорхоналарни ташкил этиш бозорга ўтишнинг зарурий шартидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, моддий неъмат ишлаб чиқариш иқтисодий муносабатларнинг юзага келиши ва шаклланиши умумхалқ, жамоа ва шахсий манфаатларининг қўшиливи айнан қорхонада амалга ошади. Қорхона ишлаб чиқарувчи кучлар амал қилишининг ижтимоий шакли бўлиб, унда ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларининг қўшилиши амалга ошади. Ижтимоий

меҳнат тақсимотининг алоҳида бошланғич бўғинидир. Шунга кўра, корхона бу биринчидан, умумий иқтисодий манфаатлардан маълум ишлаб чиқариш жараёнида, меҳнатнинг кооперациялашувида ўзаро боғланган кишилар жамоаси иккинчидан, маълум маҳсулот тайёрлашга асосланган ишлаб чиқариш воситалари мажмуидир. Корхонага, чунончи, техник ишлаб чиқариш ва техникташкилий бирлик ва алоҳидалик хосдир. Лекин корхонанинг ижтимоий меҳнат тақсимотининг бошқа бўғинларидан ажратиб турувчи белгиси, унинг иқтисодий алоҳидалигидир. Бу корхона ресурсларининг алоҳидалиги ва унинг тўла мустақил айланиши, ўз маблағи ҳисобига ҳаражатларини қоплаши ва ишлаб чиқариш натижаларини тўлиқ ўзлаштириши асосида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг яқунланишида юзага чиқади.

«Иқтисодий алоҳидалик», «Иқтисодий мустақиллик», «Оператив хўжалик мустақиллиги» тушунчалари корхонага нисбатан ишлатилганда тенглаштирилади. Бу категориялар ўзаро боғлиқлиги билан бир вақтда, ижтимоий муносабатларнинг турли даражаларини акс эттиради.

Иқтисодий алоҳидалик — мулкчилик муносабатига кўра юзага келиб, турли корхоналарда ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчиликнинг чегараланиши ва ишлаб чиқариш натижаларига асосланади. Иқтисодий алоҳидалик — тўла иқтисодий ва оператив хўжалик мустақиллигини талаб қилади.

Хўжалик субъекти имкониятларига кўра юзага келувчи иқтисодий мустақиллик ўз навбатида ташкилий иқтисодий фаолиятга таъсир кўрсатади. Бу ерда, субъектнинг, турли таркибий бўғинларида ўзаро бошқариш вазифасининг тақсимланишидан, бошқарув усулидан боғлиқлиги намоён бўлади. Иқтисодий мустақилликнинг мезони бўлиб иқтисодий самарадорлик хизмат қилади. Масалан, турли хўжалик ва ишлаб чиқариш бирлашмалари, ўзини мустақиллиги ва ҳуқуқини чегараланган ҳолда унга кирган корхоналарни тенг шароитда ҳар қайси корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

Оператив — хўжалик мустақиллиги — ҳуқуқий муносабатлар категорияси бўлиб, бу юридик қонунларда ифодаланган иқтисодий мустақилликдир. У, корхона юридик шахс хусусиятларига, ўзининг низомига, мустақил даромадлар ва ҳаражатлар балансига, банкда ўз ҳисобига шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлганда юзага чиқади.

Иқтисодий алоҳида бўлган корхона бошқа корхоналар билан ўз муносабатларини маҳсулотларини алмашиш асосида, яъни мустақил товар ишлаб чиқарувчи сифатида кўради. Бу дегани биринчидан, корхона томонидан тайёрланган маҳсулот товар шаклини олади. иккинчидан, корхоналар ўртасидаги ўзаро хўжалик алоқалари бозор асосида бўлади.

2. Корхона иқтисодий фаолиятини ташкил этиш асослари

Мустақил товар ишлаб чиқарувчи сифатида корхоналар, ўз хўжалик фаолиятларини «Корхона тўғрисидаги», «Солиқлар тўғрисидаги», «Мулкчилик тўғрисидаги» қонунлар асосида олиб борадилар.

«Ўзбекистонда корхоналар тўғрисидаги» қонунда корхоналарнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хўжалик юртишнинг қондалари белгилаб берилган. Унда корхоналар мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик юртишда тенг ҳуқуқлилиги қайд қилинган.

Қонунга мувофиқ корхона ўз фаолиятини истеъмолчи ва ишлаб чиқариш воситаларни етказиб берувчилар билан тузган шартнома асосида мустақил режалаштиради. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотига талабни ҳисобга олинган ҳолда келажакдаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишини таъминлаш, ишчиларни даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этади.

Ихтиёрий ва танлов асосида давлат буюртмасини олади, мустақил ёки воситачи ёрдамида бозор конъюктурасини, шеригини потенциал имкониятларини, бозордаги баҳолар даражасининг ўзгаришини ўрганади. Ресурсларни эркин сотиб олиш йўли билан ўз ишлаб чиқаришининг моддий-техник таъминотини, инвестицияларни амалга оширади.

Маҳсулотини истеъмолчи билан келишилган ёки мустақил белгиланган баҳоларда сотди. Мустақил равишда ташқи иқтисодий фаолиятни, ўз-ўзини бошқаришнинг ташкилий шаклини, иш ҳақи миқдори ва тизимини, давлат бюджетни билан ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг қолган соф маҳсулотини ишлатиш йўналишларини белгилайди. Лекин, корхона давлат ва фуқаролар ҳуқуқий манфаатларини таъминлашда, шартнома мажбуриятларини бажаришда тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Ҳозирги шароитда бозор иқтисодиётининг асосий шартни бўлган эркин товар ишлаб чиқарувчиларни шакллантириш учун давлат корхоналарини унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш зарур. Натижада, ишлаб чиқариш воситаларига ўзаро тенг ҳуқуқли бўлган турли мулк шаклларига асосланган корхоналар юзага келишига шароит яратилади.

Давлат корхоналари асосан халқ хўжалигининг таянч корхоналарида, транспорт, инфраструктуранинг асосий тармоқларида фаолият кўрсатиши мумкин. Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш борасида аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида 1.01.96 йил ҳолатига Республикамизда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий миқдорида давлат мулкига тегишли бўлмаган корхоналарнинг ҳиссаси 82,3%, хусусий корхоналарнинг ҳиссаси эса 36,4% ни ташкил этди.

Давлат мулкни хусусийлаштириш жараёни иқтисодиётимиз

учун турли мулк шаклларидаги корхоналарнинг яъни, ижара, акционерлик, оилавий, қўшма корхоналар, концернлар каби шакллари ни юзага келишига шароит яратади.

Ижара келишона — мол-мулкни шартнома асосида маълум тўлов эвазига маълум муддатга фойдаланиш учун ёллаш орқали ташкил этилган корхона шаклидир. Ижара ҳақи мулк эгаси мол-мулкнинг қиймати ва келтириладиган даромадга боғлиқ бўлиб, ўзаро келишувга асосан белгиланади.

Ривожланган мамлакатларда ер, уй-жой, саноат ва савдо корхоналарини ижарага бериш ва олиш кенг тарқалган.

Ушбу турдаги корхоналар фаолиятининг юридик асосини «Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Ижара тўғрисида» ва «Корхона тўғрисида» қонунлар ташкил этади.

Ўзбекистоннинг «Корхона тўғрисида»ги қонунига мувофиқ корхоналар ва ташкилотларга бино, қурилиш, транспорт воситалари, хом ашё ва бошқа моддий бойликларни вақтинча ижарага бериш ҳуқуқига эга. Ҳозир халқ хўжалигининг турли соҳаларида ижара корхоналари фаолият юритмоқда.

Акционерлик корхона — турли ва айрим корхона, ташкилот, банк компания ва айрим шахслар маблағларини шерикчилик асосида ва соҳибкорлик мақсадида бирлаштирган корхона ёки жамиятдир. Акция эгалари ширкатчилар дивидент шаклида даромад олади.

Ҳиссадорлик корхонаси капитали пул шаклида таркиб топади ва ўзининг номинал миқдорига тенг улушларга бўлинади. Бу улушлар акциялар шаклида бўлади.

Акция — ҳиссадорлик корхонаси жамияти чиқарган қимматбаҳо, қоғоздир. Акция эгасининг шу жамият мамлағига қўшган ҳиссаси ва шунга мувофиқ топилган фойданинг бир қисmini дивидент тариқасида олишини, уни бошқариб туришда қатнаша олишини тасдиқлайди.

Ҳиссадорлик жамияти таъсис этилганда акциянинг сотиладиган дастлабки парчи акцияни номинал қиймати дейилади. Акциялар оддий ва имтиёзли бўлади. Оддий акцияларга, дивидент олинмаган фойдасига қараб берилади, лекин акция эгаси ҳиссадорлар мажлисида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади.

Имтиёзли акцияларга дивидент олинган фойдага қараб эмас, олдиндан белгиланган қатъий фондларда берилади, аммо акция эгаси ҳиссадорлар мажлисида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Бундай акциялар қоидага кўра ҳиссадорлар жамияти устав фондидининг 10 фоизидан ортиқ миқдорда чиқарилиши мумкин эмас. Ҳиссадорлик жамиятида биринчи навбатда имтиёзли акциялар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган маблағ оддий акция эгаларига тақсимланади.

Ҳиссадорлик жамиятини икки тури мавжуд:

а) Епиқ ҳиссадорлик жамияти — жамият акциялари фақат унинг таъсисчилари ўртасида тақсимланади;

б) Очиқ ҳиссадорлик жамияти — жамият акциялари эркин сотилади ва сотиб олинади.

Умуман олганда ҳиссадорлик жамиятлари эркин капиталларни марказлаштириш шакли бўлиб, шу билан бир қаторда аҳоли кенг қатламларининг жамғармаларини сафарбар қилиш, уларни капиталга айлантириш воситасидир. Ўзбекистонда давлат мулки унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг акционерлик шакли деб эътироф этилган. Зеро, хўжалик юртишнинг акционерлик шаклининг устуң тарафлари қўйидагилардан иборат.

Акция эгаларининг даромадлари, ҳиссадорлик корхонаси фаолиятини пировард натижаларига боғлиқ бўлади, ундан ташқари ҳиссадор бўлган ходимларда бевосита корхона фаолиятини бошқаришда иқтисодий манфаатдорлик ортиб боради; корхоналарда молиявий ресурслар ва аҳолини вақтинчалик бўш пулларини ўзида окумуляция қилиш имкониятини беради, ўз навбатида бу ҳол миллий иқтисодиёт бўйича ресурсларнинг тез айланишига шароит яратади ва ходимни шахсий манфаатини жамоа манфаатлари билан уйғунлашига имкон беради; ишлаб чиқариш цикли бўйича ўзаро боғлиқ корхоналарни кооперациялаш орқали юқори даражада яқинлашишига, бир-бирларини фаолиятини пировард натижалардан манфаатдорлигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя этиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришни устивор йўналишлари тўғрисида» фармонлари мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёнига сифат жиҳатидан янги туртки бўлди. Ушбу фармонларни бажариш борасида Республика Вазирлар маҳкамаси «Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш давлат дастури» қабул қилди. Юқорида қайд қилинган қарорда давлат корхоналари ҳамда ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларини, очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш назарда тутилган эди.

Ўзбекистон Республикасида 1.01.96 йил ҳолатига давлатга қарашли бўлмаган корхоналарнинг 6,7% акционерлик корхоналаридир.

Концерн — йирик кўп тармоқли уюшма, концерн таркибига саноат, транспорт, савдо, банк соҳаси корхоналари кирган бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда концернга дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида жойлашган ўнлаб ва юзлаб корхоналар киради. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан моддий

ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган тармоқ вазирликлари ўрта-сида йирик концернлар ташкил этилмоқда.

Қўшма корхона — жумҳурият ичкарисида ташқи ҳамкорлар иштирокида ўзаро манфаатдорлик асосида қуриб, ишга туширилган корхонадир. Қўшма корхоналар давлатлар, ҳукуматлараро шартномалар асосида ташкил этилиб, ишлаб чиқариш, илмий-ишлаб чиқариш, фан-техника хизмат ва хўжалик фаолиятини амалга оширадилар. Улар саноатда, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, савдо, фан ва илмий иқтисодиётнинг бошқа кўп соҳаларида тарғиб топшиши мумкин. Ҳозир Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва туманларида чет давлатлар билан ҳамкорликда кўплаб қўшма корхоналар қурилмоқда.

Ўзбекистон тарафидан давлат корхоналари ва ташкилотлари, жамоа корхоналари, акционерлик жамиятлари, ижтимоий ташкилотлар, истиқболда эса айрим фуқаролар ҳам бўлиши мумкин.

Қўшма корхоналари ташкил этиш Ўзбекистонлик иштирокчиларга устав фондидаги улушига биноан фойда олиш ва у мустақил равишда корхона йўналтириш илғор техника ва технологияга, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни янги шаклларидаан фойдаланиш маркетингга тадқиқотларини реклама ва маҳсулотни сотиш, ички бозорни товар билан тўлдириш имкониятларини беради. Чет эллик иштирокчиларини эса арзон иш кучининг мавжудлиги, капиталдан самаралироқ фойдаланиш ва маҳсулотни сотиш имкониятларининг мавжудлиги қизиқтиради. Қўшма корхонани барио қилишда ва унинг фаолиятини таъминлашда «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида», «Қорхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинган солиқлар тўғрисида» қонун ва уларга тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирда Ўзбекистонда 150 га яқин қўшма корхоналар мавжуд, уларнинг ичида энг йириклари Асакадаги «ДЭУ», Ўзбекистон Италия қўшма корхонаси «СОВПЛАСТИТАЛ», Ўзбекистон Хитой қўшма корхонаси «СОВИНТЕРН» ва шу қабилар.

Фирма ходимларнинг сони, маҳсулотларнинг ҳажми, йиллик капитал оборотига қараб кичик, ўрта, йирик корхоналарга бўлинади. Бу бўлинишни асосида маълум миқдорий мезон ётади. Масалан: АҚШ да ишлаётган ходимлар сони бўйича қуйидаги корхоналар фарқланади:

- энг кичик корхоналар (20 кишидан ошмаслиги керак).
- Кичик корхоналар (99 кишидан ошмаслиги керак).
- ўртача корхона (500 кишидан ошмаслиги керак).
- йирик корхоналар (500 дан ортиқ кишилар).

Капиталнинг йиллик айланиши кўрсаткичи бўйича Германияда корхоналар асосан қуйидагича бўлади:

- кичик (йиллик обороти 25 минг маркагача)
- ўрта ва йирик (обороти 25 минг маркадан ортиқ)

Хўш кичик корхоналар Республикамиз иқтисодиётида қандай ўрин тутади?

Бозор муносабатларини шакллантиришда кичик корхоналар муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда бозор конъюктурасига тез мослашадиган майда корхоналарнинг сони АҚШ да 20 миллионга, Японияда 9 млн., Ҳиндистонда — 12 млнга етди. АҚШ да масалан, 20 тагача ишчиси бўлган корхоналарнинг сони 3 млдан ортиқроқ бўлиб, улар мамлакат ялпи миллий даромадининг 20 фоизини бермоқда. Бу ерда 1,5 млн, чақана савдо корхоналарининг 80 фоизиде 20 тагача киши меҳнат қилади. Кичик корхоналар бошқа мамлакатларда бирон бир оила капитални асосида ташкил қилинган бўлиб, қолган 7—15 таси эса ёлланма ишчилардан иборатдир. Шунинг учун ҳам уларда майда корхоналар одатда хусусий бизнес объектидир.

Кичик корхоналар нафақат бозор конъюктурасига нисбатан ҳаракатчан ва эфчил. Шу билан бирга улар янги технологияни тез қабул қилиб олишга қодир. Уларни ташкил этиш нисбатан осон бўлиб, қулайлиги шундаки, улар нархлар снёсатида бозор механизмига, солиқ тизимида эса маълум имтиёзларга асосланган. Олмонияда масалан, бир йилда оладиган фойдаси 3 млн маркадан ошмайдиган майда соҳибкорлик учун солиқ ставкаси йирик фирмаларга нисбатан 50 фоиз пастдир. Агар йиллик фойда ҳажми 3—5 млн. марка бўлса, унда йирик фирмаларга нисбатан 30 фоизга камроқ солиқ ундирилади. Шунини таъкидлаш лозимки, майда корхоналарни ривожлантиришда жумҳуриятимиз ривожланган мамлакатларга нисбатан орқададир.

Жумҳуриятимизда кичик корхоналарни вужудга келтириш алоҳида аҳамиятга эга. У қуйидагилар билан шартлангандир:

- меҳнатга лаёқатли аҳолини, айниқса қишлоқ жойлардаги ишсизларни иш билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди;
- тез бузиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда бу турдаги корхоналар жуда қўл келади;
- бозорини халқ истеъмоли моллари билан таъминлашда умумий овқатланиш тизимини кенгайтириш ва улар ишининг сифатини яхшилашда корхоналарнинг роли беқийёсдир.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш шароитида Ўзбекистон кичик корхоналарни ривожлантириш учун миллий иқтисодиётимизни барча тармоқларида уларни ташкил этишни бутун чоралар билан ривожлантириш зарур. Бунинг учун уларга маълум имтиёзлар жорий этиш, майда соҳибкорликка давлат томонидан ёрдамни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, қурилишга, реконструкцияга, техника ва технологияни янгилашга сарфланадиган майда корхоналар фойдасидан солиқ ундирмасдан эскирган асбоб

ускуналарни тиклаш учун амортизация меъёрини ошириш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган, халқ истеъмоли моллари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган ва таъминлаш-қурилиш ишларини бажарадиган кичик корхоналар ўз фаолиятининг дастлабки икки йилли мобайнида бутунлай даромад солиғидан озод этиш.

Кичик корхоналарни ривожлантириш муаммоси кўп жиҳатдан маҳаллий ҳокимиятларга ҳам боғлиқ. Улар кичик корхоналар ривожланиши учун олдин имтиёзли шaroит яратиб кейин эса улардан эҳтиёж учун самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки кичик корхоналар фойдасидан ундириладиган солиқнинг ярми маҳаллий бюджетлар харажати учун ишлатилади.

Майда корхоналарни ривожлантиришда яна бир муҳим муаммоларни иш фаолиятларини мувофиқлаштириб, бошқариб туриш масаласи. АҚШ да ҳукумат ҳузурда майда бизнес маъмурияти иш кўради. Унинг биргина марказий аппаратида мингдан ортиқ кишилар ишлайди, мамлакат бўйича фаолият кўрсатади. Бизда ҳам, масалан, молня, саноат вазирликлар негизида ана шундай тармоқлар органи тузилиши бу ишни янада ривожлантириш, уни маънавий бошқариш имкониятини берар эди.

3. Тадбиркорликнинг ташкилий шакллари

Тадбиркорлик — пул топиш мақсадида ва масъулиятни зиммасига олган ҳолда бирон иқтисодий фаолият билан шуғулланишидир. Ўзбекистонда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик» тўғрисидаги қонунда, тадбиркорлик — мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкний жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир деб таъкидланган.

Ривожланган мамлакатларда тадбиркорликни ташкил этишнинг якка эгаллик шерикчилик, корпорация шакллари фарқланади.

Якка эгаллик — тадбиркорликни ташкил этишнинг шундай шаклики, бунда инсон ўз манфаатларини кўзлаб фаолият олиб боради ва бу фаолиятни учун ўзи тўлалигича жавобгар ҳисобланади. Тадбиркорликни ташкил этишда якка эгаллик шаклининг устун тарафи хўжайин — мулк эгасининг хўжалик юритиш устидан тўла назорат ўрнатishi, камчилик тарафи эса капитал ҳажмининг кичиклиги, хўжайин — мулк эгасининг фойда, зарар, қарзларга тўлалигича масъул эканлигидадир. Ривожланган мамлакатларда тадбиркорликнинг ушбу шакли кенг ёйилгандир. 1990 йилда Америка иқтисодиётида мавжуд фирмаларнинг 68,4% и якка эгаллик асосида иш олиб борган.

Шерикчилик — тадбиркорликни ташкил этишнинг шакли бўлиб, унда икки ва ундан ортиқ тадбиркорлар хўжалик юритиш фаолият

ти бўйича қарор қабул қиладилар ва ушбу фаолният бўйича тўлиқ жавобгар ҳисобланадилар. Шерикчилик якка эгалликка хос бўлган биринчи камчиликни бартараф этади. Аммо унда шериклар фойда, зарар ва қарзлар бўйича бир хил даражада жавобгар ҳисобланади. Масъулияти чекланган шерикчилик ҳам мавжуддир. Бунда шерик капиталини маълум чекланган миқдорда қўйиши ва корхонани бошқаришда қатнашмаслиги мумкин. Ривожланган мамлакатларда шерикчилик, медицина, брокерлик ва шу каби соҳаларда кенг ёйилган. Хусусан АҚШда уларни сони 1 млн. га етди.

Корпорация — тадбиркорликни ташкил этишнинг акционерлик мулкка асосланган шакли, унда тадбиркор мулк эгаси ва мулкдан ажратилган, унинг молиявий жавобгарлиги чекланган бўлади. Корпорация деган сўз бирлашма ҳамжамияти маъносини англатади. Унинг устунлиги акцияларни сотиш орқали катта ҳажмда капитални жалб эта олишидadir. Ундан ташқари корпорация эгалари (ҳиссадорлар) фирма мажбуриятлари бўйича моддий жавобгар ҳисобланмайдилар, улар фақат акцияларни сотиб олишга сарф қилган пуллари билан таваккал қиладилар. Тадбиркорликни ташкил этишнинг корпоратив шакли амалдa йирик капиталларнинг зарурияти, йирик миқёслардаги ишлаб чиқариш ва юқори даражада таваккалчилик шароитида ўз муваффақиятини кўрсатди. Акция эгаларининг ҳаммасини корпорацияни бошқаришда қатнаша олмаслиги, фирмалар фаолнати устидан назорат қила олмаслигини (буларни амалга ошириш учун 20% атрофида акцияга эга бўлиш лозим), корпорациянинг камчиликлари деб эътироф этиш мумкин. Корпорациялар ғарб мамлакатларида, айниқса АҚШда кенг тарқалган. Ҳозирги даврда АҚШда нодавлат шўъбасида 3,5 млн. корпорациялар мавжуд бўлиб ушбу шакл деярли ҳамма тармоқларда катта улушга эгадир. 50 млн. америкалик акцияларга эгадирлар, улардан 30 миллионни америка андозаларига қараганда юқори бўлмаган йиллик даромадга (15 дан 50 минг долларгача) эга инсонлардир.

Ҳар бир иқтисодиётда давлат сектори мавжуд. Давлат мулкка кирадиган ёки акцияларни назорат пакетига эгаллик қилиш воситасида унинг назоратидаги корхоналар миллий иқтисодиётнинг давлат шўъбасини ташкил этади. Ҳар хил мамлакатларда унинг иқтисодиётдаги хиссаси ҳар хил, АҚШ да 3—4%, Ғарбий Европада унинг ЯММ да улуши 15—17% ташкил этади. Шу нуқтан назардан биз давлат тадбиркорлиги мавжуд дея оламиз.

Ўзбекистонда тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатлар «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида» ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий қондалари қуйидагилардан иборат:

— қонун билан таъқиқланмайдиган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорнинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш эркинлиги;

— тадбиркорнинг хўжалик фаолиятини юритишдаги ва фаолият маҳсулини тақсимлашдаги мустақиллиги;

— тадбиркорларнинг барча турдаги ишлаб чиқариш — хўжалик фаолиятини юритишда мулк шаклларида қатъий назар, қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги;

— тадбиркорликни амалга ошириш ва ҳодимлар ёллашнинг ихтиёрлиги;

— даромад олишнинг манбалари ва усуллари қандай бўлишидан қатъий назар солиқ идоралари ҳузурида ҳисоб беришнинг асослов (декоратив) шакли, тадбиркорларнинг даромадларини яшириб қолганлик (пасайтириб кўрсатганлик) учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан моддий жавобгарлик¹. Ўзбекистонда тадбиркорликни қуйидаги шакллари мавжуд:

— яқка тартибдаги меҳнат фаолияти асосида;

— айрим фуқаро томонидан ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида амалга ошириладиган хусусий тадбиркорлик;

— бир гуруҳ фуқаролар томонидан амалга ошириладиган жамоа тадбиркорлиги;

— юридик шахслар ва фуқароларнинг ўз мулклари ва мулккий ҳуқуқларини бирлаштириш асосида амалга ошириладиган ҳамкорликдаги тадбиркорлик.

4. Корхона фондлари ва уларнинг ҳаракати

Корхоналарнинг иқтисодий фаолияти тўхтовсиз давом этиб турадиган жараёндир. Ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат предметлари ва иш кучи корхонада бирлашиб, ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиши туфайли маҳсулот тайёрланади.

Албатта, ишлаб чиқарилган маҳсулот сотилади, натижада аввал авансланган пул корхона ҳисобига қайтиб тушади, бу маблағни ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш ҳамда иш ҳақи тўлашга ажратилади. Корхоналарда мана шу хом ашё, майда инвентарлар, ёқилғи кабиларни сотиб олиш, ишчиларга ҳақ тўлаш, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтовсиз давом этаверади. Ишлаб чиқариш жараёнининг корхонада тўхтовсиз давом этиб туришига корхона фондларининг доиравий айланиши дейилади. Демак, корхона фондларининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланиб туриши, яъни пул шаклидан ишлаб чиқариш, сўнгра товар кўринишларида бўлиши, фондлар айланишининг уч босқичи дейилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси: Қонун ва фармонлар Тошкент, Ўзбекистон, 1992. 160—161 бетлар.

Биринчи босқич — пулга зарур ишлаб чиқариш воситалари сотиб олинади ва ишчиларга иш ҳақи учун пул ажратилади.

Иккинчи босқичда — ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучи бирлашиб, товарга қиймат ва истеъмол қиймати сингдирилади, натижада қўшимча маҳсулот қиймати мужассамлашган маҳсулот яратилади.

Учинчи босқичда — товарни муомалага чиқариб сотиш, яъни пулга айлантириш содир бўлади. Шундай қилиб, яна янгидан маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари такрорланаверади.

Демак, корхонага ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағ уч кўринишда, яъни пул, унумли фонд, товар шаклида намоён бўлади. Шундан иккинчиси яратиш, ишлаб чиқариш жараёни деб ҳисобланса, биринчи ва учинчи босқичлар муомала жараёнида пул-товар шаклида ҳаракат қилади. Буни қуйидаги кўринишда мифодаланиши мумкин.

$$П - Т < \begin{matrix} \text{Ив} \\ \text{Ик} \end{matrix} \dots \text{И}(\text{Ив} + \text{Ик}) \dots \text{Т}' - \text{П}'$$

I босқич
(муомала)

II босқич
(ишлаб чиқариш)

III босқич
(муомала)

П — пул маблағлари

Т — ишлаб чиқаришга жалб қилинган товар

Ив — сотиб олинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати;

Ик — ишлаб чиқариш кучлари (иш кучи) қиймати.

И — ишлаб чиқариш жараёни

Т' — сотиш учун тайёрланган янги товар.

П' — товар сотишдан олинган пул маблағи.

Корхона фаолиятида ишлаб чиқариш фондларини таркибий қисми бўлган айланма фондлар ва уларни айланиш вақти муҳим аҳамиятга эгадир.

Айланма фондларнинг ҳаракати, ишлаб чиқариш ва муомала вақтидан ташкил топади. Мана шу фондлар айланиши вақтини қисқартириш жараёнида корхона самарадорлигини оширишнинг бирдан-бир йирик манбалари яширинган бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш вақтига ишчиларни меҳнат предметларига таъсир ўтказиш даври, бу ишлаб чиқариш жараёни операцияларини қанча давом этиши (ғаллани ўриб олиш муддати, терини ошлаш муддати ёки қоплаш, меҳнат жараёнидаги танаффуслар, хом ашё ёки маҳсулот етказиб беришдаги узилишлар, электр энергия ўчиб қолиши таъсир этади. Умуман ишлаб чиқариш жараёни учун сарфланадиган вақт тармоқ корхоналарининг етиштирадиган маҳсулот турига қараб 15 кундан бир йилгача давом этиши мумкин. Масалан, оёқ кийими фабрикасида 15 кунгача бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 6 ой, ҳатто бир йилни ташкил этади.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар маҳсулот

ишлаб чиқариш вақтини тўғри ташкил этмаса, хом ашё захира-ларининг туриб қолишига, корхонани бир меъёردа ишлашига пу-тур етиши, корхона қувватини пасайишига, ортинча харажатла-рини кўпайишига олиб келади. Айланма фондларни ишлаб чиқа-риш вақтини камайтириш учун маҳсулот ва дастгоҳлардан унумли фойдаланиш, хом ашё жамғармаларини ҳажми, сақлаш муддатига алоҳида аҳамият бериш; ишчиларни меҳнат сарфлаш муддатини ҳисобга олиб бориш зарур.

Муомала вақти — ҳам айланма фондларни самарасини оши-ришда алоҳида ўрин тутади. Масалан, ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш, ўрнатиш, корхоналар билан ҳисоб-китоб қилиш маҳ-сулотни омборларда туриб қолиши, сотиш муддатининг узайиб ке-тиши, хом ашё ташиб келиш муддатлари, бошқа ташкилотлар би-лан бўладиган алоқаларини узайиб ёки кечиктириш, шунингдек транспорт, алоқа, фан-техника янгиликларини жорий қилиш, бош-қаришнинг такомиллаштириш, автоматлаштириш, қомилкек — ме-ханизациялаш, технологик жараёнларни такомиллаштириш муо-мала вақтини қисқартиришга у ёки бу даражада таъсир қилади.

Корхоналар, юридик шахс сифатида фондларга ишлаб чиқа-ришга эгаллик қилади ва бу фондлар асосий фондларга ва айлан-ма фондларга бўлинади.

Асосий фондлар — ўз қийматларини ишлаб чиқаришнинг бир босқичида эмас, бир неча босқичи давомида тайёрланаётган маҳ-сулотга қисман — қисман ўтказиб боради. Асосий фондларга бино-лар, иншоотлар, дастгоҳлар, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа хил машиналар киради. Асосий фондлар миллий бойлиқнинг муҳим қисми ҳисобланиб, иқтисодий ҳаётда жуда катта роль ўй-найди. Ҳозирги замон фан-техника революцияси асосий ишлаб чи-қариш фондларида жиддий сифат ва миқдор ўзгариши қилиб, меҳнат унумдорлигини ошириб, механизациялаш, автоматлашти-риш даражасига, технология жараёнига, меҳнатни ташкил этиши ва бошқаришга ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб келмоқда. Асо-сий фондлар миллий бойлиқнинг энг муҳим ва тез ўсиб борувчи қисмидир.

Айланма фондлар — ишлаб чиқариш циклининг ҳар бир жара-ёнида ўз қийматларини тўлалигича товарга ўтказиб, товар сотил-гандан кейин корхонага қайтарилади. Айланма фондларга — хом ашё, ёқилғи, ёрдамчи материаллар, электр энергияси харажатла-ри, майда инвентар сарфлари ҳам киради. Шунингдек, иш ҳақи учун аванс тариқасида тўланган маблағлар ҳам киради.

Айланма фондлар йил давомида бир неча мартаба донравий айланиб, корхоналар ишлаб чиқариш жараёнига хизмат қилади. Айланма фондларининг айланишини тезлатиш корхонага катта иқ-тисодий фойда келтиради. Ҳар бир корхона камроқ айланма фонд-

лар ҳажмига, кўпроқ суммадаги маҳсулот ишлаб чиқаришдан катта манфаат кўради.

Амортизация — асосий фондлар, меҳнат қуроллари, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш даврида эскириб борадилар, яъни ўз қийматларини тайёрланаётган маҳсулотга бир неча йил давомида қисман-қисман ўтказиб боради ва ҳаракатдан кетиб ишдан чиқади. Ана шу асосий фондларни аслида қайта тиклаш учун корхонада ҳар йили соф даромаддан маблағ ажратиб берилади ва бу ажратилган маблағ маҳсулот таннархига киради. Демак, аслини қайта тиклаш учун ажратилган маблағга амортизация дейилади. Амортизация меъёри меҳнат қуроллариининг хизмат қилиш муддатига нисбатан баланс қийматидан фонд ажратиб беради. Амортизация учун ажратилган пулниинг бир қисми аслини тиклаш, яъни янги ишлаб чиқариш воситалари, дастгоҳ соғиб олишга сарфланса, қолган қисми, дастгоҳларни капитал таъмирлаш учун фойдаланилади. Шу билан фондларни оддий такрор ишлаб чиқаришни таъминланади. Ҳозирги фан-техника инқилоби халқ хўжалиги барча тармоқларини энг янги техника билан тўхтовсиз қайта қуроullan-тириб, фондлардан самарали фойдаланишнинг фоят зарур қилиб кўяди.

Асосий фондлар истеъмол қийматига ва қийматга эгадир. Истеъмол қиймати аста-секин емирилиб бориб физик хусусиятини йўқотиб жисмоний жиҳатдан ишдан чиқади, яъни дастгоҳлар, машиналар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ўз қийматларини маҳсулотга ўтказиб бориб, эскиради. Асосий фондларни ишга яроқсиз бўлишига жисмоний емирилиш дейилади ва аслини қайта тиклаш учун ажратилган маблағ ҳисобига янгиесин тикланади.

Шунингдек, бекор турган станоклар, трактор, автомашина ва бошқа техникалар занглайди, эскиради, натижада уларни истеъмол қиймати пасаёди, қадрсизланади. Шунинг учун асосий фондлардан самарали фойдаланмаслик халқ хўжалигига зарар беради. Илмий-техника тараққиётини даврида жисмоний емирилиш эмас, маънавий емирилиш ҳам содир бўлади. У икки турда бўлади.

Маънавий емирилишнинг биринчи тури шу билан боғланганки, меҳнат воситаларининг муайян турини ишлаб чиқариш самардорлиги ортиши натижасида уларнинг арзонлашуви юз беради: илгарини ишлаб чиқарилганларига ўхшаш бўлган машиналар, себоблар ва қурооллар арзонроқ бўлиб қолади. Шунга мувофиқ ишлаб турган асосий фондлар тайёрланаётган маҳсулотга олдингига қараганда камроқ қийматни кўчира бошлайди.

Маънавий емирилишнинг иккинчи тури, янги, сифат жиҳатдан янада мукамалроқ ва самаралроқ меҳнат воситалари пайдо бўлиши билан боғлангандир. Улардан фойдаланиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни арзонлаштиради ёки умуман уни бозордан сиқиб чиқаради. Фондларнинг техникавий хоссалари бунинг на-

тижасида ўзгармайди, уларнинг жисмоний ҳолати яхши бўлиши мумкин, лекин улар ишлаб чиқариш воситаларининг янги турига таққослаганда ўз истеъмол қийматини йўқотади. Шунга мувофиқ ҳолда, аввалги фондлар қадрсизланади. Фан-техника тараққиёти учун муқаррар тўлов ана шундан иборатдир. Шундай қилиб, иккинчи турдаги маънавий емирилишнинг оқибати зиддиятлидир. Бир томондан, корхоналар ютқизади, иккинчи томондан эса жамият ютади, чунки эски фондлар қийматини йўқотишнинг ўрнини янги фондлардан фойдаланишдан келадиган тежам ортиғи билан қоплаб юборади. Юқорида келтирилган фнкрларда гап қиймат ҳақида унинг кўчиши, ўрни қопланиши, уни йўқотиш ва ҳоказолар тўғрисида боради. Лекин реал ҳаётда қиймат баҳо орқали чиқади. Амалиётда эса асосий фондлар янги элементларнинг нархлари кўпинча асоссиз ошириб юборилган бўлади. Бундай ҳолда маънавий емирилиш эмас, балки техниканинг самарадорлиғи ортиши билан ҳеч бир боғланмаган ҳолда унинг ўзига хос «асоссиз» қимматлашув юз беради. У эскириб қолган фондларни қўллашни ҳам сунъий равишда нафли қилиб қўяди. Табиийки, бу уларнинг янгиланиш жараёнини секинлаштиради ва фан-техника тараққиётини тўхтатиб қўяди, бу ҳолга эса ҳозирги шароитда мутлақо чидаб бўлмайди. Бунга йўл қўймаслик учун нархларни, амортизация нормаларини белгилаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда бошқариш механизмининг такомиллаштириш чоғида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг объектив маънавияга қаттиқ риоя қилиш, уларда асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан реал емирилишини тўла акс эттириш керак.

Корхонада юз берадиган ишлаб чиқариш жараёнига асосий фондлар билан бирга айланма фондлар ҳам хизмат қилади. Улар юқорида кўрсатиб ўтилганидек, меҳнат буюмларининг заҳираларини ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқаришни, шу жумладан, ярим фабрикатни ҳам ўз ичига олади.

Ҳар бир корхона айланма ишлаб чиқариш фондлари билан бир қаторда муомала фондларига ҳам эга. Улар жумласига ишлаб чиқариш босқичидан чиқиб кетган тайёр маҳсулот ва пул маблағлари киради. Айланма ишлаб чиқариш фондлари билан муомала фондлари ўртасида доиравий айланиш жараёнида жуда яқин алоқа мавжуд бўлади, улар бир-бирларига ўтиб туради ва ҳар бир доиравий айланишдан кейин тўла-тўқис янгиланади. Уларнинг иккаласи бир бўлиб, корхонанинг айланма маблағларини ташкил этади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиғи айланишнинг тезлиги билан боғланади. Айланиш тезлиги маблағларининг йил давомида айланган сони билан, яъни йил давомида маҳсулот сотиш ҳажмининг айланиш маблағларининг ўртача йиллик қолдиғига нисбати билан ўлчанади, чунончи, агар ҳажми 120 млн сўмни

ташкил этса, айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи 40 млн сўмга тенг бўлса, бу айланма маблағлари йил давомида уч марта тўла айланиш қилгани англанади (120:40). Шунингдек, айланма маблағларнинг кунлар билан ўлчанадиган айланиш узунлиги кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. У йилдаги кунлар сонини айланишлар сонига бўлиб йўли билан аниқланади. Кўрсатиб ўтилган мисолда узунлиги 120 кунни ташкил этади (360:3). Шундай қилиб, айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ва фондларнинг айланиш тезлиги чамбарчас боғлиқдир.

2-боб. КОРХОНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАРАЖАТЛАРИ ВА ФОЙДАСИ

1. Ишлаб чиқариш ҳаражатларининг моҳияти

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхонани асосий мақсади фойда олишдир. Аммо ушбу мақсадни амалга ошириш, унга эришиш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини миқдори ва корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотга бўлган талаб билан чегаралангандир.

Бинобарин, ишлаб чиқариш ҳаражатлари фойдани асосий чегараловчисини ва шу вақтнинг ичида таклиф хажмига таъсир этувчи асосий омилдир. Шунинг учун ишлаб чиқариш ҳаражатларини ҳисобга олиш, унинг таркибини таҳлил этиш корхона самарадорлигини ошириш, уни оқилона бошқаришнинг муҳим шартларидан биридир. Келинг энди ҳаражатлар масаласига иқтисодиёт назариясидаги мавжуд ёндошувларни кўриб чиқайлик. Мехнат назариясига асосан К. Маркс ишлаб чиқариш ҳаражатларини товар ишлаб чиқаришга сарфлар (иш ҳақи, хом ашё, ёқилғи мехнат қуролларнинг амортизацияси) сифатида талқин этган. Ундан ташқари ишлаб чиқариш ҳаражатларига у савдодаги ҳаражатларни ҳам қўшган. Биринчи хил ҳаражатларни у ишлаб чиқариш иккинчи хилни эса муомала ҳаражатлари деб атаган. Бунда у бозордаги аҳвол ва бошқа ҳолларни эътиборга олган. Маркс товарнинг қийматини ишлаб чиқариш ҳаражатлари ташкил этади деган фикрга асосланган.

Ҳозирги даврда иқтисодиёт назарияси ҳаражатлар таснифига бошқача ёндошади. У ресурсларнинг чегараланганлиги, ноёблигидан ва улардан альтернатив фойдаланиш мумкинлигидан келиб чиқади. Ресурслардан альтернатив фойдаланиш деганда дарахтдан мебель, қурилиш материали, қоғоз ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятлари тушунилади. Бундан маълум ишлаб чиқаришда қўлланилаётган бирон-бир ресурсни иқтисодий ҳаражатлари товар ишлаб чиқариш учун энг оқилона ишлатиш усули қийматига тенг. Ресурсларни чегараланганлиги сабабли ҳар доим ишлаб чиқаришни ташкил этиш танлаш муаммоси олдида туради. Танлаш бир вақтнинг ўзида бирор бир нарсадан воз кечишни англатади. Шундай қилиб, иқтисодий ҳаражатлар — корхона

томонидан ресурсларни етказиб берувчиларга тўлов, шунингдек ишлаб чиқаришни аниқланган вариантнинг амалга ошириш учун худди шу корхона томонидан қўлланишни таъминловчи ички харажатлардир. Юқорида берилган тарифдан биз харажатларни ташқи ва ички турларга бўлинишини кўришимиз мумкин. Ташқи харажатларга ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш учун зарур нарсаларни яъни иш ҳақи, ёқилғи, хом ашё ва шу кабиларга тушунилади. Ички харажатлар бу хусусий корхона эгаси ёки магазин эгаси ўзига иш ҳақи тўламайди ёки ўз пулини савдога қўйган бўлса, банкага қўйган тақдирдаги процентини олмайди. Аммо фирма эгаси нормал фойдани олади. Акс ҳолда бу иш билан шуғулланмас эди. Нормал фойда харажатларни бир элементини ташкил этади. Уидан ташқари иқтисодий ёки соф фойда ҳам фарқланади, у умумий тушумдан ички ва ташқи шунингдек нормал фойдани чегириб ташлаш билан аниқланади. Иқтисодий фойладан бухгалтерия фойдаси, умумий тушумдан ташқи харажатларни чегириб ташлаш орқали аниқланади.

2. Харажатлар классификацияси

Корхоналарни ялпи харажатлари (ИН) доимий (ДХ) ва ўзгарувчан (ОХ) харажатлардан иборат бўлади.

Доимий харажатлар — бу ижара тўлови, қоровуллик хизмати тўлови, бошқарувчи ва мухандислар маошини ва шу кабилардан иборат бўлади ва ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмайди.

Ўзгарувчан харажатлар— доимийга кирмаган бошқа ҳамма харажатлар, яъни хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергия иш ҳақи ва шунга ўхшашлардан иборатдир. Корхона фаолиятини ташкил этиш ва оқилона бошқариш маҳсулот бирлигига қилинган харажатларни (ОИН) биллиш муҳимдир. Уртача харажатлар, умумий харажатлар миқдорини корхона ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажмига бўлиш орқали ҳисобланади. Худди шу йўсинда ўртача доимий (ОДХ) ва ўртача ўзгарувчан (ООХ) харажатлар фарқланади.

Корхона фаолиятининг асосий мақсади фойда олиш унинг миқдорини муттасил ошириб боришдан иборатдир, ушбу ҳол эса чегаравий харажатлар тушунчасини қўллашга сабаб бўлади.

Чегаравий харажатлар (СНХ) деганда ҳисобланган ва аслида ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ҳар бир қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинган харажатлардир.

Юқорида қайд қилинган эдики доимий харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлмайди, аксинча ўзгарувчан харажатлар эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига боғлиқдир, аммо бу боғлиқлик бир хилда эмасдир. Биринчи босқичда ўзгарувчан харажатлар камайиб беради, чунки ишлаб чиқариш кў-


лами охиб боради. Маълум даврдан бошлаб ўзгарувчан харажатлар бирлигини (масалан меҳнат) белгиланган ресурсга (ер, капитал) қўшиб бориш камайиб борувчи қўшимча ёки чегаравий маҳсулотни беради. Бу ҳол иқтисодиётда «камаювчи самара қонуни» деган номни олган. Масалан, станокда хизмат кўрсатувчи ишчиларнинг сони ортиб борса унда уларнинг қанчалик кўпроқ ишлаб чиқаришга жалб этилишига мос ишлаб чиқариш ҳажми секин ўсиб боради. Демак, корхоналарнинг ишлаб чиқариш харажатларини миқдори қўлланилаётган ресурсларни миқдорига боғлиқ. Ишлаб чиқаришда қўлланилаётган ресурсларнинг миқдорини айрим ҳолларда нисбатан тез ўзгартириш мумкин, бошқа ҳолларда эса узоқ даврни талаб этади. Бинобарин, иқтисодий таҳлил жараёнида қисқа муддатли ва узоқ муддатли даврларни фарқлаш зарурдир. Иқтисодий нуқтан назардан уларни ўртасидаги фарқ ишлаб чиқариш қувватларини ўзгартира олишидадир. Қисқа муддатли даврда янги ишлаб чиқариш қувватларини ошириб бўлмайди, аммо уларни ишлатиш даражасини ошириш мумкин. Узоқ муддатли даврда эса янги ишлаб чиқариш қувватларини тушириш мумкин. Шунга ҳам эътибор бериш керакки, ушбу даврларни чегараси ҳар хил тармоқларда турличадир. Қисқа ва узоқ даврни фарқлаш фирмани фойдасини кўпайтириш стратегияси ва тактикасини аниқлашда муҳимдир.

Фирмага қисқа муддатли даврда қарор қабул қилишида маҳсулот бирлиги харажатларни таъсири муҳимдир. Маҳсулот бирлигига харажатлар, маҳсулотни ишлаб чиқариш ўсиб борган сари пасаяди, чунки уларни абсолют миқдори ўзгармасдир. Ўзгарувчан харажатлар бошланғич даврда, ишлаб чиқариш кўламларини ортиши сабабли камайиб боради. Ундан сўнг эса кўлам самарасини устидан «камаювчи-самара» қонуни устун келиши натижасида маҳсулот бирлигига ўзгарувчан харажатлар ўсиб боради. Масалан, кондитер фабрикада дастгоҳларни уч смена ишлатиш, уларни ишлаш самарасини пасайишига олиб келади, чунки учинчи сменада ишлаш дастгоҳларни профилактика қилишга имкон бермайди, натижада дастгоҳларни унумсиз тўхташлари кўпаяди ва у ишлаб чиқариш натижаларига салбий таъсир кўрсатади. Бунда ялли харажатлар (ОИН) эгри чизиғи уни ташкил этувчи ОДХ ва ООХ ҳар бирига нисбатан тезроқ пасайиб боради.

Биринчи графикдан шуни кўриш мумкинки агар чегаравий харажатлар (СhX) ўртача харажатлардан (ОИН) кам бўлса унда ўртача харажатлар камайд, бу чегаравий харажатларни охириги ўсишидир ва ҳамма олдингиларидан кам бўлгунча давом этади. ОИН ва СhX эгри чизиқлари кесишган нуқтаси ўртача харажат-

ларни энг кам миқдори ёки минимумини кўрсатмоқда. S нуқтани ўнг томонида $\tilde{O}IN$ ўртача ялли харажатларга тенгдир. Ушбу нуқта зарарсизлик нуқтаси дейилади.


Агарда бозор нархи S нуқтадан пасайса унда корхоналар ушбу тармоқни ташлаб бошқа тармоққа ўтиб кетадилар. Бу нуқтада фақат янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга ўтган корхоналар давом эттириши мумкин бўлади ёки корхона ўтказган тахлил ушбу тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга қисқа муддатда талабни кўтарилиши натижасида баҳонини кўтарилишини тасдиқласа корхона ўз фаолиятини давом эттириши мумкин бўлади.



N нуқтадаги фирмани аҳволи бир мунча оғирроқ бўлади, чунки бу нуқтада сотиш нархи ўртача ўзгарувчан харажатларга тенг бўлади ($\tilde{O}Oh$). Корхона ўз харажатларини қоплай олмайди. Бундай вазиятда корхона ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришни тўхлатиши лозим бўлади. Узоқ муддатли даврда ишлаб чиқариш қувватларини ўзгартриш мумкин. Фирма бу даврда ишлаб чиқариш майдонини янги қурилиш ҳисобига кенгайтириши, цехларда янги дастгоҳларни ўрнатиш, янги ишчиларни ишлаб чиқариш жараёнига тортиши мумкин, демак узоқ муддатли даврда ҳамма харажатлар ўзгарувчан харажатлар сифатида майдонга чиқади. Фирмани кенгайтириш даврида ялли харажатлар ўзгаради. Бошида кўлам (масштаб) самараси ҳисобига камаяди. Ундан кейин ишлаб чиқариш кўлам самараси таъсири тамом бўлгандан кейин у энг

кам миқдорига етади. Шундан сўнг ялпи харажатларни ортиши жараёни бошланади.

Қуйидаги расмда $S_1—D_1$, $S_2—D_2$, $S_3—D_3$ ординаталар ва ундан кейингилари фирмани қувватларини ошириш давридаги ялпи харажатларни кўрсатади. Расмдан шуни кўриш мумкинки ялпи харажатларни энг кам даражаси 3-вариантда ундан кейин эса ўсиш рўй бермоқда. Ишлаб чиқариш қувватларини ортиши шароитида ялпи харажатларни динамикасини S_1, S_2, S_3, S_4, S_5 эгри чизиқлар



акс этиради ва улар ишлаб чиқариш қувватларини оширишни ҳар бир босқичига тўғри келади. Шу билан бирга ушбу эгри чизиқлар — бу корxonани танлаш эгри чизиқларидир. Бозорда шароит ўзгарди — қувватларни ошириш ёки камайтириш тўғрисида фирма янги қарорни қабул қилиши лозим бўлади. Ишлаб чиқариш харажатларини муттасил камайтириб бориш, корxonани фойдалилигини оширишнинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади. Чунки корxonанинг харажатлари қанчалик кам бўлса фойда миқдори шунчалик кўп бўлади. Бизнинг мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобида «харажатлар» тушунчасини ўрнига «таннарх» тушунчаси ишлатиб келинган. «Таннарх» маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини йиғиндисидан иборат. Уни асл ва меъёрий харажатлар асосида ҳисобланади. Бу тушунчалар ўртасида фарқ мавжуд.

Маҳсулот таннархиға:

- а) хом ашё ва материаллар,
- б) ёқилги ва мойлаш материаллари,
- в) электр энергия харажатлари,

- г) асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш амортизация ажратмаси.
- д) иш ҳақи
- е) ижтимоий суғурта ажратмалари
- ё) умумий ишлаб чиқариш харажатлари (цех, бригада бошлиқларининг иш ҳақи).
- ж) умумий хўжалик харажатлари (корхона бошқарув ходимлари) иш ҳақлари кирди.

Маҳсулот таннархи таркиби ҳар бир саноат тармоқларида ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, нефть саноатида меҳнатга ҳақ тўлаш ва асосий ишлаб чиқариш фондларининг амортизацияси учун nisбатан кўп харажатлар қилинади, энгил, озик-овқат саноатида хом ашё ва материаллар салмоғи 85—90 фоизга етади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархи таркиби саноатникидан анча фарқ қилиб, уруғлик, ўғит, ем-хашак қиймати, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришга кетган харажатлар ҳам киритилади. Шу хўжаликнинг ўзиде етиштирилган уруғлик, ем-хашак ва бошқа маҳсулотлар ўз таннархига кўра баҳоланади. Сотиб олинган уруғлик, ем-хашак, минерал ўғитлар, ёқилғи ва бошқа маҳсулотларни олиб келишга кетган харажатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Қурилишларда тайёрланган маҳсулот таннархисини аниқлаш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб бунда, харажатларининг энг кўп қисми қурилиш материаллари ҳисобига тўғри келади, бу маҳсулот таннархисини аниқлашда қилинган сарф-харажатлар қийматини битказилган бинонинг кв/м миқдорига тақсимланади.

Харажатларни доимий равишда пасайтириб бориш корхона фойдасини оширишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Зеро маҳсулот баҳоси таркибининг асосий элементлари бу харажат ва фойдалир. Бинобарин, харажатлар қанчалик қисқариб борса, шунга мос фойда миқдори ошиб боради.

Ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришнинг асосий йўналишларидан бири бу фан-техника тараққиётининг (ФТТ) ютуқларидан оқилона фойдаланишга эришишдир. ФТТ ютуқларидан фойдаланиш мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан, хом-ашё материалларидан ёқилғи ресурсларидан янада тўлароқ фойдаланишга имкон беради. Шунингдек, янги унумдорлиги юқори бўлган, самарадор машина, дастгоҳ ва янги технологик жараёнлар яратилиши, уни ишлаб чиқаришга жорий этиш пировард шартда корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга шароит яратади. Фан-техника тараққиётининг XX аср иккинчи ярмидаги ўзига хос жиҳати принципиал янги технологик ишлаб чиқариш усулига ўтилиши билан характерланади. Унинг мавжуд технологик ишлаб чиқариш усулларидан устунлиги фақат nisбатан юқори иқтисодий самарадорлигида эмас, балки сифат нуқтан назаридан янги мод-

ўртасида ўзаро алоқаларнинг иқтисодий асосини тубдан ўзгартирди. Ўзбекистонда солиқлар тўғрисидаги қонунга мувофиқ ҳамма турдаги корхоналар учун фойдадан ягона солиқ жорий этилди. Бунда тўланадиган солиқнинг энг юқори миқдори 50 фоиз белгиланган.

Давлатнинг амалга ошираётган солиқ сиёсати, ривожланши зарур бўлган тармоқ корхоналарига маълум имтиёзлар ҳам кўзда тутилган. Шунингдек янги техника — технологияни ўзлаштиришга, илмий тадқиқот ишларини амалга оширишга, табиатни муҳофаза қилиш ишларига сарф этиладиган маблағларга ҳам имтиёзли солиқ белгиланган. Корхоналарга фойдадан олинadиган солиқдан ташқари яна, оборот солиғи, маҳсулот сотиш солиғи, экспорт—импорт солиғи, ташқарига олин-чиқиб кетиладиган хом-ашё ресурсларига солинадиган солиқ турлари жорий этилган. Корхонадан олинган фойдани мутлоқ миқдори эмас; унинг фойдалилиги даражаси ёки рентабеллиги қизиқтиради.

Рентабеллик — хўжалик фаолиятининг самарадорлик даражасини билдирувчи кўрсаткичлардан бири бўлиб, у маълум вақт (йил, ой, квартал) давомида ишлаб чиқариш фаолиятининг фойдалилиги (ёки зарарлигини) кўрсатади.

Корхона рентабеллиги олинган фойдани қилинган сарфларга таққослаш орқали аниқланади ва у фоизларда ифодаланади. Корхона умумий хўжалик фаолияти рентабеллигини бирор турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги асосида аниқлаш мумкин.

Корхона умумий фаолияти рентабеллиги (р) қуйидагича аниқланади:

$$P' = \frac{\text{Фойда}}{\text{жорий сарфлар}} \times 100;$$

Худди шунга ўхшаш айрим маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги (р) ҳисоблаш мумкин, у қуйидагича ҳисобланади:

$$P' = \frac{\text{Маҳсулотни сотишдан олинган фойда}}{\text{маҳсулотга харажатлар}} \times 100\%;$$

Ундан ташқари маҳсулотни сотиш рентабеллиги ҳисобланади, у қуйидагича ҳисобланади:

$$P' = \frac{\text{маҳсулотни сотишдан олинган фойда}}{\text{маҳсулотга харажатлар}} \times 100\%;$$

Ундан ташқари маҳсулотни сотиш рентабеллиги ҳисобланади, у қуйидагича ҳисобланади:

$$P' = \frac{\text{Фойда}}{\text{сотиш хажми}} \times 100\%;$$

Рентабеллик даражасини ўсишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади; ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, материаллар, ёқилғи, хом-ашё, асосий фондларни иқтисод қилиш, корхона фондларини айланишини тезлаштириш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва бошқарувга сарфларни камайтириш ва ҳ. к.

3-б о б. МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ АСОСЛАРИ

1. Менежмент назарияси ва амалиётининг ривожланиши

Яхлит иқтисодиёт унинг бугунларидаги тармоқ ва корхоналарнинг аҳволини — техника ва технологияни ривожланиш даражаси; ишчи кучининг сифати ва меҳнатни рағбатлантирувчи омиллардан кенг фойдаланиш; ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни (менежмент) аниқлайди. Санаб ўтилган омиллардан менежмент муҳим аҳамиятга эгадир, чунки менежментнинг аҳволи, ишлаб чиқариш омиллари даражасига ва сифатига бевосита таъсир кўрсатади. Ҳозирги замон менежменти, бу иқтисодий муносабатларнинг алоҳида соҳасидир.

Бошқариш амалиёти узоқ ва чуқур тараққий этиш бошидан кечирган. Капитализм ривожланишининг бошлагич даврида тадбиркор-мулк эгаси ўзининг тажрибасига таяниб ишлаб чиқаришни бошқарган.

Аmmo XIX ва XX аср чегарасида техника ва технологияни ривожланиши, ишлаб чиқариш хажмларининг ўсиши бошқаришни мураккаблаштириб юборди ва уни махсус bilimларни талаб этувчи, фаолиятнинг махсус соҳасига ажратди. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун бошқарув соҳасидаги тажрибани умумлаштириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни бошқаришнинг самарали услубларини излашга олиб келди. Натижада, бошқарув тўғрисидаги фан вужудга келди. Унинг асосчиси америкалик муҳандис ва тадқиқотчи Ф. Тейлор ҳисобланади. Ф. Тейлор бошқарувни инма қилишни ва энг яхши ва арзон усулда уни амалга оширишни аниқ билиш сائنати деб кўрсатган эди. У бошқарув вазифаларининг тўрт гуруҳин ажратиб кўрсатган эди. Булар: мақсадни танлаш, воситаларни танлаш, воситаларни тайёрлаш, натижаларни назорат қилиш.

Ўзининг феълига кўра меҳнат ижтимоий жараёндир. Ҳар қандай ижтимоий меҳнат уни ташкил этиш ва унда тартиб бўлишини тақоза этади. Кимдир ходимлар олдига мақсад қўйиши, вазифаларни тақсимлаш, уни бажарилишини назорат қилиши, инсонларни меҳнат қилишга ундаши уларни ҳаракатини мувофиқлаштириши лозимдир. Меҳнатни бошқариш характери, усуллари, воситалари ўзгармасдан қолмайди. Пировард натижада уларни ишлаб чиқаришни ўзининг ривожланиши ва унинг ижтимоий шакли билан аниқланади.

Ғарб адабиётида меҳнатни бошқаришнинг ривожланишини XX аср менежмент назарнётчилари Ф. Тейлор, Э. Мэйо, Р. Дикерга ва бошқаларни ишлари билан боғлайдилар. Бир хил тадқиқотлар меҳнатни бошқариш иқтисодий ўсишни индустриал давргача, индустриал ва фан-техника вариантларига мос келувчи ҳунармандлик, технократик ва инновацион турларига бўлинишини таклиф этадилар.

Ҳунармандлик шакли меҳнатни бошқаришнинг оддий шакли ҳисобланади. Цех тузилмаси доирасини бузиб, мапуфактура илғари мустақил бўлган ҳунармандлик турларини бирлаштиради, бевосита ишлаб чиқариш жараёнига меҳнат тақсимотини киритди. Натижада бир томондан ишчиларни мутахассислик асосда чегаралаш, иккинчи тарафдан илғари мустақил бўлган ишчиларни бир бутун жамоага ва илтизомга бўйсунтиришни таъминлаш зарурияти вужудга келди. Уша шароитда меҳнатни бошқариш вазифаси, меҳнатни ташкил этишни, иш ҳақи тизими ва ишлаш режимиини ушлаб туриш, ижрочилар устидан назорат қилишдан иборат эди.

Машиналашган ишлаб чиқаришга ўтиш билан меҳнатни ташкил этишда сифат ўзгаришлари юз беради. Меҳнатни бошқаришнинг технократик тури таркиб топа бошлайди. У меҳнат тақсимотиға, ходимларни ихтисослашувига, ижрочилик меҳнатини, ташкилотчилилик меҳнагидан яъни бошқарувдаги меҳнатни, алоҳида турига ва иқтисодий мажбур қилишни қаттиқ шакллари каби қончаларига асосланган эди.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ташкилий тартибий тузилмалар доирасида функционал кадрли бошқарувни ажратилиши ва алоҳидлашувни рўй берди. Бошланишида кадрлар хизматлари фақат ёллаш масалалари билан шуғулланган бўлсалар, 20 йиллардан бошлаб меҳнатни ташкил этиш ва ҳисоб қилиш, ходимларни моддий рағбатлантириш малакаларини ошириш масалалари билан шуғуллана бошладилар. Илғор фирмаларнинг корхоналарида меҳнатдан унумли фойдаланиш бўйича чоралар, меҳнат усулларини таҳлил қилиш, уларни энг мувофиқ қилиб қўйиш, иш ҳақи тизимини қўллаш бўйича чора тадбирлар кўпроқ қўллана бошланди. Бу янгилеклар тадбиркорларга меҳнатни интенсификани сезиларли даражада оширишга имкон беради. Ушбу фаолиятнинг назарий асосини Ф. Тейлор, Г. Эмерсон, Ф. Гилберт ишлари ташкил этди.

Ф. Тейлор тизимида ҳар бир операция учун, ишчинин ҳаракатини ўрганиш натижасида берилган иш ҳажми ягона, энг мувофиқ усули ўрнатилар эди. Бунда нисбий иш ҳақини махсус тизими қўлланиб, унга кўра берилган нормани бажарган ишчиларга тариф ставкалар ва расценкалар оширилар, ушн бажара ололмаган ишчиларга эса ставкаларини 20—30% камайтириб жарима солинар эди. Шу билан бирга берилган вазифаларни юқори даражада

бажарилиши учун шароит яратилар эди. (махсус асбоблар билан таъминлаш, ҳисоб, назорат қилиш, меҳнатни батафсил режалаштириш ва бошқалар).

Ф. Тейлорнинг тизими қўлланган корхоналарда уч йил мобайнида ўртача ишлаб чиқариш унумдорлиги икки марта ошди ва у ривожланган мамлакатларда кенг қўлланила бошланди.

Ф. Тейлорни издошлари унинг тизимини такомиллаштиришга ҳаракат қилдилар. Улар айрим ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солиш усулларини ўрганишга ўтдилар.

Г. Гант ҳар бир ишчи хоҳлаган вақт мобайнида ўз меҳнатининг натижаси бўлган иш ҳақини кўриши мумкин бўлган ўзига хос жадвални ишлаб чиқди. Ушбу жадвалда ишлаб чиқариш дастурини бўлимлари ва уни бажарилиш ўртасида вақтбай боғлиқлик ҳам ўз аксини топди. Бу жадвал кўпчиликнинг фикрича ўз вақтида меҳнатни бошқаришда инқилобни амалга оширди. У корхона доирасида ишлаб чиқариш жараёнини тезлик билан ривожлантириш имконини берди.

Асримпзинг 50—60 йилларига келиб, меҳнатни илмий ташкил этиш асосини технократик-ёндашув ташкил этди. Унинг моҳияти ишчидан бошлиқларнинг барча буйруқларини ҳеч мулоҳаза юритмасдан ва шахсий ташаббус кўрсатмасдан аниқ ва тез бажарилиши талаб қилар эди.

Фан-техника прогрессининг тараққиёти шароитида ишчи кучини технократик бошқаришни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига тўғри келмаслиги кўриниб қолди. У ходимларни бегоналашиб кетишида, ўз меҳнатидан қониқишпи сезиларли равишда тушиб кетишида, ходимларнинг кўнимсизлигида ва бошқаларда намоён бўлди.

Бу эса меҳнатни бошқаришда туб ўзгаришларни талаб этди. Бу биринчи галда ходимга муносабатда, мукофатлаштириш тизимида ва уларни корхоналарини бошқаришда қатнашиш йўналишларида олиб борилиши зарур эди. Д. Макгрегор ўзининг «Корхонани инсоний тарафи» (Человеческая сторона предприятия) (1960) деган китобида ишлаб чиқаришда авторитар идора усули эскирганлигини исботлади. У инсонга, ходимга қарашни икки назарияси бор деб қарар эди.

Биринчи назарияга мувофиқ инсон табиатан дангаса, уни қишиш жазолаш ёки йўқчилик билан қўрқитиш зарур.

Иккинчи назарияга асосан эса, инсонларга ёқимли меҳнат, қарорлар қабул қилишда қатнашиш ёқади, улар жонбозлик кўрсатишдан хурсандлар, уларга ҳайрихоҳлик зарур. Бундан келиб чиққан ҳолда ходимларга майда васийлик қилишдан воз кечиш, уларни ижодий ҳаракатлари ва мустақиллигига шароит яратиш, ишлаб чиқаришга «инсоний муносабатларни» татбиқ этиш керак. Биринчи назария эскирди, менеджерлар икки назария би-

лан қурулланмоғи зарур — «инсоний муносабатлар» ўзини оқлайди деб таъкидлайди Д. Макгрегор.

Илғор корпорацияларда менежмент ушбу йўриқни ҳисобга олган ҳолда «қисқартирилган иш ҳафтаси», «сурилган иш жадвал» ва бошқа шакллардаги янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этди. Ушбу янгиликлар ижрочини ўзининг меҳнат фаолиятидаги ўрнатилган чегаралари доирасида анча мустақиллигини кенгайтирди; менежерлар табақалаштирилган тариф секталаридан чекинадилар; мукофатлашни меҳнатни пировард натижасига боғлиқлигини кўчайтирди. Фойдани тақсимлашда қатнашиш шаклини тадбиқ эта бошладилар. 70—80 йиллардаги иқтисодий ларзалар меҳнатни бошқаришни ривожланишига кучли туртки берди ва шундан сўнг янги ишлаб чиқаришнинг технологик усулига ўтилди.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши меҳнатни бошқаришда чуқур ўзгартиришларни амалга оширишни зарурият қилиб қўйди. Бу ўзгаришлар инновацион қондаларда амалга оширилди. Меҳнатни инновацион бошқариш иқтисодий ўсишини фан-техника турига мос келади. У ишнинг юқори унумдорлиги ва сифатини таъминлашга, ходимларни ижодий ташкилотчилик фаоллигини оширишга, фирма меҳнаткашларининг унга содиқлигини таъминлашга қаратилган эди. Меҳнатни инновацион бошқариш юқори малакали меҳнатга, юқори сифатли иш кучига қаратилган бўлади. Менежмент ҳар доим ходимларнинг новаторлик фаолиятини фаоллаштириш воситаларини ва рағбатлантириш йўллариини излашни амалга оширди.

Бундай корхоналарда доим ишловчи юқори малакали ходимлар, индивидуал контрактлар асосида маълум вақтларда ишловчи ходимлар мавжуддир. Фирма ходимларни танлаш уларни малакаларини ошириш, лавозимларга кўтаришларни ўзи амалга оширади. Менежерлар ходимларни ижодий меҳнатга интилиши, таклиф этилган фикрларни аналга ошириш, ўшанга яраша қилинган меҳнатга ҳақ тўланишини ҳисобга оладилар. Меҳнатни ташкил қилиш ва бошқаришда ижрочиларни ҳўжалик қарорларини қабул қилишда қатнашиш, ходимларни ва ишчи гуруҳларини ўз-ўзини бошқариш муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш менежментни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир этган ҳолда, пировард натижада мавжуд эҳтиёжларни қондиришга қаратилгандир.

2. Менежментнинг моҳияти

Менежмент корхонани фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш, рағбатлантириш ва назорат қилишни ўз ичига олади.

Корхоналарни (корпорацияларни) самарали ҳаракат қилиши учун ички мустаҳкам алоқалар зарурдир, бу эса уни ҳар хил бўлакларини яхлит қилиб бирлаштириб ташкил этиш ва бошқариш

орқали таъминланади. Менежмент назарияси системали ёндошишга асослангандир, бунда ташкил этиш, бир-бири билан боғлиқ ва маълум даражада тартибга солинган кўп компонентлардан иборат деб қарилиб, у яхлитликка ва ташқи муҳит билан бирликка эга бўлади.

«Ташкил этиш» тушунчаси қуйидаги таркибий қисимларни ўз ичига олади.

1. Мақсад, вазифаларни аниқлаш. 2. Иш турларини аниқлаш мақсадида вазифаларни гуруҳларга бўлиш. 3. Тегишли бўлимларда меҳнат турларини гуруҳларга бўлиш. 4. Ваколатларини бериш (делигирование), жавобгарликни тақсимлаш ва бошқариш иерархиясида даражалар сонини аниқлаш. 5. Ташкилотларни мақсадга эришиши учун ходимларни ундайдиган ташкилий муҳитни вужудга келтириш. 6. Қарорларни қабул қилиш, назоратни ва мувофиқлаштиришни таъминловчи коммуникация тизимини лойиҳалаш. 7. Ташкил этишни ҳамма таркибий қисимлари ўртасида уйғунликни таъминловчи, ташқи муҳитни ўзгаришларига таъсирчан ва уларга мослашишни таъминловчи, ягона ташкилий тизимни қуриш. Ташкил этишни муҳим элементи бу унинг структурасидир, яъни ташкил этиш конструкцияси. Ушбу конструкция ҳар хил маъмурий хизматлар орасидаги ҳокимият ва коммуникация каналлари ва ундан оқиб турувчи ахборатни ўз ичига олади.

Фирмани қуришнинг ташкилий принциплари унинг мақсади ва стратегияси билан аниқланади. Мақсад бу фирманинг келажакдаги исталган ҳолатидир. Мақсад аниқлангандан сўнг ҳаракат йўналишлари ёки фирманинг сисъати ишлаб чиқилади. Сисъатнинг асосий вазифаси стратегик концепциясини аниқлаш. Унинг ёрдамида фирманинг мақсадларига мос қарорлар қабул қилинади. Ташкил этишнинг мақсадларига эришиш қуйидаги асосий омилларга боғлиқ бўлади: танланган стратегия, ташкилий структура ва уни қандай ҳаракат қилиши. Бунда фирма танланган ривожланиш стратегияси ва ташкилий структура рўй берадиган ўзгаришларга (ФТТ, талабни ўзгариши ва ҳ. к.) мосланувчан бўлиши керак.

Фирманинг ташкилий тузилмаларини бир қанча турлари мавжуд.

Чизиқли структура ўз ичига иккита ташкилий элементни қамраб олади, биринчиси ишлаб чиқариш билан, иккинчиси эса маҳсулотни сотиш билан шуғулланади. Ушбу структурадан бир турдаги ва мураккаб бўлмаган технологияни қўлловчи катта бўлмаган фирмалар фойдаланади.

Ушбу таркибий тузилманинг камчилиги шундан иборатки, маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва сотиш билан банд бўлган ходимлар ўзларининг вазифаларига қўшимча ҳисоб, сифат устидан назорат, кадрлар билан ишлаш, ҳисоб операциялари билан шуғулланадилар.

Фирманинг ўсиши, технологияларни мураккаблашувни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хиллари кўпайиши натижасида бошқаришнинг ташкилий структурасини бошқа шаклларига эҳтиёж пайдо бўлади.

Чизиқли-штабли структура. Ушбу тузилиш ҳар бир чизиқий раҳбар қошида ихтисослашган хизматлар (штаблар) тузиш орқали ташкил этилади. Уларнинг вазифаси ҳар хил муаммоларни ўрганиш орқали раҳбарга қарор қабул қилишда ёрдам-беришдан иборатдир.

Ушбу структурани устун тарафи шундан иборатки чизиқий ходимлар ўз диққатларини жаорий фаолиятларга жамлашишидандир, камчилиги эса бошқариш харажатларининг ўсиши, бошқариш тезкорлигининг пасайишидан иборат.

Функционал структура. У саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажмлар ва мураккаблигини тез ўсиши шароитларига анъанавий ташкилий структураларни мослаштиришга уринишдан иборатдир. Чизиқли-штабли структурадан фарқли ўлароқ штаблар ходимларни маслаҳат бериш ҳуқуқига эмас, балки бошқариш ва қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилган бўлади. Ишлаб чиқариш сотиш, молия ва илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишларига маъсулият функционал бошқарувчиларга юклаган бўлади, улар эса ўз навбатида фирмани бош штаб-квартирасига бўйсундиладир. Ушбу структуралар XIX асрнинг охирида вужудга келган бўлиб бир хилда чекланган ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар учун самарали деб ҳисобланади.

Дивизионал структуралар. У функционал белгига эмас, балки маҳсулотлар, бозорлар ёки хизмат кўрсатилаётган истеъмолчилар гуруҳига қараб тузилади. Ҳар бир ташкилий маҳсулот — бозор бирлиги бўлими дейилади. У ўз навбатида ишлаб чиқариш, сотиш, режалаштириш илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишлари бўғинларига эга бўлади ва «фойда маркази», «сотиш маркази», «инвестиция маркази» сифатида кўрилади. Маъмурият тасарруфида эса умум фирма масалалари молиявий, юридик, алоқа, кадрлар ва бошқа шуғулланувчи бўлимлар бўлади. Юқорида кўриб чиқилган ва бошқа мавжуд ташкилий структураларни бирортаси ҳам универсал ҳисобланмайди. Фирма структурани танлаб олишдан аввал, танлаб олинган структура қондирадиган мезонларни аниқлаб олиш зарур. Ундан ташқари ишлаб чиқариш ва атроф муҳит хусусиятларини ҳам эътирофга олиши зарур.

Фирма фаолиятини режалаштириш қўйидагиларни ўз ичига олади: мақсад ва стратегияни танлаш, корхона фаолиятидаги устувор йўналишларни аниқлаш ва унга эришиш йўлларини излаб топиш. Режалаштириш фирмани бошқаришни ҳамма даражаларини қамраб олади. Режалаштиришни натижаси бўлиб қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли режалар тизими ҳисобла-

нади. Узоқ муддатли режалаштириш жараёнида фирмани умумий мақсадлари ва стратегияси аниқланади. Урта муддатли режалаштиришнинг асосий вазифаси — белгиланган мақсадларга эришиш воситаларини аниқлаш, қисқа муддатли режалаштириш — бу ресурслардан фойдаланишни режалаштиришдир. Ушбу режалар бир йилга мўлжалланиб, ой, кварталлар бўйича детализация қилинади.

Режалар тасдиқлангандан сўнг уни рақамларда яъни бюджет шаклида тақдим этилади. Бюджет молиявий режа бўлиб, корхона фаолиятининг моддий асосини ташкил этади. Корхона ўз бюджетини тузади ва улар бир неча гуруҳларга бўлинган бўлади: 1. Даромадлар ва харажатлар сметаси; 2. Вақт ва материаллар сарфи сметаси; 3. Капитал сарфлар сметаси; 4. Қассали бюджет; 5. Баланс.

Корхона ҳар хил даражадаги бўғинлардан иборат бўлади. Масалан, цехлар, участкалар, бригадалар ва ҳоқазо. Ана шу бўғинлар юқоридан тушirilган корхоналарни жорий ва келажакдаги мақсадлари, стратегияси ва режалаштириш бўлимини йўриқлари ва прогнозлари асосида ўз фаолияти режасини тузади ва режалаштириш бўлимига юборилади. Ушбу бўлим берилган режаларни таҳлил этади ва улар асосида корхонанинг умумий режасини тузади ва раҳбарият томошидан тасдиқланади.

3. Маркетингнинг моҳияти, уни ташкил этиш шартлари ва вазифалари

Маркетинг атамаси инглизча «market» сўзидан олинган бўлиб, бозор ёки бозорнинг асоси деган маънони англатади. Маркетинг назарияси XX асрнинг бошида АҚШ да вужудга келган. Унинг вужудга келишининг сабаби, такрор ишлаб чиқариш зиддиятларининг кучайиши натижасида маҳсулотларни сотиш муаммосининг кескинлашуви эди. Унинг асосчилари муомала соҳасидаги камчиликларни иқтисодий ривожланишининг асосий тўсиғи деб билиб, уни такомиллаштиришнинг ҳар хил усуллариини таклиф этганлар. Дастлаб маркетинг тадқиқотлари сотиш фаолиятининг ҳамма турларини қамраб олган эди. Уларнинг диққат марказида савдо, реклама, кредит ва бошқа масалалар турар эди. Ишлаб чиқариш соҳаси эса ўрганиш объекти эмас эди. Маркетинг фани ўзинга ҳос соҳа бўлиб, алоҳида амалий ишлардан назариянинг умумий масалаларига аста ривожланиб борди.

XX асрнинг 50 йилларида маркетинг назарияси бошқариш назарияси билан қўшилиб, натижада компанияларни бошқариш ва маркетинг қондалари тўғрисидаги фан сифатида вужудга келди ва «бошқаришнинг бозор назарияси» номини олди. Унинг ўрганиш объектини янги товарларни ва технологияни ишлаб чиқариш би-

лаб боғлиқ бўлган ҳамма фаолиятлар, яъни режалаштириш ва ишлаб чиқариш дастурларини бажариш, молия ва сотиш масалалари ташкил этди. Бозорни таҳлил қилиш асосий мақсад қилиб қўйилди, ишлаб чиқариш эса, ушбу таҳлилнинг натижаларига асосланиб мосланиши зарур эди. Фойда олишни мақсад қилиб қўйиш билан бир қаторда истеъмолчилар талабини қондириши ҳам эълоҳ қилинди. Масалага бундай ёндашиш ҳозирги замон бизнеси фалсафасининг моҳиятини ташкил этади.

Ҳозирги маркетинг—иқтисодий фаннинг ўзига хос соҳаси бўлиб, кенг маънода сотиш муаммолари билан шуғулланади, шунга мос уларни ҳал этиш учун воситалар яратди. Бу айрибошлаш ёрдамида маркетинг талаб ва эҳтиёжларни қондиришга қаратилган инсон фаолиятининг туридир.

Маркетинг асосини харидорларнинг талабларини аниқлаш ва уларнинг сотиб олиш имкониятларига мувофиқ товарларни ихтиро қилиш ва аниқ истеъмолчилар учун маҳсулот ишлаб чиқариш ташкил этади.

Ишлаб чиқариш маркетинг воситасида ҳолат тез ўзгариб турадиган бозор талабига мосланади ва самарага эришади. Товар ишлаб чиқарувчилар маркетинг туфайли бозор билан ўзвий боғланадилар, ишлаб чиқариш манбаларини бозор талабига мос товарлар яратишга қаратилган соҳибкорлик ва тижорат ишларини режалаштирадлар.

Маркетингнинг асосий қондалари — бозорни биллиш, бозорга мослашиш ва унга таъсир этишдир;

— товар ишлаб чиқаришда харидорнинг аниқ эҳтиёжларини ва корхона имкониятларини ҳисобга олиш;

— харидорнинг талаб — эҳтиёжларини тўла қондирилиши, бўлғуси талабларни назарда тутиш;

— мўлжалланган бозорда товарларни айтилган вақтда ва белгиланган миқдорда самарали сотиш;

— янги турдаги товарларни ўзлаштира бориб, корхонанинг узоқ давр мобайнида самарали ишлашига эришиш;

— корхонанинг ишлаб чиқариш йўналишлари, тутган йўли бозор шароитига, харидор талабига мослашиши билан бир қаторда талабга таъсир этиш.

Маркетинг асосан, икки вазифани бажаради, бир томондан, мавжуд ва потенциал талабларни қондиришига ишлаб чиқаришни йўналтириш, иккинчи тарафдан эса, талабни таркиб топтириш ва рағбатлантиришдир. Бунда нима ишлаб чиқарилса ўшани сотиш эмас, «балки» нима сотиб олинса, ўшани ишлаб чиқариш лозимдир. Ана шунинг асосида ишлаб чиқариш ва истеъмол бир-бирига муфовиқлаштирилади.

Маркетингни амалга оширишда муваффақият у амалга оширилаётган муҳитга боғлиқ бўлади. Унга фирма ва унинг маркетинг

бўйича ходимлари томонидан назорат қилина олинмаган омиллар ва назорат қилина олинмайдиган омиллар таъсир кўрсатади. Биринчи хил омилларга компанияларнинг фаолият кўрсатадиган соҳаси, унинг мақсадлари, мақсадда тутилган бозорни аниқлаш, маркетингни ташкил этиш ва унинг таркиби киради. Иккинчи хилдаги омиллар эса истеъмолчилар, рақобат, ҳукумат ва яхлит иқтисодиёт тарафида ётади. Маркетинг қоидалари асосида ўз фаолиятини кўпроқ ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмол буюмларини ишлаб чиқарувчи фирмалар ташкил этадилар. Чунки, маркетинг кўп харажатларни талаб этади, бунга эса кўпроқ йирик компанияларнинг имконияти бўлади.

Аmmo бундай шароитда ҳам кучли компаниялар ҳар хил сабабларга кўра (харажатлар ҳажми, қандайдир алоҳида йўналишда мутахассисларнинг ва тажрибанинг йўқлиги ва ҳоказо) одатда мустақил равишда маркетингнинг ҳамма воситаларидан фойдаланмайдилар, ёрдамчиларни (ихтисослашган реклама муассасалари, ахборотни йиғиш ва таҳлил этиш муассасалари ва бошқалари) жалб этадилар. Ҳозирги шароитда маркетингни аҳамиятини ўсиб бориши фан-техника инқилобини ҳозирги замон хусусиятлари билан боғлиқдир. Чунки, у эҳтиёжларининг ўзгаришини жадаллаштиради ва талабларга тезда мосланувчи ишлаб чиқариш учун шароит яратади.

Ходимларни жалб қилиши ва харажатлар даражаси маркетингни иқтисодиётда муҳим ўрин эгаллашидан далолат беради. Масалан, АҚШ да ҳисобларга кўра фуқаро ишлаб чиқариш соҳасида ишловчиларни 25% дан 33% гача маркетинг фаолияти билан банд. Жуда кўпчилик корпорацияларни маркетинг соҳасида нуфузга эга бўлган мутахассислар бошқаради.

Шунингдек, маркетинг ҳозирда бизнеснинг мустақил соҳасига айланганлигининг ҳам эътиборга олмақ зарур. Ҳисобларга кўра маркетинг харажатлари (мутахассисларни тайёрлаш учун харажатлар ҳам киради) товарларнинг пировард баҳосининг ярмисини ташкил этади. Маркетинг маълум шароитларга мақсадга мувофиқ яхши самара беради. Буларга — ривожланган бозор муносабатларининг мавжудлиги;

— хўжалик рақобатлари ва маркетинг — мутахассисларнинг тахтлиги;

— синалган марказлаштирилган ҳар хил ахборатларни йиғувчи тизимнинг мавжуд бўлиши ва ундан фойдаланиш мумкинлиги;

— маркетинг тадбирларини амалга оширишда ёрдам бера олиш қобилиятига эга бўлган ихтисослашган ташкилотларнинг мавжудлигидир.

Шу нарса аниқки, ҳозирги шароитда бизнинг иқтисодиётимизда юқорида кўрсатилган шароитлар тўла даражада мавжуд эмас. Маркетингни аҳамияти бизнинг иқтисодиётимиз бозор муносабат-

ларига ўтган сари ортиб боради. Корхоналарни (бирлашмаларни) бошқаришни янги қондаларга ўтиш жараёни бир мунча вақтни талаб этади. Бу жараёни мутахассисларни тайёрлашни бошламоқ зарур, шу билан бирга ҳозирдан бошқариш хизматларини ташкилий қайта қуриш тўғрисида ўйламоқ зарур.

Маркетинг тизимини мажбуран таркиб топтириш керак эмас. У табиий эҳтиёж сифатида таркиб топиб янги психологияни юзага келтириши мумкин. Маркетингни билиш ҳар хил соҳаларда банд одамларга фойдалидир. Чунки у тadbиркорлик фаолиятида тижорат мувофақиятини таъминлаб боради.

4. Бозорни ўрганиш ва унга мослашиш

Рақобат курашида фирманинг мувофақияти талабнинг даражаси, характери таркиби ва унинг ўзгариш йўналишларини қанчалик синчиклаб ўрганилганлигига боғлиқ бўлади. Бозорни таҳлил этиш натижалари, фирманинг жорий ва келажакдаги сиёсатининг асосини ташкил этади. АҚШ да саноатдаги ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги фирмаларнинг 90% буюк британияда 75% га яқини мунтазам равишда бозор тадқиқотларини амалга оширадилар.

Бозорни ўрганиш йўналишларининг асосийларидан қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- талабни ўрганиш;
- бозорни таркибинини аниқлаш;
- товарни ўрганиш;
- рақобат шароитларини тадқиқ этиш;
- сотиш шакиллари ва услубларини таҳлил этиш.

Талабни ўрганиш — бозорни ўрганишни бошланғич bosқичи бўлиб, унинг умумлаштирувчи ҳолат ва кўринишларини аниқлайди. Маркетинг режалаштириш ва уни бошқаришни ташкил этиш, талабни ўрганиш, бозор имкониятларини таҳлил этишда муҳим рол ўйнайди.

Бозор талаби ўзгарувчан табиатга эгадир. Унга ҳар хил омиллар таъсир кўрсатади, хусусан, демографик, умум иқтисодий, ижтимоий — маданий, психологик, шунингдек, маркетинг дастури асосида олиб бориладиган тadbирлар.

Демографик омиллар қуйидагилардан иборат — аҳолининг сони, унинг жинсий ва ёшга оид таркиби, oilаларнинг сони, аҳолининг географик тақсимланиши.

Умумиқтисодий омилларга аҳолининг даромади; баҳолар даражаси; маҳсулотнинг сифати; кредитларни бериш шароитлари ва ҳажми; аҳоли жамгармаларининг миқдори ва бошқалар кирди.

Ижтимоий — маданий омиллар қаторига эса аҳолининг таълим олганлик даражаси; касбкорлик таркиби; жамиятда аёлларнинг

аҳволи ва бошқалар киради. Фирма товаридан келиб чиққан ҳолда, уни сотишга бевосита таъсир қиладиган омиллар таҳлил қилиш учун танлаб олинади. Масалан, холодильник ишлаб чиқарадиган фирма учун аҳолининг сони эмас, балки оилалар сонини билиш муҳимдир.

Талабни ҳар хил омилларга миқдорий боғлиқлиги унинг эгилувчанлиги дейилади. Талабнинг эгилувчанлиги, унинг бирон бир омил таъмирида ўзгариш даражасидир. Ушбу кўрсаткич талабнинг ўсиш суръатини шу омилнинг ўсиш суръатига нисбати орқали ҳисобланади. Бозорнинг миқдорий ва сифатий белгиларини аниқлаш, унинг таркибини аниқлаш орқали тўлдирилади. Бунга эса сегментация услуги ёрдамида эришилади.

Бозорни сегментациялаш товарнинг жами истеъмолчиларини унга бир хилда талаб қўйиладиган алоҳида гуруҳларга бўлиш тушинилади. Бунда фирманинг мақсади чегараланган маблағлар билан ажратиб олинган бозор сегментига товар ишлаб чиқариш, уларнинг эҳтиёжини қондириш ва кўпроқ фойда билан ифодаланади. Сегментация маълум омиллар асосида амалга оширилади. Булар қаторига географик, демографик, истеъмолчининг ҳаёт тарзи ва бошқалар киради.

Истеъмолчининг географик жойлашини деганда — худуднинг жойлашини, об-ҳавоси, аҳолиси, даромади ва транспортдаги хусусиятларига қараб, истеъмолчиларни ҳар хил гуруҳларга ажратишни тушунилади. Демографик хусусияти деганда — аҳолининг ёши, жинси, билим даражаси, касби, оилавий аҳволи ва сони, миллати ва ирқига қараб ҳар хил сегментларга бўлишини назарда тутати. Шунингдек, истеъмолчининг табақасига, шахсий ҳаёт тарзига, товар сотиб олишга бўлган муносабатларига қараб ҳар хил гуруҳларга бўлиш мумкин.

Сегментацияни амалга оширишдан мақсад истеъмолчиларнинг юқоридаги хусусиятларига қараб, бирон бир гуруҳни танлаб олиб, уларнинг диди, талаби, эҳтиёжи учун товарлар ишлаб чиқаришдир. Бозорнинг таркибини аниқлангандан сўнг маркетинг стратегияси танлаб олинади. Умуман, корхонанинг келажагини бозор аниқлайди, 3 хил маркетинг усуллари қўлланилади. Агар бозор сегментлари маълум бир товарга, бир хил талабга, молиявий имкониятига, бир хил дидга ва хохишга эга бўлганда, оммавий маркетинг усулидан фойдаланилади. Масалан: кишиларнинг пинга, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжлари шулар жумласидандир. Унинг мақсади кўпроқ стандарт, яъни бир хил товар ишлаб чиқариш ва сотиш.

Истеъмолчиларнинг хусусиятларига қараб, корхона икки ёки ундан кўпроқ бозор сегментини ажратиб, улар учун маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратса, унда кўп хил бозор сегментацияси ёки табақалашган маркетингдан фойдаланилади. Бу ҳолда ҳар бир

сегмент учун алоҳида маркетинг маҳсулот режаси тузилади. Масалан, бирор бир корхона 4 турдаги ҳар хил истеъмолчилар гуруҳини мўлжаллаб 4 хил марказдаги товар ишлаб чиқаради.

Агарда фирма битта бозор сегментини ажратиб олиб, уларнинг эҳтиёжини қондиришга қаратган бўлса, тўплавчиси маркетингдан фойдаланади. Маркетинг стратегияси деганда, умумий ҳолда корхонанинг имкониятларини бозор талабига мувофиқлаштириш тушунилади. Маркетинг стратегияси товар бозорини конъюнктура-сини тадқиқ қилиш ва прогнозлаш товар ва истеъмолчиларни ҳамда раҳбарларни ва бошқа бозор элементларини ўрганиш асосида ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарувчи бозор сегменти ёки сегментларини танлашда ўзининг маҳсулотлари, кучли тарафларини рақобат даражасини, бозорни катталигини сотиш каналларининг характери ва фойдани ҳисобга олмоғи зарур. Корхона қанчалик кўп сегментларга хизмат кўрсатса, шунчалик фойдани миқдори кўп бўлади. Бозорни ўрганиш ва прогнозлаш учун ажбрат ҳар хил манбалардан фойдаланади. Жумладан, умумиқтисодий ва даврий нашрлардан, расман статистик нашрлардан ва ҳоказолардан олинади. Буларнинг қаторига истеъмолчиларнинг сўрови ҳам киради. Буни шахсий суҳбат, почта орқали, телефон орқали амалга ошириш мумкин.

Маркетинг тизимида маҳсулотни ишлаб чиқариш масалалари товарни сотиш масалалари билан бир қаторда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки маҳсулотни сотишга эришиш, товарни харидорларнинг эҳтиёжларини қондира, олишга боғлиқ бўлади. Бу эса бозорни ўрганиш орқали маҳсулот турини унинг чегараларини аниқлаш, яъни талабнинг эҳтиёжга таъсирини инobatга олинишига тақоза этади.

Бозор учун янги товарни яратиш ва жорий этиш жуда мураккаб вазифа ҳисобланади. Уни ҳал этишда, технологлар ва конструкторлар, иқтисодчилар, руҳшуносларнинг ҳаракатларини бирлаштириш зарур бўлади. Ушбу жараён бир неча босқичлардан иборатдир.


Биринчи босқичда ҳар хил манбалардан таклифлар йиғилади. Улар бирламчи текширувдан ўтказилади. Бундан мақсад товарда таклифларни сотиш учун имконият мавжудми ёки йўқлигини аниқлаш.

Текшириш натижасида диққатга сазовар деб ажратиб олинган таклифлар иккинчи босқичга яъни техник — иқтисодий баҳо беришга ўтади. Бунда келажакдаги товарни мумкин бўлган тавсифи, унинг истеъмол хусусиятлари ва истеъмолчиларнинг талабларига мувофиқлиги кўриб чиқилади. Ана шундан кейин, танлаб олинган таклифлар батафсил, техник-иқтисодий экспертизадан ва конструкторлик ишлаб чиқариш босқичидан ўтади.

Бунда тахмин қилинган ишлаб чиқариш ҳаражатлари, баҳо

фойда, товарни сотишни мўлжалланган истеъмолчилар гуруҳларига миқдорий баҳо бериш, ишлаб чиқариш қувватлари, ходимларга зарур бўлган тажриба ва билим аниқланади.

Шуни ҳам таъқидламоқ зарурки, корхона ички омиллар билан бир қаторда бошқа омилларни ҳам эътиборга олишни зарур. Бу омилларга қуйидагилар киради: товарни истеъмол қилишни таъқиқловчи ёки чегаралайдиган қонунлар; техника ҳафсизлиги қоидалари: патент тизими; атроф муҳитни муҳофаза қилиш талаблари; мавжуд стандартлар ва ҳар хил регламентациялар ва ҳоқазо.



Истеъмолчилар талабига тўғри йўналишни топишда уларни янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга жалб этиш муҳимдир. Таҳлил натижасида истиқболга эга, деб топилган товар намуналари тажриба ишлаб чиқаришига ўтказилади. Бир вақтни ўзида уни сотиш ва реклама қилиш режасини дастлабки варианты ишлаб чиқарилади ва уни бозорда текшириб кўриш учун тадбирлар тайёрланади. Кенг кўламда товар ишлаб чиқаришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарор синов маркетинги натижалари асосида қабул қилинади. Синов маркетинги товарни синов бозорида текшириб кўришдир. Синов сотишлар маҳсулотнинг мумкин бўлган мувофақиятли ёки мувофақиятсизлигига реал баҳо бериш имконини беради. Ундан ташқари сотиш прогнозини фойда даражасини аниқлашга, ушбу товар истеъмолчиларини чуқурроқ ўрганишга, маҳсулотни янада уларга мослаштиришга ёрдам беради. Синов муддатини аъло даражаси товарни қайта сотиш имкониятини яратиб бермоғи зарур. Маҳсулотни режалаштириш жараёнидан бозорга янги товарни чиқариш вақтини тўғри аниқлаш муҳимдир. Буни амалга оширишга товарнинг ҳаёт цикли концепцияси ёрдам беради. Унга мувофиқ товар тирик организм

сингари туғилади, яшайди ва ўлади. Ўзининг бозор ҳаётида у — жорий қилиш, ўсиш, етуклик, таназул босқичларини босиб ўтади. Товарнинг ҳаёт циклини график тасвирда қуйидагича акс эттириш мумкин (қаранг 218 бет).

Жорий қилиш — товарни бозорда пайдо бўлиши ва аста сотишни кўпайтириш даври. Бу босқичда корхона деярли фойда олмайди. Ишлаб чиқариш харажатларининг катталиги сабабли.

Ўсиш босқичида истеъмолчилар томонидан товар тан олинади. У товарни сотиш ҳажмини сезиларли даражада ўсиши ва фойдани олиши билан характерланади.

Етуклик — товарни сотиш суръатларини аста секинлик билан пасайиши даври. Бу босқичда фойда ўзининг энг юқори чегарасига етади ва товарни рақобатга бардошлик хусусиятини ушлаб туришга қўшимча ишлаб чиқариш харажатларининг сарфланиши натижасида камаё бошлайди.

Таназул — товарни сотиш ва олинаётган фойдани ҳажмини кескин пасайиши даври. Одатда жорий қилиш босқичи энг қисқа, таназул эса энг узун босқич ҳисобланади. Бир босқичнинг тугаши, иккинчи босқичнинг бошланишини аниқлаш осон эмас. Одатда сотиш ҳажмининг яққол ўсиши ёки камайиши пайти ҳар бир янги босқичнинг бошланиши ҳисобланади. Унинг умумий давомийлиги, ҳар бир босқични давом этиши, уларнинг хусусиятлари фарқ қилиши мумкин. Бир хил товарлар учун жерий қилиш босқичининг йўқлиги характерлидир, бошқалари жорий қилиш босқичидан бирданига етуклик босқичига ўтадилар. Агарда маҳсулотни қўллаш соҳалари топилса, унда етуклик босқичи, ҳатто таназул босқичи яна ўсиш босқичига ўтиши мумкин. Товарнинг ҳаёт циклини ҳар бир босқичи ўзининг маркетинг воситаларини танлашни талаб этади. Агарда жорий этиш босқичида янги товарни бозорда пайдо бўлиши, унинг истеъмол хусусиятлари тўғрисидаги ахборот катта аҳамиятга эга бўлса, таназул босқичида эса товарни сотишни таъминлаш учун, масалан, баҳоларни пасайтиришдан фойдаланиш мумкин. Корхона товарни такомиллаштириш, уни янги турларини топишни ўсиш босқичида бошлайди; етуклик босқичи эса сотиш ҳажмини таъминлаш учун маҳсулотга ўзгартиришлар киритилади. Янги товарни бозорга ташлаш пайти шундай танлаш керакки, унда ўтмиш товарнинг маънавий эскириш унга қилинган харажатларни қопламаслиги ва етарли ҳажмда фойда олиниши таъминламаслиги керак.

Корхонанинг тижорат мувоффақияти маҳсулотни муомала соҳасидаги ҳаракатини қанчаларни қанчала оқилона ташкил этилганлиги даражасига боғлиқ бўлади. Маркетингда, товарни ҳаракати деганда маҳсулотни режалаштириш, реализация қилини ва товарни ишлаб чиқаришдан истеъмолчига ўтишини ва унга хизмат қилишни назорат қилиш бўйича фаолиятига айтилади. Маҳсулотни ташиш, сақ-

лаш, истеъмолчилар билан алоқа қилиш товар ҳаракатининг элементларини ташкил этади. Товар ҳаракатини ташкил этишдан мақсад — керакли бўлган юкларни керак бўлган жойга вақтида ва иложи борича кам харажатлар билан етказиб бориш.

Товар ҳаракати, каналлар орқали амалга оширилади. Товар ҳаракати каналлари (ёки тақсимлаш) шахсларга ўз товарига эгаллик ҳуқуқини ўзларига ёки бошқаларга ўтказишга ёрдам беришни ўз зиммаларига олган, бевосита воситачи ёки сотиш иштирокчиси сифатида чиқувчи ҳамма ташкилотлар ва шахслар, бу ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга товарларнинг ҳаракат қилиш йўлидир. Товар ҳаракатининг каналлари ҳар хил вазифаларни бажаради. Улар истеъмолчилар ва уларнинг эҳтиёжлари тўғрисида маълумот ва янги товарлар борасида ахборат билан таъминлайди, потенциал истеъмолчилар билан алоқа ўрнатади, баҳонинг шаклланиши масалаларига таъсир этади, сотишни рағбатлантиради, товарларни ҳаракат қилиши учун, харажатларни қоплаш учун молиявий ресурслардан фойдаланади ва топади.

Товар ҳаракати каналларининг тўғри ва билвосита тури фарқланади. Товар ҳаракатининг тўғри каналлари (ёки тўғри маркетинг) товар ва хизматларни тўғридан-тўғри воситачиларсиз ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга: корхонага қарашли магазинлар, почта ва бошқалар воситасида сотилишидир.

Товар ҳаракатининг билвосита канали мустақил воситачилар ёрдамида маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқдир. У оддий, яъни, ишлаб чиқарувчи (одатда қатта бўлмаган компаниялар) ва маҳаллий чакана магазинлар билан оғзаки битимга асосланган бўлиши мумкин ва мураккаб, яъни битимга асосланган бўлиши мумкин. Унда баҳо сиёсати, сотиш шароитлари, воситачилик ҳақи ҳажми, хизматлар структураси ва бошқалар келишиб олинади. Товар ҳаракатининг билвосита каналларини маркетинг умумий режасини, мажбуриятлари тақсимланган ҳолда ишлаб чиқаришни талаб этади.

Товарни-сотиш каналларини танлаш қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

— товарнинг характеристикаси қайси бозорда сотилмоқда, унинг сотишда қандай хизматлар талаб этилади ва ҳоҳазо;

— маҳсулотни ишлаб чиқариш қўлами ва рағбатлаша олиш даражаси, (фирманинг жорий ва келажакдаги сиёсати, унинг тармоқдаги аҳволининг барқарорлиги);

— сотиш каналларининг ўзининг характеристикаси (савдо харажатларининг ҳажми, савдо шоҳабчаларини қамраб олиш даражаси, сотишнинг кузланган ҳажми ва ҳудуди, савдо воситасининг техник даражаси ва молиявий аҳволи).

Ишлаб чиқариш истеъмолига мўлжалланган маҳсулотларни товар ҳаракати каналлари истеъмол буюмлари каналларига нис-

Сатан ўзига хос хусусиятларга эгадир. Унда чакана савдодан камроқ фойдаланилади, битимларнинг сони кам, ҳажми эса кўп бўлади. Товар ҳаракатининг ҳар хил босқичларида амалга ошириш функцияларини улгуржи ва чакана савдо бажаради.

Улгуржи савдо — товарни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига кўчириш бўйича фаолият бўлиб, истеъмолчи уни ишлаб чиқариш мақсадлари учун фойдаланади, ёки воситачи корхонага сотади. Улгуржи савдода уч турдаги корхона ҳаракат қилади: ишлаб чиқарувчиларни улгуржи корхоналари, коммерция улгуржи ташкилотлар (улгуржи савдогарлар), агентлар ва брокерлар. Агарда ишлаб чиқарувчида улгуржи савдо корхоналари бўлса, улар билан истеъмолчилар ўртасида операциялар мустақил воситачиларсиз амалга оширилади. Ишлаб чиқарувчиларни улгуржи савдо корхоналари икки турда бўлиши мумкин: сотиш бўлимлари ва сотиш идоралари. Сотиш бўлимлари (фирмалар) фақат маҳсулотни сотиш билан эмас, балки сақлаш (шунга яраша шаронтларга эга бўлади) билан шуғулланади. Сотиш идоралари — маҳсулотни сақлаш билан шуғулланмайди, шунинг учун, бозор яқинларида ёки ишлаб чиқариш хоналарида жойлашган бўлади.

Коммерция улгуржи ташкилотлар — мустақил савдо ташкилотлари, маҳсулотни сотиб олиш билан бирга, унга эгалик қилиш ҳуқуқини ҳам оладилар. Коммерция улгуржи ташкилотлар орасида савдони тўлиқ хизмат кўрсатиш билан товар етказиб берувчилар ва мижозларга қўйидаги турдаги хизматларни кўрсатади: товар заласларини сақлаш, уларни етказиб бериш, сотилган дастгоҳларни ўрнатиш ва таъмирлаш, кредитлаш, бошқариш, тадқиқот ва режалаштиришда ёрдам бериш ва бошқалар (ва чекланган даражада хизмат кўрсатувчи) камроқ ҳажмда хизмат кўрсатувчи улгуржи ташкилотлар ажралиб туради. Агентлар ва брокерлар коммерция улгуржи ташкилотларидан фарқли ўлароқ, товар билан бирга унга мулк эгаси ҳуқуқини олмайдилар. Улар сотиш жараёнида воситачилик қиладилар ва шунга яраша воситачилик ҳақларини оладилар (одатда товар баҳосидан 2% дан 6% гача). Агентлардан доимий асосда брокерлардан вақтинча асосда фойдаланилади. Коммерция улгуржи ташкилотлар агентлар ва брокерлар таклиф этилаётган товарнинг тури ва ассортиментиغا ва хизмат кўрсатилаётган мижоз типига қараб ихтисослашадилар. Ҳозирги вақтда улгуржи савдонинг ривожланишига коммерция улгуржи ташкилотларининг ролини ошиб бориши характерлидир. Чунки савдо-товар ва хизматларни пировард истеъмолчининг шахсий истеъмоли учун сотиш билан боғлиқ бўлган фаолият. У товар ҳаракатини яқунловчи босқичидир. Чақана савдонинг тури-туман шакллари мавжуд. Булар магазинлар, автоматлари орқали сотиш, почта орқали товарларни етказиб бериш ва ҳоказо.

Маҳсулотларни сотиш ҳажми талабни кўпайтириш усулларига

боглиқдир. Хусусан рекламага. Маркетинг концепциясида маҳсулотни сотиш — тадбирлар мажмуасида марказий ўрinni реклама эгаллайди. Реклама қуйидаги вазифаларни бажаради:

— ахборот берувчи (яъни товар тўғрисидаги маълумотни ёки мавжуд товарнинг янги хусусиятларини истеъмолчига етказиш, баҳоларин ўзгариши тўғрисидаги ахборотни етказиш, компания образини таркиб топтириш ва бошқалар).

— эсга солувчи товар тўғрисидаги хабардорлигини ушлаб туриш, истеъмолчиларни товар уларга керак бўлиб қолиши тўғрисида огоҳлантириш, қаерда уларни сотиб олиш мумкинлигини эслатиш ва хоҳазо. Ахборот берувчи товарларга нисбатан қўлланилади. Қўндирувчи реклама товарларни кўпайиши даврида, унга талабни ўстириш учун қулайдир. Эсга солувчи реклама эса, товарни етуклик даврида унга талабни тутиб туришни таъминлаш учун муҳимдир.

4-б о б, РАҚОБАТ ВА МОНОПОЛИЯ

1. Рақобатнинг моҳияти

Бозор иқтисодиёти шароитида унинг субъекти бўлмиш корхоналарнинг ҳар бири ўз фойдасини кўпайтиришга ҳаракат қиладилар. Бундай шароитда улар бир-бирига рақиб сифатида майдонга чиқадилар, бу шубҳасиз, табиий ҳол. Зеро, рақобат баҳо билан бир қаторда бозор механизмининг асосий муҳим элементи ҳисобланади.

Хўш рақобат нима? Рақобат — товар ишлаб чиқариш, сотиш ва харид қилиш учун қулай мавқени эгаллаш учун бозор иштирокчилари ўртасидаги кураш.

Рақобат бозор иқтисодиётининг муҳим двигатели ҳисобланади. Зеро, рақобат ташқи куч сифатида майдонга чиқиб, корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш, харажатларни камайтириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни оқилона ташкил этишга, бичобарин, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга, жамғаришни оширишга донмо ундаб туради.

Рақобат «нима ишлаб чиқариш керак?» деган саволга аниқ жавоб беради. Чунки, харидорнинг товар ва хизматларни сотиб олишга сарфлаш учун мўлжаллаган маблағлари донмо чекланган бўлади. Ўз навбатида товар ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини сотиш орқали ушбу маблағларга эга бўлиш мақсадида курашадилар. Бозор иқтисодиётининг тамойилларидан бири, бу танлаш эркинлиги, яъни ҳар бир ишлаб чиқарувчининг нима ишлаб чиқариш, қандай ишлаб чиқариш, кимга сотиш, олинган даромадни қандай тасарруф қилишни ўзи танлаши. Аммо пировард натижада барча товар ишлаб чиқарувчилар бозорда харидорларни пуллари учун курашда тўқнаш келадилар. Ушбу ходисани рақобат кураши дейилади.

Шундай қилиб, рақобатнинг мавжудлиги товар ишлаб чиқарувчиларни мунтазам равишда харидорларнинг талабларига мослашишга, уларни иложи борича юқори сифатли товар ва хизматлар билан таъминлашга ундайди. Бунга эришганлар рақобатда ғолиб чиқадилар ва аксинча.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, рақобат иқтисодий агентларнинг билдмларини доимо узлуксиз оширишга, рағбатлантириб туради. Бусиз рақобатда ғолиб чиқиш мумкин эмаслигини таъкидлаб, шуни айтиш керакки, фан-техника тараққиёти ютуқларини вақтида ишлаб чиқаришга жорий этиш юқори савиядаги мухтаassisларни талаб этади, ушбу ишларни амалга оширмаслик эса муқаррар равишда рақобат курашини бой беришга олиб келади. Рақобат бўлиши учун бир қанча объектив шароитлар бўлиши керак. Хусусан, ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи хўжалигининг алоҳидалашганлиги, унинг бозор конъюктурасидан тўлиқ қарамлиги, тўловга қодир талаб учун бошқа ҳамма товар ишлаб чиқарувчиларга қарши туриши. Умумий ҳолда рақобатнинг биринчидан, сотувчилар, иккинчидан харидорлар ва учинчидан сотувчи ва харидор ўртасидаги рақобат турлари мавжуд.

Ҳар бир сотувчи товарни қимматроқ сотишни хоҳлайди. Сотувчилар ўртасида кураш авж олган шароитда товарни пастроқ баҳода сотиб харидорларни талабини рағбатлантира олган сотувчи рақобатда ютиши ғолибликни қўлга киритиш имкониятига эга бўлади.

Харидорлар ўртасидаги рақобатда улар товарни арзонроқ баҳода харид қилишга интиладилар. Харидорлар ўртасидаги кураш авжига чиққан шароитда товар ва хизматларга юқорироқ баҳони таклиф этган харидор рақобатда ютиб чиқади.

Сотувчи ва харидор орасидаги рақобатда уларнинг ҳар бири баҳо даражасига нисбатан қарама-қарши қутбда турадилар. Улар ўртасидаги кураш натижаеида ҳар бир конкрет вақтда бир хил турдаги маҳсулотларга умумий баҳо таркиб топади. Шундай қилиб, рақобат бозор баҳосини вужудга келтирувчи куч сифатида майдонга чиқади.

Миқёсига қараб рақобатнинг икки тури — тармоқ ичидаги ва тармоқлар ўртасидаги рақобат кураши мавжуд.

Тармоқ ичидаги рақобат — муайян тармоқдаги бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида ўз товарларини қулайроқ шароитда сотиш ва шунга яраш кўпроқ даромад олиш учун бўладиган курашидир. Рақобатда ғолиб чиқиш учун корхона керакли ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарган ҳолда ишлаб чиқариш харажатларини муттасил камайитириб бориши зарурдир, акс ҳолда у синади.

Бунинг олдини олиш учун эса корхоналар фан-техника тараққиётининг ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиши, ишлаб

чиқаришни ва маҳсулоти ташкил этиш ва бошқаришни муттасил такомиллаштириш йўли билан ишлаб чиқариш харажатларини камайтириши, маҳсулот сифатини ошириши, харидорларга савдо хизматини яхшилашга мунтазам эътибор бериши лозим. Бинобарин, тармоқ ичидаги рақобат фан-техника тараққиётининг натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, корхоналарнинг харажатларини камайтириш, ишлаб чиқаришда кшитирок этаётган ишчини ўз малакасини муттасил ошириб боришга мажбур этади. Табиийки, бунга эриша олган ишлаб чиқарувчилар кўпроқ даромад олишга эришадилар.

Тармоқлараро рақобат кўпроқ фойда берадиган тармоқларга капитал қўйиш учун товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида бўладиган кураш. Маълумки, иқтисодий кўп тармоқлардан иборатдир. Сармоядор табиийки, фойда катта бўлган тармоққа ўз сармоясини қўйишга ҳаракат қилади, маблагни бўлган ва уни ишлаб чиқаришга сарфламақчи бўлган бошқа кишилар ҳам ана шу тармоққа ўз капиталини сарф этишга ҳаракат қилади. Натижада ана шу тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортади, уни таклифи кўпайиб, муайян пайтда талабдан ортиқ бўлади. Бунда мазкур тармоқ чиқараётган товарлар нархи насаяди, бинобарин фойда ҳам камаяди.

Айни вақтда бошқа фойдаси кам бўлган тармоқда ишлаб чиқариш қисқаради, чунки бир қатор ишлаб чиқарувчилар бошқа фойдаси юқорироқ бўлган тармоққа ўтиб кетадилар. Бу ҳол эса мазкур тармоқда маҳсулот нархларини кўтариб фойда меъёрини ошишга олиб келади. Бу жараён натижасида капитал фойда кам бўлган тармоқдан фойда юқорироқ бўлган тармоққа оқиб туради.

Рақобатнинг ушбу турининг мавжудлиги натижасида харидорлар эътиёжларига ғоят мос иқтисодий тизим вужудга келади, самарадорликнинг нисбатан юқори ижтимоий даражасига эришилади.

Рақобатнинг асосан икки хил — нархий ва ғайринархий усуллари бор. Рақобатни нархий услида рақобат баҳони ўзгартириш асосида олиб борилади. Кўпроқ харидорларни жалб қилиш, рақобатни енгиш мақсадида баҳо иложи борича пасайтирилади. Шунингдек рақобатнинг ушбу усули сотувчилар томонидан ўзлари сотаётган товарга монопол юқори нархлар белгиланишида ўз аксини топиши мумкин. Бозорда сотувчилар сони кам бўлиб улар нархларини муайян даражада ушлаб туриши хусусида келиша оладилар.

Рақобатнинг ғайринархий усуллари сотувчиларнинг баҳоларини эмас, балки товарларнинг истеъмол хоссаларини, уни сотиб олиш ва ишлатиш шароитларини ўзгартиришга асосланган. Бунинг учун фирмалар, бир қатор ишларни олиб боради, хусусан

товар сифатини яхшилаш товарларни кредитга сотиш кафолатли хизмат кўрсатишни турли хилларини амалга оширади.

2. Монополиянинг моҳияти

Монополия рақобатга зид, чунки у товар ишлаб чиқаришга танҳо ҳукмронликни таъминлаб, ўзаро беллашув учун шароит яратмайди.

XIX асрнинг ўрталаригача ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига эркин (мукаммал) рақобат хос эди. Бунда корхоналарни сон қўп ва ҳажми кичик эди, бозорда рақобатчилар ҳам кўп эди.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида вазият бирмунча ўзгарди, йирик корхоналар бозорда ҳукмрон мавқени эгаллаб бошладилар. Хўш, бу жараённинг асосий сабаби нимадан иборат эди.

XIX асрнинг охирида илмий кашфиётлар натижасида саноат тўнтариши рўй берди. Хусусан, пўлат эритишда мартен усули, динамо машиниси, ички ёнув двигатели, буғ турбини си ихтиро этилди. Электроэнергиянинг топилиши ва ишлаб чиқаришга жорий этилиши саноатда туб ўзгаришларга олиб келди. Транспорт ва алоқа соҳасида ҳам катта силжишлар юз берди; трамвай, автомобиль, тепловоз, телефон ва шу кабилар ихтиро қилинди. Юқорда қайд этилганларнинг барчаси ишлаб чиқариш кучларининг такомиллашувига туртки бўлди.

Шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, биринчидан фан-техника тараққиётининг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши натижасида ишлаб чиқариш потенциалининг тубдан янгилааниши, иккинчидан, саноат янги тармоқларининг келиб чиқиши ва ўсиши йўли билан юз берди. Булар саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришининг, айниқса оғир саноатнинг жиддий ўсишига олиб келди, саноатда катта таркибий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, 1870—1990 йилларда ҳамма саноат маҳсулоти уч баробар ошган ҳолда пўлат эритиш 56 баробар, нефть ишлаб чиқариш 25 баробар, чўян эритиш 3 баробар кўпайди. Оғир саноатнинг ўсиши жуда катта капитали бўлган йирик корхоналарнинг ташкил топишини зарур қилиб қўйди. Бинобарин, фақат йирик корхоналаргина кўп миқдорда капитал сарф қилиш эвазига янги техника ва технологиядан фойдаланиш ва рақобатда ютиб чиқиш имкониятига эга эдилар.

Шундай қилиб, фан-техника тараққиёти янгиликлари таъсири остида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши йирик-йирик корхоналарнинг келиб чиқишига, капитал ва ишлаб чиқаришнинг йириклашувига олиб келди.

Ишлаб чиқаришнинг йириклашувида эркин рақобат кураши

катта роль ўйнайди. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги эркин рақобат кураши майда корхоналарнинг синишига, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчиларнинг катта-катта корхоналарда тобора кўпроқ тўпланиб қолишига олиб келади. Ишлаб чиқаришнинг йириклашувиغا иқтисодий кризислар ҳам сабаб бўлади. Тобора чуқурроқ ва кенгроқ юз берган иқтисодий кризислар туфайли майда ва ўрта корхоналар кўплаб синиб кетади, улар ҳисобига каттароқ корхоналар янада йириклашади. Бир илож қилиб кризисдан омон қолган майда корхоналар эса келгуси кризисда ва рақобат курашида синиб кетмасликни кўзлаб ўзаро бирлаша бордилар. Умуман олганда бундай шароитда тадбиркорлар олдида икки йўл бор эди: биринчиси, тармоқдаги бошқа тадбиркорларга нисбатан рақобатни давом эттириш, иккинчиси эса, улар билан ишлаб чиқариш ва бозор фаолияти йўналишлари бўйича келишиш. Биринчи йўлдан бозор, таваккалчиликка йўл қўйиш катта харажатларни талаб этар, иккинчи йўл эса тадбиркор учун фойдали, кўп ҳолларда эса муқаррар эди. Шунинг учун йирик корхоналар, иттифоқлари вужудга келди ёки ишлаб чиқариш ва капиталнинг тўплануви ва марказлашуви юз берди.

Ишлаб чиқаришнинг тўплануви деганда ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи ва маҳсулот ишлаб чиқариш катта миқдорининг йирик корхоналарда тўпланиши тушунилади.

Капиталнинг тўплануви деганда эса — фойдани жамғариш ҳисобига капитал ҳажмини ошириш тушунилади. Айнан ишлаб чиқариш ва капиталнинг тўплануви асосида йирик монопол иттифоқлар вужудга келди. Бошланғич даврда, горизонтал интеграция яъни битта тармоқ доирасида монополияларнинг вужудга келиши устун эди. Кейинг, аввало монополия нима эканлигини аниқлаб олайлик. Монополия сўзи юнонча сўз бўлиб, танҳо сотаман деган маънони англатади. Монополия деган сўзни ўзаро бир-бири билан боғлиқ икки маънода тушуниш мумкин:

1. Тадбиркорлар ўртасида тузилган уюшма, бирлашма.

2. Иқтисодиётнинг бирон-бир соҳасида танҳо ҳукмронлик.

Монополистик бирлашмаларнинг асосий шакллари картель, синдикат, трест ва концерн ҳисобланади.

Картель — ишлаб чиқаришнинг бир тармоғига мансуб бир қатор корхоналарнинг монопол бирлашмаси шакли. Картель аъзолари ўз ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотлари эгаси бўлиб қолаверади. Картель аъзолари монопол фойда олиш мақсадини кўзлаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш баҳолари, бозорни тақсимлаш, олиш ва шу қабилар ҳақида битим тузадилар. Картелнинг бошқа уюшмалардан фарқи, унга кирувчилар хўжалик юритиш мустақиллигини сақлаб қоладилар. Картель битимлари кўпроқ йирик трест ва концернлар ўртасида тузилади. 2 — жаҳон урушигача картеллар Германия иқтисодиётида кенг тарқалган эди.

Ҳозирги халқаро иқтисодий муносабатлар ва жаҳон бозорида ушбу турдаги битимлар кенг қўлланилади.

Синдикат — унда синдикатга бирлашаётган корхоналар ишлаб чиқариш мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда ўзларини тижорат соҳасидаги мустақиллигидан маҳрум бўладилар. Бунда буюртмаларни тақсимлаш, хом ашё сотиб олиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш учун ўзларининг тижорат фаолиятини бирлаштириб, ягона идора тузадилар. Монополистик бирлашмаларнинг ушбу шакли Франция ва Россияда кенг тарқалган эди.

Трест — саноат монополияларининг 20 — йиллардаги энг юқори шакли. Унда маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш, корхоналарнинг молияси тўла бирлаштирилади. Трест муайян тармоқда ҳукмронлик қилувчи ягона улкан ширкатчилик жамияти бўлиб, АҚШ да кенг тарқалган эди. Ҳозир ҳам учрайди. Юқоридаги таҳлил монополистик бирлашмаларнинг шакллари алоҳида мамлакатларда бир хилда ёйилмаганлиги тўғрисидаги хулосага олиб келади. Хусусан картеллер — Германияда, синдикатлар — Франция ва Россияда, трестлар эса АҚШ да кенг ёйилган. Бунинг сабаби мамлакатларда ишлаб чиқариш ва капитал тўплануви даражаси ва бошқа шароитларнинг турлилигидадир.

Асримизнинг 20 — йиллардан бошлаб аввал АҚШ да кейин бошқа мамлакатларда ишлаб чиқариш ва капиталнинг тўпланувида вертикал интеграция ёки комбинациялаш устунилиги сезила бошлади.

Комбинациялаш — турли тармоқлардаги ўзаро боғлиқ корхоналар бирлашмасидир. Ушбу турдаги монополия — комбинатлар, металлургия, химия, автомобиль, озиқ-овқат тармоқларидан кенг тарқалган.

Вертикал интеграция янада умумий бўлган диверсификация жараёнининг бир қисми ҳисобланади.

Диверсификация — корхона ёки бирлашмаларнинг фаолият соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар турини кенгайтириш. Илгари ихтисослашган корхоналарнинг (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, молия ва ҳ. к.) бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаларига кириб, уларнинг фаолият соҳаларининг кенгайтирилиши билдиради.

Диверсификация капиталнинг тўплануви ва марказлашуви асосида амалга оширилиши мумкин. Бунда биринчи ҳолда монополистик бирлашма ўз жамғармалари ҳисобига бошқа тармоқда ишлаб чиқаришини, иккинчи ҳолда эса ўша тармоқда мавжуд корхоналарнинг акцияларини сотиб олиш йўли билан қўлга кiritиш.

Диверсификация асосида концернлар саноат корхоналарининг асосий шаклига айланди.

Концерн — деганда кўп тармоқли корпорациялар тушунилади.

Уларнинг таркибига ҳар хил тармоқлардаги ўнлаб, ёзлаб корхоналар киради. Асримизнинг 80-йилларида кенг ёйилган диверсификация жараёни фан-техника инқилоби асосида иқтисодийётни чуқур таркибий қайта қуриш билан боғлиқдир. Бунда капиталнинг марказлашуви жараёни кучаяди. Ушбу жараён капиталнинг истиқболли тармоқларга ўтиши билан тавсифланади.

Юқорида қайд этилган жараёнлар бозордаги рақобатнинг ўзгаришига олиб келди. Эркин мукаммал рақобат билан бирга унинг бошқа турлари, энг аввало мукаммал бўлмаган рақобат вужудга келди.

3. Мукаммал ва мукаммал бўлмаган рақобат

Рақобат бозор иқтисодийётини тартибга солувчи механизмнинг асосий элементи ҳисобланди. У ишлаб чиқарувчининг истеъмолчининг эҳтиёжи ва талабига бўйсиндирувчи кучдир. Рақобат шароитида харидор — бу хўжайини, бозор унинг агенти, корхона эса унинг хизматчиси. Монополияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши ушбу вазиятни кескин ўзгартириб юборди. Ушбу масалани билиш учун аввало мукаммал ва мукаммал бўлмаган рақобат, бозор структураси, уни турлари, моделлари тушунчаларини кўриб чиқайлик.

Бозор рақобати ва бошқа жараёнлар амалга ошадиган шароит бозор таркиби дейилади. У бир қатор хусусиятлар билан белгиланади. Хусусан, корхоналарнинг сони ва миқёси, таклиф этилаётган товарларнинг турлари, баҳолар устидан назорат қилиш даражаси, тармоққа кириш ва чиқиш шароитлари ва шу кабилар.

Бозор тузилмаларнинг хилма-хиллигига қарамасдан, одатда унинг тўртта тури ёки бозор моделлари фарқланади. Булар:

1. соф ёки мукаммал рақобат.
2. Монополистик рақобат.
3. Олигополия.
4. Соф монополия.


Бу структураларнинг ҳар бири аввало корхоналарни бозор баҳосига таъсир эта олиши билан фарқланади. Қанчалик бу таъсир кам бўлса, шунчалик бозор рақобатли ҳисобланади.

Кўрсатилган бозор тузилмаларини таснифлаш (i-жадвал) аниқ воқелик билан солиштирганда, соф, мукаммал рақобат ва монополия жуда кам ҳолларда учрайди, монополиятик рақобат ва олигополия ҳаётда кўпроқ учрайди, деган хулосага келиш мумкин.

Мукаммал рақобатда кўп сонли майда корхоналар мавжуд бўлади. Улар бир хил турдаги товарларни бозорга мўлжаллаб ишлаб чиқарадилар ва сотадилар. Уларнинг ҳар бири бозорда маҳсулотни сотишни кичик улушига эга бўладилар, натижада улар бозор баҳосига таъсир эта олмайдилар. Масалан, фараз қилайлик бозорда бирор бир маҳсулот турини 50 киши сотмоқда, ушбу маҳсулотни сотиш ҳажмининг 100% деб олсак унда ҳар бир сотувчига сотиш ҳажмининг 2% и (100:50) тўғри келади. Бундай ҳолда би-

Мукаммал бўлмаган рақобат уч турга бўлинади, булар: а) монополистик рақобат; б) олигополия; в) монополия. (1-расм).

Монополистик рақобатда фирмалар табақалаштирилган маҳсулотларни сотиш асосида рақобатлашадилар. Маҳсулотларни табақалаштириш ишлаб чиқарувчига рақобатчиларнинг ҳаракатидан қатъий назар маҳсулотга ўз баҳо белгилаш имкониятини беради. Ҳар бир фирма бирор бир маҳсулотнинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Аммо ҳар бир сотувчининг маҳсулотини сотиш ҳажми нисбатан катта бўлмаганлиги сабабли ҳар бир сотувчи бозор баҳосини пазорат қилга олиши чеklangан ҳисобланади.



1-расм. Мукаммал бўлмаган рақобат ва унинг турлари.

Монополистик рақобат бозорига кириш чекланмаган — капитал миқдори билан аниқланади. Аммо эркин рақобатга нисбатан кийинчиликлари бор, чунки бозорни бирор бир ҳудуднинг эгаллашда сотувчилар истеъмолчиларга янги бўлган ўзларининг савдо маркалари ва хизматларини таклиф қилишда бир мунча қийинчиликларга учрашади. Шунинг таъкидламоқ зарурки, маҳсулотнинг табақалаштирилиши бозорни монополизация қилишнинг даражасини аниқлайди. Zero қанчалик маҳсулотлар бир турда бўлса, улар бир-бирларини ўрнларини боса олишлари мумкин. Шунга мос рақобат шунчалик кучли бўлади ва аксинча товар қанчалик табақалаштирилган бўлса, шунчалик рақобат суёт бўлади ва монопол баҳони белгилаш осон бўлади.

Агар бозорда бир неча йирик фирма ҳукмрон бўлса, бундай бозор олигополия дейилади. Олигополия деганда бир неча йирик фирмалар ҳукмронлик қилаётган бозор тушунилади. Олигополия бозорига кириш қийинлиги сабабли фирмалар юзори фойда оладилар. Бозорда фақат бир неча фирма ҳаракат қилгани учун,

уларнинг ҳар бири рақибнинг ҳаракатини кузатиши зарурдир. Баҳо сўрасига нисбатан ўз ҳаракатини спичковлик билан қўймоғи зарурдир.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турига қараб соф ва табақалаштирилган олигополия фарқланади. Соф олигополия корхоналари бир турдаги андозаланган маҳсулот ишлаб чиқаришади.

Битта функционал вазифани бажаргунча ҳар хил маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи олигополия табақалаштирилган дейилади. Одатда улар истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашади, масалан автомобиль, электромаиший техника ва ҳоказо.

Бозор таркиби сифатида олигополияга картелни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Маълумки картел фойдани қўпайтириш мақсадида бир неча фирманинг маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ва баҳолар борасидаги келишувидир. Агар картель тармоқдаги барча корхоналарни бирлаштира, унда у ўзини монополист — фирма сифатида тутади.

Монополия (соф монополия) шароитида тармоқда битта йирик корхона мавжуд бўлади ва маҳсулотни сотиш ҳажмини 100% қўлида жамлайди. Бу эса унга энг кўп фойдани келтиради. Масалан коммунал хизмат соҳаси, телефон компаниялари ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бунда тармоққа бошқа фирмаларнинг кириб бориши тўсилган бўлади. Чунки монополист — фирма катта ҳажмда, фойда олади, бу эса бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг тармоққа киришига интилишига сабаб бўлади. Аммо у тўсилган бўлади. Хўш тармоққа киришда рўй берадиган реал тўсиқлар қайсылар?

1. **Муҳим хом ашёларга якка эгалик.** Бир хил фирмалар монополаштирилган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ресурслари манъбаларига эга бўлганлиги сабабли монополист ҳисобланади.

2. **Патент ва лицензиялар.** Аввало патент деганда хусусий тарзда бирор тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга руҳсат берувчи гувоҳнома ёки илмий кашфиёт ва ихтирога муаллифликни тасдиқловчи гувоҳнома тушунилади. Лицензия деганда техник иқтисодий, илмий янгиликлар эгасининг уларни ишлатиш учун берадиган руҳсати; давлат томонидан бирор иқтисодий фаолиятни бажаришига руҳсат бериш. Ҳукумат янги маҳсулот ва технологияларни ишлаб чиқарувчиларга патент воситасида ҳимоя қилишни кафолатлаб беради. Бу эса ишлаб чиқарувчиларга бозорда монопол мавқени ва маълум даврга мутлоқ ҳуқуқларни таъминлаб беради.

3. **Мутлоқ ҳуқуқлар.** Бир қатор мамлакатларда давлат фирмаларга таңҳо сотувчи (транспорт хизмати, алоқа ва ҳ.к.) мақомини беради. Аммо унинг эъзига давлат уларнинг фаолиятини тартибга солиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бундай йўл билан давлат фирмалар томонидан монопол мавқени суистеъмол қилишни, бош-

қа монополлаштирилган тармоқ ва аҳолининг манфаатларини химоя этади.

4. Кўлам самараси. Кам ҳаражатли юқори самарадорликка эга ишлаб чиқаришга бозорни монополлаштирилгани билан шартланган йирик ишлаб чиқариш шароитида эришилади. Бундай монополияларни «табiiй монополия» дейилади. Бундай тармоқда янги рақибларни кириши ўта қийиндир, чунки у жуда катта миқдорда капитал сарфланишини талаб этади, ундан ташқари бундай корхонанинг ишлаб чиқариш ҳаражатлари миқдори наст бўлганлиги сабабли у маҳсулот баҳосини пасайтириш орқали рақибни янчиб ташлаши мумкин.

Монополияларнинг иқтисодда тутган ўрни эидиятливидир. Бозорда ўзларини мутлоқ мавқега эга бўлганлари учун, монополиялар маҳсулот ишлаб чиқаришни чеклайдилар ва юқори баҳони белгилайдилар. Бу эса ресурсларни оқилона тақсимланмаслигига ва даромадларда тенгсизликни кучайтириб юборади. Иккинчи тарафдан эса монополияларнинг маҳсулотлари юқори сифатли нисобланади, шунинг учун ҳам улар бозорда мутлоқ мавқега эришадилар. Фақат йирик фирма химоя қилинган бозорда тадқиқот олиб бориш имкониятига эга бўлади, бу билан у ишлаб чиқариш унумдорлигини ўсишига таъсир эта олади. Ундан ташқари ишлаб чиқаришнинг катта кўлами ишлаб чиқариш ҳаражатларини пасайтиришга ва ресурсларни иқтисод қилишга имкон беради.

Монополистик бирлашмаларни иккинчаклама характерини нисбатга олган ҳолда ривожланган мамлакатларда ҳуқуматлар рақобатни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш йўли билан монополияларга таъсир этишга ҳаракат қилади.

4. Монополияга қарши қонунчилик

Давлатнинг асосий вазифаларидаи бири бу рақобатни химоя этиш. Рақобатга нисбатан қарама-қарши қутбда монополизм этади. Бинобарин, рақобатни химоя этишнинг асосий дастаги бу монополияларнинг фаолиятини монополизмга қарши қонунчилик воситаси ёрдамида тартибга солишдир.

Ҳозирги замон антимонопол қонунчилик иккита асосий йўналишга эга бўлар; а) баҳолар устидан назорат. б) компанияларни қўшилиши устидан назорат. Баҳоларни белгилаш борасидаги фирмалар ўртасидаги ҳар қандай битим ноқонуний ҳисобланади. Бундан ташқари депинг қонуни рақобатда (баҳоларни пасайтириб сотиш) амалиётини ҳам таъқиқлайди. Бир фирма иккинчи фирманинг акцияларини сотиб олганда компанияларни қўшилиши юз беради. 80-йиллардан бошлаб бу жараённинг кучайиши барча мамлакатларда кузатилмоқда. Бунга қонунчилик турли чеклаш, бо-

зорда квоталарни ўрнатин каби воситалар ёрдамида таъсир кўрсатади.

Келинг энди, монополизмга қарши қонуничиликнинг тарихига бир назар ташлайлик. Монополизмга қарши қонуничилик асосларига биринчи марта АҚШда асос солинган. Хусусан АҚШда иқтисодиётда монополистик бирлашмалар ҳокимиятининг кучайишига қарши ҳукуматнинг жавоби сифатида 1880 йилда **Шерман қонуни** қабул қилинган. Бу қонун бозорни монополаштиришни таъқиқлар, унга бигона ишлаб чиқарини ва савдои чеклашга қаратилган ҳар қандай ҳаракат қонунга зид деб ҳисобланар эди. Кейинроқ, хусусан 1914 йилда бу йўналишда **Клейтон қонуни** қабул қилинди. Унга битонан баҳолар ёрдамида камонини эҳрлик билан тузиладиган битимларни рақобатчи фирмаларнинг акцияларини сотиб олиши қонунга зид деб қаралар эди.

1914 йилда рақобатга қарши компанияларни қўшилишига қарши курашувчи федерал савдо палатаси ташкил этилди. 1950 йилда Цейлер — Кефвер акти фирмаларни акцияларини сотиб олиши орқали қўшилишини таъқиқлар эди. Шунинг алоҳида таъкиллаши керакки, Чикаго мактаби иқтисодчилари таъсирли натижада охириги йилликларда антимонопол қонуничилик моддаларини ҳаракатини юмшати кузатишмоқда.

Ушбу мактаб иқтисодчилари — фикрива антимонопол қонуничилигининг асосий вазифаси алоҳида компанияларини манфаатларини ҳимоя этиш эмас, балки рақобат шароитларини ёмонлашувини олдини олишдан иборатдир. Ғарбий Европада монополизмга қарши қонунлар урушдан кейинги даврда қабул қилинган ва ўзига хос жиҳатларига эгадир. Бир тарафдан у истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир, чаккини тарафдан эса ишлаб чиқаришнинг тўплашуви ва йириклашуви корпорацияларининг вужудга келишини рағбатлантирадн, агар у фантехника тараққиёти билан боғлиқ бўлса.

Ўзбекистонда буйруқбозлик иқтисодий тизим шароитида давлат монополияси юзага келди ва мустаҳкамланди. Бунинг натижасида давлат корхоналари ўз тармоқларида монополистларга айландилар. Шу туфайли рақобат умуман йўқолиб кетди, истеъмолчи давлат товарларидан бошқа товарларини келишилган нархда танилаб олишдан маҳрум бўлди. Давлат монополияси иқтисодий ўсини омилларини заифлаштириб юборди. Давлат монополияси бозор иқтисодиёти қондаларига зиддир. Шу сабабдан бозор иқтисодиётига ўтиш учун Ўзбекистонда демонополизацияни амалга ошириш зарур эди. Аввало Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш жараёни амалга оширишда бошланди ва берган сари авж олмоқда. Хусусан, ушбу жараёни бошлангандан 1995 йил бошига 54 мингга яқин корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди. Шуларнинг 18,4 мингтаси хусусий мулкга, 26,1 минг-

таси амбалдорлик, 8,7 мингтаси жамоа, 661 таси ижара корхона-ларига айланди.

Убекистонда хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш — иқтисодий ислохотлар ишининг босқичининг асосий вазифаларидан биридир. Бунда «монополиялаштирилган тузилмаларнинг хусусийлаштириш чоғида «темир-бетон цикли» имкон берган жойларда, ишлаб чиқаришнинг ўзини анчабатан ихчамлаштириш, уни яққа ҳокимликдан чиқариш чораларини кўриш лозим. Монополия тўғрисида олдинги фаёлда солиқ солишда ўзини борувчи ставкаларни жорий қилиш талаб этилади»².

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки ўбекистонда 1992 йилда монополизмга қарши қонунчиликка асос солинди. Шу йилги республикамизда монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида қонун қабул қилинди.

Ушбу қонунда монополистик фаолиятнинг олдини олиш ва гирром рақобатни чеклаш ва таъқиқлаш, хусусан бозордаги устунлик марказини суистеъмол қилишга йўл кўймаслик, хўжалик юри тувчи субъектлар ўртасида қонунга ҳилоф битимлар тузишнинг, рақобатни чеклайдиган ташкилий қайта тузишларни, гирром рақобатни таъқиқлаш масалалари кўриб чиқилган ва уни амалга ошириш тадбирлари ишлаб чиқилган.

5-БОБ. БЎЗОР ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТИДА АГРАР МУНОСАБАТЛАР ВА ЕР РЕНТАСИ

1. Агросаноат комплексининг ташкил топиши ва тузилиши

Агросаноат комплекси (АСК) — бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини еттиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб беришда иштирок этадиган халқ хўжалиги тармоқларининг мажмуидан иборатдир.

АСК умумий ҳолда 4 соҳани ўз ичига олади.

Биринчи соҳа — қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган sanoat тармоқлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш, техника хизмати кўрсатиш билан банд бўлган тармоқлар;

Иккинчи соҳа — қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўзи;

Учинчи соҳа — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган тармоқлар (қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, ташиб бериш, сотиш).

Тўртинчи соҳа — инфраструктура, яъни ишлаб чиқаришнинг ва кишилар фаолиятининг шарт-шароитларини таъминлаб берадиган хўжалик тармоқлари, (йўл — транспорт хўжалиги, алоқа, мод-

² Каримов П. А. Ўбекистон — иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўбекистон, 1995, 184—185 бетлар.

тий-техника хизмати, маҳсулотни сақлаш тизими, омбор ва товар ўжалиги, моддий бўлмаган ишлаб чиқариш тармоқлари ва шунга ўхшашлар).

Инфраструктуранинг ўзи икки қисмдан, яъни:

а) ижтимоий инфраструктура — турар жой, маданий-манший хизмат тармоқлари, савдо, умумий овқатланиш ва шунга ўхшашлардан иборат бўлиб, кишиларнинг ҳаёт фазолиятлари шароитини таъминловчи соҳалардан;

б) ишлаб чиқариш инфраструктураси — йўллар, транспорт хўжалиги, алоқа, омборхона ва шунга ўхшашлардан иборатдир.

Агросаноат интеграцияси, яъни қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар, маҳсулотни қайта ишловчи, истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқларнинг ўзаро ҳамкорликда, боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантириш — АСҚнинг вужудга келиши ва ривожланишининг асосий негизи ҳисобланади.

Агросаноат интеграцияси жараённинг кўриниши ва шаклига кўра 2 хил АСҚ фарқланади: 1. тармоқ ёки маҳсулот бўйича АСҚ; 2. ҳудудий (регионал) АСҚ.

Агросаноат интеграцияси чуқур ижтимоий-иқтисодий жараёндир. Агросаноат ишлаб чиқариши эса ана шу жараённинг мазмунини ташкил этади. Ўзбекистонда агросаноат комплексининг бутун халқ хўжалигидаги ҳиссаси ялпи маҳсулот бўйича — 35 фоизни, асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати бўйича — 45 фоизни, банд бўлган ишчилар сонини бўйича — 47 фоизни ташкил этади.

Аграр секторнинг ҳиссасига эса 1995 йил 1 январида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг 24 фоизидан ортиқроғи, халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг 37 фоизи тўғри келди.

Ўзбекистон АСҚ да кейинги йилларда 2 мингдан ортиқроқ қишлоқ хўжалик корхоналари, 400 дан ортиқроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи енгил ва озиқ-овқат корхоналари, 100 дан ортиқ пахта тозалаш заводи, минерал ўғит ҳамда ўсимликларни ҳимоялаш моддалари ишлаб чиқарадиган кимё комбинатлари, қишлоқ хўжалик машиналари заводлари, сув хўжалиги, мелiorациялаш ташкилотлари, кўплаб моддий-техника таъминловчи корхоналари, 100 га яқин ўқув, илмий-тадқиқот институтлари ва тажриба станцияларини ўз ичига олган.

Ўзбекистон АСҚ да кўп жиҳатдан аграр соҳа салмоғи юқоридир. Масалан, II соҳанинг бутун комплексдаги ҳиссасига; банд бўлган ишчиларга нисбатан — 82 фоизни, асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати — 76% ва ялпи маҳсулотнинг 43% тўғри келди. Бунинг ҳам асосий тармоғи пахтачилик бўлиб, деҳқончилик ва чочлачиликнинг бошқа тармоқлари ва шу пахтачилик атрофида таъминл тоғиб ривожланган.

АСК даги бошқа соҳалар бизда жуда сует ривожланган бўлиб, бунинг натижасида қишлоқ хўжалигини техника ва энергия билан таъминлаш етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиб-териб олиш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб беришда жуда катта қийинчиликлар мавжуддир.

Агросаноат интеграциясининг моҳиятини фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноатда қайта ишлашдан иборат деб тушуниш керак эмас. Чунки ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, ишлаб чиқариш кўламининг кенгайиши, табиийки агросаноат интеграциясини тезлаштиради ва чуқурлаштиради. У турли хил шаклларда ишлаб чиқариш алоқаларининг вужудга келишини тезлашиши ва ривожланишини тақозо этади. Қишлоқ хўжалигининг саноат ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан иқтисодий боғлиқлиги ва алоқаси ривожланади. Бу объектив тарихий жараёни бўлиб, борган сари кучайиб боради. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда бу жараён вертикал интеграция яъни агробизнес деган кўринишда амалга оширилади.

2. Агросаноат комплексида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари

АСК да такрор ишлаб чиқариш жараёнининг кечиши, халқ хўжалигининг бошқа биронта тармоғида юзга келмайдиган, техника, иқтисод, биология ва экологиянинг бирлиги, уларнинг мувофиқлашган ҳолда ривожланиши тақозо этиши билан тавсифланади. Шу билан бирга, АСК такрор ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари кўп жиҳатдан унинг асосий бўлини бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёни билан белгиланади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни ўз маромига эга бўлиб, биологик жараёнлар, яъни ўсимликларнинг ва чорва молларнинг ривожига, табиий — иқлим шароити билан боғлиқдир.

Демак аграр муносабатлар деб қишлоқ хўжалиги тармоғининг асосий омилли ер билан боғлиқ бўлган муносабатларга айтилади. Ер ўзига хос хусусиятга эга. Уни ўрнини бошқа емил боса олмайди.

Фан ва техника ютуқлари деҳқончилик ва чорвачиликдаги табиий маромга таъсир кўрсатишга имкон беради, лекин бу жараёнларнинг кечишини батамом ўзгартира олмайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ўзига хос мароми ўз навбатида АСК нинг қайта ишловчи ва бошқа соҳа тармоқларини ривожлантиришга таъсир этади. Деҳқончиликдаги такрор ишлаб чиқаришнинг бир қанча хусусиятлари ишларнинг мавсумийлиги билан боғлиқдир. Унда ишлар йил давомида узлуксиз олиб борилмайдди. Бу ҳол ходимларнинг иш билан бандлиги ва уларнинг

меҳнатни сарфлаш соҳалари меҳнатга ҳақ тўлаш ва зарур даражада даромад билан таъминлаш каби муаммоларни келтириб чиқаради. Бу муаммоларни ҳал этишда, маҳсулотларни қайта ишлашни бевосита қишлоқ жойларнинг ўзида ташкил этиш турли майда саноат корхоналарини, ёрдамчи хўжалик тармоқларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу тадбир иш билан банд бўлишни таъминлаш билан бир қаторда маҳсулотнинг нобуд бўлишини камайтиради, унинг сифатини яхшилайди.

Қишлоқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида, айниқса деҳқончиликда меҳнат сарфи билан маҳсулот олиш ўртасида вақт жиҳатдан узилтиш мавжуд, яъни меҳнат деярли бутун йил давомида сарфланади. Маҳсулот эса маълум даврдигина олинади. Шу муносабат билан меҳнатга қараб ҳақ тўлашда, иш ҳақи ва моддий рағбатлантиришни ишнинг сифати, ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан боғлашда ўзига хос муаммолар юзага келади. Бу муаммоларни бартараф этиш ёки юмшатишнинг турли шакллари мавжуд, хусусан кооперативлар, ижарачилар, фермер хўжаликларини ривожлантириш, шунингдек давлат хўжалигида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор усулларини жорий этиш ва шу қабилар.

1992 йилдан бошлаб ўтган даврда 1137 давлат хўжалигидан 1066 таши акциядорлик, жамоа ва ижарадаги корхона шаклларига айлантирилди. Натижада 530 жамоа хўжалиги 1350 га яқин кооператив, 100 дан ортиқ ижара корхонаси ва бошқа турдаги ишлаб чиқариш хўжаликлари ташкил этилди. Фақат 1994 йилнинг ўзида фермер хўжаликлари сонини 2,7 баробарга кўпайди, 1993—1994 йиллар ичида картошка, сабзавот, полиз маҳсулотларини етиштириш 3,3 баробарга, гўшт 3 баробарга, сут 2,1 баробарга, тухум 1,3 баробарга ошди.

Қишлоқ хўжалигида кўпроқ такрор ишлаб чиқариш фондлари, уруғлик, озуқа, чорва моллари ва шунга ўхшашлар ҳисобидан ташкил этилади. Бу такрор ишлаб чиқариш маромининг навбатдаги босқичига кенг миқёслик ва капитал талаб тармоғига айланди, унинг ишлаб чиқариш потенциали кенгайди ва меҳнат унумдорлиги суръатлари ўсди. Айни вақтда қишлоқ хўжалиги нисбатан майда капиталлар қўйиладиган соҳа бўлиб қолди.

Ишлаб чиқариш ва капиталнинг тўплануви даражаси жиҳатидан қишлоқ хўжалиги саноатдан орқада қолмоқда. Бунинг сабаби аввало, ишлаб чиқаришнинг ўзига хос бўлган хусусияти туфайли қишлоқ хўжалигида корхоналарининг мақбул миқёси анча кичик. Кўпгина мамлакатларда йирик корхоналар билан бир қаторда кўп сонли деҳқон-фермер хўжалиги сақланиб келмоқда. Улар асосан фермернинг ва унинг онла аъзоларининг кучи билан юритилади. Бироқ ҳукмрон мавқе йирик фермерлар қўлида.

Биздаги АСК. нинг ҳозирги аҳволи моддий-техника базасининг ночорлиги, озиқ-овқат маҳсулотларнинг етишмаслиги, халқ хўжалигининг бу соҳасига кам аҳамият берилганлигидан, техника, ўғит, капитал маблағларнинг кам ажратилганлигидан, чунки кейинги йилларда АСК-га халқ хўжалигига сарф этилган капитал маблағларни 30—32% ажратилган.

Агросаноат ишлаб чиқаришни самарадорлигини пастлиги, ривожланмаганлигининг асосий сабабларидан бири АСК. алоҳида соҳаларининг моддий-техника билан таъминлашдаги номутаносиблиги ҳар қайси соҳа тармоқларининг алоҳида маҳкама ва вазирликларга тегишли бўлганлигидан уларнинг ўртасида ўзаро алоқадаги номутаносибликнинг бартараф этишда ягона тармоқлараро такрор ишлаб чиқаришни ривожлантириш занжирининг йўқлигидир. Масалан, сақлаш ва қайта ишлаш саноати қувватининг ривожланмаганлиги натижасида ҳар йили ўртача ишлаб чиқарилган гўштнинг — 15%, сутнинг — 20%, мева, сабзавот ва картошканинг 40% га яқини нобуд бўлиб кетмоқда. Дон ва пахтанинг ҳам 10% дан ортиқ қисми исроф бўлмоқда.

Бунинг асосий сабаби шу соҳа тармоқлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий манфаатдорлик боғланмаганлиги асосида мустоҳкам алоқаларни ва моддий техника базасини етарли даражада ривожланмаганлигидадир. Бу қишлоқ хўжалиги корхоналари билан қайта ишлаш саноати моддий-техника базаси ўртасида нисбат 1970 йилда 5:1 бўлган бўлса, 1993 йилга келиб 10:1 ни ташкил этди. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигига етказиб берилмаган машина, трактор, техникаларнинг, минерал ўғитларнинг сифатининг пастлиги сабабли, миқдорининг етгани билан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг самарасини орттиришга таъсир этмади. Трактор ва техникаларга техник хизмат кўрсатиш, уларга эҳтиёт қисмларни етказиб бериш, жорий таъмирлаш ишларини амалга оширувчи корхоналар етарли даражада ривожлантирилмади.

АСК. хўжалик механизмида такрор ишлаб чиқариш жараёнида экологик жиҳатдан самараси ва зарарли бўлган техника ва материалларни ишлаб чиқариш ва ишлатилишига қарши турадиган маъмурий ва иқтисодий тўсиқнинг йўқлиги сабабли, тупроқ таркибига салбий таъсир қиладиган оғир ва зарарли трактор ва техникалар етказиб берилди. Натижада ўн минглаб гектар ерлар бутунлай унумдорлигини йўқотди. Шунинг учун, қишлоқ хўжалигига қанчалик кўп капитал маблағ, моддий-техника ресурслари етказиб берилмасин, кейинги 20 йил мобайнида ҳосилдорликни оширишга эришилмади. Ўтган 20 йил ичида қишлоқ хўжалигини интенсив ривожланишига ўта олинмади. Чунки бу соҳада интенсив ривожланишнинг ўзинга хос хусусиятлари ҳисобга олинмади, фақат жадал механизациялаштириш, техникалаштиришга зўр

берилди. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос табиий ва ижтимоий-иқтисодий хусусийлашиши тан олинмади.

Ўтган даврлардан олинган яна бир аччиқ сабоқ шу бўлдики, экинларга, чорвага тирик организм сифатида муносабатда бўлиш кераклиги, бажариладиган ишларни инструкциялар ва юқоридан берилган кўрсатмалар асосида йўлга қўйиб натижага эришиб бўлмаслиги аққол кўринди. Бошқаришнинг маъмурий буйруқбозусли жамоа хўжалиги, совхозларда ва бошқа хўжаликларда зарур моддий ресурсларни яратишни, уни тўғри тақсимлашни тақозо этмади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш натижалари об-ҳаво иқлим шароитлари қандай келишига қараб, йиллар бўйича анча ўзгариб туради. Шу сабабли, бу соҳада такрор ишлаб чиқаришнинг бир маромда келишини таъминлаш-қўшимча фондларни барпо этиш ва сақлаб туришни таалаб этади. Шунинг учун доимо қутилмаган ҳолларда ишлатишга эҳтиёт чораси сифатида озуқа, уруғлик ва иш ҳақи резерв фондларини ташкил этиш ҳамда сақлаб туриш лозим бўлади.

3. Агросаноат комплекси тармоқларида ўзаро ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши

Кейинги 30—40 йиллар ичида ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида туб иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалиги ҳозирги замон техникаси ва биология фани ютуқларини қўллашга асосланган, индустриал товар ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат тармоқларини, тегишли савдо бўғинларини бирлаштирувчи ягона агробизнес — агросаноат комплекси тизмига бирлашиб интеграциялашгандир. Бу тизимда бош мавқени кооператив бирлашмалар ва қайта ишлаш саноатининг озиқ-овқат ҳамда бошқа тармоқлари монополистик концернлари эгалладн.

Қишлоқ хўжалигини индустриаллаштириш, уни агробизнес тизмига қўшиш натижасида, 1950—1992 йиллар ичида қишлоқ хўжалигида машғул бўлганларнинг умумий сони АҚШ да—3 марта Японияда—5, Канадада—2, Ғарбий Европа мамлакатларида—3 марта камайди.

Ривожланган мамлакатларда деҳқон хўжалигининг техника жиҳатдан қолақлигига, оғир жисмоний меҳнатнинг ҳукмронлигига, турмуш даражасининг пастлигига барҳам берилган. Қишлоқ хўжалиги аҳоли ёппасига машғул бўлган тармоқ бўлмай қолди. Кўпгина ривожланган мамлакатларда техника реконструкцияси натижасида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг рағбатлантиришининг пасайиши, ишлаб чиқаришнинг якуний иқтисодий натижаси-

га бўлган жавобгарликнинг сусайишига олиб келади, натижада хўжаликларнинг иқтисодий, молиявий шароити ёмонлашди, қарзлари ортиб кетди. Ҳозирги иқтисодиётни бошқаришнинг бозор усулига ўтиши, қишлоқ хўжалигида ерга бўлган мулкчилик шакллари ривожлантиришни, ерга эгаллик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини такомиллаштиришни талаб этади.

Президентимиз И. А. Қаримов — бутун аграр сиёсатнинг муҳим масаласи — ерга мулкчилик масаласидир деган эди. Республикамизда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши туфайли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг таркибий такомиллаштириш қишлоқ хўжалиги корхоналарига маъмуриятчилик усули орқали раҳбарлик қилиш усуллари бутунлай йўқотишга эришилди. Ернинг мелиоратив ҳолатига эътибор берилмоқда. Фақат 1995 йилнинг ўзида ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун қилинган харажатлар 1990 йилга нисбатан 14—15 баробар ошди. Ҳозирги даврда республикада 4,2 млн. гектар суғориладиган ер мавжуд. Шунингдек, АСК соҳаси тармоқ корхоналарининг ўзаро иқтисодий ва ишлаб чиқариш алоқаларини эркин, ўзаро келишилган шартнома асосида ўтказиш — улар ўртасидаги номунасонбликка анча барҳам беради.

4. Агросаноат комплексда хўжалик юритиш шакллари такомиллаштириш

Энергетика қувватларининг умумий миқдорига кўра бизнинг қишлоқ хўжалигимиз АҚШ қишлоқ хўжалигидан аллақачон ўзиб кетган. Нафақат ишлаб чиқаришнинг энергия билан таъминланганлиги балки ҳар бир қишлоқ хўжалик маҳсулоти бирлигига номинал энергия сарфи ҳам бизда АҚШ дагига қараганда юқоридир. Бироқ бизнинг деҳқонларимизнинг ижтимоий меҳнат унумдорлиги америкалик фермерларнинг меҳнат унумдорлигига нисбатан 6 баробардан ҳам кўпроқ пастдир.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари сингари саноатнинг ҳам ривожланиш стратегиясида кенг миқёсдаги ялли ёндошувга қаратилганлиги, маҳсулот таркиби ва хилларига нисбатан менсимасдан қарашларга олиб келади. Албатта, тракторларга тиркаб ёки осиб ишлатиладиган кўплаб турли хил машиналарга нисбатан тракторларнинг ўзини минглаб ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш нуфузлироқдир. Ваҳоланки, деҳқончиликнинг самарадорлиги худди шу «майда-чуйда» машина механизмларига боғлиқ. Айни шунинг учун ҳам деҳқон уларга нисбатан тобора янгидан-янги ва тобора кўпроқ эҳтиёж сезмоқда. Бироқ саноатнинг бу эҳтиёжларга бўлган муносабатини ўзгартириш анча қийин, чунки у ана шу эҳтиёжларни қондиришдан манфаатдор эмас.

Ҳап шундаки, саноат тармоқлари истеъмолчи сифатида саноатдан ёрдам кутаётган бир илтимосчи бўлиб майдонга чиққан пайтларда шаклланди. Саноатнинг ривожланмаган камбағал-деҳқонга кўмаклашувчи етакчи куч сифатидаги мақоми анъана бўлиб қолди. Ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш сиёсати эса бу анъанани мустақкамлади, саноат тармоқларига ресурслардан яқка ўзлари фойдаланишларида чекланмаган ҳуқуқлар бериб қўйди. Эндиликда у вақтлар ўтиб кетди. Агросаноат ишлаб чиқариши вужудга келиб, унинг қонунлари заиф томонга ёрдам беришни эмас, балки ўлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатларни, тармоқлараро тенг алмашишга асосланган шерикликни талаб қилмоқда. Деҳқончилик ва агросаноат комплекси бошқа тармоқларининг стихияли равишда вужудга келган таркибини тубдан ўзгартириш — мамлакатда ривожланган озиқ-овқат хўжалигини бунёд этишнинг энг муҳим моддий шартидир.

Бизнинг бундан олдинги тарихимиз шундан далолат берадими, директив, маъмурий ва ҳатто сиёсий йўл-йўриқлар билан ҳам агросаноат комплекси ишлаб чиқариш таркибида жиддий ўзгаришларга эришиб, уни жамиятнинг маҳсулотларга бўлган ҳоҳишда турли-туман эҳтиёжлари ҳажми ва тузилмасига яқинлаштириб бўлмайди.

Иқтисодиёт ҳақиқатдан сиёсатга нисбатан алоҳидаликка ва нисбатан мустақилликка эгадир. Сиёсатнинг кучи уни таркиб жиҳатидан жиддий, ўзгартиришга етарли даражада қодир эмас. Иқтисодий муносабатда бўлганларнинг ўзлари томонидан манфаатдорлик талаб қилинади. Ҳатто шунчаки манфаатдорликнинг ўзи эмас, балки шундай хўжалик шароитлари ҳам зарурки, токи улар ҳар бир товар ишлаб чиқарувчини ишлаб чиқаришни у ишлаб чиқарётган маҳсулотларни истеъмол қилувчининг эҳтиёжларига мослаштиришга мажбур қиладиган бўлсин. Бошқача қилиб айтганда иқтисодий мажбур этувчи куч талаб қилинади. Бундай куч эса фақат бозор хўжалиги ва унинг механизмлари ҳисобланади. Бозор хўжалигида иқтисодий жиҳатдан алоҳида бинобарин, мустақил хўжалик юритувчи жамоалар ва яқка тартибда товар ишлаб чиқарувчилар билан уларнинг маҳсулотларини истеъмол қилувчилар ўртасида муносабатлар тизимини инфодалайди. Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи мумкин қадар кўпроқ иқтисодий фойда кўришга интилиб ўз ишлаб чиқаришини ва ишлаб чиқарган маҳсулотини тақсимлаш ҳамда реализация қилишни мустақил равишда режалаштиради.

Ҳеч ким иқтисодиётга маъмурий ёки сиёсий зўрлик ўтказиш йўли билан уни иқтисодий жиҳатдан қулай бўлмаган нарсани ишлаб чиқаришга мажбур қилаолмайди. Ўз навбатида ҳар бир харидор ҳам товарни ва сотувчини эркин равишда танлаш ҳу-

қуқига эга, чунки у товар учун ўзи ишлаб топган ёки кредитга олган маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлайди. Бозор муносабатларининг ана шу шакли асосида товар ишлаб чиқарувчи молния органлари билан, банклар, сўғурта муассасалари ва шу кабилар билан хўжалик муносабатлари вужудга келади. Бундай муносабатларда ҳар бир қатнашувчи ўз иқтисодий манфаатлари ва мақсадларини кўзлаб иш тутади. Шунинг учун ҳам ўзаро ҳамкорлик улар ўртасида ўзаро муносабатлашнинг асосида амалга оширилади, хўжалик муносабатлари мажмуи эса ҳар бир қатнашувчининг ўз фаолиятига юксалиш сари интилишига объектив равишда ундовчи қандоқдир иқтисодий механизм сифатида хизмат қилади.

Ишлаб чиқарувчиларни маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга мажбур қилишнинг фақат битта йўли бор, у ҳам бўлса товар — пул муносабатларини кенгайтириши, истеъмолчиларга товарларга харидорлик ҳуқуқларини қайтариб бериш ва ишлаб чиқарувчининг ҳуқуқларини йўқотиб, унга сотувчилик мажбуриятларини юклашдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, бозорни сотувчи билан харидор ўртасидаги бел аниқ майдон сифатида қайтадан тиклаш талаб қилинади. Бунише учун республикамиз қишлоқ хўжалигида хўжалик юртини механизмини такомиллаштириши ишлари амалга оширилди. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига харид баҳолар бозор иқтисодиёти тараққиёти талабларига жавоб берадиган нархлар белгилайди. Қўи маҳсулотлар муомалани келинган нархлар асосида амалга оширмоқда.

Иккинчидан давлат эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулот турлари ва ҳажмлари бўйича давлат буюртмаси доираси қисқариб, қишлоқ хўжалиги корхоналарини мустақил иқтисодий муносабатлари учун йўл берилмоқда. Масалан, 1995 йилда пахта бўйича давлат буюртмаси 50% қисқартирилди.

Учинчидан давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарини гурӯҳлаш йўли билан уларни қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалга оширилди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари даромад солиғидан, қўшилган қиймат солиғидан, бошқа солиқлардан озод қилинди, фермер (деҳқон) хўжаликлари эса ташкил қилинган даврда иккинчи йилгача солиқлардан озод қилинди. Хўжаликларини молжияни жиҳатдан аҳволларини яхшилаш учун дебитор ва кредиторлик қарзлари кўриб чиқилди. Кредитларини ўзини муддати 3 йилга кенгайтирилди. Қишлоқларни инфраструктураларини яхшилаш учун кўп чора тадбирлар кўрилди.

5. Ер рентаси ва унинг турлари

Ўзбекистон республикасида қабул қилинган қонунда

хўжалигида ишлаб чиқарини муносабатларини танқид этати, ерга бўлган муносабат боси эгилган. Ер хусусий мулк сифатида сотилмайди, балки у узоқ муддатга ижарага берилиши мумкин. Ерни узоқ муддатга фойдаланишга тўқибдирилиши, унга бўлган эгаллик ҳисобини кучайтиради ва қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантирувчи бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга ерга бўлган мулкний эгаллик икки хил кўринишда ифодаланади.

Биринчидан ер қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаринида эриш зарур қийматга эга бўлган моддий омил бўлиб ер эгасининг худдий монополияси ҳисобланади. Ер эгаси, ерни монопол эгаси сифатида ундан қай тарзда фойдаланиш унинг ўзинга, ишлаб чиқаришига бўлган муносабатига боғлиқдир. Бозор иқтисодийёти шароитида ер кўпинча ўз эгалари томонидан ишлатилмайди, балки уни ишлаб чиқариши билан шугулланувчиларга топширадилар. Адабатта маълум ҳақ учун, маълум муддатга.

Демак ер фақат мулк монополияси сифатида ифодаланиб қолмай балки ишлаб чиқариши, хўжалик юритиши монополияси кўринишида ҳам ифодаланади. Ер хўжалик юритиши объекти сифатида қанчалик узоқ муддатга тўқибдирилса ундан унумли фойдаланиш даражаси шунчалик юқори бўлади. Аммо ер эгалари ва ижарачилар ўртасида доимо қарама-қаршилик мавжуддир. Хусусан, бир тарафдан ер эгаси уни юқори қийматга ижарага бериш учун иқтисодий кураш олиб боради, иккинчи тарафдан эса ижарачилар олатда ерни узоқ муддатга ва арзонроққа олиш учун ҳаракат қиладилар.

Демак ерни маълум муддатга ерга талабгор шахсларга берилиши иқтисодий манфаатдорлик асосида ижара ҳақи тўлаш йўли билан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ер эгалари билан ердан ҳақ тўлаш йўли билан маълум муддатда фойдаланувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга ижара муносабатлар дейилади. Ер ижарачиси белгиланган муддат ичида, келишилган қийматда ердан фойдаланганлиги учун ижара ҳақи тўлайди. Ерни ижарага олган шахслар ердан қай тарзда қанча муддатга фойдаланиши келишилган шартнома асосида уларнинг ихтиёрида бўлади. Ижарачи шу давр ичида қўлга киритган даромдлари ижара ҳақидан ташқари унинг ихтиёрида бўлади ва уни ҳозирдан тарзда тақсимлайди ва ишлатади.

Ижара ҳақи билан ер рентаси бир-биридан фарқ қилган. Ижара ҳақи фақат ижарага олинган ердан фойдаланиши ҳақи бўлмай балки унда мавжуд бўлган мевали дарахтлардан, фойдаланилган асосий ва ёрдамчи бино ва иншоотлар қийматини ўзида ифодалайди.

Ер рентаси эса фақат қуруқ ердан фойдаланган икк учун ер эгасига тўланадиган ҳақдир.

Ер рентаси ер эгалари билан ерда маълум муддатга келишилган ҳолда мустақил хўжалик объекти сифатида фойдаланувчилар ижарачилар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди.

Рента даражаси яъни рента қиймати қуйидаги омилларга боғлиқдир:

- а) ернинг табиий унумдорлиги;
- б) ерни истеъмолчиларга нисбатан жойлашиш даражаси;
- в) унга сарф этилган моддий ва меҳнат ресурсларига харажат миқдори.

Ердан фойдаланиш даражаси ер рентасига ва ундан фойдаланиш учун сарф этилган моддий ва меҳнат ресурслари харажатларини қопловчи баҳолар даражасига боғлиқдир. Ер рентаси ўз ривожланиш тарихига эга. Феодализм даврида рента ишлаб бериш, натурал ва пул шаклида мавжуд бўлган. Умуман ренталар қуйидаги шаклларида мавжуд бўлади.

Абсолют ер рентаси. Бу рента асосан ернинг табиий унумдорлигига боғлиқ бўлади. Ҳатто энг унумдорлиги паст бўлган ер ҳам ижарага бепул берилмайди. Абсолют ер рентаси энг унумдор, ўртача унумдор ва унумдорлиги энг паст даражадаги ерлардан ҳам олинади. Лекин ҳосилдорлиги энг паст ерлардан олинadиган абсолют рента бу энг яхши ёки унумдорлиги ўртача бўлган ерлардан олинadиган рентага нисбатан паст бўлиб бу ер учун унумли рентаи ифодалайди.

Абсолют рентаи юзага келишига сабаб, **биринчидан** қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар чекланганлиги, ишлаб чиқариш тармоқларини хом ашёга ва аҳолининг истеъмол талабига бўлган талабларини фақат ҳосилдор ерлар ҳисобига таъминлаш мумкин бўлмаганлиги учун ёмон ерлардан ҳам фойдаланилади.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига баҳолар талаб ва таклиф қонун асосида шаклландида энг ёмон ерга харажатлар ҳам эътиборга олинади. Ерларнинг сифатига яъни табиий ҳосилдорлигига қараб олинadиган рентага дифференциал рента деб айтилади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши икки манъбага боғлиқдир. Биринчи манъба бу ерларнинг табиий унумдорлиги бўлса, иккинчи манъба иқтисодий унумдорликни ташкил этади.

Албатта фақат табиий унумдорлик эвазига етарли даражада хом ашё ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш қийин. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш табиий (экстенсив) кўрinishда, табиий унумдорликка асосланган ҳолда ва иқтисодий (интенсив) қўшимча моддий харажатлар қилиш эвазига ҳосилдорликни ошириш йўли билан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда табиий ҳосилдорлик эвазига олина-

диган рентани дифференциаль рента I, иқтисодий харажатлар эвазига ҳосилдорлигини ўстириш ҳисобига олинган рентани дифференциаль рента II ифодалайди.

Демак дифференциаль рента икки кўрinishда бўлади.

а) Дифференциаль рента I

б) Дифференциаль рента II

Дифференциаль рента I ернинг табиий унумдорлиги энг паст ерларга нисбатан унумдорлиги ўртача ва юқори бўлган ерлардан олинади.

1-жадвал

Дифференциаль рента I нинг ҳосил бўлиши.

Ер сифати	Ер майдони га/	Ишлаб чиқариш харажатлари сўми ҳосилда/	I га. ердаги ҳосилдорлик унуми	I ц. ишлаб чиқарилган маҳ. баҳоси		Дифференциаль рента I /сўм ҳисобда/
				Якка тартида ишлаб чиқариш (сўм/сўм.)	Ижтимоий ишлаб чиқариш баҳоси (сўм./сўм.)	
1. Ёмон	1	100	4	250	250	0
2. Ўртача	1	100	5	200	250	50
3. Яхши	1	100	8	125	250	125

Жадвалда келтирилган маълумот шунинг кўрсатадигани ернинг унумдорлиги ошиши билан дифференциаль рента I ҳам ошиб бормоқда. Дифференциаль рента I фақат ерни ҳосилдорлиги эмас, балки ер майдонларининг бозорга, транспорт йўлларига, истеъмолчиларга яқинлигига ҳам боғлиқдир.

Қўшимча, (2-жадвал) моддий харажатлар қилиш эвазига иккинчи ва учинчи участка ер эгалари гектарига ҳосилдорлигини уч ва олти центнерга оширишга эришдилар. Натижада иккинчи ва учинчи ер участкаларида табиий унумдорлик ҳисобига олинган дифференциаль I (1-участкада 50, 2-участкада 125) га нисбатан иқтисодий унумдорлик асосида (1-участкада 100, иккинчи участкада 150) дифференциал II рента олинди.

Иқтисодий унумдорлик ҳисобига олинган дифференциал рента II, биринчи участкада 50 сўмин, иккинчи участкада 25 сўмин ташкил этди.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида монопол рента ҳам мавжуд бўлади. Бу рента асосан табиий — иқлим шароитига қараб ноёб етиштирилган субтропик мевалар монопол баҳолар қўйиш эвазига ҳосил бўлади. Ер рентаси қурилтиш участкаларида ҳам бўлади. Бозор иқтисодиётига ўттиш жараёнида аҳоли энг жойлашган, шаҳар марказларида ерларнинг қурилтиш участкаларининг рентаси юқори бўлади.

Қазилма бойликларнинг жойлашуви ва уларнинг қийматига қараб ундирма саноатида ҳам рента юзага келади. Масалан, ол-

2-жадвал

Дифференциал рента II нинг ҳосил бўлиши.

Ер сифати	Ер майдони га.	Ишлаб чиқариш харajatлари сўм ҳисобида	I га ердан ҳосилдорлик центнер ҳисобида	Қўшимча ишлаб чиқариш харajatлари сўм ҳисобида	I га ердан олинган қўшимча ҳосилдорлик цент.	I га ердан олинган умумий ҳосил центр	Жами харajatлар сўм ҳисобида	Қишлоқ маҳсулотини ишлаб чиқариш қиймати сўм ҳисобида	Қишлоқ маҳсулотини сотиш баҳоси сўмда	Дифференциал рента П
1. Ёшон	1	1000	4	0	0	4	1000	250	250	0
2. Урта	1	1000	5	200	3	8	1200	150	250	100
3. Яхши	1	1000	8	400	6	14	1400	100	250	150

тин конлари жойлашган ерларга ундирма саноат рентаси ош тузи жойлашган ерлардаги ундирма саноат рентасига нисбатан юқори бўлади.

Умуман Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ер сотилмайди деб белгиланган. Демак ер бебаҳо, унинг қиймати йўқ. Шу билан бирга, ер маълум даражадаги нархга эга. Ернинг нархи, ундан келадиган даромад ер рентасига боғлиқ. Демак, ернинг баҳоси рента миқдорига ва банкларда тўланадиган фойз даражасига қараб белгиланади.

E_6 = ер баҳоси

P — ер рентаси

Φ — банкларда тўланадиган фойз

$$E_6 = \frac{P}{\Phi}$$

6-б-б. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ, ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТўЛАШ

1. Аҳоли даромадлари ва яшаш даражаси

Ҳар қайси мамлакат моддий ишлаб чиқаришда ҳар йили ижтимоий маҳсулот яратди, миллий даромадини шакллантиради. Ушбу жамиятнинг яшаш ва ривожланиши манбаи бўлган неъмат дастлаб ишлаб чиқариш омиллари, яъни меҳнат, капитал ва ер эгалари ўртасида тақсимланади. Микроиқтисодиёт даражасида (корхона ва турли хўжалик бирлашмаларида) бу иш ҳақи, фойда, фойз ва ер рентаси шаклидаги даромадлардан иборат бўлади. Ушбу даромад бошланғич ва қайта тақсимот босқичларидан ўтади, бу жараён, моддий ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этганлардан ташқари қайта тақсимотга ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмаган кишилар, шунингдек, давлат ҳам иштирок этади. Ижтимоий маҳсулотни тақсимот ва қайта тақсимлаш жараёни қандай келишини кузатиш орқали жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар қандай маблағ ҳисобига яшаётганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма даромадлар пул шаклида ифодаланади ва ишлаб чиқариш омиллари баҳоси билан узвий алоқада бўлади. Ушбу ва бошқа ҳар қачонги баҳоларга: талаб ва таклифларнинг нисбати, рақобат ва монополия албатта таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда Осиё ва Африка мамлакатларининг кўпчилигида аҳолининг яшаш даражаси Ғарб мамлакатлариникига қараганда 50 ҳатто 100 йил орқада. Масалан, жон бошига ялли миллий маҳсулот ишлаб чиқариш Ҳиндистонда АҚШ дагидан кўра 15 марта кам.

Хўш, даромад деганда нима тушунилади? Даромадлар бу маълум вақт мобайнида олинган ва шахсий истеъмол учун товар ва хизматлар сотиб олишга мўлжалланган пул маблағлари суммасидир. Аҳоли яшаш даражаси унинг даромадлари миқдорига бевосита боғлиқдир. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида истеъмол неъматлари ва хизматларининг асосий қисми товар сифатида сотилади. Бинобарин, қанчалик инсоннинг даромадлари миқдори юқори бўлса, у ўз эҳтиёжларини неъмат ва хизматларда шунчалик тўлароқ қондира олиш имкониятига эга бўлади.

Хўш даромадларни асосий манбалари қайсилар? Бозор иқтисодиёти шароитида одатда аҳли пул даромадларини тўрт манбага ажратиш кўрсатилади. Хусусан, а) иш ҳақи; б) фойда; в) мулкдан олинадиган даромад; г) ижтимоий тўловлар;

Иш ҳақи аҳоли пул даромадларининг асосий қисmini ташкил этади, масалан, АҚШ да у 75% ни ташкил этади.

Умумий ҳолда ёлланма ишчи ва ҳодимларни иш ҳақи деганда давлат ва тадбиркорлар томонидан уларнинг меҳнатлари эвазига тўлайдиган тўлов тушунилади.

Фойда тадбиркорлик натижасида олинадиган даромадлар тури.

Мулкдан олинадиган пул даромадини қуйидагилар ташкил этади:

а) дивидент — акциядан олинадиган даромад.

б) фониз — пулни қарзга берганлиги учун олинадиган даромад;

в) рента — мулкни ижарага берганлиги учун олинадиган даромад;

Ижтимоий тўловларга давлат томонидан тўланадиган нафақалар, ишсизлик бўйича тўланадиган тўловлар ва шу кабилар киряди. Шунинг алоҳида таъкиллани жонки, амалиётда рента билан фойда ёки иш ҳақи билан фойда бириктириб кетган ҳолда бўлади. Демак, юқорида қайд қилинган даромадларни шартли равишда чегараланган деган ҳулоса қилиш мумкин.

Аҳоли даромадларининг моҳиятини тушунишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур:

— ҳар қандай жамиятнинг бирламчи бўлиши бу оилалар демак даромадлар муоммасы, энг аввало, оилани жами даромадлари сифатида намоён бўлади;

— оила даромадлари юқорида қайд қилинган учта манба асосида шаклланади, ammo ҳар хил оилалар учун ушбу манбаларини аҳамияти турличадир. Бунга асослашиб аҳолининг даромадларининг асосий қисmini олинадиган даромад, иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар ташкил этувчи ижтимоий гуруҳларга бўлиши мумкин.

Юқорида қайд қилинганлардан келиб чиққан ҳолда жамиятда

аҳолини даромадларига қараб табақалашуви мавжуд, деган хулоса қилиш мумкин. Масалан, АҚШ да 1987 йилда бой оилаларни 20% га олинган даромадни 43,7% қолган 80% эса 56,3% тўғри келган.

Даромадларни номинал ва реал шакли фарқланади. Номинал даромад аҳолини пул шаклида олган даромад миқдорини кўрсатади.

Реал даромад эса аҳоли томонидан реал истеъмол қилинган нисматларни миқдорини кўрсатади. Масалан: оила 1993 100 миң сўм даромад олди. (номинал даромад) ва уни 30% га озиқ-овқат маҳсулотлари, 30% кийим-кечак маҳсулотлари, 25% хизматлар сотиб олди қолган 15% ни эса жамғарди (реал даромад).

Хўш, реал даромад даражасига қандай омиллар таъсир кўрсатади? Булар солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар миқдори, ижтимоий тўловлар миқдори, баҳолар даражаси ва бошқалар.

Реал даромадлар мамлакатдаги товар ва хизматларга мавжуд баҳолар даражасини ўзгартириш кучли таъсир кўрсатади. Агарда товар ва хизматларга баҳолар номинал нарх ҳақида нисбатан тез ўсса унда реал даромадлар пасаяди ва аксинча. Шунга кўра реал даромаддаги ўзгаришлар пул даромади индексининг баҳо индексига бўлган нисбати билан ўлчанади.

$$R_{di} = \frac{P_{di}}{N_i}$$

Бунда R_{di} — реал даромад индекси, P_{di} — пул даромадини индекси, N_i — нарх индекси.

Амалиётда, ҳар бир мамлакатларда аҳолини пул даромадлари ва сарфлари баланси ҳисобланади. Хусусан Ўзбекистонда 1995 йилда аҳоли пул даромадлари 53,2 млрд сўмни сарфлари ва жамғарилиши эса 49,7 млрд сўмни ташкил этган. Ҳар бир мамлакатда давлат, даромадлар сисъатини ишлаб чиқади. Ҳозирги шароитда ушбу масалага икки хил ёндашув мавжуд.

Биринчи ёндашув жамият ҳар бир фуқарога «камбағаллик чизмидан» тушиб кетишга йўл қўймайдиган даромад миқдорини кафолатлаш зарур деган гонга асосланади.

Иккинчи ёндашув эс давлатнинг асосий вазифаси даромадларни кафолатлаш эмас, балки ҳар бир фуқарога ўз даромадларини оширишга шароит яратишдан иборат, деган қондага асосланди.

Бунда биринчи ёндашув кўпроқ Фарбий Европа мамлакатларида, иккинчи ёндашув эса АҚШ га хосдир. Шунини аниқки, ҳар бир мамлакат ўзги хос шартларидан келиб чиққан ҳолда, даромадлар сисъатини ушбу ёндашув ўзрасида энг мувофиқ нисбатни топиш асосида ишлаб чиқиши мумкин.

Аҳолининг янаш даражаси, деганда моддий нисматларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади. (аҳолини озиқ-овқат мақ-

сулотлари, саноат истеъмол буюмлари, ҳар бир хизматлар ва ҳ. к. билан таъминланганлиги).

Аҳолининг яшаш даражаси ҳар хил мамлакатларда турлича бундай ҳол уларнинг иқтисодий ривожланиши даражасидаги тафовутлари билан шартлангандир. Масалан, 1986 йилда жон бошига ялпи миллий маҳсулотни ишлаб чиқариш миқдорини олсак, АҚШ да 17,4 минг долларни, Японияда 12,8 минг долларни, Бангладешда 160, Ҳиндистонда 290 долларни ташкил этган. Аҳолининг яшаш даражасига баҳо беришда, асосий маҳсулот турларини жон бошига истеъмол қилиш, онла ҳисобида ушбу маҳсулотлар билан таъминланганлик кўрсаткичларидан фойдаланилади. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$Я_d = \frac{M_x}{A_c}$$

бунда

$Я_d$ — аҳолини яшаш даражаси (жон бошига ҳисобида).

M_x — истеъмол товарларни ишлаб чиқариш, ҳажми.

A_c — аҳоли сони.

Аҳолини яшаш даражасини ҳисоблашда ҳисоб боши нуқтаси бўлиши зарур. «Истеъмол савати» худди шу нарсани ташкил этади. Истеъмол савати маълум истеъмол даражасини таъминловчи товар ва хизматларни тўпلامини ўз ичига олади. Шундан келиб чиққан ҳолда истеъмолни «минимал» ва «рационал» даражаси фарқланади. Ундан биринчиси истеъмол қилиши энг қуйи ёки камбағаллик чегарасини кўрсатади. Ушбу чегарадан пастда яшовчи аҳолини ҳиссаи ушбу мамлакатда яшаш даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Истеъмолни «рационал» даражасини инсон учун «яхши» истеъмолни структурасини ва миқдорини кўрсатади.

Аҳолини яшаш даражаси сифатлилиги, меҳнат қилиш шароитлари ва хавфсизлиги, яшаш муҳитининг аҳволи, бўш вақтининг мавжудлиги ва ундан фойдаланиш каби кўрсаткичлар орқали аниқланади.

2. Иш ҳақи моҳияти. Иш ҳақи даражаси ва унга таъсир этувчи омиллар

Ривожланган мамлакатларда, ёлланувчи маълум даврда корхонага ишлаб беришга, ёлловчи эса унга бунинг учун маълум миқдорда пул тўлашга келишилганлиги ҳақида шартнома имзоланади. Битим махсус товар, яъни меҳнатнинг олди-сотди кўринишда бўлади. Шунинг учун иш ҳақи ташқаридан қараганда товар бўлган меҳнатнинг баҳоси бўлиб кўринади. Аммо, иш ҳақиға

тегишли бўлган битимни тўлиғича «буюм-буюм» муносабатига, товарни пулга айирбошлашга қийёслаш мумкинми?

Ишга ёллаш шартномасини диққат билан кўздан кечирганда бир қатор белгилари кўрилади. Биринчидан: инсон айнан меҳнатини товар сифатида сотадими? Агар шундай бўлса, ишчининг қўлида бу товар меҳнат битими тузилаётганда қўлида нақд пўл бўлиши лозим. Шунингдек меҳнат бу ишлаб чиқариш воситасини мақсадсиз ишлатиш эмас, яъни ишчи ундан фойдаланишни битим тузишгача эгаллаши керак. Аммо ишчи ўзида ишлаб чиқариш воситаси бўлганида, у меҳнатни эмас, унда ишлаб чиққан маҳсулотини сотган бўлар эди. Умуман, меҳнат қийматига эга бўлиши мумкинми?

Ҳар қандай қийматни меҳнат яратади, демак, меҳнат ўз қийматини ўзи яратадими? Бундай дегиниш сафсатабозлик бўлур эди. Чунки амалда меҳнат ўзида қиймат моҳиятини акс эттиради, эҳмо унинг ўзи ўз қийматини яратмайди, меҳнат товар бўлмайди.

Демак, ишчи ўз меҳнатини сотмас экан, тадбиркор унга нима учун ҳақ тўлайди? Бунини тушуниш учун: меҳнат ва ишчи кучи тушунчаларини фарқлаш лозим.

Ишчи кучи — инсоннинг моддий ишлаб чиқаришда фойдаланганига меҳнатга лаёқати, жисмоний ва руҳий кучи йиғиндиси. У ишлаб чиқаришнинг шахсий омилидир. Бугунги кунда инсон ўз иш кучини шу даражада ривожлантирдики, у яратган товар қиймати, сарф этилган ишчи кучини тақрор ҳосил этишга кетадиган қисмига исбатан кўн марта ортиб бормоқда.

Меҳнат — кишиларни бирор мақсадга қаратилган фаолияти, ишчи кучидан фойдаланиш жараёни.

Ишчи кучи ва меҳнат тушунчаларини фарқлаш, меҳнатга ёллаш битими моҳиятини тушунишга ёрдам беради. Битим тузиш оқибати инсон ўз меҳнатини маълум муддатга сотиб иш ҳақи олганда, ҳақиқатда у тадбиркорга ўз иш кучини идора этишни топширади. Тадбиркор эса мана шу ўзи учун фойда келтирадиган ҳуқуқни қўлга киритгани учун ишчига ҳақ тўлайди. Амалда, битим меҳнатга эмас, иш кучига тузилади. Иш ҳақи эса ишчи кучининг бозор баҳосидир.

Алевал таъкидлаганимиздек, меҳнат жараёнида инсон, сарф этилган меҳнат вақти, иш кучини талаб этган қийматга тенг янги қиймат яратади. Агарда тадбиркор ишчининг ҳамма меҳнатига ҳақ тўлаганда эди ўзининг бойлик орттириш манбаидан маҳрум бўларди. Қисман ҳақ тўланган меҳнатга тўлиқ ҳақ тўланганидек қабул этилади. Иш ҳақи эса юзаки қараганда, амалда мавжуд бўлмаган товар-меҳнатнинг баҳоси бўлиб кўрилади яъни меҳнатнинг бозор баҳоси хўжалик жараёнида аниқ ифодалаб бўлмай-

диган бир қолипга йиғиб бўлмайдиган шаклдр. Иш ҳақини товар (меҳнат) — пул (иш ҳақи) кўринишда қараш нотўғри. Бундай алоқанинг тубида кишилар ўртасидаги, яъни корхона эгаси ва ишчи товар эгаси ўртасида реал иқтисодий муносабат яширинган бўлади.

Ишчининг даромади моҳияти иш ҳақи тўлаш қонуни, яъни объектив иқтисодий боғлиқлик аке этган иш ҳақи иш кучининг қийматига ёки баҳосига кўра аниқлаиш билан ифодаланади. Бу, иш ҳақининг миқдори, ишчи томонидан зарурий иш вақтида яратилган қиймат ўлчамига боғлиқлигини билдиради. Агарда ишчининг қиймати кўтарилса иш ҳақи ҳам ортиши керак ва аксинча.

Меҳнаткашларнинг ҳар қайси ишчининг иш ҳақи миқдори ишлаб чиқаришда, бозорда, ижтимоий муносабатлар соҳасида вужудга келган турли омилларга боғлиқ.

Булардан, энг асосийси — ишчи кучи қийматининг ўлчамидир. Ҳар қайси ишчи гуруҳига бундай қийматнинг юқори ва паст даражаси бор.

Ишчининг сарф этган меҳнат лабқатини тиклашга, унинг малакасини оширишга, оиласини боқинишга кетадиган қиймат йиғиндисининг қуйи чегараси бўлади. Қўл мамлакатларда ҳозирги вақтда паст малакали ишчиларни ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган маблағ миқдори камбағаллик даражасини аниқлаш учун, расмий равишда турмуш кечирish минимуми ҳисоблаб чиқилмоқда ва шунга кўра иш ҳақининг энг кам (минимал) миқдори белгилаб қўйилмоқда.

Белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори даражаси инфляция даражасининг ўсиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши, етарли молнавий маблағлар жамғарилиши каби иқтисодий шартларда кўрилиши мумкин.

Ишчи кучи қийматининг чегараси, яна ўша мамлакатда шакланган анъанавий удумлар, ижтимоий-маданий эҳтиёжларни қондириш учун керакли маблағни ҳам ўз ичига олади.

Амалиётда номинал ва реал иш ҳақи даражалари фарқланади. Номинал иш ҳақи, ишчининг сарф этган меҳнати, вақти учун олинмайдиган пул қийматидир. Реал иш ҳақи эса номинал иш ҳақига солиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдоридир, яъни номинал иш ҳақининг харид қувватидир.

Реал иш ҳақи номинал иш ҳақи миқдорига, товарлар ва хизматлар баҳосига боғлиқ бўлади. Реал иш ҳақи даражасини ўзгартиришнинг фоздаги ифодасини, баҳолар даражасини ўзгартиришнинг фоздаги ифодасини айирини йўли билан аниқлаш мумкин. Масалан, баҳолар даражаси 8% га ўсганда, номинал иш ҳақининг 10% га ортиши, реал иш ҳақининг 2% кўпайганлигини билдиради.

Аmmo номинал ва реал иш ҳақи кўнайиши шароитида, товарлар баҳоси номинал иш ҳақидан кўра тезроқ ўсса, реал иш ҳақи пасайиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида бирор бир гуруҳга мансуб ишчиларнинг иш ҳақи қандай аниқланади? Айтилик ишлаб чиқаришда бир хил куч сарф этилган шароитга ва мутлақо бир хил малакага эга бўлган бир гуруҳ ишчилар бор. Рақобат соатбой иш ҳақи ставкасини тенглашишига олиб келади, натижада ҳеч қайси ишчи ўз ишига ортиқроқ ҳақ талаб қила олмайди.

Талаб ва таклиф назариясига мувофиқ, ўша тоифадаги ишчилар иш ҳақи даражаси мувозанати эгри чизиқлар кесилган ерида бўлади.

Агарда иш ҳақи даражаси мувозанат нуқтасидан юқори бўлса, кейин кучига талабни пасайишига имкон яратади. Демак, иш ҳақи даражаси меҳнат бозорининг ҳолатига, талаб ва таклиф қонунига мувофиқ ўзгариб туради. Агарда ишчи кучи таклифига нисбатан чегараланган бўлса иш ҳақининг ортиши юз беради. Иш кучи таклифи: аҳолининг сонига, ундаги ишга лаёқатли аҳоли миқдорига, ишчиларнинг бир йилда ўртача ишлаш соатига, меҳнат миқдори ва ишчининг малакасига кўра аниқланади. Шунингдек, юқори иш ҳақи меҳнат таклифини кўнайитириши ёки қисқартириши ҳам мумкин. Масалан, сизга юқори соатбай маош таклиф этилди ва иш вақти давомийлигини белгилаш ҳуқуқини ўзингизга беринди. Албатта, сиз кўпроқ маош олиш мақсадида иш вақтингизни ўзгартиришга ҳаракат қиласиз, чунки бўш қолган ҳар бир соат вақтингизга сизга зарар бўлади. Лекин, кейин даромад самарасининг текариб жараёни таъсир эта бошлайди, яъни юқори маош натижасида сиз анча бойийсиз, натижасида истеъмомингиз ҳам, миқдор ҳам сифат жиҳатдан ўсади, натижада кўпроқ бўш вақтга эга бўлишга интила бошлайсиз. Шунингдек, меҳнаткашларнинг иш ҳақи даражасига меҳнат сифатига, иш шароити, (бажарилаётган ишнинг кини соғлини учун зарарлигига, заҳарли химикатлар билан ишнинг ишчининг соғлими ва малакаси даражаси, ноёб қобилиятига эга эканлиги (айрим спортчилар, муסיқачилар, артистлар, дивлат арбоблари) таъсир кўрсатади.

Ҳозирги фан-техника тараққиёти даврида юқори малакали ишчиларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бир вақтнинг ўзида нисбатан мураккаб бўлган меҳнат каттароқ қиймат яратади, шу билан бирга юқори малакали ишчи сарф этган қувватини такрор ҳосил этиш учун турмуш шароитини яхшилашни талаб қилади.

Машиналанган ишлаб чиқаришнинг бошланғич бошқичида малакасиз меҳнат устун бўлган, иш юритувчилар ишчиларнинг иш ҳақини энг паст чегарада ушлаб туришга ҳаракат қилганлар. Фан-техника инқилоби шароитида ишчиларнинг малакасини ошн-

риб бориш объектив заруратга айланади ва натижада ишчиларнинг иш ҳақи анча ўсиб бормоқда.

Ишчилар даромадининг миқдори, шунингдек, у ёки бу мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитининг ривожланганлик даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, Болгария, Нигерия ва унга ўхшаш мамлакатларда кундалик иш ҳақи ривожланган мамлакатларга нисбатан 3—8 мартаба паст даражада. Бунга асосий сабаб, ўша мамлакатларда меҳнат унумдорлигининг пастлиги, яъни ишчиларни капитал, табиий заҳиралар, технология, иш шароити билан яхши таъминланганлигидир. Узоқ вақтдан буён АҚШ дунёда иш ҳақи даражасининг юқорилиги бўйича энг олдиндадир. Зеро америкалик ишчининг капитал (иншоот, ускуналар) билан таъминланганлиги юқори даражада (К. Р. Маккалленнинг ахборотига кўра 1987 йилда бир ишчига 30 минг доллар) ишчи кучи миқдорига нисбатан кўп табиий ресурсларга эга, технологик тараққиёт даражаси юқори, ишчиларнинг ишга муносабатлари, ўқитиш, тайёрлаш яхши, шунингдек, мукаммал бошқарув тизими эга.

Кейинги йилларда технологик инқилоб ривожланган мамлакатлар техник-иқтисодий шароитини бир қадар тенглашинига олиб келди. Натижада улар ўртасида иш ҳақи даражаси анча тенглаша бошлади. Масалан, амалдаги иш ҳақининг ўсishi 60—80 йилларда Англияда, Франция, ГФР ва Италияда — 3 марта, Японияда — 4 мартаба ташкил этди. Натижада, бу мамлакатлардаги иш ҳақи даражаси АҚШ даигга яқинлашди.

3. Иш ҳақини тўлаш шакллари ва турлари

Корхоналарда иш ҳақи тўлашнинг иккита асосий шакли қўлланилади: вақтбай ва ишбай. Вақтбай иш ҳақи миқдори бажарилган иш вақти миқдорига кўра белгиланади. Бунда иш ҳақи ўлчамини бир соат, кун ҳафта ёки ойга ҳисобланади ва ишланган вақтга кўпайтирилади.

Бизнинг мамлакатда вақтбай иш ҳақи тўлаш шакли асосан бажараётган иш миқдорини ҳисобга олиб бўлмайдиган соҳаларда, кўпроқ номоддий соҳаларда, маориф, медицина ва шунга ўхшашларда қўлланилиб келинади.

Капитализмнинг юзага келган дастлабки даврида корхоналарда иш ҳақи тўлаш асосан вақтбай усулида олиб борилган, бунда корхона эгаси ишчинин иш вақтини узайтириш ҳисобига қўшимча маҳсулот олиш имкониятига эга бўлган. Кейинчалик ишчилар ўз иш унумдорлигини оширишга бўлган манфаатдорлигини рағбатлантириш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсади билан ишбай ҳақ тўлаш усули қўлланила бошланган.

С. 10
С. 11

М.

С. 12
С. 13
С. 14
С. 15
С. 16

Книжка 20

С. 17
С. 18

С. 19
С. 20

С. 21
С. 22

С. 23
С. 24

С. 25
С. 26

С. 27
С. 28

С. 29
С. 30

С. 31
С. 32

С. 33
С. 34

Аммо, лекин ишчини тақдирлаш у яратган маҳсулот миқдори билан пропорционал олиб бориладими, натижада иш ҳақи унинг қилган ҳамма меҳнатига тўланганидек таасуротни юзага келтиради.

Ишбай иш ҳақи тўлашда ишчига меҳнат интенсивлиги меъёри белгиланади. Бу ишчини маълум вақт давомида маълум миқдорда тайёрлаш лозим бўлган маҳсулот ёки битта ёки бир тўпلام маҳсулот тайёрлаш учун сарф этиши лозим бўлган вақт меъёрини белгиловчи ишлаб чиқариш меъёри ёрдамида амалга оширилади. Бундай ишлаб чиқариш меъёрига маълум миқдорда маош тўланади. Натижада ишчини шахсий манфаатдорлиги уни интенсивроқ ишлаб, кўпроқ маҳсулот чиқариб, иш ҳақини оширишга ундайди.

Ишбай иш ҳақи тўлаш асосан маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини оширишни рағбатлантириш лозим бўлган, қўл меҳнатига асосланган корхоналарда қўлланилади. Ҳозирги шароитда ишбай иш ҳақи тўлаш маҳсулот сифати, асбоб-ускуналардан фойдаланиш коэффициенти, ҳам ашё материалларини тежаганлиги омилларини ҳисобга олишни тақозо қилмоқда, натижада ишбай иш ҳақи билан вақтбай иш ҳақи тўлаш яқинлашмоқда.

Бозор қўқондиги меҳнатини моддий рағбатлантириш бозор қонунлари ва шароитига кўра амалга оширилади, уни корхонанинг ҳужжатлик фаслиятини яқинроқ натижасига боғлиқ қилиб қўяди. Ҳозирги иш ҳақи тўлаш тизими рақобатнинг кучайиши натижасида юзага келган бир қанча омилларни ўз ичига олган.

Маҳсулотни юқори сифатанлигини ҳам ашё, материалларни тежаганликни ва бошқа шунга ўхшашларни тақдирлашни кўзда тугувчи мукофотлаш тизими кенг қўлланилмоқда. Турли ҳолларда вақтбай мукофот, ишбай мукофот, ишбай прогрессив, аккорд ва шунга ўхшаш иш ҳақи турлари қўлланилмоқда.

Ишчи ва хизматчиларни иш ҳақини уларнинг билими иш маҳорати ва турига кўра турфа даражада табақалаштирган ҳолда таъриф тизими, яъни ишлаб чиқариш турлари иш шароити, ишчининг малакасига кўра иш ҳақи белгиланиш учун яратилган меъёрий ҳужжатлар орқали амалга оширилади.

Таъриф тизими энг аввало ишчини соати (ёки кун)да маошнинг миқдори белгиланган таъриф ставкаси киради. Бу иш ҳақи ўлчамли таъриф сеткасига яъни иккинчи учинчи ва ҳоказо разрядлар, даражаси биринчи разряд ставкасига кўра ифодаланган коэффициентлар нисбатига асосан белгиланади. Таъриф малака маълумотиюмаси норматив ҳужжатда ишчи, хизматчиларни касби ва маҳоратига кўра таъриф сеткасидаги разрядга таалуқлилиги кўрсатилган бўлади. Ягона таъриф сеткасини давлат ишлаб чиқиб жорий этади. Шунингдек давлат томонидан белгиланган энг минимал иш ҳақи даражаси таъриф сеткасига асосан иш ҳақини бел

тилашни асоси бўлади. Кейинги разрядга таалуқли бўлган ишчиларни иш ҳақлари разрядлар оралигидаги белгиланган коэффициентига кўра ҳисоблаб чиқарилади.

Маошнинг миқдори хўжалик фаолияти натижасига боғлиқ бўлган бозор субъектлари — кооперативлар, жамоа хўжаликлари, ширкатлар, фермер, шахсий ёрдамчи хўжалик аъзолари иш ҳақларининг энг кам миқдорини давлат кафолатламайди.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда кейинги йилларда тариф тизимида кўшимча равишда ишчи, хизматчиларга ҳақ тўлашда унинг шахсий ишбилармонлик сифати, ишчанлиги, ҳамкорликка интилишини, хулқи ва бошқа шунга ўхшаш ҳисоботларини ҳам ҳисобга олмақдалар.

Мамлакатимизда турғунлик даврида амалда турли касбдаги ишчи хизматчиларга ҳақ тўлашда тенгсизлик ҳукм суриб келди. Саноатда, қурилишда муҳандис, техник ходимлар маоши ишчиларники билан тенг ҳатто паст даражада бўлди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳам бозор иқтисодий муносабатларига ўтиши муносабати билан иш ҳақи тўлашда ислоҳот ўтказиш ишлари олиб борилмақда. 1993 йил 1 январдан бошлаб давлат томонидан ишчи-хизматчиларга иш ҳақи тўлашда ягона тариф сеткаси жорий этилди. Тариф — сетка 28 разряддан иборат бўлиб, 1—8 разрядлар оралигидаги коэффициентини 1.095 қилиб белгиланган, тариф-малака маълумотномасида халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги ишчи хизматчи ходимлар тегишли разряди кўрсатиб берилган ва унинг билими малака маҳоратига кўра энг паст ва юқори разряд 5 диапазонда белгиланган. Энг паст разрядларга юқори малака, билими талаб қилмайдиган иш турларини бажарувчи ходимлар (фаррошлар, қоравуллар ва бошқалар) иш ҳақи белгиланган бажарилган ишнинг мураккаблиги ва ходимнинг малакасига боғлиқ ҳолда тариф ставкалари юқори разрядга томон ошиб боради. Шунингдек, халқ хўжалигининг айрим соҳа ходимлари маоши учун тармоқ коэффициентлари белгиланган. Бир иш вақтининг ўзида амалга ошириладиган сифат жиҳатдан турли хилдаги меҳнат жамият томонидан унинг натижаларининг ижтимоий фойдалигига, унинг маҳсулотининг ижтимоий жиҳатдан қанчалик зарурлигига қараб турлича баҳоланади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки мавжуд иқтисодий қондалардан бири меҳнатга қараб тақсимлаш принциpidир. Унинг миқдорига қараб эмас, балки ундан ҳосил бўлган маҳсулотга қараб тақсимланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш жамият билан ишловчи шахс ўртасида тенг қийматли алмашиш демакдир. Ҳар бир киши жамиятдан унга ўзи яратган маҳсулотни қанча берган бўлса, худди шунча ҳақ олади. Бу ерда ҳам ўша ишлаб чиқаришдаги принцип

ҳукмронлик қилиб, унга кўра товарлар тенг миқдордаги эквивалентлар сифатида алмашилади.

Турғунлик деб аталувчи даврда меҳнатга қараб ҳақ тўлаш учун меҳнат жараёнининг узунлигини ўлчашнинг ўзи кифоя деган догматик тасаввурлар вужудга келган эди. Бу кўплаб салбий оқибатларга олиб келди. Меҳнатнинг маҳсули учун эмас, балки натижасидан қатъий назар унинг жараёни учун ҳақ тўланарди. Ҳар қандай меҳнат ҳам, агар у давлат режасига киритилган бўлса, ижтимоий фойдали меҳнат ҳисобланади деган жўн тасаввур кенг тарқалган эди. Жамият учун фойдали ва зарарли, сифатли ва сифатсиз, унумли ва беҳуда меҳнатга унинг барча хилларига амалга тенг ҳақ тўланарди. Қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик ва алдамчилик, порахўрлик ва бошқалар кенг тарқалди.

Меҳнатнинг ахлоқий жиҳатлари барбод бўлди. Меҳнатга ҳақ тўлаш принципи бузилиб, у ўзининг ижтимоий эътироф этиладиган натижасидан ажралиб қолди. Сифатсиз меҳнатнинг ўтмайдиغان маҳсулотларини йўқ қилиш кенг тус олиб, доимо қайтарилиб туриладиган амалиётга айланади. Меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятига путур етди ва йўққа чиқарилди. Айни шунинг учун ҳам, моддий ишлаб чиқариш таркибининг унинг маҳсулотларига бўлган ижтимоий эҳтиёжлар ҳажми ва таркибидан ажралиб қолishi сурункали иллатга айланди. Бир хилдаги ресурслар доимий равишда ортиқча ишлаб чиқарилса бошқаларининг танқислиги тобора кўпроқ кучайиб борди. Аниқ (конкрет) меҳнат билан мавҳум (абстракт) меҳнат ўртасидаги зиддиятлар, алоҳида меҳнат билан ижтимоий меҳнат ўртасидаги зиддиятларнинг инъикоси сифатида сочувчи сифатидаги товар ишлаб чиқарувчи билан унинг маҳсулотнинг харидори бўлган истеъмолчи ўртасидаги фақат беллашув-рақобат муносабатларидагина ҳал этилади. Илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт имконияти ва зарурлиги фақат товар ишлаб чиқарувчиларнинг беллашув муносабатларидагина рўёбга чиқиши мумкин бўлиб, товар бозори унинг фойдаланиш майдони ҳисобланади.

4. Ижтимоий истеъмол фонди

Ходимнинг иш ҳақини зарурий маҳсулот қийматиغا тенг бўлмаслиги ҳукуматнинг аҳолини ҳаёт таъминотидаги роли амалга оширилмаганлигини билдиради. 20—асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўпчилик мамлакатлар ҳукуматлари соғлиқни сақлаш, маориф, социал инфраструктуранинг ривожлантириш, аҳолини социал ҳимоялаш вазифасини қисман ёки тўлиғича ўз зиммасига ола бошладилар. Бу иш зарурий маҳсулот қийматининг бир қисми-

100
100
100

100
100
100

100
100
100

100

100

100

100

100
100
100

100
100

100

100

100

100

100

100

100

100
100
100

100
100
100

100
100

100

IV бўлим. ЖАҲОН ХҲЖАЛИГИ

1-б-б. ЖАҲОН ХҲЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЕТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙҲНАЛИШЛАРИ

1. Жаҳон хўжалиги тушунчаси ва унинг тараққиёт йўналишлари

Ҳозирги даврда ҳар қайси мамлакатдаги такрор ишлаб чиқариш жараёни бутун жаҳон хўжалигидаги алоқаларнинг хусусияти ва шаклига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Иқтисодий, сиссий, демографик, экологик жараёнлар натижа-сида юзага келадиган муаммолар мамлакатлар ўртасида қўшилиб боғланиб бормоқда. Натижада жаҳон хўжалигида халқаро меҳнат тақсмоти, жаҳон бозори ва жаҳон савдоси, байналмиал қўламда ишлаб чиқаришнинг умумлашуви, фан-техника тараққиётининг аб чиқариш кучининг халқаро характериға таъсири каби омилларнинг ривожланишини шарт қилиб қўймоқда.

Ер юзи аҳолисининг бешдан бир қисми, яъни 1 миллиарддан ортиқроқ киши ҳозирги кунда мутлақо қашшоқлик даражасида яшамоқда. Булар асосан ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси-дан иборат бўлиб бу давлатларда ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш аҳоли жон бошиға нисбатан жуда паст даражададир. Д ривожланган мамлакатлар бир йилда жон бошиға ялпи миллий лот ишлаб чиқариш, масалан, АҚШ да 17480, Япоияда 128440 долларни ташкил этади. Қолоқ мамлакатларда эса, маса-лан, Эфиопияда 120, Бангладешда 160 долларни ташкил этади. Умр-кўриш даражаси ҳам қолоқ мамлакатларда ривожланган мамлакатларникидан анча қисқа, масалан, Япоияда ўртача 78 йил, АҚШ да 75 йил, Эфиопия ёки Бангладешда 51 йилдан иборат-дир.

Ер юзидаги ишчи кучининг 50 фоизи кам ривожланган мамла-катларда жойлашган бўлиб, бутун дунёда олинаётган даромаднинг 5 фоизигина уларнинг хиссасиға тўғри келади. АҚШ да 6 фоиз иш кучи жойлашган бўлиб жаҳон бўйича яратилган даромаднинг 25 фоизи унға тегишлидир. Юқорида келтирилган мисолларға кў-ра ҳозирги вақтда жаҳон хўжалиги давлатлари қуйидаги гуруҳға бўлинади: қолоқ, ривожланаётган, ривожланган (ёки индустрлаш-ган). Шунингдек ҳозирги вақтда жаҳон хўжалигида, янги инду-стриал мамлакатлар (Мексика, Бразилия, Аргентина, Жапубий

Корея, Тайвань, Гонконг, Малазия, Сингапур) «Нефть қироллари» (Саудия Арабистон, Қувайт ва бошқа) деб аталган мамлакатлар, гуруҳи юзага келди. Булар бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар бўйича айрим ривожланган давлатлар даражасига яқинлашиб қолдилар.

Умуман иқтисодий ўсиш омиллари яъни меҳнат ресурси табиий ресурслар, капитал, технология ҳамма мамлакатларда ҳамин ўша-ўша, лекин ҳар қайси давлатда иқтисодий ривожланиш учун ушбу омиллардан фойдаланишга ёндошиш тактикаси, тadbирлари турличадир.

Ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг тараққиёти ва унинг йўналиши ҳар бир давлатнинг олдида қўйган мақсадига боғлиқдир.

Жаҳондаги барча ривожланган, ривожланаётган ва янги мустақилликни қўлга киритган давлатлар ўзларининг социал-иқтисодий тараққиётларини ўзаро иқтисодий, моддий-техникавий корликсиз тасаввур қила олмайдилар. Ривожланган капиталистик мамлакатлар ҳам социалистик мамлакатлар кейинги ўн йилликлар ичида чуқур иқтисодий кризисларни ўз бошларидан кечирмоқдалар. Бу кризислар ишчи кучи ортиқчилигига аҳолининг социал-иқтисодий турмуш шароитларини ёмонлашувига олиб келди. Бу иқтисодий кризислардан чиқиш иқтисодиётининг тузилишини такомиллаштиришни фан ва техника тараққиёти ютуқлари асосида амалга оширишни талаб этади.

Жаҳон хўжалиги алоқалари, яъни, жаҳон савдоси, четга капитал чиқариш, халқаро фан-техника ютуқлари алмашинувнинг, ишлаб чиқарилган ялпи миллий маҳсулотининг ўсишига нисбатан тез суръатда ривожланиши 20-асрда иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бири бўлди. Ҳозирги вақтда халқаро иқтисодий алмашув каналлари орқали дунёнинг 1/5 ялпи миллий маҳсулоти алмашмоқда. Бу жараён айрим мамлакатларда фан-техника инқилоби кўламининг ўсганлиги шароитида келиб чиққан ишлаб чиқарувчи кучларнинг объектив талабидир. Бир томондан, монополистик концернлар монопол фойдага четга капитал чиқариш жаҳон бозорини кенгайтириш орқалигига эришади. Бошқа томондан эса, миллий хўжаликларнинг ихтисослашувини ва кооперациялашувига асосланган меҳнат тақсимоти, меҳнат унумдорлигини ўсишнинг ва ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишидаги бош йўналишнинг асосий воситаси бўлиб қолмоқда. Шунинг учун айрим мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши, жаҳон хўжалик алоқасида иштироки билан белгиланиб, умумжаҳон такрор ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий қисmini ташкил этмоқда.

Ҳозирги замон иқтисодиётни таркибинини шакллантириш учун биринчи раватда аҳамиятга эга бўлган энг илғор, техник жиҳат-

бошқа кўп моддий ва меҳнат ресурслари ҳаракат қилаётган давлатларга нисбатан зиддиятлардан холис бўладилар.

Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги тизимида асосий ўринни моддий ишлаб чиқариш маҳсулотлари савдоси ёки мол (товар) савдоси эгаллайди. Жаҳон товар савдоси миқдори бошқа ҳамма жаҳон хўжалиги алоқаларидан юқори бўлиб, капитални тақрор ишлаб чиқаришни байналмилал феълани нисбатан тўлиқ акс эттиради.

20-асрнинг иккинчи ярмида иқтисодий ФТИ асосида қайта жиҳозлаши умумий иқтисодий ўсишга ва мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларининг кучайишига катта туртки бўлди. 1950—1990 йилларда капиталистик мамлакатларнинг ялпи маҳсулот 16 марта, экспорт эса 33 марта ортди. Халқаро меҳнат тақсимотининг ҳаракати асосан хом ашё билан савдо қилишнинг қисқариши ва саноат маҳсулотларини халқаро алмашинувини жадаллаштириши билан таснифланади.

Урушдан кейинги даврда жаҳон капиталистик экспорти қийматида хом ашё миқдори 75 фонддан 30 фондгача камайди, тайёр маҳсулот миқдори 2/3 ҳисса ортди. Бу жараён бозорда аграр хом ашё етказувчи мамлакатлар мавқеини пасайтирди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ўрнини кўтарди. Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги, хом ашё товарлари билан ўзини таъминлаш даражасига етиши натижасида ёш мамлакатларни сиқиб асосий махсус маҳсулотлар — чой, пахта, тамаки ва ер ости бойлиқлари нефть етказиб берувчи даражасига тушириб қўйди. Эндиликда эса ривожланаётган эмас, ривожланган капиталистик мамлакатлар, жаҳон бозоринда кўп турли хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлар етказиб берувчи мамлакатлар даражасига чиқди.

Аmmo ривожланган мамлакатларнинг мавқеи кўпроқ ишловчи саноат илғор тармоқлари маҳсулотларининг алмашинувининг ўсишига боғлиқ. Товар муомаласининг тўртдан уч қисми ўзаро савдога тўғри келади. Техник жиҳатдан мураккаб маҳсулотлар халқаро алмашинувининг интенсификашуви ТМКнинг саноат комплекслари доирасида ички корпорация йўналишида амалга оширилмоқда.

Ривожланган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдо айниқса, интеграцион уюшма гуруҳларда тез кенгаймоқда. Бу ерда хусусий монополистик ишлаб чиқариш даражаси ўзаро савдода божхона тўсиқларини четлаштириш асосида юзага келмоқда. Ҳозирги замон хўжалиги байналмилаллашувининг чуқурлашаётган шароитида капитални экспорт қилишнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Капитални экспорт қилиш (четга чиқариш) кўйидаги шаклларда амалга оширилмоқда:

1. тўғри инвестиция ёки соҳибкорлик (яъни саноат, савдо ва бошқа корхоналарда);

2. портфелдаги инвестиция (яъни чет эл облигация ва бошқа қимматбаҳо қўғозларда);

3. ўрта ва узоқ муддатли халқаро кредитлар ёки саноат, савдо корпорациялари, банк ва бошқа молиявий ташкилотларга қарзсуда капиталида.

1985 йилда Американинг чет элдаги узоқ муддатли хусусий активлиги 879 млрд. дол.ни ташкил этди.

Жаҳон капиталистик ҳўжалигида четга капитал чиқаришнинг соҳибкорлик шакли ТМК ҳукмронлигининг асосини ташкил этади. Бунинг натижасида корпорациялар ҳақиқий назорат ўрнатишга эришади, жуда бўлмаса «қиз» корхоналарнинг тўлиқ эгаллигини татминлайди. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, айрим ҳолларда бунинг учун 10 фонд акцияларни қўлга киритишнинг ўзи етарли бўлади. Чет эл филлиалларини ташкил этиш йўли билан ТМКнинг «қиз» ва назоратидаги фирмаси, бошқа мамлакат иқтисодиётининг айнан ишлаб чиқариш соҳасида халқаро зонасини кенгайтиришга эришади. Чет эл соҳибкорлик капиталининг мамлакатлар ва саноат тармоқлараро тақсимланиши ҳозирги вақтда кўп жиҳатдан мамлакат иқтисодиётининг тузилишини жаҳон ҳўжалиги айрим бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатни белгилаб беради. Америка мамлакатлар ичида, энг асосий четга капитал чиқарувчи бўлиб келган эди. Кейинги вақтларда бошқа мамлакатлар билан рақобат натижасида Америка монополияларининг маккеи анча пасайди. 1960—80 йилларда АКШ нинг чет элдаги соҳибкорлик ҳиссаси 55% дан 41% камайди. Ғарбий Европа мамлакатлариники эса 37% дан 44% га ўсди. Японияда эса 1% да 10% га ортиди.

Портфелдаги инвестиция — йирик корпорациялар давлат ва хусусий банклар орқали чиқарилган облигацияларни маблағ билан таъминлаш учун чет эл капиталини жалб этишнинг энг асосий манбадир. Бунда йирик инвестицион банклар воситачилик қиладилар. Бу инвестицион облигацияларнинг ҳаракати (сотилиши) айрим мамлакатлардаги тўланаётган фонд ставкаси нормасининг фарқига боғлиқ. Урушдан кейинги даврда четга капитал чиқариш шаклида сезиларли ўзгариш рўй берди. 80 йилларда жаҳон молия-кредит соҳаси ташкил топди. Бунинг натижасида халқаро ссуда капитали бозорининг аҳамияти кескин ортиди. Ҳозирги вақтда ҳам халқаро ссуда капитали бозори юқори суръатда ўсмоқда.

Халқаро ссуда капитали: пул бозори ва капитал бозорига бўлинади. Пул бозори — бу асосан қисқа муддатли (бир йилгача) бўлган кредитдир. Уни ёрдамида корпорациялар вақтинчалик етишмаётган айланма маблағлар ўрнини тўлдирадилар. Капитал бозори — 2 йилдан — 10 йилгача бўлган ўрта муддатли кредитлар

ва 10 йилдан ортиқроқ яъни узоқ муддатли қарзлардан иборат бўлиб, облигацияларни чиқариш ва сотиш шаклида бўлади.

Кейинги вақтларда халқаро бозорда ссуда капиталининг анъанавий бўлмаган шакллари яъни соҳибкорлик капиталига яқин бўлган, айнан аниқ саноат лойиҳаси учун йўналтирилган усуллари қўлланилмоқда. Халқаро кредит бозорининг тез суръатда ўсиши жаҳон хўжалигининг ривожланишига икки томонлама таъсир кўрсатмоқда. Бир томондан халқаро иқтисодий алоқалар механизми самарадорлигини оширмоқда ва капитални халқаро такрор ишлаб чиқарилишини таъминламоқда. Бошқа томондан эса халқаро миқёсда сохта капиталнинг ҳаракати билан капиталнинг жамғарилишидаги мавжуд жараён ўртасидаги фарқни орттириб иқтисодиётнинг зиддиятларини кескинлаштирмоқда. Капиталнинг назоратсиз ҳаракати, оқиб юриши тўлов баланси мувозанатини бузмоқда ва валюталар курсини беқарор бўлишига олиб келмоқда. Бу давлатнинг иқтисодиёти бошқа давлатнинг хўжалик, иқтисодий ва сиёсий ҳолатига боғлиқлигини, халқаро ссуда капитали бозори эса давлатлар ўртасида рақобат ва пойгани кучайтирмоқда.

Жаҳон хўжалик алоқалари шаклининг ривожланишига фан-техника революцияси ҳам сезиларли таъсир этмоқда. Илмий техника билімларининг алмашув алоқалари тез ривожланмоқда. Транснмаллий корпорациялар корпорацияларида патент, лицензия ва ҳ. к. ларни каналлар орқали узатишни амалга оширмоқдалар. Технологиялар асосан, ривожланган мамлакатларда ўзаро боғлаб турган савдо каналлари орқали сотиш кўринишида олиб борилмоқда.

Шунингдек, ривожланган мамлакатларга ҳам экспорт қилинади, лекин одатда уларга маҳсулот олишининг анча эскирган ва соддароқ усуллари сотилади, ундан ташқари кейинги йилларда жаҳон хўжалик тизимида саноат ва бошқа объектларни лойиҳалашда, қуришда муҳандис-консультанция, муҳандислик хизмати, ускуналарни узоқ муддатга ижарага бериш (лизинг), иқтисод ва техниканинг турли соҳаларида халқаро компьютер банки орқали информатсион хизматлар кўрсатиш алоқалари ҳам кенг ривожланиб кетди.

Кейинги ўн йилда энг кенг тарқалган халқаро иқтисодий алоқанинг янги кўриниши, бу халқаро ишчи кучининг кўчиши (миграцияси)дир. Ишчи кучининг кўчиши асосан етакчи капиталистик мамлакатларнинг паст ривожланган мамлакатларда арзон ишчи кучини оғир ва кам ҳақ тўланадиган тармоқларда ишлатишга асосланган. Ишчи кучи кўчишининг асосий оқими Урта ер денгизи Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан Ғарбий Европага, Мексикадан мавсумий ишларга АҚШ га, Урта ва Яқин Шарқ

мамлакатларидан нефтга бой бўлган форс кўрфазни бўйин мамлакатларига қараб бўлинмоқда.

Бундан ташқари, ривожланаётган мамлакатлар ёшларининг кўпчилиги қисми АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари университет ва кўп ҳолларда нисбатан қобиллиятли, яхши мутахассисларни ривожланган мамлакатлар ўз лаборатория ва илмий марказларига ишга таклиф этадилар. Натижада ривожланаётган мамлакат учун тайёрланган мутахассис кадрлар ривожланган мамлакат манфаати учун хизмат қилади.

4. Жаҳон хўжалик интеграцияси ва ўзаро боғлиқликнинг ўсиши

Ҳамма давлатлар маълум даражада халқаро меҳнат тақсимоотида қатнашдилар ва бу меҳнат тақсимоотини кенгайтириб бориши шакл-шубҳасиздир. Чунки бунда ҳар бир давлатнинг ўзаро иқтисодий муносабатлари тақозо этади. Жаҳон хўжалигини шаклланиши давлатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларига боғлиқ бўлиб бу иқтисодий муносабат жаҳон хўжалигини ривожланишининг моддий асосини ташкил этади. Жаҳон хўжалиги муносабатларининг ривожланиши кам ривожланган давлатларни иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланган давлатлар даражасига чиқишига ёрдам беради.

Урушдан кейинги даврдаги жаҳон хўжалиги ривожланишининг асосий кўрinishларидан бири, мамлакатлар ўзаро ишлаб чиқариш савдо, валюта муносабатлари ва бошқа соҳаларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган у ёки бу региондаги давлатлар иттифоқининг шаклланиши бўлди. Бунинг асосида юзага келадиган хўжалик алоқаларини боғловчи ва бирлаштирувчи иқтисодий жараёнлар давлатлар ўртасида интеграция номини олди.

Меҳнат тақсимоотини жаҳон миқёсида тақсимланишини ишлаб чиқаришни ривожланишини байналмилаллашувни халқаро меҳнат интеграциясини, меҳнат тақсимоотини давлатлар ўртасида тенглик ва ўзаро манфаатдорлик шартларини асосида амалга оширишни лозим.

Бу ҳар бир давлатни иқтисодий алоқалар қилувчи давлатлар таркибиде зарур бўлган иқтисодий самарадорлик асосида меҳнат тақсимоотини амалга ошириш, ҳар бир давлат халқаро меҳнат тақсимоотини иқтисодий манфаатдорлиги асосида ўз аҳолисини истеъмол талабларини кам ҳаражатлар билан таъминлаш, ишлаб чиқаришда халқаро иқтисослашиш билан ички хўжаликни ҳар томонлама табиий бойликлардан иқтисодий шароитни эътиборга олган ҳолда ривожлантиришдан иборатдир.

Мамлакатлараро интеграция — ишлаб чиқарувчи қучларнинг янги, анча юқори даражада ривожланганлиги ва ишлаб чиқариш-

нинг умумлашуви натижасида юзага келган бўлиб, ўз навбатида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналмилаллашуви жараёнини тезлаштирди; мамлакатлар ўртасида меҳнат тақсимотини чуқурлаштирди, ижтимоий ишлаб чиқаришни ўсишига ва самарадорлигини орттиришига шароит яратди. Интеграция қанчалик мувофиқ ривожланса, меҳнат тақсимооти шунчалик чуқурлашади ва айрим тармоқлар, аynиқса монополистик бирлашмалар ўртасида ўзаро кооперация алоқалари шунчалик тораяди. Айнан юқори даражада меҳнат тақсимооти ва интеграция жараёнининг юқори кўриниши ривожланган регион Фарбий Европа ва Шимолий Америкада юзага келди.

Ривожланаётган мамлакатларда эса регионал интеграция ҳозирча бир қанча қийинчиликларга тўқнаш келмоқда. Бу асосан ҳар қайси мамлакат хўжалиги ихтисослашувининг бир типлиги билан боғлиқдир. Тарих, мамлакатлар ўртасидаги интеграциянинг биринчи ва энг ривожланган шакли бу Европа иқтисодий уюшмаси (ЕИУ) ҳисобланади. ЕИУ 1957 йилда 6 та Фарбий Европа мамлакатлари: ГДР, Франция, Италия, Нидерландия, Бельгия ва Люксембург ўртасида ўзаро бож чегараларини йўқотиш ва «умумий бозорни» барпо этиш мақсадида тузилган бўлиб кейинчалик унга Англия, Дания, Греция, Аргентина, Испания ва Португалия ҳам қўшилди.

Ҳозирги вақтда унга 13 та давлат аъзодир. Бу халқаро давлатлар ташкилотини тузишдан асосий мақсад иштирокчилари ўртасида товaрлар, капиталлар хизматлар ва ишчи кучининг умумий бозорини ташкил этишдан иборат. Шунинг учун ҳам ЕИУ «Умумий бозор» номини олди. Европа давлатлар иттифоқи ЕИУ нинг асосини ташкил этади. Унинг доирасида саноат товарлари билан ўзаро савдо қилишда ҳар хил чекланишлар бекор қилинган бўлиб, ўзаро бозорни ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш мақсадида ягона бож тартиб жорий этилган. ЕИУ нинг ташкил этилиши Фарбий Европа марказининг ривожланишини тезлаштирди. Европа миқёсида бутун Фарбий интеграция механизмига асосланган «Умумий бозор» эндиликда бош халқаро савдо марказига айланди. Ҳозирги вақтда жаҳон капиталистик савдо муомаласининг 1/3 қисми ЕИУ га аъзо бўлган мамлакатларга тўғри келмоқда.

Фарбий Европа интеграция жаҳон хўжалиги структурасига, сезиларли таъсир ўтказди. Лекин ХХ асрни 80 йилларининг ўртасига келиб, ривожланган мамлакатлар ўртасидаги пойга фан-техника соҳасидаги ютуқлар асосига кўчиши муносабати билан Фарбий Европа интеграцияси механизми рақобат курашида мувоффақиятни таъминлай олмай қолди. Янги иқтисодий тармоқларни ривожлантиришда ЕИУ АҚШ ва Япониядан орқада қола бошлади. Ҳозирги шароитда ижтимоий капитални такрор ишлаб чиқариш анча қийинлашди. Айрим давлатларнинг ўзини ҳукмронлигини

кучайтириш учун бўлган кураш рақобатини кескинлаштириб юборди.

Ҳозирги вақтда жаҳон хўжалиги 3 та бош марказ АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония таъсири ва уларнинг ўзаро пойгаги асосида шаклланиб ривожланиб бормоқда. Халқаро бозорни эгаллаш учун курашишда ҳар қайси учта марказ жаҳон хўжалигидаги ўз ўрни ва имкониятига эга. АҚШ жуда йирик ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалига эга. Шу билан бирга кўп табиий ресурслар билан ўзини-ўзи таъминлайди, мамлакат ташқарисидан катта миқёсда капитал маблағ, бақувват ТМҚ асосида иккинчи иқтисодий ҳаракат қилиб турибди. Шунингдек, АҚШ ни капиталистик дунёда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан устун бўлиб туришини асосий омил, ҳарбий устуналигидир.

Ғарбий Европа маркази асосан «Умумий бозор» доirasида ички регионал иқтисодий алоқаларни кенг ривожланиши, ўзаро тўлдирувчи иқтисодий структураларнинг ривожланиб кетиши, ишлаб чиқариш ва капитални байналмиллашловига суянади. Япония рақиблар эга бўлган кўп имкониятларга шунингдек ўзининг хом ашё базасига ҳам эга эмас. Лекин бу камчилигини, у ташиб келтирилган хом ашёдан, технологиядан оқилонга (ушумли) фойдаланиш, иқтисодийнинг мослашув қобилияти ва меҳнат ушумдорлигини юқори даражада ўсишига эришиш, юқори талабга эга бўлган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йириклаштириш асосида енгиб келмоқда. Жанубий Шарқий Осиё ва Тинч океан регионидан, шунингдек АҚШ га Япония капиталининг ёйилиши кескин кўпаймоқда. Япония ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришнинг ва экспорт миқдорига кўра дунёда АҚШ дан кейинги 2 ўринда туради.

Чуқур илмий тадқиқотларга асосланган ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланиши, эски материал сарфига асосланган тармоқларни чет эл рақобатидан ҳимоя қилиш муаммосини келтириб чиқармоқда. Бу жараённинг зиддияти шундан иборатки, бир томондан, анъанавий бўлган тармоқлар қора металлургия, енгил ва озиқ-овқат саноатларини суғий равишда қўллаб туриш умуман ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини тўхтатиб қўяди. Бошқа томондан эса, иқтисодийнинг айнан шу соҳасида паст маалакани ишчи кучининг нисбатан катта миқдори жамланган бўлиб, бу тармоқларнинг кескин пасайиши социал келишмовчиликларни кескинлаштириши мумкин. Натижада, жаҳон хўжалигида янги миллий иқтисодийнинг чет эл капитали рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган сиёсий протекционистик йўналиш кучаймоқда. Ривожланаётган давлатлардан саноат товарларини ривожланган мамлакатларга экспорт қилишни ўсиши протекционистик кайфиятларни яна ҳам кучайтирмоқда. Ривожланган давлатлардан келаётган тўқимачилик, поёнафзал маъшиий электр техника товар-

лари Америка ва Ғарбий Европа бозорларини жуда тез эгалламоқда. Шу билан баробар, техник жиҳатдан мураккаб бўлган буюмларни етказиб берувчилар ўртасида ҳам рақобат кураши кескинлашмоқда.

Давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқлигининг кучайиши, ҳар қайси мамлакат хўжалигини, бошқа мамлакат аҳволни ёмонлашувига боғлиқ қилиб қўймоқда, кризис кўринишлари жаҳон хўжалигининг бир қисмидан бошқа қисмига кўчишини тезлаштирмоқда, бирон-бир мамлакат ёки регионда валюта курси, фойз ставкаси, товар ва фонд биржаларида баҳонинг ўзгариши занжирли ҳалқасимон шаклларда бошқа мамлакатларга ёйилмоқда. Жаҳон хўжалиги тараққиётининг беқарорлиги унинг ривожланишидаги марказга интилувчи ва марказдан қочувчи тенденциялар ўртасидаги курашни кескинлашувига олиб келмоқда. Марказга интилувчи йўналиш ишлаб чиқаришни байиқчиллашувини да ҳукмронликдан манфаатдорликка асосланган, яъни халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтиришдан, жаҳон хўжалик алоқаларидаги тўсиқларни бартараф этншдан манфаатдор. Айниқса бунга, капиталнинг товар ва хизматларнинг эркин ҳаракати кўчори фойда олишни таъминлаб борадиган трансмиллий корпорациялар интиладилар. Бирлашишдан қочувчи йўналиш миллий алоҳида капиталлар манфаатларининг мос келмаслигидан вужудга келади. Бу йўналишни ҳам яна ўша трансмиллий монополистик капитал жаҳон хўжалик алоқаларини яхшилаш ўзи учун фойдали бўлганда қўллаб, фойдаси учун салгина хавф туғилса тазйиқда ушлаб туради. Натижада аҳволни мувофиқлаштиришга флот уриниш бўлинишига қарамасдан жаҳон хўжалиги эволюцияларини, иқтисодий ва сиёсий ривожланишда нотекисликни, алоҳида мамлакатлар, гуруҳлар, регионлар ўртасида кучлар мувозанатини доимий ўзгариб туришини юзага келтиради.

5. Ўзбекистоннинг халқаро бозорга қўшилиб бориш муаммолари

Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини эъзон қилганидан кейин унинг бевосита халқаро бозорга кириши, жаҳон инфраструктураси билан боғланиши объектив реалликка айланди. Аммо бунинг учун иқтисодий ва сиёсий суверенитетидан ташқари яна бир қатор шароитлар бўлиши керак. Биринчи навбатда истеъмол бозорини тўйинтириб, сўмнинг қадр-қимматини тиклаб, аста-секин республиканинг иқтисодий ва молиявий аҳволи соғломланиб бориши керак. Ўзбекистонда миллий бозорнинг қадрини ростлаб олиб, жаҳон бозори томон силжишига имкониятлар, шарт-шароитлар ва керак бўлса кафолатлар ҳам бор. Асосий кафолат ундаги бой табиий ва меҳнат ресурсларидир.

Маълумки, жаҳон бозори илчи кучи, халқаро капитал ва кре-

дитлар, ёқилғи, хом ашё ва қишлоқ хўжалиги товарлари, саноат товарлари, машина ва асбоб-ускуналар, хизмат кўрсатиш, лицензиялар ва нау-хау, ишчиларнинг хизмати, транспорт хизмати ва бошқа бозорлардан таркиб топади. Ана шу халқаро бозор таркибининг деярли барчаси бўйича Ўзбекистон фаол иштирок этиши мумкин, яъни экспорт ёки импорт бўйича қатпашиши мумкин.

Ўзбекистон, энг аввало, минерал хом ашё ресурсларига бой. Бу ерда шу ресурсларнинг катта заҳиралари бўлишига қарамасдан уларнинг улуши миллий маҳсулотда ва аҳоли жон бошига ҳисоблаганда жуда ҳам паст. Масалан, тоғ саноат комплексининг ҳиссаси жумҳурият саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 5 фоиз атрофида. Нима учун шундай? Гап шундаки, Ўзбекистон тоғ-саноат комплекси маҳсулотларининг катта қисми хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулот сифатида жумҳурият ҳудудидан олиб чиқиб кетиларди ва қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилар эди. Табиийки, бу ресурсларнинг асосий қисми ҳисобга олинмайди, жумҳурият ялпи ижтимоий маҳсулот, миллий даромадини шакллантиришда иштирок этмайди. Ўзбекистонда жойлашган, тоғ-саноат комплекси объектилари асосан, солиқ иттифоқ вазирлик ва маҳкамалари тасарруфида эди, жумҳуриятларнинг алоҳида мустақил давлатларга айланиши муносабати билан энди бу корхоналар маҳаллий жумҳуриятлар ихтиёрига ўтди. Энди бу ресурсларни ўзида қайта ишланиши ёки шу ернинг ўзидан бевосита экспорт қилиниши, жумҳурият валюта фондини тўлдирishi, моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбекистонда 100 дан ортиқ минерал хом ашё турлари топилган. Уларнинг асосида бир неча тоғ-руда корхоналари шахта ва карьерлари қўриб ишга туширилган. Бу объектиларнинг ёрдамида тоғ массасини қазиб олиш айрим йилларда 60 млн. кубометрдан ошиб кетган эди. Ўзбекистон тоғ саноати комплекси халқ хўжалигининг нисбатан ёш комплексларидандир. Бу комплексда ишлаб чиқариладиган ярим тайёр маҳсулотлар таркибига пўлат, прокат, металл шаклидаги мис, цинк, вольфрам ва молибден концентратлари, висмут, нодир металллар, полевой шпат ва бошқалар киради.

Тоғ-саноат комплексининг хом ашё ва ишлаб чиқариш базаси иқтисодий тараққиёт ва жумҳурият экспорт потенциалига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатади. Фан-техника инқилоби минерал ва хом ашёнинг тутган ўрнига ва уларга талаб даражасига жилдий таъсир кўрсатади. Бир томондан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг моддий сифини камаяди, иккинчидан сунъий материаллар ва иккиламчи ресурслар ишлаб чиқариш жараёнига кўплаб жалб қилинмоқда. Аммо бу минерал ресурсларнинг аҳамияти пасаймоқда деган гап эмас. Ўзбекистонда, шунингдек, халқаро бозорга

қўшилиб бориши учун қишлоқ хўжалигини ривожланиши учун анча қўлай. Ўзбекистоннинг умумий ер майдонини кўпайтиришда ҳам жуда катта резервлар бор. Чунки у бой тупроқ ўсимлик ресурсларига эга. Бу ресурслар интенсив қишлоқ хўжалигини 44740 минг гектарини ташкил қилиб, шундан 4349,3 минг гектарда қишлоқ хўжалик экинлари экилади. Экин майдонининг деярли ярмини техника экинлари, асосан пахта эгаллаган. Кейинги йилларда бутун экин майдонларининг ўсиши пахта экин майдонини кенгайтириш ҳисобига бўлди. Экстенсив хўжалик юритиш устун даражада борди. Бу ўз навбатида экологик вазиятни кескинлашувига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатининг ёмонлашувига олиб келди. Чунки химиявий техник экинлар, жумладан пахта кенг суръатда химиявий ўғитлардан фойдаланишни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги экинлар майдонининг кенгайтирилиши кўп жиҳатдан стихияли бориб, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатди. Оролнинг Аму, Сирдарё ва бошқа сув манъбаларининг қисқаришига олиб келди, экологик тангликни келтириб чиқарди. Аммо озиқ-овқат муаммоси хал бўлмади, катта миқдорда гўшт, ғалла ва бошқа маҳсулотлар Ўзбекистонга четдан келтирилмоқда.

Сув ресурсининг тақчиллиги туфайли ҳозирги вақтга келиб Ўзбекистонда экин майдонларини кенгайтиришни чеклаган даражага келтирилди. Лекин аҳоли кўпайиб бормоқда, ҳар бир киши ҳисобига экин майдони миқдори эса қисқармоқда.

Бундай шароитда қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштиришни ошириш фақат интенсивлаш ҳисобига, яъни мавжуд ер майдони бирлигидан маҳсулот етиштиришни, чорва маҳсулдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тўзилишини такомиллаштириш лозим. Бунинг учун эса инвестиция сиёсатини кескин ўзгартириш, қишлоқ хўжалигида капитал маблағларнинг асосий қисмини сувни тежаш тадбирларини ўтказиш ва ерларнинг мелноратив ҳолатини яхшилашга йўналтириш керак.

Худди ана шу йўналишда Ўзбекистонда чет эл инвестицияларининг капиталини киритиш ва уларнинг ёрдамида сувдан фойдаланишининг тежамкор усулларини тадбиқ этиш амалга оширилмоқда. Бундай технологиялар ривожланган мамлакатларда аллақачонлар ишлаб чиқарилган.

Бу ерда яна бир муҳим муаммолардан бири етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдир. Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтгача етиштирилган пахтанинг 90% дан ортиқроғи тола шаклидаги хом ашё сифатида экспорт қилинади. Биргина Россиянинг ўзида 10 млн. га яқин ишчи Ўзбекистон пахтасини қайта ишлаш саноат корхоналарида иш билан банд. Бу дегани, Ўзбекистон олинши мумкин бўлган миллий даромаднинг кат-

та қисмидан маҳрум бўлмоқда. Шунингдек, қайта ишлаш соҳасининг ривожланмаганлиги сабабли етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг 10% дан 40% гачаси истеъмолчи дастурхонига етиб бормасдан нобуд бўлмоқда.

Кейинги 20 йил ичида Ўзбекистонда сув хўжалиги қурилиши кенг миқёсда амалга оширилди ва янги ерлар ўзлаштирилди. Янги ерларни ўзлаштириш пойғаси шу қадар авж олдики, ажратилган капитал маблағларининг 80—90% янги совхозлар қуришга фоят оз қисми эса мавжуд экинзорларнинг мелiorатив ҳолатини ушлаб туришга ва яхшилашга сарфланди. Янги ерларни ўзлаштиришга берилиб кетиш, ҳар гектар ҳисобига ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлигини деярли икки баробар оширди. Лекин фондлар самарадорлиги икки баробар камайди. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида ҳар юз гектардан Украинага қараганда уч марта кам, Белоруссиядан тўрт марта кам, Молдавиядан эса қарийб беш баробар кам маҳсулот олинган. Узоқ йиллар мобайнида асосий, эътиборни ернинг сифат фаолиятини яхшилашга қаратмасдан, ишлаб чиқариш майдонларини беқиёс кенгайтириш қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етказди, ерларни шўр босди, тупроқ эрозияси ривожланди, тупроқ унумдорлиги пасайди.

Ўзбекистонда энергия, ёқилғи ресурслари қандай? Бу борада катта муаммолар, ечимлар мавжуд. Ўзбекистонда нефть конларини излаб топиш ва уни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш зарур. Ҳозирги вақтда жумҳурият ўзини-ўзи нефть маҳсулоти билан таъминлай олмаслиги иқтисодий ўсишга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Унинг Россиядан импорти Ўзбекистон иқтисодиётини унга боғлиқ қилиб қўймоқда. Қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича дастлабки, қадамлар ташланди. Эндиги вазифа чет эл фирмалари иштирокида геотермал, шамол энергиясидан ҳамда техника экинларидан этил спирти ажратиб олиб, ундан суяқ ёқилғи сифатида фойдаланиш имкониятларини қидириш керак бўлади. Аҳоли ва меҳнат ресурсларига келаётган бўлсак Ўзбекистон аҳолисининг сони ва таркиби шунингдек иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси билан бошқа регионлардан кескин фарқ қилади. Бу фарқлар табиий, тарихий миллий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар билан белгиланади. Узоқ вақт давомида жумҳурият учун аҳоли ўсишининг мустамлака типи характерли бўлди, яъни туғилишнинг юқори коэффициентига ўлимнинг ундан кам бўлмаган даражаси тўғри келди. Фақат кейинги йилларда тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасида илғорроқ тажрибаларни қўллаш, шаҳарларда халқ турмуш даражасини яхшилашга бирмунча таъсир кўрсатди. 1993 йилда Ўзбекистонда ҳар минг киши ҳисобига 31,5 киши туғилиб, 6,6 киши вафот этди, яъни табиий ўсиш ҳар минг кишига 24,9 кишини ташкил этди. Табиий ўсиш асосан

қишлоқ аҳолиси ҳиссасига тўғри келмоқда. Шаҳар аҳолисининг ўсишида туғилиш билан бир қаторда миграция жараёни ҳам катта таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда миграция жараёни урушдан кейинги йилларда Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон, Навоий, Чирчиқ каби индустриалашган шаҳарлар барпо этилиб, янги завод ва фабрикаларнинг қурилиши ва уларга марказий районлардан кишиларни кўчириб келтириш ҳисобига бўлди. Қишлоқ аҳолиси ҳисобига шаҳарларда яшовчи аҳолининг ўсиб бориши тенденцияси давом этмоқда. Бу жараён яқин 15—20 йиллар ичида ўз суръатини сақлаб қолса керак. Қишлоқда яшаш шароитининг шаҳарга нисбатан пастлиги, унинг ёшларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатлардан қондира олмаслиги бу жараённинг боришига сабаб бўлмоқда. Агар 1970 йилда шаҳар аҳолиси 4 млн. 322 минг кишидан иборат бўлиб, бутун жумҳурият аҳолисининг 30,6% ни ташкил этган бўлса, 1988 йилга келиб 8 млн. 106 минг кишига етди ва бутун аҳолининг 40,7% ни ташкил этди. Бу жараённинг салбий натижаси ҳам борган сари яққолроқ намоён бўлмоқда. Қишлоқлар бўшаб қолмоқда, қишлоқ хўжалик ишларида ёшларнинг ҳиссаси камайиб бормоқда. Аҳолининг табиий ўсиши билан меҳнат ресурсларидан самаралироқ фойдаланиш муаммоси келиб чиқмоқда. 1990 йилга келиб 1 миллиондан ортиқ жумҳурият аҳолиси ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашмади. Иш жойларини қўриб, фойдаланишга топшириш аҳоли табиий ўсишидан сезиларли даражада орқада қола бошлади. Халқ хўжалигининг ҳозирги тузилиши меҳнатга яроқли аҳолининг барчасини ўз бағрига олишга қодир эмас. Натижада ишлаб чиқариш аҳоли ўсиш суръатларидан орқада қолмоқда, бу ўз навбатида аҳоли турмуш даражасининг ўсиши ўрнига пасайиб кетишига олиб келмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг ҳозирги босқичи меҳнат ресурслари малакасини ошириш муаммосини кўндаланг қилиб қўяди. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан фан ва техника ривожининг ортиши ва айниқса вужудга келадиган янги тармоқлар махсус ва малакали билимни тақозо қилади. Айниқса, малакали миллий мутахассислардан иборат бўлган ишчи кучининг етишмаслиги кескин бўлиб қолмоқда. Унинг асосий сабаблари қилиб, Республика умумтаълим даражасида етук мутахассислар тайёрлаш тизимининг мукамал эмаслигини кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон индустрияси, асосан айрим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки хом ашёни дастлабки қайта ишлашга йўналтирилган. Улар кейин Республикадан ташқаридаги шерик корхоналарга юборилади. Халқ истеъмолчи молларининг салмоғи саноат маҳсулоти умумий ҳажмда 25% дан ошмайди. Кўрииб турибдики, Ўзбекистон жуда бой моддий ва меҳнат ресурсларига эга, фақат бу бойлиқлардан фойдаланишни тўғри ташкил этиш керак.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан иқтисодий ҳамда илмий-техник алоқаларни ривожлантириш юзасидан бир қатор тadbирлар, қарорлар қабул қилинди. Лекин, ҳозирги вақтда ҳам экспорт ҳажми паст даражада сақланиб қолмоқда. Масалан, 1930 йилда Ўзбекистонда жаҳон бозорига чиқарилган товарларнинг 80% пахта толаси ташкил этган бўлса, 1990 йилга келиб ҳам экспортнинг 84,9 хом ашё кўринишидаги пахта толаси, жун, қорақўл ва шунга ўхшаганлардан иборат бўлди. Ҳом ашё сотиш жаҳон бозорида жуда кам самара беради. Бозорда асосан тайёр маҳсулот юқори баҳоланади. Экспорт ҳажминини тайёр маҳсулот ҳисобига ошириш Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини кўплаб жалб этишни тақозо этади.

2-5 о б. ХАЛҚАРО САВДО ВА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ

1. Халқаро савдо ва унинг иқтисодиётдаги роли

Ҳозирги ривожланиб такомиллашиб бораётган умумжаҳон хўжалиги учун халқаро савдо ҳаётини заруратдир, чунки кўпчилик давлатлар ресурсларининг чегараланганлиги сабабли ўзининг эҳтиёжини учун ҳамма турдаги товарларни самарали ишлаб чиқариш имкониятига эга эмас.

Халқаро савдо мамлакатини кўп миқдорда турли товарлар билан таъминлаш имкониятини беради.

Халқаро савдо, мамлакат иқтисослашувини ривожлантириш, шу йўл билан ўз ресурсларидан фойдаланиш унумдорлиги ва самарасини ошириш учун имкон берувчи воситадир.

Мустақил давлатлар, ҳудудлар ва алоҳида шахслар самаралирсқ ҳолда ишлаб чиқариш мумкин бўлган буюмларини ишлаб чиқаришга иқтисослашиб, уни кейинчалик бошқа буюмга алмаштиришларидан фақат ютадилар. Чунки биринчидан, — жаҳондаги мамлакатлар ўзларининг иқтисодий ресурслари, яъни табиий, меҳнат, инвестиция товарлар билан таъминланганликларига кўра бир-бирларидан анча фарқ қиладилар, иккинчидан, турли товарларни бирдек самарали ишлаб чиқариш турли технологияларни талаб қилади.

Масалан, Япония табиий ресурсларга эга бўлмаган ҳолда юқори малакали ишчи кучига эга, шу сабабли Япония юқори малака талаб қилинадиган кўплаб товарларни кам меҳнат сарф этиб, тайёрлаш мумкин.

Аксинча Австралия катта табиий ресурсларга эга бўлгани ҳолда, етарли меҳнат ресурси ва капиталга эга эмас. Шунинг учун, унга бугдой гуруч, гўшт етиштириш самаралироқ.

Бразилияда арзон кофе етиштириш учун ҳамма шаронт етарли бўлса, Канада арзон бугдой етиштириш имкониятига эга. Вақт

Ўтиши билан бирон мамлакатнинг турли товарларни ишлаб чиқаришдаги самарадорлиги ўзгариши мумкин. Масалан: бирор давлат маҳсулот, хом ашё чиқараётган бўлса, кейинчалик ишчи кучи сифатининг ўсиши, асосий капиталнинг кўпайиши натижасида саноат маҳсулотлари, тайёр товарлар чиқариши мумкин. Сунъий тола ва каучук ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйлиши, унинг табиий реурсларга бўлган талаб ва самарадорлигини ҳам ўзгартириб юборади. Хуллас, миллий иқтисодиётнинг таджирий ўсиши таъсирида ишчи кучининг сони ҳамда сифати, капиталнинг миқдори ва таркиби ўзгариб, янги технологиялар юзага келиши мумкин.

Шунга қўра, мамлакатни турли товарларни ишлаб чиқаришдаги самарадорлиги устунлиги ҳам ўзгариши мумкин.

Мамлакатнинг бирон товар ишлаб чиқаришга ихтисослашуви, «Қиёсий ишлаб чиқарилган ҳаражатларидаги устунлик» назариясига асосан амалга оширилади.

Халқаро меҳнат тақсимотида ва айирбошлашда қатнашаётган мамлакатлар юқорида таъкидлаганидек, бир хил шароитда эмаслар. Бу ҳол уларнинг турли жуғрофий аҳволи, табиий ресурсларнинг таркиби ва миқдори, ривожланиш кўлами, даражаси ва иқтисодиётининг тузилиши, ички бозорнинг ҳажми билан белгиланади.

Ана шу тафовутлар сабабли айрим мамлакатларда бир хил товарларни ишлаб чиқаришдаги ҳаражатлар даражаси ҳам турлича бўлади. Шунинг учун ҳар бир мамлакат ўзи нисбатан камроқ ҳаражат билан ишлаб чиқарадиган товарларни бошқа мамлакатларга сотишга ва аксинча, жаҳон бозоридан ўзида ишлаб чиқариш учун ҳаражат кўпроқ бўладиган ёки табиий ёхуд бошқа шароитларда кўра умуман ишлаб чиқариб бўлмайдиган товарларни сотиб олишга интилади.

Товарлар мамлакатлар ўртасида жаҳон нархлари асосида айирбошланади. Рақобат шароитида, ишчи кучининг қийматидаги фарқ туфайли озиқ-овқатнинг баҳоси ва кийим-кечакнинг баҳоси ҳар қайси давлатда турлича бўлади. Масалан: Ўзбекистонда озиқ овқатнинг баҳоси Украиннадан кўра қимматроқ, Украинада эса кийим-кечакнинг баҳоси қимматроқ бўлади, чунки бу ерда унга кўп меҳнат сарфланади. Ана шу фарқ халқаро савдода илғаб олинади ва тақиқловчи тарифларни бекор қилишни, эркин савдо ривожлантириш рағбатлантиради. Агарда божхона тарифи ва квоталарни тақиқловчи тусда бўлса халқаро савдонинг сундириши мумкин.

Халқаро савдо, шунингдек миллатнинг диди, қизиқиши туфайли юзага келиши ҳам мумкин.

Халқаро савдонинг икки томонлама ҳаракатдаги кўчага ўхшатиш

мумкин. Мамлакатларнинг иқтисодидеги ташқи савдонинг ўрни-ни ялли миллий маҳсулотдаги экспорт (четга товар чиқариш) ва импорт (четдан товар келтириш) ҳиссасига қараб аниқлаш мумкин. Умуман олганда мамлакатнинг иқтисодий аҳволига баҳо беришда импорт ва экспорт ўртасидаги нисбатни аниқлаш зарурияти юзага келади. Ушбу нисбат мамлакатни тўлов балансини тузаётганда аниқланади. Савдо баланси тўлов балансини таркибий қисми ҳисобланади. Тўлов балансини умумлаштирувчи кўрсаткичи уни савдоси ҳисобланади. У импорт ва экспорт ўртасидаги

**Ўзбекистон Республикасининг 1995 йилдаги ташқи савдо кўрсаткичлари.
(млн АҚШ доллари)¹**

	1995 й	1995 й. % ҳисобида	1994 йилга
Жами экспорт	3109,0	115,6	
шу жумладан: хорижий мамлакатларга МДХ ва Балтиқ бўйи мамлакатларга			
Жами импорт	2892,7	110,9	
шу жумладан			
хорижий мамлакатлардан	1611,0	134,2	
МДХ ва Балтиқ бўйи мамлакатлардан	1291,7	91,2	
Соф экспорт. ижобий (+)	216,3	X	
салбий (-)			

фарққа тенг. Балансда импортни экспортдан ошиб кетиши тўлов балансини салбий савдога эга эканлигидан далолат беради. У ташқи савдо дефицитига олиб келиши мумкин. Уни тўлаш учун эса давлат қарз олади. Қарзни тўлаш учун эса ички истеъмол камайтиради.

Импорт ва экспорт ўртасидаги фарқ соф экспорт дейилади. Соф экспорт экспорт импортдан катта бўлганда ижобий, экспорт импортдан кичик бўлганда салбий кўрсаткич бўлиши мумкин. Ижобий соф экспорт жами сарфларни ва миллий маҳсулот ҳажмининг ўсишига олиб келади. Салбий соф экспортда эса жами сарфлар ва миллий маҳсулот камайишига олиб келади. Келинг энди бу тушунчаларни Ўзбекистон мисолида кўриб чиқайлик.

Ушбу жадвалдан кўриш мумкинки, биринчидан 1995 йилда Ўзбекистонда олдинги йилга нисбатан экспорт ҳажми 115,6% ошган. Соф экспорт эса 216,3 млн дол. ташкил этди.

Ташқи иқтисодий алоқалар шу жумладан ташқи савдо мамлакат ичидаги макро мувозанатга қандай таъсир кўрсатади?

Экспорт—импорт, хорижий инвестициялар алоҳида мамлакатлардаги ишлаб чиқариш ҳажмига, даромадлар ва бандлик дара-

¹ Основные показатели социально-экономического развития. РУ за 1995 год. Стат. сборник. Ташкент. 1996 г. ст. 4.

жасига таъсир кўрсатади. Демак, ташқи омиллар орқали мамлакатдаги макронқисодий мувозанатга таъсир этиш мумкин. Экспорт қилинаётган товарларни ажнабий фуқаролар истеъмол қилади, ammo экспорт миллий ишлаб чиқариш ҳажми, даромадлар ва баъдликни даражасини ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Бунда биз 2-бобда кўриб чиққан Кейнс моделини эсга соламиз. унда ишлаб чиқаришни ҳажми ҳаражатлар билан аниқланади:

$$YMM = I_x + Y_u + D_x + C_o,$$

бунда экспорт (C_o), истеъмол (I_x), инвестициялар (Y_u) ва давлат сарфлари (D_x) билан биргаликда жами ҳаражатларни ташкил этади.

Жами ҳаражатларни катта ҳажмига, кўпроқ ишлаб чиқаришни мувозанат ҳажми тўғри келади. Демак экспортни ўсиши миллий даромадни кўпайтириши мумкин. Хорижий инвестициялар ҳам шундай самарага олиб келади.

Ушбу моделда импорт қилинаётган маҳсулотни сотиб олишга мамлакатда яратилган миллий даромадни бир қисмини сарфланади, бу билан бошқа мамлакатларда ишлаб чиқариш фаоллигини рағбатлантиради деб қаралмоқда. Шундай қилиб импорт товарлар миқдорини ошириб мамлакат ичидаги ишлаб чиқариш сарфлари камайтирилди инфоамизга импортни (M) киргизамиз:

$$YMM = I_x + Y_u + D_x - M;$$

Агар биз шу нуқтан назардан давлатни сиевати қандай бўлиши керак дейдиган бўлсак, унга жавоб қуйидагича бўлади ишлаб чиқаришни таназули даврида импортни жиловлаб, экспортни рағбатлантириш зарур. Ammo бу масалани бир жиҳатига эътибор бериш даркор, бир мамлакатни экспортни иккинчи мамлакатни импортни ҳисобланади. Шунинг учун бошқа мамлакатларни ҳисобига бир вақтнинг ўзида ҳамма мамлакатларни ўзини ишлаб чиқаришини рағбатлантириш мумкин эмас.

Агарда Кейнсни назариясига асосан давлат импортни сотиб олишга унинг шахсий миллий даромадини бир қисмини сарфласа, унда экспорт бошқа мамлакатни миллий даромадидан тўланади. Демак, экспортни кўпайтириш ёки камайтириш бизнинг ҳоҳишимиз билан бир қаторда бошқа мамлакатларда миллий даромадни ортиши ёки камайиши билан боғлиқдир.

Ундан ташқари маҳсулотни экспорт қилиш учун биринчидан, товар рақобатдир, иккинчидан эса шерикларни сотиб олиш қобилияти ва истагини инобатга олиш керак. Шунингдек экспортдан олинган маблағлар, жаҳон хўжалигидаги узоқ муддатли структуравий силжишларни инобатга олган ҳолда, миллий иқтисодиётда структуравий силжишларни ўзгартиришларга ишлатилиши лозим. Бунда қўзлаган мақсад мамлакат жаҳон хўжалигида муносиб ўрин эгаллашидан иборат бўлади.

2. Халқаро савдода божхона сиёсати ва эркин савдо

Ташқи иқтисодий сиёсат мамлакатни бошқа давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш бўйича фаолиятдир. Миллий иқтисодиётда ташқи омилдан самарали фойдаланишда у муҳим ўрни тутади. Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожланиб бориши билан ташқи иқтисодий сиёсатни олиб боришни воситаларни тизими ишлаб чиқилди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш воситалари миллий ва давлатлараро даражада олиб борилади. Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида фаолиятни мувофиқлаштириш, келишувчи тарафларни муаммоларни ҳал этишда ривож этишдаги бўйича олувчи, меъёрлар, қоидалар ва муолажаларни аниқловчи битимларни ишлаб чиқишни назарда тутади. Булар эса ўз навбатида миллий иқтисодиётни тартибга солишга таъсир этиши мумкин.

Кўпчилик иқтисодчилар халқаро савдо ривожланиши учун савдо эркин бўлиши кераклигини ёқлайдилар. Агарда ташқи савдога тўсик қўйилмаса, масалан, Ўзбекистонда кийим-кечакнинг баҳоси жаҳон бозоридаги баҳосига тенглашади, чунки савдогар, қаерда арзон бўлса ўша ердан сотиб олади ва қаерда қиммат бўлса ўша ерга олиб бориб сотади. Натижада, ўша ерда ҳам оқибатда маҳсулот арзонлаша бошлайди, бу ерда эса товарни четга чиқиб кетаётганлиги туфайли аҳолисига таклифи камайиб баҳоси кўтарилади, чунки эркин савдо ёрдамида товарлар қаерда қиммат бўлса ўша ерга оқиб боради.

Лекин давлатлар турли мақсадларда ташқи савдода экспорт ва импортни чегаралаш ва тақиқлаш учун божхона сиёсатини (протекционизм сиёсатини) юргизади.

Улар қуйидаги кўринишда бўлади:

1. Чет элдан келтириладиган товарга даромад олиш учун ёки ички бозорни ҳимоя этиш учун акциз солиғи шаклида бож жорий этилади. Даромад олиш мақсадида жорий этилган солиқ асосан ўша мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган товарларга (масалан, АҚШ да кофе, бананга) ҳазина солиғи шаклида қўйилади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида импортга протекцион бож солинади. Масалан, АҚШ да чет эл автомобиллига 2,7% бож белгиланади, яъни америкалик чет эл автомобиллини олса баҳосидан 2,7% кўп пул тўлайди.

2. Чет элдан келадиган товарнинг миқдорини чегаралаш учун импорт квотаси жорий этилади. Бунда фақат маълум миқдорда товар олиб киришгагина рухсат берилади.

3. Келадиган импортга олган лицензиясини талаб қилиш. Агар мамлакатда ўзи ишлаб чиқариши кўп ҳаражат талаб қиладиган товарга тариф, яъни солиқ жорий этса, биринчи ўша товарни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳам уни баҳосини оширадилар. Ик-

кинчидан, оқибатда ўша товарга талаб пасаяди: учинчидан, ҳуку-
мат тарифдан даромад олиш мумкин, тўртинчидан, лекин мам-
лакатнинг олган даромади аҳолининг иқтисодий зараридан бўлади.

Ҳукумат бож (протекционизм) сиёсатини асосан қуйидаги мақ-
садлар учун юргизади.

1. Миллий муҳофаза хавфсизлигини таъминлаш учун;

2. Иш билан бандлик даражасини ошириш учун;

3. Бошқа мамлакат иқтисодийотидаги барқарорлигини қўпориш
бузиш учун;

4. Ҳали ўзи тиклаб олмаган ёш тармоқларни ҳимоя этиш
учун;

5. Миллий бозорни чет эл фирмаларининг демпинг (яъни то-
варни фойда кўрмаса ҳам бозорни эгаллаш мақсадида арзонлаш-
тириб сотиш) сиёсатидан ҳимоя этиш мақсадида;

6. Чет элдан арзон иш кучининг кириб келишидан, ҳимоя этиш
мақсадида.

Лекин шунинг ҳам таъкидлаш керакки экспорт ва импорт бож
ва тарифларнинг жорий этилиши ўша мамлакатга бир томондан
фойда келтирса, иккинчи томондан зарар ҳам келтиради шунинг-
дек, халқаро савдонинг ривожлантиришга ҳам катта путур етказди.

Шунинг учун ўзаро савдонинг ривожлантириш мақсадида бирин-
чи марта, 1947 йили 23 та давлат ўртасида савдо ва бож сиёсати
бўйича халқаро битим имзоланди. (ГАТТ—ГЕНЕРАЛЬНЫЕ СОГ-
ЛАШЕНИЯ О ТАРИФАХ И ТОРГОВЛЕ): Ҳозирги вақтда ГАТТ
га 100 га яқин давлатлар аъзо бўлиб, халқаро савдо миқдорининг
85% унинг келишув қондаларини асосида амалга оширилмоқда.
Унинг кенгаши ва котибияти Женевада жойлашган бўлиб, вақти-
вақти билан турли давлатлар ўртасида ГАТТ доирасида музока-
ралар ўтказилади. Ундан кейинги халқаро савдонинг ривожланти-
ришдаги ўзлари ўртасидаги бож чегарасини йўқотиш ва умумий
бозорни ташкил этиш мақсадида 1957 й. Римда тузилган халқаро
жамиyat, бу Европа иқтисодий уюшмаси (ЕИЎ) бўлиб унга ҳозир
13 та Ғарбий Европа давлатлари аъзодирлар ва у «умумий бо-
зор» номини олди.

Европа иқтисодий уюшмасининг мақсади:

— унга аъзо бўлган давлатлар ўртасида товарларга мунтазам
бож ва солиқларни бекор қилиб бориш;

— «Умумий бозор»га аъзо бўлмаган давлатларга ҳамма товар-
лари учун умумий бож тизмининг жорий этиши;

— «Умумий бозор» ичида ишчи кучи ва капитални эркин ҳа-
ракат қилишига эришиш;

— иқтисодий соҳада ўзаро манфаатдор бўлган умумий сиёса-
тини ишлаб чиқиш.

ЕИУ унинг бошқарув ташкилоти Белгиянинг Брюссель шаҳри-
да жойлашган.

Мамлакатни жаҳон хўжалиги билан алоқаларини тартибга солишда давлат қўллайдиган воситалардан бири бу фаол протекционистик сиёсат ёки экспортни рағбатлантиришни турли шаклдир. Уларни қаторига экспортни давлат томонидан имтиёзли асосда кредитлаш, яъни экспорт қилишга олинадиган кредитни давлат томонидан суғурталаш, экспортни тўғридан-тўғри субсидиялаш ва экспорт учун ҳар хил солиқ имтиёзларни бериш. Шунингдек миллий корхоналарни экспортга информацион ва ташкилий ёрдам бериш, яъни савдо иқтисодий обороти билан таъминлаш, кўргазма ва ярмаркаларни ташкил этиш.

3. Валюта муносабатлари ва жаҳон валюта тизими.

Валюта курси

Жаҳон хўжалиги алоқаларни яхши йўлга қўйилган валюта муносабатлари тизимисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Валюта муносабати мамлакат ичда пул муомаласи қонун и ўзига хос шаклда ривожлантиради. Валюта муносабатларининг эволюцияси ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, жаҳон хўжалиги таркибининг ўзгариши билан боғлангандир.

Валюта муносабатлари — бу давлатлар ўртасида ташқи савдо, капитал чиқариш, фойдани олиб чиқиш, займ ва субсидиялар олиш, фан-техника соҳасида айирбош қилиш, туризм ва бошқа шунга ўхшаш турли хўжалик алоқаларига хизмат қилувчи жаҳон пули амал қилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлардир.

Валюта муносабатлари тақсимот ва алмашув соҳасида амал қилди. Лекин, нисбатан мустақил ҳолда тўлов баланси, валюта курси, кредит ва ҳисоб операциялари орқали жаҳон иқтисодиётининг аҳволига ижтимоий тақдор ишлаб чиқаришнинг, айрим мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига, уларнинг халқаро иқтисодий алоқаларига турли кўринишда таъсир ўтказди.

Бунда давлатлар ўртасида ҳисоб-китоб бир маромда, сиблиқ кетмайди, ўзаро ишлар ва келишмовчиликлар остида бўлади.

Ҳозирги замон валюта муносабатларининг социал-иқтисодий вазифаси жаҳон хўжалиги доирасида капитални товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган шароитларни яратишдан иборатдир.

Миллий валюта тизими мамлакатнинг пул тизимининг бир қисми бўлиб, унинг доирасида валюта ресурслари шакллантирилади ва фойдаланилади, халқаро тўлов обороти амалга оширилади.

Унга қуйидаги асосий белгиларнинг бўлишлиги характерлидир: миллий валюта бирлиги; расмий — тилла валюта резерви; пул бирликларни қийматининг олтин бараварида курси шаклланишининг тенглиги; валютани қайтариш шарт; валютага чеклашнинг бор ёки йўқлиги; давлатнинг ташқи ҳисоб тартиби; миллий валюта

бозори ва олтин бозори тартиби; мамлакат валюта муносабатларини бошқаришни таъсис этувчи миллий ҳуқуқи.

Миллий валюта тизими пул тизмининг таркибий қисмидир, унинг ўзига хослиги мамлакат иқтисодиётининг, шунингдек, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлик даражаси шароити билан белгиланади.

Жаҳон валюта тизими бу жаҳон ҳўжалигининг ривожланиши ва давлатлараро келишувига мувофиқ юридик мустаҳкамланган халқаро валюта муносабатлари шаклидир.

Унинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат; миллий ва коллектив валюта маблағи ва олтин резервининг таркиби ва турилиши; тенг валюта ва курс механизми; ўзаро валютани қайтариш шarti; валюта миқдорининг чекланиши; халқаро ҳисоб шакли; халқаро муносабатларни тартибга солиб турувчи халқаро-кредит ташкилотининг ҳуқуқий ҳолати.

Ҳозирги шароитда валюта тизими хусусий компаниялар ва давлат институтлари ўзаро ҳаракати асосида амал қилади. Давлатнинг аралашуви, давлатлараро келишувлар, халқаро валюта кредит ташкилотининг фаолияти асосан, бу жараёни стихияли кечишни юмшатишга, халқаро хусусий тўлов оборотини тартибга солишга қаратилгандир. Валюта муносабатларини давлат томонидан ва давлатлараро тартибга солиш валюта сиёсати асосида амалга оширилади.

Жаҳон бозорининг валюта сиёсатида бир-бири билан қоришиб кетган иккита қарама-қарши йўналиш яъни ҳаражатларни мувофиқлаштириш ва валюта механизмининг айрим мамлакатларнинг фойдаси учун фойдаланишдан юзага келадиган империялар ўртасидаги қарама-қаршилиқ мавжуд.

Бир томондан Ғарбнинг ҳукмрон доиралари, халқаро ҳисобини тартибга солиш бўйича қўлланиладиган тадбирларни, валюта бозори фаолиятини бошқарилишига ва шу орқали ўзининг иқтисодий сиёсатига эришишига, инфляцияни тўхтатиб туришга, ташқи иқтисодий алмашув ва тўлов обороти мувозанатини ушлаб туришга ҳаракат қилади.

Бошқа томондан эса валюта сиёсати кўпинча шу мамлакатнинг монополистик гуруҳлари ва уларнинг рақиблари ўртасидаги рақобат курашига бўйсунган бўлади. Кураш, товар ва хизматлар бозорини, хом ашё ва энергия манбаини, капитални жойлаштириш соҳасини эгаллаш, ташқи иқтисодий алоқада яъни импорт ва экспорт баҳоларда фойдали мувозанат ўрнатиш, халқаро тўлов маблағидан жаҳон миқёсида иқтисодий ва сиёсий ҳаракат қилишга имкон берадиган резерв маблағни қўлга киритиш учун бўлади. Жаҳон валюта тизими эволюциясининг йўналиши ва шаклининг алмашиши ривожланган Ғарб мамлакатлари иқтисодининг ри-

вожланиш йўналишига ва умуман жаҳон хўжалигининг талаби ва шароитининг ўзгаришига боғлиқдир. Ҳозирги вақтгача тарихда 3 та жаҳон валюта тизими маълум.

Биринчиси, XIX аср охирида олтин андоза асосида юзага келган бўлиб, бунда айрим мамлакатларнинг валютаси бошқа мамлакат бозорида олтинга эркин алмаштирилган.

Иккинчи тизим олтин валюта андозаси асосида юзага келган бўлиб, бу тизим 1944 йилда АҚШ да Брунтон — Вудс конференциясида юридик жиҳатдан расмийлаштирилди. Конференция қарорига кўра давлатларнинг ўзаро валюта алоқаларини тартибга солиб турувчи «Халқаро валюта фонди» ташкил этилди. Бунда АҚШ долларини ва олтин валюта алмашувида бош воситачи ролини эгаллади. Бу шкала тизимда валюта курси ҳукумат томонидан олтинни бозоридаги баҳосига кўра белгилаб қўйиш асосида амалга оширилди.

1970 йилларнинг охирига келиб, жаҳон хўжалигининг байналминналлашуви, трансмиллий капиталнинг шаклланиши натижасида бу олтин долларли андоза шаклидаги тизимда зиддиятлар юзага келди. АҚШ ҳукумати 1971 йилда долларни олтиннинг расмий баҳоси бўйича алмаштириб олишдан бош тортди ва натижада бу тизим буткул путурдан кетди. 1976 йилда «Халқаро валюта фонди» аъзоларни бўлган давлат вакиллариининг келишувига мувофиқ янги жаҳон валюта тизими белгиланди.

Валюта курси — бу мамлакат пул бирлигининг, бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси.

Бирон давлат валютаси баҳосининг бошқа валютага нисбатан пасайиши — девальвация дейилади. Баҳосининг кўтарилиши эса — ревальвация дейилади.

Мамлакат агарда қуйидаги учта шартни бажарса олтин андоза қабул этган ҳисобланади:

— ўзининг пул бирлигига маълум миқдорда олтин ўрнатиш;
— мавжуд олтин захираси билан таклиф пул миқдори ўртасида қатъий нисбатни сақлаш:

— олтиннинг эркин экспорт ва импортига қаршилик қилмаслик.

Бунга кўра, агарда ҳар қайси давлат ўзининг пул бирлигига олтин ҳолатини белгиласа, турли миллий валюталар ўзаро белгиланган нисбатларга эга бўлади. Масалан, АҚШ ўз долларини 0.1 гр олтинга тенглаштирса, Англия эса фунт стерленгни 0.2 гр олтинга, демак 1 фунт стерленг долларга тенг.

Аммо «олтин андоза» тизимига кўра мамлакат миллий валютасини жорий этиш учун; албатта ўз олтин захирасига эга бўлмоғи керак ва олтин захираси тугаса, «олтин андоза»дан воз кечишга мажбур бўлади.

1930 йиллардаги бутун дунёни қоплаган «Буюк депрессия» дав-

рида «олтин андозага» боғланган турли мамлакатлар тўлов балансида камомад юзага келиб олтин захираларини оқиб чиқиб кетишини олдин олиш ва экспортни ошириш мақсадида ўз валютасини олтинга нисбатан девальвация қила бошладилар. Натижада у олтин андоза тизимини издан чиқариб барбод қилди.

1944 йилда иттифоқни мамлакатларнинг АҚШ нинг Бреттон-Вудс шаҳрида жаҳон янги валютаси тизимини ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилган конференцияда олтин андоза удумини сақлаб қолган ҳолда, ХВФ (халқаро валюта фонди)га аъзо бўлган мамлакатлар ўзларининг пул бирликларига олтин ўлчовини белгилашлари ва шунга кўра аъзо мамлакатлар билан ўз валюталарини тенглигини белгилашлари, уни бошқа мамлакат валютасига нисбатан ўзгармаган ҳолда сақлаб туришлари келишиб олинди. АҚШ доллари асосий воситачи валюта қилиб белгиланди. Бреттон-Вудсе тизимига кўра ХВФ га аъзо давлатлар савдо балансидаги юзага келган номуаносибликни валюталарини девальвация ёки ревальвация қилиш йўли билан изга солишга ҳақлари бўлмайдди. Мамлакатлар тўлов балансидаги камомадни олтин захираларини чиқариб сотиш ёки ХВФ дан қарз олиш йўли билан қоплаштиришлари мумкин.

Лекин, жаҳондаги пул захирасининг ўсиши, қазиб олинаётган олтин миқдорига боғлиқ бўлиб қолди, шунингдек олтин захираларининг ўсиши, халқаро савдо ва молия миқёсларининг ўсишидан орқада қола бошлади.

Бу орада чет мамлакатларга чиқиб кетган АҚШ нинг доллари миқдори кўпайиб савдо балансидаги камомад ортиб кетди, уларда долларни олтинга алмаштириб олишга шубҳа туғила бошланди. Вазият шунақа даражага етдики, АҚШ долларни валютаси статусини сақлаб қолиши учун уни тарқатилишини қисқартириш лозим эди, лекин бунда халқаро савдонинг ривожланишига салбий таъсир етказарди.

Шунга кўра тўғридан-тўғри 1971 йил 15 августда АҚШ президенти Р. Никсон долларнинг олтинга кўра конвертланганлигини бекор қилди. Шу билан валюта белгиланган курсининг Бреттон — Вудсе тизим ҳам тугади.

Ҳозирги вақтда амал қилинаётган халқаро валюта механизмининг асосий кўринишлари куйидагича. Валюта бирлигини олтин боғлиқлиги йўқолди. Натижада унга ўзгармас баҳо белгилаш ҳам йўқ бўлди. Олтин на фақат ички, ҳатто жаҳон бозорида умум тўлов воситаси, пул ролининг бажаришдан тўхтади.

Олтин ишлаб чиқариш шароити ва жаҳон капиталистик ҳўжалиги бозоридаги талаб ва таклифга кўра баҳоси аниқланадиган оддий товарга айланаиб бормоқда.

Марказий банклар олтинни бозорда юзага келган баҳоларда

эркин сотиб оладилар ва сотадилар. Лекин айрим мамлакатлар ва халқаро валюта-молня ташкилотлари ўзларининг йиғилган олтин захираларини, ҳар эҳтимолга қарши тўлов баланси ҳисоби учун керак бўлганда валюта сотиб олишга сақлаб қўймоқдалар. Яъни олтин ҳозирги вақтда ҳам тезда керакли пулга айланиш қувватига эга бўлган актив товар шаклида турибди.

Ҳозирги давлатлар ўртасида валюта муносабатлари миллий пул бирлигининг ўзгариб турувчи, сузувчи курсига асосланмоқда.

Валюта курсининг ўзгариб туриши асосий 2 та омилга боғлиқ биринчидан, валютани мамлакатнинг ички бозоридаги реал сотиб олиш қувватига, иккинчидан, миллий валюта капитални бир давлатдан иккинчисига ўтиб туриши натижасида юзага келадиган халқаро бозордаги талаб ва таклиф ҳолатига.

Ҳозирги вақтда олтиннинг пул вазифасини бажаришдан чиқиши коллектив валюта бирлигини яратишга эришилмаганлиги сабабли доллар халқаро валюта — молня механизмида асос бўлиб қолмоқда ва халқаро муомалада кредит тўлов воситаси вазифасини бажармоқда, бош валюта резерви ролинни ўйнамоқда.

Кейинги йилларда ФРГ маркаси, Япония иенининг аҳамияти бирмунча ошди. Лекин, долларнинг дунёда асосий валюта резерви ролинни сақлаб туриши АҚШ учун тўлов балансидаги камомадни бошқа мамлакатлар ҳисобига қоплашга имконият яратиб бермоқда. Валюта курсининг ўзгариши мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқасига қарама-қарши таъсир ўтказди.

Яъни курснинг пасайиши ушбу давлат маҳсулотини жаҳон бозорида нисбатан рақобатлашувини кучайтиради, товарлар ва хизматларни экспорт қилишга ёрдам беради, четдан товар ва хизматлар келишига (импорт) қаршиллик кўрсатади, натижада ташқи савдо ва тўлов баланси яхшиланишига олиб келади.

Лекин шу билан бирга курснинг пасайиши «савдо шароитини» (яъни импорт ва экспорт баҳолари ўртасидаги нисбатни) ёмонлаштиради. Товар савдо алмашувинда фойдали самарадорликка тескари таъсир қилади.

ХВФ томонидан қабул қилинган «тебраниб турувчи бошқариладиган валюта курси тизимига» кўра унга аъзо бўлган ҳар бир давлат ўз валюта курсини мустақил таълаб олиши ҳуқуқига эга.

ХВФ низомига кўра мамлакат валюта курсларини ўрнатиш тартиби қуйидагича:

1. Мамлакат валюта курсини ХВФ ни ҳисоб бирлигига ёки мувофиқ келувчи бирон-бир валютага боғлиқ ҳолда сақлаши.

2. Ўз валюталарини қийматини бошқа ХВФ га аъзо мамлакат валютаси қийматига ушлаб туриш ҳақида битим тузиш.

4. Валюта сиёсати, унинг моҳияти

Валюта муносабатларининг давлат томонидан ва давлатлараро миқёсда тартибга солиш валюта сиёсати асосида амалга оширилади.

Валюта сиёсати — давлат органи ва ҳукуматлараро ташкилот томонидан қабул қилинган дастурга мувофиқ ўтказиладиган иқтисодий тадбирлар йиғиндисидан иборатдир.

Валюта курсини ўзгариши иқтисодийётни аҳволига сезиларли даражада таъсир этади. Шунинг учун у мамлакат ва давлатлараро муносабатларда тартибга солинади. Давлатнинг валюта курсига таъсир этишининг тўғри ва билвосита усулларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Очiq иқтисодийёт шароитида билвосита усулларга пул кредит ва молиявий сиёсатни бутун воситалари киради. Миллий валютани курсига муомаладаги пул ҳажми, реал фоиз ставкаси, инфляция суръатларп таъсир кўрсатади. Давлат валюта курсига таъсир кўрсатувчи тўғри усулларни қўллаши мумкин. Уларни ичидан дисконт сиёсатни (банк томонидан олинувчи фоиз) ва ташқи валюта бозорларида валюта интервенцияси. АҚШ да 70 йилларда долларни курси пасайиш тенденцияси кузатилган. 70-йилларнинг охирларида АҚШ ҳукумати долларни қувватлаш режасини қабул қилди. У банк ҳисоб ставкасини ошириш ва йирик кўламда валюта интервенциясини назарда тутар эди. Ушбу режани амалга ошириш бошида долларни курсини пасайишини тўхтатиш, сўнгра эса 80 йилларда ошириш имконини берди. Бунга фақат юқорида қайд қилинган воситалар билан бирга ўша даврда ўтказилган қаттиқ пул кредит сиёсати орқали эришилган.

Валюта курсини тартибга солиш девальвацияга валюта курсини пасайишига ва ревальвацияга (валюта курсини кўтариш) қаратилган бўлиши мумкин. Бу ушбу даврда ҳукумат олдиға қўйилган мақсадлар ва мамлакат иқтисодийётндаги аҳволға боғлиқ бўлади. У валютани девальвациясига суюниб жами талабни экспорт имкониятлари ҳисобига оширишни ёки уни ревальвация билан чеклаши мумкин.

Мамлакатлар марказий банклари ўзларининг валюталарини ташқи бозорда сотиш ёки сотиб олиш йўли билан валюта интервенциясини амалга оширадидлар. Валюта курсини девальвациясини амалга ошириш учун валюта бозорларида ўзининг валютасини таклифини ошириш зарур. Бунп пулни қўшимча эмиссияси ҳисобига амалга ошириши мумкин. Агарда валюта интервенцияси ревальвацияга қаратилган бўлса унда мамлакат марказий банки ўзининг миллий валютасини ўзининг ихтиёридаги чет эл валютаси ҳисобига иложи борича сотиб олиши зарур. Бундай тадбирларни амалга ошириш учун мамлакат валюта резервларига эға бў-

лиши керак. Бунинг учун эса давлатларда махсус барқарорлаштириш фондлари ташкил этилади.

Валюта соҳасида давлат протекционистик сиёсатни ҳам қўллаши мумкин ёки валютани чегаралашни амалга ошириш мумкин. Уни қўллаш натижасида давлат олтин ва валюта операциялари устидан назорат ўрнатади. Миллий экспортёрлар ўзларини маҳсулотларини сотишдан олган валюталарини бозорда сота олмайдилар, уни ўрнатилган курс билан топширишлари, ўришга эса миллий валютани олишларига мажбур бўладилар.

Валюта маъмурий соҳада ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ҳукуматлар даражасида олиб борилади. Валютани тартибга солиш соҳасида Фарбнинг ривожланган «еттилик» мамлакатларини ҳар йилги йиғилишлари, Халқаро валюта фонди (ХВФ), Халқаро тикланиш ва ривожланиш банки, (ХРТБ), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ), Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ) муҳим ўрин тутаяди.

3-боб. ДУНЕ МИҚЕСИДАГИ ЖАҲОНШУМУЛ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ

1. Жаҳоншумул муаммоларнинг иқтисодий жиҳатлари

Турли ижтимоий тузумга асосланган жамият тараққиёти шу тузумдаги давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик асосида ривожланишини тақозо этади. Бунинг асосий сабаби турли миллий давлатларнинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини кучайишидир.

Давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар узоқ даврлардан бери ривожланиб, шаклланиб бормоқда. Шунинг учун ҳар бир давлат шу жумладан Ўзбекистон республикаси ҳам жаҳонда халқаро миқёсда ўз ўрнини эгаллаши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ташқи иқтисодий ҳамкорлик алоқаларига мослашиш бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бериш бирмунча мураккаб муаммодир.

Давлатларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқлиги кучайиб бораётган шароитда иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт жаҳоншумул муаммоларни ҳал этиш эҳтиёжларини кучайтирмоқда. Булар жумласига қуйидагилар кирди: жаҳон ядро урушининг олдини олиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ривожланмаган мамлакатлар иқтисодий қолоқлигини бартараф этиш, энергия, хом ашё, озик-овқат ва демография муаммолари, космос ва жаҳон денгиз ҳавзалари бойликларини тинч йўл билан ўзлаштириш, хавфли касалликларни тугатиш ва бошқалар. Жаҳоншумул муаммолар инсоннинг ва бутун кишилик жамиятининг гоёат хилма-хил томонларини — жаҳон сиёсати ва иқтисодиётини, давлатлараро ва миллатлараро муносабатларини, яшаш шароитини, оилавий онгини ўз ичига олади.

Бу муаммо шу қадар мураккаб ва кескинки, шу боис улар сиёсат ва жамоат арбоблари ҳамда олимлар — социологлар, юристлар, географлар, медиклар, физикларнинг диққат марказида турибди. Лекин бу муаммоларнинг яққол ифодалаган сиёсий-иқтисодий жиҳатлари ҳам бўлиб, бу уларнинг ишлаб чиқариш таркибига, иқтисодий жараёнларнинг ўзгаришига, бошқаришнинг самарали шакллари усулларини излаб топиш ва бошқаларга таъсири билан боғлиқдир. Бу масалаларнинг ҳаммасини фақат жаҳон хўжалик алоқалари тизимини ўрганиш доирасида изчиллик билан кўриб чиқиш мумкин.

2. Жаҳоншумул муаммоларнинг моҳияти ва халқаро ҳамкорлик

Жаҳоншумул муаммолар ичида иқтисодий муносабатлар асосий ўринни эгаллайди. Иқтисодий муносабатлар ўз ичига халқаро товарлар савдосини ва хизматини, капиталларни четга чиқаришни, илм-фан ва валюта — кредит соҳаларида ўзаро муносабатларини ўз ичига олади. Жаҳон хўжалигини шаклланиши аста-секин шу муносабатларни жаҳон миқёсида давлатлар ўртасида шаклланиши асосида юзага келди. Ҳозирги давр учун жаҳон миқёсидаги иқтисодий муносабатларда четга капитал чиқариш кенг тарқалиб бормоқда. У асосан икки яъни: халқаро кредит ва четга унумли капитал чиқариш, капитал кирилаётган мамлакатда янги қувватларни ишга тушириш шаклида чиқарилади. Лекин 80-нчи йилларга келиб четга капитал чиқариш хусусияти ўзгарди. Энди қолоқ давлатларга капитал чиқариш билан бирга ривожланган давлатларга капитал чиқариш кенгайиб бормоқда.

Масалан: АҚШ, Англия, Франция ва шунга ўхшаш давлатлар ҳозир четга капитал чиқариш билан бирга ўзларига кўп капитал маблағларни жалб қилмоқдлар. Четга капитал чиқаришни ўсиши, халқаро меҳнат тақсимотини такомиллаштиришига сабаб бўлмоқда. Фан ва техника тараққиёти четга капитал чиқаришни янги кўринишида узоқ муддатга ишлаб чиқариш воситаларини ижарага (лизинг) олиш, уларга муҳандис ва технологлар томонидан ёрдам бериш ва бошқа хизматлар кўринишида амалга оширилмоқда. Халқаро меҳнат тақсимоти албатта маълум зиддиятлар асосида амалга оширилади.

Жаҳоншумул муаммолар қанчалик хилма-хил бўлмасин, улар бир қатор умумий хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар уларни гарчи ич-ичидан зиддиятли бўлсада, ягона бир бутун қилиб, бирлаштиришга имкон беради.

Энг аввало, улардан ҳар бири ва уларнинг ҳаммаси биргаликда инсоният тақдири учун ғоят муҳимдир ва уларни ҳал этишни кечиктириш цивилизациянинг ҳалок бўлиши хавфини ёки ер юзиде ҳаёт ва ишлаб чиқариш шароитининг заволга юз тутиш хав-

фини келтириб чиқаради. Улар ўзаро чуқур алоқадорлиги билан ҳамда ўз сиёсий иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа жиҳатларининг ўзаро боғлиқлиги билан ажралиб туради.

Жаҳон хўжалик алоқаларининг чуқурлашуви ва мураккаблашуви ҳамда ер юзидаги бошқа ижтимоий жараёнларнинг байналминаллашуви умуминсоний муаммоларда акс этмоқда. Ниҳоят жаҳоншумул муаммоларнинг хусусияти шундаки, уларни ҳал этиш фақат социал кучларнинг энг кенг иттифоқи куч ғайратини бирлаштириши асосида борса давлатлар ва халқларнинг кечиктириб бўлмайдиган муштарак ҳаракати асосида ҳал этилиши мумкин. Барча халқлар инсониятни ядро урушида йўқ бўлиб кетишидан қутқариб қолишдан экологик ҳалокатнинг олдини олиб қолишдан, ривожланаётган мамлакатлар халқларининг мушкул аҳволини бартараф этишдан манфаатдордир. Шу ва бошқа ҳаётий масалаларни биргалашиб ҳал этиш йўлини топиш — барча халқларнинг омон қолиши ҳамда ривожланишнинг бундан буён ҳам ҳужумкорлик билан тараққий қилиб бориши учун шароитни таъминлаш демакдир.

Жаҳоншумул муаммоларнинг ўзлари ўртасида ҳам чамбарчас алоқа мавжуд. Қуролсизланиш уларни ҳал этиш калити бўлиб чиқмоқда. Бу алоқа ривожланиш учун қуролсизланиш деган қисқа, лекин лўнда шорда ифодаланган. Қуролсизланиш бутун дунёни термоядро урушидан йўқ бўлиб кетиш хавфини тугатиш билан бир вақтда ҳар турли соҳаларда халқаро алоқалар учун қулай вазият яратади ҳамда жаҳоншумул вазифаларни ҳал этиш учун шу жумладан, жаҳон ҳам жамиятининг ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериши учун жуда катта маблағларни бўшатиб олишга имкон беради. Жаҳоншумул муаммолар мураккаблигининг бонси шуки, улар турли мамлакатлар куч-ғайратини мувофиқлаштиришигина эмас, балки уларни ҳал этишга кенг қўламда ёндошишни ҳам талаб қилади, чунки бу жаҳоншумул муаммоларни тушунишда нуқул миллий донрада туриш халқларни бирлаштириш ўрнига уларнинг тарқоқлигини кучайтириб юбориши мумкин ҳолос. Жаҳоншумул муаммолар ҳозирги дунёдаги социал ҳодисалар ва жараёнларнинг алоҳида қаторини ташкил этади булар ўз миқёси ва аҳамияти жиҳатидан жаҳоншумул хусусиятга эгаллиги билан фарқ қилади. Барча мамлакатлар халқларининг социал тузуми, иқтисодий тараққиёт даражаси, жуғрофий мавқеидан қатъий назар шу халқларнинг ҳаётий манфаатлари билан боғлиқ ва жаҳон ҳамжамиятидаги барча давлатларнинг ўзаро ҳаракати йўли билангина ҳал этиш мумкин. Жаҳоншумул муаммолар ўз келиб чиқиши хусусияти ва ҳал этилиш усулига кўра уч туркумга бўлинади.

Биринчи туркумга қолоқ мамлакатларни ривожлантириш масалаларни билан боғлиқ бўлган муаммолар киради.

Иккинчи туркум «инсон—жамият» тузумидаги муносабатларни ифодаловчи муаммоларни ўз ичига олади (аҳоли ортиқчалигининг ўсиши, қашшоқлик, очлик касалликларга қарши кураш, фантехника тараққиётида инсоннинг камол топиши).

Учинчи туркум «Жамият — табиат» тизимидаги муносабатлар муаммолардир. (атроф муҳитни ҳимоя қилиш, ресурслар, энергетика). Бутун жаҳон муаммоларни комплексининг маркази ва боғловчи бўғини инсон ва унинг келажигидир. Жаҳоншумул муаммолар нафақат илмий изланишлар соҳаси, балки миллий ва халқаро миқёслардаги фаол сиёсий ва иқтисодий фаолият соҳаси ҳамдир. Учинчи минг йиллик арафасида давлат ва халқларнинг муштарак бунёдкорлик ҳаракати инсониятнинг олдида биринчи навбатда турган вазифаси бўлиб қолди. Бундай хавфсизлик Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ҳам таркиб топиши ва амал қилиши мумкин эди. Бу ташкилот умуминсоний муаммоларни кенг муҳокама қилишга, уларни ҳал этишнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқишга, барча давлатларнинг ижтимоий тузуми ва тараққиёт даражасидан қатъий назар уларнинг манфаатлари мувозанатини ахтариб топишга, ресурсларга тегишли эҳтиёжларни аниқлашга, бутун халқаро ҳамдўстлик манфаатларига мос келадиган аниқ дастурларни ишлаб чиқишга имкон берадиган ҳукуматлараро универсал механизмдир. Ҳозирги шароит, бажарилаётган дастурлар ва лойиҳалар куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади.

Халқаро ҳамкорликнинг универсал органи бўлган БТМ, энг аввало ядро қуролсиз дунёга олиб борувчи амалий қадамларни қўйиши мумкин ва лозим. Европада ишончни мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида Стокгольмда эришилган битимлар, Венада ядро энергетикасини хавф хатарсиз ривожлантириш бўйича халқаро режимга асос солган конвенциянинг имзоланиши кимёвий қуролларни тақиқлаш ва тугатиш тўғрисидаги музокараларда эришилган силжишлар янги сиёсий тафаккурнинг ўзига қадам-бақадам йўл очиб бераётганлигини кўрсатади. Жаҳоншумул муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган лойиҳаларга, шунингдек, жаҳон космик ташкилоти тузим лойиҳасини, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тузилмасидан хавфли касалликларга, жумладан СПИД га қарши курашда ҳамкорлик қилиш учун фойдаланиш лойиҳалари ва бошқа масалаларни ўз ичига олади. Тинчлик учун жаҳон ҳаракатида иштираётган миллий ва халқаро даражалардаги кўпгина таъсирли ва урушга қарши ташкилотлар халқаро ҳамкорликка ҳисса қўшмоқдалар.

Кейинги йилларда айни вақтда табиат ва тинчликни сақлаш учун курашга чақирувчи экологик йўналишдаги уюшмалар бу

ҳамкорликка кенг миқёсда қўшилмоқда. Инсоният манфаатдорлиги ҳозирги замоннинг ўзаро боғлиқлиги ва яхлитлиги яшаш ва ривожланиш йўлида миллий куч-ғайратларни бирлаштиришни, амалий равишда биргалашиб ҳаракат қилишни — халқаро муносабатлардаги ана шу йўлни тақозо этмоқда.

3. Қуролсизланиш — жаҳоншумул муаммоларни ҳал этиш калитидир

Икки жаҳон системаси давлатларининг, биринчи навбатда АҚШ ва собиқ СССР нинг қарама-қарши туриши 80-йилларнинг ўрталарига келиб, миқёси ва интенсивлиги жиҳатидан мисли кўрилмаган даражага етди. Қуролланиш пойгаси стратегик вазиятни, айниқса, космосга қурол-яроғлар жойлаштирилган тақдирда, тузатиб бўлмас даражада беқарорлантириб юбориши мумкин бўлган босқичга кирди. Дунёда қарийб 50 минг хил турли ўқ-дорилар йиғилиб қолди уларнинг умумий қуввати қарийб 16 минг мегатоннани ташкил этади. Бу 1945 йилда Хиросимадаги атом портлаш қувватидан бир миллион марта ортқидир. Инсоният ёппасига қирилиб кетишдек мисли кўрилмаган хавф-хатар остида қолди. Ядро қуроли қўлланиладиган урушда ғолиблар бўлиши мумкин эмас, унда бутун инсон зоти мағлубиятга учрайди.

Тараққиёт учун бундай ҳалокатли хавфни фақат халқаро миқёсда ядровий қуролсизлантириш йўли билан бартараф этиш мумкин. Ҳарбий хавфдан ҳолос бўлиш тараққиётни сақлаб қолиш ва ривожлантириш барча давлатларнинг биргалашиб ҳаракат қилишга, уларнинг турли социал тизимлар, мамлакатлар ва регионлар ўртасидаги ўзаро муносабатларини ядро-космик асрининг реалликларига мувофиқлаштириш лаёқатига боғлиқ.

Иккинчи жаҳон уруши тугаган вақтдан буён ҳарбий ҳаражатлар реал ҳисобланганда 4—5 марта ўсди. Улар жаҳон ялли миллий маҳсулотнинг тахминан 6 фоизини ташкил этади ва ривожланиш мақсадлари учун ёш давлатларга берилаётган ёрдам миқдоридан 20 мартадан кўпдир. 80-йилларда дунё бўйича ҳарбий ҳаражатлар ўрта ҳисобда 70-йилларнинг иккинчи ярмидагига қараганда анча кўп суръатлар билан ўсди. Дунёда ҳоҳ армияда хизмат қилиш бўлсин, ҳоҳ қурол ишлаб чиқариш бўлсин, ҳарбий фаолиятнинг турли хиллари билан боғлиқ меҳнат сарфи ҳар йили қарийб 100 миллион кишини ташкил этади. Ҳарбий тайёргарликлар учун фойдаланилаётган ресурслар «бўш» ресурслар эмас, «текин» ресурслар эмас, «ортиқча» ресурслар эмас, балки зарур ресурслардир. Тараққиёт мақсадлари ҳаётин зарур бўлган дунё ресурсларининг катта қисми ана шу тайёргарликларга кетмоқда.

Қуролланиш пойгаси дунё миқёсида бевосита етказётган со-

циал иқтисодий зарар дунё мамлакатлари зилзла, қургоқчилик, тошқинлар, тўфонлар ва бошқа табиий офатлар туфайли кўраётган зарардан бир неча марта ортиқ бўлиб, халқларнинг турмуш даражасига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда. Ҳарбий ва фуқаролар эҳтиёжлари ҳарбий мақсадларга кетаётган ресурслар билан тинч мақсадларга сарфланадиган ресурслар ўртасидаги миллий нисбатларни фуқаролар эҳтиёжи фойдасига ўзгартириш масаласини қаттиқ ва кескин қилиб қўймоқда.

Жаҳоншумул муаммолар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ресурс жиҳатлари умуман ҳарбий соҳанинг ва хусусан, ҳарбий ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятига бевосита алоқадордир. Ҳарбий соҳанинг амал қилишини, аслида ялпи миллий маҳсулотнинг бир қисмини кўплаб сарф қилиб юборилишини ва бу ҳолнинг йил сайин такрорланиб туришини билдиради. Иқтисодий жиҳатдан у нобудгарчиликка, унумсиз чиқимларга тенгдир. Шундай қилиб, ҳарбий соҳадаги ресурслар сарфига уларнинг ижтимоий соҳада фоят етишмаслиги қарама-қарши туради. Турли мамлакатларнинг тадқиқотчилари иқтисодиётни кенг миқёсда демилитаризация қилиши ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мумкин деган фикрни тобора қўпроқ айтиб чиқмоқдалар. Инсоният тарихи ва конкрет мамлакатларнинг ривожланиши тажрибаси миллий иқтисодиётнинг ҳарбийлашиш даражасида жуда катта тафовутлар борлигини кўрсатмоқда. Ҳарбий ҳаражатлар кам бўлганда иқтисодиёт тез ривожланганлигини кўрсатувчи мисоллар бор. Биринчи навбатда бу Японияга таалуқлидир. Милитаризация жуда катта сиёсий ва иқтисодий зарар етказмоқда. Жамиятнинг илмий-техникавий тараққиётига қурол-яроғларни кўпайтириш йўли билан эмас, балки кескин қисқартириш йўли билан эришиш мумкин.

Иқтисодиётни ҳарбийлаштиришни тўхтамасдан ва тинч ҳамкорлик қилмасдан туриб пировардида бошқа жаҳоншумул муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Қуролсизлантиришдан бўшаган маблағларнинг бир қисмини ривожланаётган мамлакатлар ва жаҳоншумул муаммоларни ҳал этишга эришишнинг махсус механизми қуролсизлантириши билан ривожланиши ўртасида зарур алоқани таъминлайди, давлатларнинг бу алоқани ўз сиёсатида рўёбга чиқаришига, халқаро ишларда бир-бирини тушуниш, ошкоралик ва олдиндан айтиш вазиятини амалий ишлари билан вужудга келтиришга қатъий аҳд қилганлигини намоён этиади, бу билан халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлайди.

Конверсия (лотинча — ўзгариш сўзидан) молиявий моддий ва одам ресурсларнинг фуқаро ва ҳарбий соҳалар ўртасида тақсимлаши нисбатининг ўзгаришини, қуролсизланиш жараёнида ҳарбий ишлаб чиқаришни ва бошқа хил ҳарбий фаолиятни тинч изга ўтказишини билдиради. Қуролсизланиш пойгасининг салбий социал-

иқтисодий оқибатларини тугатиш механизми сифатида конверсия ҳатто ресурсларни ҳарбий мақсадлардан тинч мақсадларга ўтказиш у қадар осон вазифа эмаслигини ҳисобга олган ҳолда ҳам йирик иқтисодий ютуқларни таъминлаши мумкин. Ҳозирги замон ҳарбий ишлаб чиқариши ихтисослаштирилган хусусиятга эга, шу боисдан унинг фуқаролар учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказилиши муайян чиқимлар, вақт ишлаб чиқаришни қайта қуриш, кадрларни қайта тайёрлаш бўйича кенг кўламда ташкилий ва техникавий ишларни бажариш талаб қилинади.

Ҳарбий иқтисодиётни фуқаро изига кўчириш ниҳоятда зарурлиги, тегишли тадбирларни амалга ошириши мумкинлиги, уларга монелик қилувчи иқтисодий ва техникавий тўсиқларнинг йўқлиги мазкур қийинчиликларни бартараф этиш имконини беради.

Конверсия минтақаларини ишлаб чиқиш, миллий тадбирларни мувофиқлаштиришга, ҳамда ресурсларни ҳарбий мақсадлардан фуқаро мақсадларига ўтказиш юзасидан шошилиш ва муҳим дастурларни рўёбга чиқаришга халқаро ҳамжамиятнинг сезиларли ҳисса қўшишига эришишга, мўлжалланган халқаро ҳамкорликнинг янги соҳасини ривожлантиришни тақозо этади.

4. Жаҳоншумул муаммоларнинг «Инсон — жамият — табиат» тизимидаги ўрни

Жамият, инсон ва табиат ўзаро муносабатларининг «туташган» жойида муаммоларнинг мураккаб мажмуи вужудга келади.

Жаҳоншумул муаммолар ижтимоий такрор ишлаб чиқариш тузилиши ва механизмга жиндий таъсир ўтказсада, унинг сифат жиҳатдан янги экологик-иқтисодий қиёфасини шакллантиради, нафақат иш кунини, балки умуман инсониятни такрор яратишнинг биологик ва социал жиҳатларига таъсир этади. Ҳозирги дунёда жуда кенг ёйилган қашшоқлик очлик, касаллик, ишсизлик ва саводсизликни тугатиш ана шундай муаммолардан биридир. Ҳозирги вақтда ер юзиде очлар инсоният тарихида қачонлардир бўлгандан кўра кўпроқдир. Қулбалар ва вайроналарда яшовчи кишилар сони камаймаётир. Озод бўлган мамлакатларнинг социал-иқтисодий жиҳатлардан қолақлигини бартараф этишни демографик жараёнлар мураккаблаштириб юбормоқда. Мавжуд ресурслар билан аҳоли сони ўртасидаги номувофиқлик ўсиб бормоқда. Ҳозирги вақтда 5,1 миллиард кишидан иборат одамзот кейинги асрда мавжуд баҳолашларга кўра 8—14 миллиард кишига етади, бунда ўсишнинг 90% дан кўпроги ўта қашшоқ мамлакатларга тўғри келади.

Ҳозирдаёқ ортқича аҳоли яшаётган шаҳарларда аҳоли тўпланиши янада кучайди. Демографик жараёнлар уй-жой қурилиши ва медицина хизмати, озиқ-овқат ва энергия билан таъминлаш учун

ресурсларга эҳтиёжларнинг ғоят ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Ҳозиргача аҳолининг ўсиши ресурсларнинг кўпайиш суръатларидан олдинда бормоқда. Собиқ мустамлакаларнинг халқлари табиики, бундай аҳволга рози бўла олмади. Лекин улар жаҳон ҳамжамиятининг ёрдамсиз ўз кучлари билан мавжуд аҳволдан қутула олмадилар.

Мазкур муаммо умумжаҳон муаммоси тусини олмақда. Социал-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда бир-бири билан боғлиқ тадбирлар тизими ривожланаётган мамлакатларнинг социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда уларга реал ёрдам берилишини кафолатлайдиган янги жаҳон иқтисодий тартиби заруриятини тўғдирмоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан қолоқлиги ва камбағаллиги мустамлакачиликнинг ҳозирги вақтда эса янги мустамлакачиликнинг оқибатидир.

Жаҳонда вазият тобора мураккаблашиб ва кескинлашиб бормоқда. Шу сабабли, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари биринчи ўринга қўйилмоқда. Инсон фаолиятининг, аynиқса моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятнинг табиий муҳитга салбий таъсир хавфи тус олди. Бу фақат миллий доираларда экологик механизмнинг бузилишигина эмас, балки сув ва ҳавони ифлослантиришнинг шу миллий доиралар ташқарисига ҳам олиб чиқилишидир. Умумжаҳон миқёсидаги табиий шароитнинг ёмонлашувидир. Инсониятда битта бўлинмас ҳаво муҳити ҳамма учун ягона «мўъжаз сайёра» — ўрмон кенглик бўлиб, уларнинг қайси қитъада жойлашганлигининг аҳамияти йўқ. Бизда жаҳон океани ҳам, кинот ҳам битта у ёки бу мамлакатда экологик мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлган муаммонинг намоён бўлиши қанчалик хилма-хил бўлмасин, у умумий хусусиятга эгадир, бутун ер юзининг биосфераси, атмосфераси, гидросфераси ва литосферасига таалуқлидир. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро-концепция ва ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, турлитуман илмий техникавий, ишлаб чиқариш ва бошқа вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ. Булар орасида экологик ҳимоя иқтисодий жиҳатдан биринчи ўринга қўйилмоқда.

Ҳаво ва сув ҳавзаларининг тозалик ўлчовларини амалга ошириш учун, шунингдек, инсон турмушининг бошқа экологик шароитларини таъминлаш учун зарур бўлган тадбирлар кўламининг кенлиги барча турдаги тозалаш иншоотлари қурилишига ҳозирги замон технологик жараёнларининг ва умуман табиати муҳофаза қилиш фаолиятининг хавфсизлигини таъминлашга катта маблағ ажратишни талаб қилади. XX аср охирида бораётган ҳозирги даврда жамият яшаш муҳитини сақлаш, унга етказилган зарарни тугатиш, ҳозирги ва бўлағуси авлодлар ҳаётининг зарур сифатини таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ишларини маблағ билан

таъминлашнинг қолдиқ принципига асосланиши мумкин эмас. Ҳар бир мамлакатнинг тенглиги илмий тадқиқотлар ва халқаро шартномалар негнзида умумжаҳон экологик муаммосини ҳал этилишига қўшпажак миллий ҳисса сифатида «экологик бюджетни» ишлаб чиқиши ва бажариши ғоят қатъий зарурат бўлиб кун тартибда турибди. Инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг зиддиятли хусусияти шунда намоён бўладики, табиат, ресурслар иқтисодий ва демографик ўсиш учун имконият яратибгина қолмасдан, балки шундай ўсиши чегарасини ҳам белгилаб беради.

Инсоният олдида шунингдек, янги технологик маданиятни шакллантириш вазифаси турибди. У ўз моҳиятига кўра, экологик маданиятга айланмоғи лозим. Бу ерда чиқитсиз технология устун технология бўлиб майдонга чиқмоқда. Булар ёрдамида ишлаб чиқариш билан табиат ўртасидаги антогонизмни юмшатиш, кейинчалик эса тўғатиш, иқтисодий ўсишини экологик чекланишлардан олиб ташлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мумкин. Чиқиндилар ишлаб чиқаришнинг муқаррар оқибати эмас улар ишлаб чиқаришнинг такомиллашмаганлиги натижаси, холос. Бундай технологияларни жорий этиш дастлабки босқичда жамиятдан қўшимча сарф-ҳаражатлар талаб қилади, булар фақат кейинчалик қопланади. Лекин улар ғоят зарурдир. Ҳозирги вақтда илмий асосланган экологик сарф-ҳаражатлар ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришнинг тузилиши ва ўсишига чуқур таъсир этиш амалидан, унинг кенг қамровли социал шаронтидан бошқа нарса деб қараш мумкин эмас.

Инсоният цивилизациясининг янада ривожланиши ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиши энергия ва хом ашё муаммоси жиҳатдан мутлоқ чекланганлиги учун эмас, балки уларни ўзлаштиришнинг техникавий ва иқтисодий шароитида юз бераётган ўзгаришлар сабабли кескинлашади. Бу жаҳоншумул муаммонинг иқтисодий жиҳатлари кейинги ўн йилликларда тўлдириб бўлмайдиган фойдали қазилма бойликларнинг, айниқса анъанавий энергия ресурсларининг кенг миқёсда ўсишидан, сайёрамиз ҳудудларида табиий ресурсларнинг ғоят нотекис жойлашганлигидангина иборат эмас. Жаҳон бозорида нарх-наволарнинг, айниқса, нефть баҳосининг кейинги йилларда ғоят тебраниб турганлиги ишлаб чиқариш зоналари билан истеъмол зоналарининг номувофиқлигида эмас, балки монополистик нарх белгилаш нуқсонларини, ривожланаётган мамлакатларнинг ўз нефть бойликларининг ривожланган мамлакатлар томонидан таланишига кўрсатаётган қаршилигида акс этади.

Фан — техника революцияси денгиз кенгликларининг улкан ресурслари кучидан фойдаланиши учун кенг имкониятлар очиб

беради. Бироқ кўпгина мамлакатлар энг аввало ривожланаётган мамлакатлар учун денгизларда сақланаётган фойдали қазилмалар, энергия, хом ашё ва биологик ресурсларидан баҳраманд бўлиш йўли, аслида, бу ерда фойдаланадиган техника ва технологиянинг катта капитал талаби туфайли ёпиқ бўлиб чиқади. Шунинг учун жаҳон океани ресурсларини ўзлаштириш вазифалари кўп маблағ сарфлашни талаб этади.

Коинотнинг ўзлаштирила бошланиши, бир томондан, инсоннинг шу соҳадаги фаолияти истиқболлари кенглигини кўрсатади. Космос ҳарбий рақобат майдонига эмас, балки бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлидаги ҳамкорлик майдонига айланмоғи лозим.

Жаҳоншумул муаммолар — тарқоқ ҳодисалар ва жараёнлар эмас. Биз уларни бир-бири билан боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Шунинг учун дунёнинг яхлитлигига унинг муаммолари бир-бири билан чирмашиб кетганлигига, бутун сайёрамиз миқёсида ҳамкорлик зарурлигига асосланувчи мутлақо янги концептуал ёндашувлар ва амалий тадбирлар зарур. Инсон юқоридаги жаҳоншумул муаммоларни ҳал эта олади. Бунинг учун етарли илмий-техникавий ва моддий имкониятларга эга. Фақатгина бу йўлда барча давлатларнинг ҳамкорлиги зарур.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
1 бўлим. ИҚТИСОДИЕТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1-6 о б. ИҚТИСОДИЕТ НАЗАРИЯСИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲЛИЛ УСЛУБЛАРИ	4
1. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши	4
2. Иқтисодиёт назарияси мавзуси ва унинг вазифалари	9
3. Иқтисодиёт назариясида қўлланиладиган тадқиқот услублари	12
4. Иқтисодий қонунлар ва категориялар	14
2-6 о б. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ	17
1. Иқтисодий ривожланиш, унинг шарт-шароитлари ва зиддиятлари	17
2. Ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари	20
3. Ижтимоий ишлаб чиқариш, унинг тузилиши	23
4. Иқтисодий кўрсаткичлар	27
5. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажминини ўлчаш	31
3-6 о б. ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ ВА МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАРИ	36
1. Иқтисодий тизим турлари	36
2. Иқтисодий муносабатлар тизимида мулкчиликнинг ўрни	40
3. Мулкчиликнинг шакллари, уларнинг ўзаро ҳаракати ва зиддиятлари	42
4. Турли мулк шакллари шароитида манфаатлар тизими	47
4-6 о б. ТОВАР — ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЮЗАГА ҚЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ	48
1. Товар ишлаб чиқариш. Товар ва унинг хоссалари	48
2. Пулнинг вужудга келиши, моҳияти ва вазифалари	53
3. Қиймат қонуни	56
4. Пул муомаласи қонуни. Пул қадри	60
5-6 о б. БОЗОР ИҚТИСОДИЕТИ МОҲИАТИ ВА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ	62
1. Бозор тушунчаси, унинг моҳияти ва ҳаракат қилиш шартлари	62
2. Бозорнинг асосий вазифалари ва турлари	65

3. Бозор иқтисодиётини ташкил этиш муаммолари	69
4. Фойда ва ишлаб чиқариш ҳаражатлари	71
5. Бозор тизими шароитида ишлаб чиқаришни ташкил этиш	72
6. Бозор тизимига баҳо	77
6-б о б. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ МУВОФИҚЛИГИ НАЗАРИЯСИ	78
1. Талаб тушунчаси ва талаб қонуни	78
2. Таклиф тушунчаси ва таклиф қонуни	82
3. Бозор мувозанатини юзага келиши ва унинг иқтисодиётга таъсири	84
7-б о б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ НАЗАРИЯСИ	88
1. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларнинг зарурлиги ва унинг асосий шарт-шароитлари	88
2. Демократия — бозор иқтисодиётининг шаклланиш асосидир	93
3. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг асосий тамойиллари	96
4. Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якунлари	101
5. Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устивор йўналишлари	108
II бўлим. МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ	
1-б о б. БОЗОРНИ БОШҚАРИШ ВА ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАЛАРИ	111
1. Бозор ва давлат	111
2. Макроиқтисодий мувозанат ва уни таъминлаш	116
3. Иқтисодиётда давлатнинг ўрни хусусидаги концепциялар	119
4. Давлатнинг иқтисодий вазифалари	122
2-б о б. ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ДАВРИЙЛИГИ ИНФЛЯЦИЯ ВА ИШСIZЛИК	127
1. Такрор ишлаб чиқариш ва унинг турлари	127
2. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг даврийлиги	129
3. Ишсизлик ва унга қарши чоралар	134
3-б о б. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЁТ	140
1. Иқтисодий ўсишнинг моҳияти	140
2. Иқтисодий ўсиш турлари	143
3. Иқтисодий ўсиш моделлари	145
4. Миллий бойлик	149
4-б о б. ПУЛ-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ ВА БАНКЛАР	151
1. Пул бозори	151
2. Кредит тизими	152
3. Банк операциялари	157
4. Пул-кредит сиёсати	160
	299

5-б о б. МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ВА УНИ ИҚТИСОДИЁТ УЧУН АҲАМИЯТИ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ	163
1. Молия муносабатларининг мазмуни ва субъектлари	163
2. Давлат бюджети	166
3. Бюджет камчилиги. Бюджетни тартибга солиш концепциялари	169
4. Молия бозори	170
6-б о б. ДАВЛАТНИНГ СОЛИҚ ТИЗИМИ. СОЛИҚ СИЕСАТИ	173
1. Солиқ ва солиқлар тизимининг моҳияти	173
2. Солиқ ставкаларини турлари, солиқларнинг гуруҳлари ва солиқ декларацияси	177
3. Давлатнинг солиқ сиёсати	180
III бўлим. МИКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ	
1-б о б. ТАДБИРКОРЛИҚ ВА ҚОРҲОНАНИНГ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИДАГИ УРНИ	183
1. Қорхона бозор муносабатларининг субъекти ва объекти сифатида	183
2. Қорхона иқтисодий фаолиятини ташкил этиш асослари	185
3. Тадбиркорликнинг ташкилий шакллари	190
4. Қорхона фондлари ва уларнинг ҳаракати	192
2-б о б. ҚОРҲОНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАРАЖАТЛАРИ ВА ФОЙДАСИ	197
1. Ишлаб чиқариш ҳаражатларининг моҳияти	197
2. Ҳаражатлар классификацияси	198
3. Баҳо қорхона фойдаси	203
3-б о б. МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ АСОСЛАРИ	206
1. Менежмент назарияси ва амалиётнинг ривожланиши	206
2. Менежмент моҳияти	209
3. Маркетингнинг моҳияти, уни ташкил этиш шартлари ва вазифалари	212
4. Бозорни ўрганish ва унга мослашиш	215
4-б о б. РАҚОБАТ ВА МОНОПОЛИЯ	222
1. Рақобатнинг моҳияти	222
2. Монополиянинг моҳияти	225
3. Мукамал ва мукамал бўлмаган рақобат	228
4. Монополияга қарши қонунчилик	232
5-б о б. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА АГРАР МУНОСАБАТЛАР ВА ЕР РЕНТАСИ	234
1. Агросаноат комплексининг ташкил топиши ва тузилиши	234
2. Агросаноат комплексида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари	236
3. Агросаноат комплекси тармоқларида ўзаро ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши	239

4. Агросаноат комплексига хўжалик юритиш шакллари	240
5. Ер ренти ва унинг турлари	242
6-б 6. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ, ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ	247
1. Аҳоли даромадлари ва яшаш даражаси	247
2. Иш ҳақи моҳияти. Иш ҳақи даражаси ва унга таъсир этувчи омиллар	250
3. Иш ҳақини тўлаш шакллари ва турлари	254
4. Ижтимоий истеъмол фонди	258
IV бўлим. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ	
1-б 6. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ Йўналишлари	261
1. Жаҳон хўжалиги тушунчаси ва унинг тараққиёт йўналишлари	261
2. Жаҳон инфраструктурасининг шаклланиши	263
3. Жаҳон хўжалиги тизимида иқтисодий муносабатларнинг кўринишлари	264
4. Жаҳон хўжалик интеграцияси ва ўзаро боғлиқликнинг ўсиши	268
5. Ўзбекистоннинг халқаро бозорга қўшилиб бориш муаммолари	271
2-б 6. ХАЛҚАРО САВДО ВА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ	276
1. Халқаро савдо ва унинг иқтисодийдаги роли	276
2. Халқаро савдода божхона сиёсати ва эркин савдо	280
3. Валюта муносабатлари ва жаҳон валюта тизими. Валюта курси	282
4. Валюта сиёсати, унинг моҳияти	287
3-б 6. ДУНЁ МИҚЕСИДАГИ ЖАҲОНШУМУЛ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ Йўналишлари	288
1. Жаҳоншумул муаммоларнинг иқтисодий жиҳатлари	288
2. Жаҳоншумул муаммоларнинг моҳияти ва халқаро ҳамкорлик	289
3. Кулолчиланиш — жаҳоншумул муаммоларни ҳал этиш калитидир	292
4. Жаҳоншумул муаммоларнинг «Инсон — жамият — табиат» тизимидаги ўрни	294

Қодиров А. Қ., Турсунов А. М., Турғунов У.

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ

На узбекском языке

Муҳаррир: М. Ҳасанова
Техмуҳаррир Р. Ҳузирахмедова
Мусаҳҳиҳ А. Проклова

Теришга берилди 14.02.97. Босилга руҳсат этилди 14.08.97. Формат 60×84¹/₁₆. Газета қоғози. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма 19,0. Ҳисоб нашриёт 17,67. Буюртма 576. Нусха 5000. Келишилган нарҳда.

1996 йил Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника Университети нашриёт режасига киритилган.

ЎзР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170, Тошкент, акад. Х. Абдуллаев шоҳ кўчаси, 79.

ОСОБЫЕ ОТМЕТКИ

;

ОСОБЫЕ ОТМЕТКИ